

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS  
TA‘LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**1.2022**

**научно-теоретический методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2022**

Bosh muharrir filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent **Ro'zimboy YO'LDOSHEV**

**TAHRIR HAY'ATI:**

**ABDULLAYEV Bahrom**, fizika-matematika fanlari doktori (UrDU),  
**ABDULLAYEV Ikrom**, biologiya fanlari doktori, professor (Xorazm Ma'mun akademiyasi),  
**ABDULLAYEV Ilyos**, iqtisod fanlari doktori, professor (UrDU),  
**ABDULLAYEV Ravshanbek**, tibbiyot fanlari doktori, professor (TATU UF),  
**ABDULLAYEV O'tkir**, tarix fanlari doktori (UrDU),  
**ALEUOV Userbay**, pedagogika fanlari doktori, professor (Nukus davlat Pedagogika instituti),  
**BERDIMUROTOVA Alima**, falsafa fanlari doktori, professor (QDU),  
**DAVLETOV Sanjarbek**, tarix fanlari doktori (UrDU),  
**DO'SCHONOV Tangribergan**, iqtisod fanlari doktori, professor (UrDU),  
**HAJIYEVA Maqsuda**, falsafa fanlari doktori, professor (UrDU),  
**IBRAGIMOV Zafar**, fizika-matematika fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent (PhD, UrDU),  
**IBRAGIMOV Zair**, fizika-matematika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD, AQSH),  
**IMOMQULOV Sevdiyor**, fizika-matematika fanlari doktori (UrDU),  
**JUMANIYAZOV Maqsud**, texnika fanlari doktori, professor (UrDU),  
**JUMANIYOZOV Otaboy**, filologiya fanlari nomzodi, professor (UrDU),  
**KALANDAROV Aybek**, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD, mas'ul kotib, UrDU),  
**KAVALYAUSKAS Vidas**, gumanitar fanlar doktori, professor (Litva universiteti),  
**NAVRUZOV Qurolboy**, fizika-matematika fanlari doktori, professor (UrDU),  
**OLLAMOV Yarash**, yuridik fanlari nomzodi, dotsent (O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Xorazm viloyatidagi Xalq qabulxonasi bosh mutaxassisi),  
**OTAMURODOV Sa'dulla**, falsafa fanlari doktori, professor (Toshkent, Kimyo-texnologiya instituti),  
**PRIMOV Azamat**, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent (UrDU),  
**QUTLIYEV Uchqun**, fizika-matematika fanlari doktori, professor (UrDU),  
**RO'ZIYEV Erkinboy**, pedagogika fanlari doktori, professor (UrDU),  
**SADULLAYEV Azimboy**, fizika-matematika fanlari doktori, akademik (O'zMU),  
**SADULLAYEVA Nilufar Azimovna**, filologiya fanlari doktori (O'zMU),  
**SAGDULLAYEV Anatoliy**, tarix fanlari doktori, akademik (O'zMU),  
**SALAYEV San'atbek**, iqtisod fanlari doktori, professor (Xorazm viloyati hokimligi),  
**SALAYEVA Muxabbat Soburovna**, pedagogika fanlari doktori (UrDU),  
**SATIPOV G'oiptazar**, qishloq xo'jalik fanlari doktori, professor (UrDU),  
**XODJANIYOZOV Sardor**, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o'rinbosari, UrDU),  
**YOQUBOV Jamoliddin**, filologiya fanlari doktori, professor (O'zDJTU),  
**O'ROZBOYEV Abdulla**, filologiya fanlari doktori (UrDU),  
**O'ROZBOYEV G'ayrat**, fizika-matematika fanlari doktori (UrDU),  
**G'AYIPOV Dilshod**, filologiya fanlari doktori, dotsent (UrDU).

**JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN•JURNAL  
OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI•2022 1(175)**

**MUASSIS:** Urganch davlat universiteti. Jurnal O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida 2020-yil 11-noyabrda ro'yxatdan o'tgan•**GUVOHNOMA № 1131.**

Игамқулова Зилола Муродовна (Жиззах Давлат Педагогика институти; igamqulovazilola8@gmail.com)  
АВТОНОМ ҚУЁШ СТАНЦИЯСИ УЧУН ПАНЕЛЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ  
ҲИСОБЛАШ

**Аннотация.** Биз ушбу мақолада алоҳида олинган автоном қуёш электр станцияси учун фотопанелларнинг оптимал бурчаги назарий жиҳатдан аниқланган. Берилган автоном электр станцияси учун қуёш панелларининг оптимал бурчаги 24,2 даража эканлиги аниқланган. Қуёш электр станциясининг панелларига тушадиган нурланиш энергиясининг максимал қиймати шу панель ва Қуёш орасидаги бурилиш бурчагига боғлиқлиги кўрсатилган.

**Аннотация.** В данной работе мы проводили расчеты для определения угла наклона фотоэлектрических панелей для одной автономной солнечной установки. Согласно проведенным расчетам, оптимальный угол наклона солнечных панелей для данного автономного электрической станции составляет 24.2 градуса.

**Annotation.** In this work, we performed calculations to determine the angle of inclination of photovoltaic panels for one autonomous solar installation. According to the calculations, the optimal angle of inclination of solar panels for this autonomous power plant is 24.2 degrees.

**Калим сўзлар:** бурилиш бурчаги, фотоволтаик модулар, ҳисоблаш, автоном қуёш электр станцияси, нурланиш.

**Ключевые слова:** угол наклона, фотоэлектрические модули, расчет, автономная солнечная электростанция, излучение.

**Key words:** tilt angle, photovoltaic modules, calculation, autonomous solar power plant, radiation.

**Қириш.** Бизга маълумки, Қуёш панелига тушадиган энергия оқимининг зичлиги ушбу модуль ва Қуёш орасидаги бурилиш бурчагига боғлиқ. Панель юзаси ва қуёш радиацияси бир-бирига перпендикуляр бўлганда, радиация оқимининг зичлиги максимал бўлади. Нишаб бурчаги ўзгарганда эса нурланиш оқимининг зичлиги пасаяди. Бошқача қилиб айтганда, бурилиш бурчаги модуль юзасига тушган радиацияга сезиларли таъсир кўрсатади. Агар бурилиш бурчаги панель жойлашувининг кенглигига тенг бўлса, нурланиш оқими ўзининг мумкин бўлган энг максимал қийматига эришади. Биз ушбу мақолада алоҳида олинган автоном Қуёш электр станцияси учун фотопанелларнинг оптимал бурчаги назарий жиҳатдан аниқланган. Берилган автоном электр станцияси учун Қуёш панелларининг оптимал бурчаги 24,2 даража эканлиги аниқланган.

**1. Қуёш панеллари.** Қайта тикланувчи энергия манбаларидан доимо энг жозибадори ва истиқболлиси фотоволтаика, яъни қуёш энергиясини бевосита электр энергиясига айлантириш ҳисобланади. Қуёш бир неча юз йиллар мобайнида инсонларнинг энергияга бўлган ўсиб боровчи талабларни қондиради. Бир соатда ерга келаётган қуёш энергиясининг миқдори инсоният бир йилда истъомол қилаётган энергия миқдоридан ортиқ. Кейинги ўн йилликларда қуёш энергетикасининг ўсиш суръати йилига ўртача 25%дан кам бўлмаёпти. Башаротларга кўра, ХХI асрда қуёш энергетикасининг ривожланиши барча муқобил манбалар ичида етакчи бўлади. Баҳолашларга кўра, 2050 йилда Қуёш энергияси дунёда ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 20–25%ни ташкил қилиши ва ХХI асрнинг охирига келиб эса қуёш энергетикаси асосий энергия манбаига айланиб, унинг улуши 60% га етиши мумкин.

Бутун дунёда энергетик инкироз кечаётган бир пайтда, қайта тикланадиган энергия манбаси яна-да оммабоп бўлиб бормоқда. Ўзбекистон учун инкирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлларида бири сифатида электроэнергетика тизимини модернизатсия қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ҳамда энергияни тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш лозимлигини, мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурслардан қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқ. Ўзбекистонда қуёш энергиясидан фойдаланиш долзарб муаммо ҳисобланади. Ундан ташқари, қайта тикланадиган энергия манбалари, чекка, тоғли ва мавжуд энергия манбаларидан узоқ бориш қийин бўлган туманлар учун ягона иқтисодий, осон эришиш мумкин бўлган энергия манбаларидан бири ҳисобланади.


Панелларнинг асосини қаттиқ ёки эгиловчан сиртга ўрнатилган фотоэлементларнинг умумий сони ташкил этади. Панелнинг ҳар бир фотоэлементи иккита мис ўтказгичли чизиқли сили-

конли пластинадан иборат. Уларнинг туташиб жойида эса бор ва фосфордан ташкил топган плиталар жойлашган. Куёш нурлари ёки фотонлари таъсири натижасида фотоэлемент сиртида электронларнинг ортқича ва кам соҳалари (“тешиклари” деб аталадиган) юзага келади. Плиталар туташган чегарада яримўтказгичли ўтказувчанликка асосланган ток ҳосил бўлиши натижасида электр энергияси ишлаб чиқариш содир бўлади.



1-расм. Монокристал панелнинг кўриниши.  
2-расм. Куёш панени.

Куёш панелларининг ишлаш самарадорлиги кўп жиҳатдан уни ташкил этган фотоэлементнинг тузилиши ва кремнийнинг физикавий ҳолатига боғлиқдир. Сўнгги ўн йилликларда олимлар бу параметрларнинг хоссаларини ўрганиш ва натижада максимал энергия олишга қаратилган илмий ишлар олиб бормоқдалар. Яримўтказгичли материал сифатида нафақат кремний, балки бошқа кўпгина материаллар ишлатилади. Охириги пайтда монокристалли куёш панелларини учун тоза силикон элементи кенг қўлланилмоқда. Бундай куёш панелларининг самарадорлик даражаси 20% ни ташкил этади. Бу бошқа Куёш панелларига нисбатан яхши кўрсаткич ҳисобланади. Пастда энг оддий силиконли куёш панелининг тузилиши кўрсатилган. Куёш панелларини ўрнатиш жараёнида зарядловчи қурилма ва куёш нурлари тушадиган бурчаклар ҳисобга олиниши зарур.<sup>1</sup> Фотоэлементнинг нурланиш қобилиятини аниқлаш учун, Куёш панелларига тушаётган ойлик ўртача куёш миқдорини кунлар сонига бўлиш керак бўлади.



3-расм. Куёш нурларининг панель сиртига перпендикуляр ҳолатда тушиши

**2. Натижалар ва уларни муҳокама қилиш.** Агар модуль куёшга қараган бўлса, нурлар унинг юзасига перпендикуляр тушса, унинг бурчаги Куёшнинг қутб бурчагига тенг бўлади (3-расм).

$$\beta = 90 - \alpha, \quad (1)$$

бу ерда  $\alpha$  – баландлик бурчаги,  $\beta$  – Куёшнинг баландлигининг горизонтал ҳолатидан бошлаб ўлчанади. Кундузи (22 март ва 22 сентябрь) оптимал бурчак нолга яқин, ёзнинг шимолий ярим шарида мусбат, қишда эса манфий қийматларга эга бўлади. 22 июнь куни энг максимал даражага - 23,45 га, 22 декабрда минимал даражага - 23,45 га эга бўлади.

<sup>1</sup> Taylanov N.A. Calculation of the energy parameters of an autonomous solar power plant in the Arnasai region. Uzbek Physical Journal, Volume 20, № 1, 2018, p. 5.


Жадвал 1. Ойлик бўйича бурилиш бурчаги

Ой	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Даража	-21.1	-13.6	-2.9	8.91	19.1	24.2	20.2	14.4	2.3	-8.6	-20.1	-24.0


Бурилишни формула (2), даража ёрдамида ҳисоблаш мумкин

$$\Delta = 23.45^\circ \cdot \sin\left(\frac{360}{365}(\delta - 81)\right) \quad (2)$$

Бу ерда  $\delta$  – бу йил куни, -1 январь учун, 2 январь учун ва бошқалар.



4-расм. Ойлик бўйича бурилиш бурчаги.



5-расм. Ойлик бўйича бурилиш бурчаги.

Олинган натижаларга кўра, Қуёш электростанциясидан максимал энергия олиш учун қуёш панелларининг энг оптимал бурчаги 24,2 даражани ташкил қилар экан.

**Хулоса.** Шундай қилиб, Қуёш электростанциясининг панелларига тушадиган нурланиш энергиясининг максимал қиймати шу панель ва Қуёш орасидаги бурилиш бурчагига боғлиқ. Панель юзаси ва қуёш нурланиши оқими бир-бирига перпендикуляр бўлганда, нурланиш оқимининг зичлиги максимал бўлади. Нишаб бурчаги ўзгариб бориши билан нурланиш оқимининг зичлиги пасайиб боради. Агар бурилиш бурчаги модуль жойлашувининг кенглигига тенг бўлса, яъни нурланиш оқими мумкин бўлган максимал қийматга эга. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бурилиш бурчаги ва модуль юзасига тушган нурланиш оқими зичлиги қуёш энергиясининг самарадорлиги белгилаб берадиги муҳим физикавий жараёнлар бўлиб хизмат қилар экан.

**Аннотация.** Ушбу мақолада биз log-алгебраларни умумлаштириб киритамиз, улар логарифм билан интегралланадиган F-фазолар бўлади. Охирги теоремада шу F-фазолар изометрик бўлишининг зарур ва етарли шартли исботланган.

**Аннотация.** В настоящей статье вводится обобщенное понятие log-алгебр, которое является F-пространствами функций интегрируемых с логарифмом. В последней теореме доказано необходимое и достаточное условие изометричности этих F-пространств.

**Annotation.** In this article, we introduce a generalized concept of log-algebras, which are F-spaces of functions integrable with a logarithm. In the last theorem, a necessary and sufficient condition for the isometricity of these F-spaces is proved.

**Калим сўзлар:** log-алгебра, F-фаза, қатъий мусбат чекли ўлчовлар, изометрия.

**Ключевые слова:** log-алгебры, F-пространства, строгоположительные конечные меры, изометрии.

**Keywords:** log-algebras, F-spaces, strictly positive finite measures, isometries.

Одним из важных классов Банаховых функциональных пространств являются пространства  $L_p(\Omega, A, \mu)$ ,  $1 \leq p < \infty$  всех функций, заданных на измеримом пространстве  $(\Omega, A, \mu)$  интегрируемых с  $p$ -той степенью относительно конечной меры  $\mu$  (функции совпадающие почти всюду отождествляются). Изучение изометрий  $L_p$  пространства начато Банахом, который описал все изометрии пространств  $L_p[0,1]$ ,  $p \neq 2$ .

Последние результаты в этом направлении были получены Йедоном [1], который полностью описал все изометрии  $L_p$  – пространств построенных по различным мерам.

В настоящей статье рассматриваются пространства комплекснозначных функций, интегрируемых с логарифмом  $L_{\log}(\Omega, A, \mu)$  и их изометрии. Эти пространства рассматривались в работах [2], [3], [4].

Интерес к этим пространствам вызван тем, что они близки к классу функций.

Неванлинна  $N$  голоморфных в круге и интегрируемых с логарифмом на границе круга [5], т.е. удовлетворяющих условию

$$L(f) := \sup_{r < 1} \frac{1}{2\pi} \int \log(1 + |f(re^{i\theta})|) d\theta < \infty \quad .$$

Так как логарифм от голоморфной функции будет субгармонической функцией, то можно сказать, что класс Неванлинна устанавливает связь между голоморфными функциями и теорией потенциалов. Известно [5], что существует инъективный гомоморфизм  $\Phi$  из  $N$  в  $L_p(T, m)$ , где  $m$  мера Хаара на единичном круге. Функция  $\|f\|_N = \|\Phi(f)\|_{\log}$  является  $F$  – нормой на  $N$ .

**Определение 1.** [6] Булева алгебра называется *полной*, если всякое множество ее элементов имеет верхнюю и нижнюю грани.

Обозначим через  $\nabla = \nabla_\mu$  полную Булеву алгебру всех классов эквивалентности  $[A]$ , где  $A$  – класс  $\mu$  – почти всюду равных множеств из  $\sigma$  – алгебры  $A$ . Пусть  $L_0(\nabla_\mu) = L_0(\Omega, A, \mu)$  алгебра эквивалентных классов комплекснозначных функции на  $(\Omega, A, \mu)$ .

Следуя [2], рассмотрим в  $L_0(\nabla_\mu)$  подалгебру

$$L_{\log}(\nabla_\mu) = \{f \in L_0(\nabla_\mu) : \int_{\Omega} \log(1 + |f|) d\mu < +\infty\}$$

log-интегрируемых измеримых комплекснозначных функций, и для каждого  $L_{\log}(\nabla_\mu)$  положим  $\|f\|_{\log, \mu} = \int_{\Omega} \log(1 + |f|) d\mu$ .

Из [2 Lemma 2.1] следует, что функция  $\|\cdot\|_{\log, \mu} : L_{\log}(\nabla_{\mu}) \rightarrow [0, \infty)$  является  $F$ -нормой и удовлетворяет следующим условиям.

**Утверждение 1.** (i).  $\|f\|_{\log, \mu} > 0$  для всех  $0 \neq f \in L_{\log}(\nabla_{\mu})$ ;

(ii).  $\|\alpha f\|_{\log, \mu} \leq \|f\|_{\log, \mu}$  для любых  $f \in L_{\log}(\nabla_{\mu})$  и действительных чисел  $\alpha$ ,  $|\alpha| \leq 1$ ;

(iii).  $\lim_{\alpha \rightarrow 0} \|\alpha f\|_{\log, \mu} = 0$  для всех  $f \in L_{\log}(\nabla_{\mu})$ ;

(iv).  $\|f + g\|_{\log, \mu} \leq \|f\|_{\log, \mu} + \|g\|_{\log, \mu}$  для всех  $f, g \in L_{\log}(\nabla_{\mu})$ ;

(v).  $\|f \cdot g\|_{\log, \mu} \leq \|f\|_{\log, \mu} + \|g\|_{\log, \mu}$  для всех  $f, g \in L_{\log}(\nabla_{\mu})$ .

**Определение 2.**  $F$ -нормой на линейном пространстве  $L$  называется положительный функционал  $\|\cdot\| : L \rightarrow \mathbb{R}^+$ , удовлетворяющий следующим условиям

(i).  $\|x\| \geq 0$ ,  $\|x\| = 0 \Leftrightarrow x = 0$ ,  $\forall x \in L$ ;

(ii).  $\|\lambda x\| \leq \|x\|$ ,  $\forall x \in L$ ,  $\lambda \in \mathbb{R}$ ,  $\lambda \leq 1$ ;

(iii).  $\|x + y\| \leq \|x\| + \|y\|$ ,  $\forall x, y \in L$ .

**Определение 3.**  $F$ -пространство это линейное пространство, в котором введена  $F$ -норма, относительно которой это пространство полно.

Из свойств (i), (ii), (iv) и утверждения 1 следует, что функция  $\|\cdot\|_{\log, \mu} : L_{\log}(\nabla_{\mu}) \rightarrow [0, \infty)$  является  $F$ -нормой, а из свойства (v) следует, что  $L_{\log}(\nabla_{\mu})$  замкнуто относительно операции умножения.

Из работы [2] следует.

**Утверждение 2.** Пространство  $L_{\log}(\nabla_{\mu})$  полно относительно  $F$ -нормы  $\|\cdot\|_{\log, \mu}$ .

Пусть  $X$ -произвольная полная булева алгебра,  $e \in X$ ,  $X_e = [0, e] = \{g \in X : g \leq e\}$ . Через  $\tau(X_e)$  обозначим минимальную мощность множества, плотного в  $X_e$  в (о)-топологии.

**Определение 4.** Бесконечная полная булева алгебра  $X$  называется *однородной*, если  $\tau(X_e) = \tau(X_g)$  для любых ненулевых  $e, g \in X$ .

Однородные булевы алгебры были рассмотрены в работе [6].

Обозначим через  $M(\nabla)$  множество всех конечных строго положительных мер на булевой алгебре  $\nabla$ .

**Теорема 1.** [4] Пусть  $\nabla_{\mu}$  однородная булева алгебра и  $\mu, \nu \in M(\nabla)$ . Тогда  $F$ -пространства  $L_{\log}(\nabla_{\mu})$  и  $L_{\log}(\nabla_{\nu})$  изометричны тогда и только тогда, когда  $\mu(\Omega) = \nu(\Omega)$ .

Пусть  $\mu, \nu \in M(\nabla)$ ,  $0 \leq \frac{d\nu}{d\mu} := h$ -производная Радона - Никодима, т.е.

$$\int_{\Omega} f d\nu = \int_{\Omega} h f d\mu, \quad (1)$$

причем носитель  $h$  равен единице.

Ясно, что пространство

$$L_{\log}(\nabla_{\nu}) = \left\{ f \in L_0(\nabla) : \int_{\Omega} \log(1 + |f|) d\nu < +\infty \right\} = \left\{ f \in L_0(\nabla) : \int_{\Omega} h \cdot \log(1 + |f|) d\mu < +\infty \right\} = L_{\log}^{\nu}(\nabla_{\mu})$$

имеет  $F$ -норму

$$\|f\|_{\log, \nu} = \int_{\Omega} \log(1 + |f|) d\nu = \int_{\Omega} h(\log(1 + |f|)) d\mu := \|f\|_{\log, \mu}^{(\nu)}.$$

**Утверждение 3.** Пусть  $\mu(\Omega) = 1$  и имеет место равенство (1). Пространства  $(L_{\log}(\nabla_{\nu}), \|f\|_{\log, \nu})$  и  $(L_{\log}(\nabla_{k\mu}), \|f\|_{\log, k\mu})$  изометричны тогда и только тогда, когда  $\int_{\Omega} h d\mu = k$ .

Это утверждение следует из теоремы 1, т.к.  $\nu(\Omega) = \int_{\Omega} d\nu = \int_{\Omega} h d\mu = k = k\mu(\Omega)$ .

Нам понадобится также следующий аналог пространства  $\log$ -интегрируемых измеримых функций

$$L_{\log}^{(\nu)}(\nabla_{\mu}) = \{f \in L_0(\nabla) : \int_{\Omega} \log(1 + h|f|) d\mu < +\infty\}$$

Это пространство будет  $F$ -пространством относительно  $F$ -нормы  $\|f\|_{\log, \mu}^{(\nu)} = \int_{\Omega} (\log(1 + h|f|)) d\mu$ .

Это следует из следующего

**Утверждение 4.** Функция  $\|f\|_{\log, \mu}^{(\nu)}$  заданная на  $L_{\log}^{(\nu)}(\nabla_{\mu})$  удовлетворяет следующим условиям:

- (i).  $\|f\|_{\log, \mu}^{(\nu)} > 0$  для всех  $0 \neq f \in L_{\log}^{(\nu)}(\nabla_{\mu})$
- (ii).  $\|\alpha f\|_{\log, \mu}^{(\nu)} \leq \|f\|_{\log, \mu}^{(\nu)}$  для любых  $f \in L_{\log}^{(\nu)}(\nabla_{\mu})$  и действительных чисел  $\alpha$ ,  $|\alpha| \leq 1$ ;
- (iii).  $\lim_{\alpha \rightarrow 0} \|\alpha f\|_{\log, \mu}^{(\nu)} = 0$  для всех  $f \in L_{\log}^{(\nu)}(\nabla_{\mu})$ ;
- (iv).  $\|f + g\|_{\log, \mu}^{(\nu)} = \|f\|_{\log, \mu}^{(\nu)} + \|g\|_{\log, \mu}^{(\nu)}$  для всех  $f, g \in L_{\log}^{(\nu)}(\nabla_{\mu})$ .

**Доказательство.**

$$(i). \|f\|_{\log, \mu}^{(\nu)} = 0 \Rightarrow \int_{\Omega} \log(1 + h(x)|f(x)|) d\mu = 0 \Rightarrow \log(1 + h(x)|f(x)|) = 0 \Rightarrow \\ \Rightarrow 1 + h(x)|f(x)| = 1 \Rightarrow h(x)|f(x)| = 0.$$

Поскольку носитель  $h$  равен единице, то из последнего равенства имеем  $f = 0$ .

Если  $f \in L_{\log}^{(\nu)}(\nabla_{\mu})$ , то  $hf \in L_{\log}(\nabla_{\mu})$ . Поэтому используя неравенство (ii) из утверждения 1 получаем

$$(ii). \|\alpha f\|_{\log, \mu}^{(\nu)} = \|\alpha hf\|_{\log, \mu} \leq \|hf\|_{\log, \mu} = \|f\|_{\log, \mu}^{(\nu)}.$$

Используя (iii) из утверждения 1 получаем

$$(iii). \lim_{\alpha \rightarrow 0} \|\alpha f\|_{\log, \mu}^{(\nu)} = \lim_{\alpha \rightarrow 0} \int_{\Omega} \log(1 + \alpha h|f|) d\mu = \lim_{\alpha \rightarrow 0} \|\alpha f\|_{\log, \mu} = 0.$$

$$(iv). \|f + g\|_{\log, \mu}^{(\nu)} = \int_{\Omega} \log(1 + h(x)|f(x) + g(x)|) d\mu \leq \int_{\Omega} (\log(1 + h(x)|f(x)|) + \\ + \log(1 + h(x)|g(x)|)) d\mu = \|f\|_{\log, \mu}^{(\nu)} + \|g\|_{\log, \mu}^{(\nu)}. \quad \square$$

Напомним пространства интегрируемых с  $p$ -той степенью функций

$$L_p(\nabla_{\mu}) = \{f \in L_0(\nabla) : \int_{\Omega} |f|^p d\mu < +\infty\}, \quad \|f\|_{p, \mu} = \left( \int_{\Omega} |f|^p d\mu \right)^{\frac{1}{p}}.$$

$L_p$ -пространства, построенные по строго положительным мерам всегда изометричны. Покажем, как задается эта изометрия. Для этого введем  $L_p(\nabla_{\nu})$  следующим образом



$$L_p(\nabla_\nu) = \{f \in L_0(\nabla) : \int_{\Omega} |f|^p d\nu = \int_{\Omega} h|f|^p d\mu < +\infty\}, \quad \|f\|_{p,\nu} = \left( \int_{\Omega} |f|^p d\nu \right)^{\frac{1}{p}} = \left( \int_{\Omega} h|f|^p d\mu \right)^{\frac{1}{p}}.$$

Для любых  $\mu, \nu \in M(\nabla)$  отображение  $U : L_p(\nabla_\mu) \rightarrow L_p(\nabla_\nu)$ , определяемое равенством  $U(f) = h^{-1}f$ ,  $f \in L_p(\nabla_\mu)$  есть линейная сюръективная изометрия из  $L_p(\nabla_\mu)$  на  $L_p(\nabla_\nu)$ . Аналогично для пространств  $L_{\log}(\nabla_\mu)$  и  $L_{\log}^{(\nu)}(\nabla_\mu)$  имеем.

**Теорема 2.** Для любых эквивалентных конечных мер  $\mu$  и  $\nu$  пространства  $L_{\log}(\nabla_\mu)$  и  $L_{\log}^{(\nu)}(\nabla_\mu)$  изометричны.

Доказательство. Действительно, для мер  $\mu$  и  $\nu$  отображение  $U : L_{\log}(\nabla_\mu) \rightarrow L_{\log}^{(\nu)}(\nabla_\mu)$  определяемое равенством  $U(f) = h^{-1}f$ ,  $f \in L_{\log}(\nabla_\mu)$  есть линейная сюръективная изометрия из  $L_{\log}(\nabla_\mu)$  и  $L_{\log}^{(\nu)}(\nabla_\mu)$ .  $\square$

**Замечание.** Как видно из теоремы 1  $F$ -пространства  $L_{\log}(\nabla_\mu)$  и  $L_{\log}(\nabla_\nu) = L_{\log}^{\nu}(\nabla_\mu)$  вообще говоря, не изометричны.

**Определение 5.** Назовем  $L_{\log}^{\nu}(\nabla_\mu)$  внешними  $\log$ -алгебрами и  $L_{\log}^{(\nu)}(\nabla_\mu)$  внутренними  $\log$ -алгебрами.

Пусть  $\mu, \nu_1, \nu_2 \in M(\nabla)$ ,  $\mu(\Omega) = 1$ . Тогда из (1) следует, что выполнены равенства

$$\int_{\Omega} f d\nu_1 = \int_{\Omega} h_1 f d\mu \quad (2),$$

$$\int_{\Omega} f d\nu_2 = \int_{\Omega} h_2 f d\mu \quad (3).$$

**Определение 6.** Пространства

$$L_{\log}^{\nu_1(\nu_2)}(\nabla_\mu) = \{f \in L_0(\nabla) : \int_{\Omega} h_1 \log(1 + h_2 |f|) d\mu < \infty\},$$

назовем обобщенными  $\log$ -алгебрами.

Ниже будет показано, что функция  $\|f\|_{\log, \mu}^{\nu_1(\nu_2)} = \int_{\Omega} h_1 (\log(1 + h_2 |f|)) d\mu$  является  $F$ -нормой на  $F$ -пространстве  $L_{\log}^{\nu_1(\nu_2)}(\nabla_\mu)$ , которая замкнута относительно операции умножения. В случае  $h_1 = 1$  получаем внутреннее  $\log$ -пространство  $L_{\log}^{(\nu_2)}(\nabla_\mu)$ , а в случае  $h_2 = 1$  получаем внешнюю  $L_{\log}^{\nu_1}(\nabla_\mu)$ .

**Теорема 3.** Функция  $\|f\|_{\log, \mu}^{\nu_1(\nu_2)} = \int_{\Omega} h_1 (\log(1 + h_2 |f|)) d\mu$  является  $F$ -нормой на  $F$ -пространстве  $L_{\log}^{\nu_1(\nu_2)}(\nabla_\mu)$ .

Доказательство. В силу равенств (2) имеем

$$\|f\|_{\log, \mu}^{\nu_1(\nu_2)} = \int_{\Omega} h_1 (\log(1 + h_2 |f|)) d\mu = \int_{\Omega} (\log(1 + h_2 |f|)) d\nu_1 = \|f\|_{\log, \nu_1}^{(\nu_2)}.$$

В силу утверждения 3 функция  $\|f\|_{\log, \mu}^{(\nu_2)}$  является  $F$ -нормой на  $L_{\log}^{(\nu_2)}(\nabla_\mu)$ , следовательно и  $\|f\|_{\log, \nu_1}^{\nu_1(\nu_2)}$  также является  $F$ -нормой на  $L_{\log}^{\nu_1(\nu_2)}(\nabla_\mu)$ .  $\square$

**Теорема 4.**  $F$ -пространства  $L_{\log}^{\nu_1(\nu_2)}(\nabla_\mu)$  и  $L_{\log}^{\nu_3(\nu_4)}(\nabla_\mu)$  изометричны тогда и только тогда, когда  $\nu_1(\Omega) = \nu_3(\Omega)$ .

Доказательство. Пусть  $\nu_1(\Omega) = \nu_3(\Omega)$ . Тогда из определения 6 и равенства (2) следует, что  $F$ -пространства  $(L_{\log}^{\nu_1(\nu_2)}(\nabla_{\mu}), \|f\|_{\log, \mu}^{\nu_1(\nu_2)})$  и  $(L_{\log}^{\nu_2}(\nabla_{\nu_1}), \|f\|_{\log, \nu_1}^{\nu_2})$  совпадают, а тождественное отображение является изометрией этих  $F$ -пространств. Из теоремы 2 следует, что отображение умножения на функцию  $h^{-1}$  является изометрией из  $F$ -пространства  $(L_{\log}^{\nu_2}(\nabla_{\nu_1}), \|f\|_{\log, \nu_1}^{\nu_2})$  на  $F$ -пространство  $(L_{\log}(\nabla_{\nu_1}), \|f\|_{\log, \nu_1})$ . Обозначим эту изометрию  $\alpha_1$ . В силу теоремы 1, из равенства  $\nu_1(\Omega) = k = k\mu(\Omega)$  получаем, что  $F$ -пространство  $(L_{\log}(\nabla_{\nu_1}), \|f\|_{\log, \nu_1})$  изометрично  $F$ -пространству  $(L_{\log}(\nabla_{k\mu}), \|f\|_{\log, k\mu})$ . Обозначим эту изометрию  $\alpha_2$ . В силу теоремы 1, из равенства  $\nu_3(\Omega) = \nu_1(\Omega) = k = k\mu(\Omega)$  получаем, что  $F$ -пространство  $(L_{\log}(\nabla_{k\mu}), \|f\|_{\log, k\mu})$  изометрично  $F$ -пространству  $(L_{\log}(\nabla_{\nu_3}), \|f\|_{\log, \nu_3})$ . Обозначим эту изометрию  $\alpha_3$ . Из теоремы 2 следует, что отображение умножения на функцию  $h$  является изометрией из  $F$ -пространства  $(L_{\log}(\nabla_{\nu_3}), \|f\|_{\log, \nu_3})$  на  $F$ -пространство  $(L_{\log}^{\nu_4}(\nabla_{\nu_3}), \|f\|_{\log, \nu_3}^{\nu_4})$ . Эту изометрию обозначим через  $\alpha_4$ . Из определения 6 и равенства (2) следует, что  $F$ -пространства  $(L_{\log}^{\nu_4}(\nabla_{\nu_3}), \|f\|_{\log, \nu_3}^{\nu_4})$  и  $(L_{\log}^{\nu_3(\nu_4)}(\nabla_{\mu}), \|f\|_{\log, \mu}^{\nu_3(\nu_4)})$  совпадают, а тождественное отображение является изометрией этих  $F$ -пространств. Из этих импликаций следует, что пространства  $(L_{\log}^{\nu_1(\nu_2)}(\nabla_{\mu}), \|f\|_{\log, \mu}^{\nu_1(\nu_2)})$  и  $(L_{\log}^{\nu_3(\nu_4)}(\nabla_{\mu}), \|f\|_{\log, \mu}^{\nu_3(\nu_4)})$  изометричны. Эта изометрия имеет вид  $\alpha = \alpha_1 \circ \alpha_2 \circ \alpha_3 \circ \alpha_4$ .

Обратно, пусть  $\alpha^{-1}$  изометрия из  $(L_{\log}^{\nu_1(\nu_2)}(\nabla_{\mu}), \|f\|_{\log, \mu}^{\nu_1(\nu_2)})$  на  $(L_{\log}^{\nu_3(\nu_4)}(\nabla_{\mu}), \|f\|_{\log, \mu}^{\nu_3(\nu_4)})$ . Тогда рассуждая, как в первой половине доказательства (только в обратном порядке) получим, что эта изометрия имеет вид  $\alpha^{-1} = \alpha_4^{-1} \circ \alpha_3^{-1} \circ \alpha_2^{-1} \circ \alpha_1^{-1}$ . Так как  $\alpha^{-1}$ ,  $\alpha_1^{-1}$ ,  $\alpha_4^{-1}$  в силу их построения являются изометриями, то и  $\beta = \alpha_3^{-1} \circ \alpha_2^{-1}$  также изометрия пространств  $(L_{\log}(\nabla_{\nu_3}), \|f\|_{\log, \nu_3})$  и  $(L_{\log}(\nabla_{\nu_1}), \|f\|_{\log, \nu_1})$ . Отсюда в силу теоремы 1 получаем равенство  $\nu_1(\Omega) = \nu_3(\Omega)$ .  $\square$

### Использованная литература:

1. Yeadon F.J. Isometries of non-commutative  $L_p$ -spaces. Math. Proc. Camb. Phil. Soc. 90 (1981), pp. 41–50.
2. Dykema K., Sukochev F., Zanin D. Algebras of log-integrable functions and operators, Journal, Complex Anal. Oper. Theory 10, (8), (2016), pp. 1775 – 1787.
3. Abdullaev R.Z., Chilin V. Isomorphic Classification of Algebras of log-Integrable Measurable Functions. Algebra, Complex Analysis, and Pluripotential Theory. USUZCAMP 2017. Springer Proceedings in Mathematics and Statistics, 264, pp. 73 – 83. Springer, Cham.
4. Abdullaev R., Chilin V., Madaminov B. Isometric  $F$ -spaces of log-integrable function. Siberian Electronic Mathematical Reports. 2020, том 17, pp. 218 – 226.
5. Duren P.L. Theory of  $H^p$  spaces, Pure and Applied Mathematics, Vol. 38, Academic Press, New York-London, 1970.
6. Vladimirov D.A. Boolean Algebras in Analysis. Mathematics and its Applications, 540, Kluwer Academic Publishers, Dordrecht (2002).

Омонов Баходир (Қарши Давлат университети Педагогика институти  
Гуманитар фанлар кафедраси доценти, ф.ф.ф.д. (PhD); e-mail:bahodiron@mail.ru)  
ЭКОЛОГИК ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКОЛОГИК  
МУНОСАБАТЛАРГА ТАЪСИРИ

**Аннотация.** Мақолада экологик муаммоларнинг глобаллашуви, табиий ресурслардан фойдаланишдаги алоқалар мураккаблашувининг Ўзбекистондаги экологик муҳитга, экологик муносабатлар характериға таъсири ҳақида фикр билдирилган. Шунингдек, Ўзбекистондаги экологик муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари илмий таҳлил қилинган.

**Аннотация.** В статье рассматривается глобализация экологических проблем, влияние сложности отношений при использовании природных ресурсов на экологическую среду в Узбекистане, характер экологических отношений. А также дан научный анализ особенностей экологической среды Узбекистана.

**Annotation.** The article examines the globalization of environmental problems, the impact of the complexity of relations in the use of natural resources on the ecological environment in Uzbekistan, the nature of environmental relations. And also a scientific analysis of the peculiarities of the ecological environment of Uzbekistan.

**Калим сўзлар:** экологик вазият, табиий ресурслар, экологик вазият компонентлари, экологик глобаллашув, экологик муҳит, экологик муаммолар, антропоген таъсири, сув ресурслари, технологик тараққиёт, умуминсонийлик ва замонавийлик, экотизим, биомасса, техномасса.

**Ключевые слова:** экологическая ситуация, природные ресурсы, компоненты экологической ситуации, экологическая глобализация, экологическая среда, экологические проблемы, антропогенное воздействие, водные ресурсы, технологическое развитие, человечество и современность, экосистема, биомасса, техномасса.

**Key words.** ecological situation, natural resources, components of the ecological situation, ecological globalization, ecological environment, ecological problems, anthropogenic impact, water resources, technological development, humanity and modernity, ecosystem, biomass, technomass.

Экологик глобаллашув тенденциялари Ўзбекистондаги экологик вазиятга таъсир кўрсатиш билан чекланаётгани йўқ. Экологик муҳитнинг яна бир таркибий қисми – экологик муносабатлар ҳам унга хос бўлган турли омил ва жараёнлар таъсирида янгича характер ва шакл касб қилиб бораётир. Бироқ бу ўзгаришлар ниҳоятда нозик тарзда содир бўлмоқда. Мамлакатдаги турли ижтимоий-иқтисодий жараёнлар экологик муносабатларни такомиллаштиришни тақозо қилмоқда; экологик глобаллашув шароитида эса бу такомиллашув табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга, инсон турмуши учун зарур бўлган табиий шарт-шароитларни мақбуллаштиришга, табиатни муҳофаза қилишга доир глобал экологик норма ва тамойиллар эвазига содир бўлмоқда.

**Биринчидан.** Экологик глобаллашув Ўзбекистондаги экологик муносабатларни инсон эҳтиёжларини қондиришга доир янги нормалар билан бойитди. Маълумки, эҳтиёж инсон ёхуд жамиятнинг тўлақонли ҳаёти ва фаолиятини таъминлайдиган нарсалар ва қадриятларга бўлган заруриятни англатади. Инсон эҳтиёжлари ва ижтимоий тараққиёт ўртасида ўзига хос диалектик алоқадорлик мавжуд. Бир томондан, эҳтиёжлар ҳар қандай жамият ривожининг асосий манбаи саналади. Айнан эҳтиёж ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларни муттасил такомиллаштиришга ундайди. Иккинчидан томондан эса инсон турмуши такомиллашгани, жамиятнинг турли соҳалари тараққий топгани сайин унинг эҳтиёжлари табиати ҳам ўзгара боради. Эҳтиёжлар табиатидаги ўзгаришлар ижтимоий муносабатларнинг турли шакллари қаторида экологик муносабатларга ҳам янгича руҳият бахш эта боради. Шу боисдан Ўзбекистонда кишилар эҳтиёжининг ўзгараётгани экологик муносабатлар характерини тубдан янгилаётганига ажабланмаса ҳам бўлади. Фуқароларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, уй жиҳозларига бўлган эҳтиёжлари, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилашга интилиши ортгани сайин мамлакатдаги экологик муносабатлар мазмуни ва шакли, соҳалари ва йўналишлари ўзгармоқда.

**Иккинчидан.** Экологик глобаллашув Ўзбекистондаги экологик муносабатларни табиий ресурслардан фойдаланишга доир янги нормалар билан бойитди. Ҳар қандай жамиятда кишиларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари барқарор иқтисодий тараққиёт эвазига қондирилади. Макроиқтисодий

барқарорлик таъминланган жамиятда фуқаролар эҳтиёжларини тўлақонли инobatга олиш имконияти пайдо бўлади. Аксинча, иқтисодий таназзул кишилар эҳтиёжларининг қондирилмаслигига, турли ижтимоий муаммоларнинг тўпланиб қолишига сабаб бўлади. Бироқ масаланинг биз эътибор беришимиз зарур бўлган жиҳати шундаки, инсон эҳтиёжларига йўналтирилган иқтисодий тараққиёт табиий ресурсларга бўлган талабни ҳам ошириб боради. Шу сабабдан ҳам жаҳоннинг барча тараққий топган ва ривожланаётган мамлакатларида табиий ресурсларга бўлган талабнинг муттасил ошиб боргани кузатилади.

Ресурсларга бўлган талабнинг ошиши уларни ишлаб чиқариш ва табиатга таъсир кўрсатишининг янги ва янги технологияларини кашф қилишга ундайди. Бунинг устига, иқтисодий субъектларнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун уларнинг табиатга муносабатларини ҳам бир қадар регламентлаш, тартибга солиш зарурияти пайдо бўлади. Мазкур ижтимоий оқибатларнинг биринчиси турли иқтисодий субъектлар ўртасидаги экологик муносабатлар характерини ўзгартирса, иккинчиси давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва иқтисодий субъектлар ўртасидаги экологик муносабатларга янги тус беради. Бунда биринчи шаклдаги экологик муносабатларнинг асосий мавзуи ресурслардан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқарувчи технологияларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлса, иккинчи шакли экологик регламентация масалаларига бориб тақалади.

Бу жараёнлар иқтисодий тараққиётга юз тутган мамлакатимизда ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Ўзбекистонда фуқаролар эҳтиёжларидаги ўзгаришлар уларнинг динамикасига мутаносиб равишда иқтисодий ҳам такомиллаштириб боришни тақозо қилмоқда. Сирасини айтганда, мамлакатимизда ўттиз йилдан буён амалга оширилаётган ислохотларнинг асл муддаолари ҳам иқтисодий билан инсон эҳтиёжлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашдан иборат эди. Шуни назарда тутган ҳолда, давлат раҳбари: “Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак”, деган эди.<sup>1</sup>

Мустақиллик йилларида шу мақсадда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилди. Айниқса, кейинги йилларда бу борада салмоқли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, давлат раҳбари таъкидлаганидек, “энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислохотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили (2019.–Б.О.) иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди”.<sup>2</sup> 2020 йилда авж олган коронавирус пандемияси ҳам умумий тенденцияни тўхтатиб қўймади.

Иқтисодий соҳаларидаги тараққиёт объектив равишда табиий ресурсларга бўлган талабни оширмоқда. Биз юқорида нефть, газ, кўмирга бўлган эҳтиёжнинг ўсганини қайд қилдик. Худди шундай маълумотларни бошқа ресурсларга нисбатан ҳам келтириш мумкин. Табиий ресурсларга бўлган талаб ошаётгани туфайли ундан оқилона ва самарали фойдаланиш масаласи мамлакатдаги иқтисодий субъектлар ўртасидаги экологик муносабатларнинг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Шуни назарда тутган ҳолда, давлат раҳбари иқтисодий субъектларга қарата: “Мамлакатимизда мавжуд табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш учун барча амалий чораларни кўришимиз зарур”, деб таъкидлаган эди.<sup>3</sup>

Юзаки қараганда, мамлакатдаги экологик муносабатлар характерининг ўзгариши иқтисодий тараққиётнинг объектив оқибати бўлиб, бунга жаҳондаги экологик глобаллашув жараёнларининг даҳли йўқдек туюлади. Аслида, бундай эмас. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий экологик муносабатлар шаклини ўзгартирди. Бироқ айнан экологик глобаллашув шарофати билан бу янги шакл дунёда умумэтироф этилган ва жаҳоннинг барча минтақаларида қарор топаётган нормаларга мувофиқ

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2017, 114-бет.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш. Олий Мажлисга Мурожаатнома. “Халқ сўзи”, 2020, 25 январь.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш. Бошлаган ислохотларимизни жадал давом эттириш – устувор вазифадир. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2020, 94-бет.

тарзда шаклланмоқда. Масалан, ривожланган мамлакатларда 2015 йилдан буён “Евро-6” экологик стандарти жорий этилган бўлиб, бу стандарт енгил автомобиллардан чиқадиган газлардаги зарарли моддаларнинг мақбул миқдорини белгилайди. Унга кўра, янги автомобиллардан чиқадиган карбонат ангидрид миқдори 1 километрга 130 граммдан ошмаслиги лозим.<sup>1</sup> Экологик глобаллашув шарофати туфайли бу норма аста-секинлик билан ўз автосаноатини ривожлантириш ниятида бўлган барча мамлакатлардаги экологик муносабатлардан жой олди. Жумладан, мамлакатимиз автосаноатидаги экологик муносабатлар ҳам мазкур нормаларга мутаносиб равишда амалга оширилмоқда.

Бошқа бир мисолга эътибор қаратайлик. Жаҳондаги экологик вазият тобора мураккаблашиб бораётган бир шароитда барча мамлакатлар иқтисодий тараққиётни биосферага антропоген таъсирни кучайтирмаган ҳолда йўлга қўйишга интилоқдалар. Бу вазифани уйдлаш учун биосферага антропоген таъсир меъёрларини белгилаб олиш, яъни инсон иқтисодий фаолиятини экологик жиҳатдан регламентлаш зарур бўлади. Бугунги кунда барча мамлакатларда мазкур масалага жиддий эътибор берилади. Корхоналарнинг жойлашиши, хом ашёдан фойдаланиши нормалари, маҳсулот ишлаб чиқариши жараёни, табиатга етказиши мумкин бўлган зарари даражаси ва уни бартараф этиш чоралари – буларнинг барчаси экологик жиҳатдан регламентланади. Давлат ва иқтисодий субъектлар ўртасидаги экологик муносабатлар эса ана шу регламент доирасида амалга оширилади. Экологик глобаллашув шарофати билан мазкур тажриба бизнинг мамлакатимиздаги экологик муносабатлардан ҳам жой олди. Хусусан, 2018 йилнинг 22 ноябрида “Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги”, 2020 йилнинг 18 феврилида “Экологик хавфсизлик тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақидаги” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг қабул қилиниши ҳам шундан далолат беради.

*Учинчидан.* Экологик глобаллашув Ўзбекистондаги экологик муносабатлар субъектларининг фаолиятини такомиллаштирди. Жаҳоннинг турли мамлакатларида экологик вазият мураккаблашгани, экологик муаммолар чигаллашгани сайин янги ва янги экологик фаолият субъектлари пайдо бўлмоқда. Биз бундай субъектлар тўғрисида аввалги параграфларда тўхталиб ўтдик. Экологик фаолият субъектларининг ривожланган мамлакатлардаги нуфузи йил сайин мустаҳкамланиб бораётганини ҳам айтиб ўтиш зарур. Хусусан, Бельгия, Швеция, Финляндия ва Австрияда экологик фаолият субъектлари турли сиёсий партиялар билан коалициялар тузиб, мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок қилмоқдалар, давлат органларини мақбул қарорлар қабул қилишга ундамоқдалар. Италия, Франция, Нидерландияда эса яшилларнинг янги ҳаракатлари экологик фаолиятнинг нуфузли субъектлари сифатида шаклланишда давом этмоқдалар. Энг аҳамиятлиси, ҳодисалар мантиқининг далолат беришича, бундай тенденция яқин келажакда ҳам сақланиб қолади.

Экологик глобаллашув экологик фаолият борасидаги жаҳонга хос тенденцияларнинг Ўзбекистонга ҳам кириб келишига замин яратди. Хусусан, 2008 йилнинг 2 августида бир гуруҳ эколог олимлар ва жамоат арбоблари томонидан Ўзбекистон Экологик ҳаракатига асос солинди. Ҳаракатнинг асосий вазифалари сифатида фуқароларнинг экологик онгини шакллантириш ва ривожлантириш, кишиларнинг экологик масалаларни ҳал қилишдаги фаоллигини юксалтириш, экологик қонунчилиқни такомиллаштириш ва шу кабилар эътироф этилди. Турли мамлакатларда экологик ҳаракатлар айрим эътироз ва тўсиқларга сабаб бўлаётган бир вазиятда Ўзбекистонда уларнинг фаолиятлари ҳукумат томонидан атрофлича қўллаб-қувватланди. Жумладан, мазкур ҳаракат вакиллари учун мамлакат Парламентига 15 кишилиқ квота белгиланди.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Экологик ҳаракати самарали фаолият олиб борди. Унинг ташаббуси ва иштироки билан экологик назорат, энергия манбаларини тасарруф қилиш, мамлакатдаги ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш, ўсимликлар дунёсини ҳимоялаш, экологик экспертизани амалга ошириш масалаларига бағишланган аҳамиятли қонунлар қабул қилинди. Ҳаракат ташаббуси билан ташкил қилинган Ёшлар қаноти йигит ва қизларнинг экологик фаоллигини оширишга хизмат қилди. Унинг муассислигида нашр этилган “Жамият” ва “Экоҳаёт” газеталари фуқаролар экологик онгини оширишга ўз ҳиссасини қўшди.

Бироқ ўзгариб бораётган замоннинг ўзи экологик ҳаракатни экологик партиёга айлантириш заруриятини кун тартибига қўйди. Чунки ҳаракат ижтимоий бирлашмаларнинг ўзига хос ҳуқуқий шакли сифатида, асосан, у ёки бу муаммо юзасидан фуқаролик позициясини намоён қилиш имконини беради. Партия эса, ундан фарқли ўлароқ, муайян ғояни кенг кўламда рўёбга чиқариш, бу

<sup>1</sup> “Евро-6” 2015 года//carsguru.net.

борада мавжуд ижтимоий-сиёсий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Шу боисдан экологик муҳитни муҳофаза қилиш зарурияти ошиб бораётган бугунги кунда кўплаб мамлакатларда экологик ҳаракатлар партия тусини олмоқда.

Ўзбекистонда ҳам экологик муҳитни муҳофаза қилиш зарурияти экологик ҳаракатни экологик партияга айлантиришни тақозо этди. 2019 йилнинг 8 январида Ўзбекистон Экологик партиясининг таъсис этилиши экологик хавфсизликни таъминлашга доир давлат сиёсатини такомиллаштиришга хизмат қилди. Бундан ташқари, экологик партия жамият ресурсларини экологик хавфсизликни таъминлашга сафарбар қилиш, фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчиликнинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, фуқароларнинг экологик муаммоларга эътиборини сақлаб туриш, келгуси авлодларга турмуш учун ҳар томонлама мақбул табиий шарт-шароитларни мерос қилиб қолдириш имконини беради.

Масаланинг яна бир жиҳатига тўхталиб ўтмоқ даркор. Юқоридаги мулоҳазаларимиздан, экологик фаолият билан нуқул муайян ваколатга эга бўлган ташкилотларгина шуғулланади, деган хулоса келиб чиқмайди. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, экологик муносабатлар жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос шаклидир. Бинобарин, ижтимоий муносабатлар доирасига тортилган ҳар қандай ижтимоий субъект у ёки бу тарзда, албатта, экологик фаолият билан ҳам машғул бўлади. Масалан, корхона, фирма, компания турли иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, тарбиявий функцияларни бажаради. Мазкур функцияларни бажариш учун у баъзан иқтисодий, баъзан ижтимоий, баъзан эса тарбиявий-мафкуравий муносабатлар субъекти сифатида фаолият юритишга мажбур бўлади. Аини пайтда, корхонанинг табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, табиатга зиён етказмайдиган фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси уни экологик фаолият билан шуғулланишга ҳам ундайди.

Шунинг билан бир қаторда, мамлакат экологик ҳаётида халқаро экологик ташкилотларнинг иштироки ҳам янги босқичга кирмоқда. Тўғри, уларнинг барчаси ҳам мамлакат ҳудудида бевосита фаолият олиб бораётгани йўқ. Бироқ МАГАТЭ, Ҳайвонларни ҳимоя қилиш Умумжаҳон жамияти, Умумжаҳон табиат фонди, Экологик маркировка бўйича Глобал тармоқ, Глобал экологик фонд каби ўнлаб ташкилотлар Ўзбекистон экологик ҳаётида ўз ташаббуслари, тавсиялари, маслаҳатлари билан иштирок қилмоқдалар. Кейинги йилларда мазкур ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган конференциялар, форумлар, учрашувлар фаоллашганини ҳам кўриш мумкин. Шу боисдан уларни мамлакатдаги экологик фаолиятнинг билвосита субъектлари сифатида талқин қилиш мумкин. Бу субъектлар фаолияти ҳам мамлакатдаги экологик муносабатлар характерига жиддий таъсир кўрсатди ва кўрсатмоқда. Ўзбекистонда экологик фаолият субъектларининг кўпайиши ва таркибан бойиши, фаолияти йўналишларининг ўзгариши жаҳонга хос бўлган экологик фаолият нормаларининг республикамызга ҳам кириб келишига замин яратмоқда.

*Тўртинчидан.* Экологик глобаллашув Ўзбекистонга рақамли экологик муносабат элементларини олиб кирди. Бир қарашда, экологик муносабатлар табиати билан ахборот технологиялари ривожини ўртасида бевосита алоқадорлик йўқдек туюлади. Аслида эса, ахборот асрида турли субъектлар ўртасидаги экологик муносабатлар сифатан ўзгача тус олганини кўришимиз мумкин.

Ахборот технологиялари деганда маълумотларни излаш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда тарқатиш йўллари ва услубларини назарда тутмоқдамиз. Ушбу жараёнда қўлланиладиган техника воситалари ахборот воситалари дейилади. Ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ ахборот технологиялари ўз таракқиётининг янги палласига қираётгани маълум бўлди. Айнан шу даврда илк ахборот тизимлари пайдо бўлди, катта микросдаги ахборотларни жамлаш имконини берадиган қаттиқ дисклар муомалага киритилди. Кейинги йилларда маълумотларни излаш, тўплаш ва сақлашнинг тобора янги йўллари ва услублари вужудга кела борди. Бу борада аналогли қурилмалардан рақамли қурилмаларга ўтилиши том маънода инқилобий ҳолат бўлди. Ўтган асрнинг 80-йилларида персонал компьютерларнинг яратилиши, кейинроқ бориб йирик операцияларни бажаришга қодир суперкомпьютерларнинг вужудга келиши, интернет тармоғининг пайдо бўлиши инсониятни янги, ахборот асрига олиб кирди. Шу тариқа, ахборот стратегик аҳамиятга молик ресурсга айланди.

Бироқ масаланинг яна бир томони бор. Ахборот технологиялари ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидан айри тарзда ривожлангани йўқ. Маълумотларни излаш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда тарқатиш билан боғлиқ янги йўл ёки услуб кашф этилгани заҳоти ишлаб чиқаришга, жамият турмушининг турли соҳаларига татбиқ этила борди. Бу жараён XX аср охирида иқтисодиётнинг айрим стратегик аҳамиятга молик соҳаларида намоён бўлган бўлса, янги аср бошларига келиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб ола бошлади. Шу тариқа, ижтимоий ҳаётнинг рақамла-

шуви тенденцияси илдиз отди. Табиийки, мазкур тенденция экологик соҳани, экологик муносабатларни ҳам четлаб ўтмади.

Ахборот технологиялари ривожини шарофати билан жаҳонда экологик муносабатлар ҳам рақамлашиб бормоқда. Бугун барча мамлакатларда рақамли экологик муносабатлар умумий экологик муносабатларнинг муҳим жиҳатини ташкил қилади. Жаҳонда рақамли экологик муносабатларнинг икки кўриниши жадал тараққий топмоқда. Хусусан, бир томондан, турли табиий ресурслар ҳақидаги маълумотлар базасини ўзида мужассам қилган, экологик муносабатларнинг умумэтироф этилган норма ва тамойилларини баён этадиган, экологик тарғибот ва ташвиқот билан шуғулланадиган сайтлар кўпаймоқда. Масалан, БМТнинг озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти сайтида ([www.fao.org](http://www.fao.org)) жаҳондаги табиий ресурслар тўғрисидаги ахборотлар базаси, иқлимдаги ўзгаришларни ифодаловчи маълумотлар жамланган. Бундан ташқари, сайтда жаҳоннинг турли минтақаларидаги экологик вазиятга доир ҳисоботлар ҳам эълон қилиб борилади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти сайтида ([www.oecd.org](http://www.oecd.org)) аграр ресурсларга доир аҳамиятли маълумотлар баён этилади, бу ресурсларнинг балансига доир эксперт хулосалари бериб борилади.

БМТ ҳузуридаги савдога оид статистик базада ([www.undp.org](http://www.undp.org)) табиий ресурслар савдосига доир 1,7 миллиарддан ортиқ маълумотлар жамланган. Бундай сайт ва порталлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Шунингдек, кейинги йилларда экологик муносабатларнинг умумэтироф этилган норма ва тамойилларини баён этадиган, экологик тарғибот ва ташвиқот билан шуғулланадиган сайт ва порталлар фаол ташкил этилмоқда. Россия Федерациясининг Экологик маълумот ва маданият маркази маълумотларига қараганда, биргина Россияда 51 та шундай сайтлар фаолият юритмоқда.<sup>1</sup> Халқаро миқёсда фаолият кўрсатаётган сайтлар сони эса 100 дан ошади. Иккинчи томондан эса табиий ресурсларнинг электрон савдоси кучаймоқда. Рақамли иқтисодиётнинг ушбу элементи табиий ресурслар савдосини ҳам четлаб ўтмади. Бугунги кунда табиий ресурсларга доир савдо-харид фаолиятини интернет орқали амалга ошириш тажрибаси тобора кенг қулоқ ёймоқда. Йирик фирма ва компаниялар табиий ресурсларга доир маълумотларни тарқатишни, уларнинг савдосини, етказиб бериш ишларини электрон тарзда амалга оширишга интилоқдалар.

Рақамли экологик муносабатларнинг мазкур элементлари Ўзбекистондаги экологик муносабатлар характерида ҳам таъсир кўрсатди. Хусусан, экологик соҳанинг рақамлашуви Ўзбекистонни глобал экологик дунёнинг таркибий қисмига, умумсайёравий экологик муносабатларнинг субъектига айлантирди. Мамлакатдаги иқтисодий ва экологик субъектлар юқорида тилга олинган сайт ва порталларнинг имкониятларидан кенг фойдаланмоқдалар. Иккинчи томондан эса Ўзбекистондаги экологик муносабатларнинг ўзи рақамлаша бошлади. Экологик вазият таҳлили, экологик билимлар тарғиботи билан шуғулланувчи [www.uznature.uz](http://www.uznature.uz), [www.ecouz.uz](http://www.ecouz.uz) каби ўнлаб сайтлар пайдо бўлди. Буларнинг барчаси экологик глобаллашув шарофати билан Ўзбекистонга рақамли экологик муносабат элементлари кириб кела бошлаганидан далолат беради.

*Бешишчидан.* Экологик глобаллашув Ўзбекистондаги экологик муносабатларни халқаро ҳуқуқ нормалари билан бойитди. Ҳар қандай мамлакатда турли субъектлар ўртасидаги экологик муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бошқа шакллари каби муайян ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади ва мувофиқлаштирилади. Бу борада, энг аввало, миллий ҳуқуқий нормалар устувор аҳамиятга эга. Экологик муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тилга олиш зарур. Чунки айнан мазкур ҳужжатда экологик муносабатларнинг бош тамойили эътироф этилади. “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”, дейилади унинг 55-моддасида.<sup>2</sup>

Шунингдек, экологик муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 октябрда қабул қилинган “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 23 ноябрда қабул қилинган “Қорақалпоғистон Республикасида экологик вазиятни яхшилаш ва Оролбўйи ҳудудининг барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги каби кўп-лаб қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майда қабул қи-

<sup>1</sup> Экологические информационные сайты и порталы//herzenlib.ru.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., “Ўзбекистон”, 2019, 19-бет

линган “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 18 февралда қабул қилинган “Экологик хавфсизлик тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақидаги” каби ўнлаб қарорларида қайд қилинган. Экологик муносабатларни мувофиқлаштиришда қўлланиладиган қатор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Бироқ мамлакатдаги экологик муносабатларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришда нуқул миллий ҳуқуқий нормалар билан чекланилмайди, албатта. Бу ўринда халқаро ҳуқуқий нормаларга ҳам муурожаат қилинади. Ҳар қандай мамлакатда бу нормалар миллий ҳуқуқий нормалар каби экологик муносабатларни мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий асоси саналади. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан ажратиб қўйилиши ундаги экологик муносабатларни бундай халқаро ҳуқуқий нормалардан мосуво қилди. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти таркибий қисмига айланиши экологик глобаллашув тенденцияларининг юртимизда ҳам намоён бўлишига, жумладан, экологик муносабатларни тартибга солувчи халқаро норма ва тамойилларнинг диёримизга ҳам кириб келишига сабаб бўлди. Хусусан, турли йилларда халқаро ҳуқуқий нормалар қайд қилинган куйидаги ҳужжатлар ратификация қилинди:

- 1) 1979 йилда “Ёввойи ҳайвонларнинг миграцияланадиган турларини сақлаш ҳақидаги Конвенция”;
- 2) 1985 йилда “Азон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Вена Конвенцияси”;
- 3) 1989 йилда “Хавфли чиқиндиларни трансчегаравий ташиш ва йўқотиш устидан назорат тўғрисидаги Базель Конвенцияси”;
- 4) 1992 йилда “Иқлим ўзгариши тўғрисидаги БМТ Конвенцияси”;
- 5) 2000 йилда “Биологик турли-туманлик бўйича Картахен Конвенцияси”;
- 6) 2001 йилда, “Барқарор органик ифлослантирувчилар тўғрисидаги Стокгольм Конвенцияси”;
- 7) 2015 йилда “Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Париж келишуви” қабул қилинган.

Мазкур ҳужжатлар ратификация қилинган, мамлакатимиздаги экологик муносабатлар куйидаги халқаро ҳуқуқий нормалар асосида тартибга солинадиган бўлди:

- ◆атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир;
- ◆аҳоли экологик хавфсизлигини таъминлашга доир;
- ◆табиатнинг биологик хилма-хиллигини сақлашга доир;
- ◆азон қатлами емирилишининг олдини олишга доир;
- ◆иқлимнинг кескин ўзгаришига йўл қўймасликка доир;
- ◆сув, ҳаво, тупроқ мусаффолигини таъминлашга доир;
- ◆табiiй ресурслардан оқилона фойдаланишга доир халқаро нормалар.

Кўрииб турибдики, узок йиллар давомида фақат миллий ҳуқуқий нормалар ёрдамида мувофиқлаштириб келинган мамлакат экологик муносабатлари ўтган асрнинг сўнгги чораги ва янги асрнинг илк йилларига келиб, экологик глобаллашув шарофати билан халқаро ҳужжатларда қайд этилган ҳуқуқий норма ҳамда тамойиллар ёрдамида ҳам тартибга солина бошланди.

Хулоса қиладиган бўлсак, экологик глобаллашув тенденциялари мамлакатимиздаги экологик муҳитнинг яна бир таркибий қисми – экологик муносабатларга ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Унинг шарофати билан Ўзбекистондаги экологик муносабатлар инсон эҳтиёжларини қондириш, табиий ресурслардан фойдаланишга доир янги нормалар, экологик муносабатларни тартибга солишнинг халқаро тамойиллари билан бойиди, экологик муносабатлар субъектларининг фаолияти такомиллашди, мамлакатга рақамли экологик муносабат элементлари кириб келди.

**Mamarasulov Ulug‘bek (Jismoniy tarbiya va sport bo‘yicha mutaxassislarni  
qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti Samarqand filiali direktori)  
SOG‘LOM TURMUSH TARZI VA SPORT ESTETIKASINI RIVOJLANTIRISHNING  
FALSAFIY ASOSLARI**

*Аннотация. Мақоллада спорт эстетикасининг спорт соҳасидаги эстетик қонуниятлари о‘рганилган, спортнинг эстетик mazmunini, uning jamiyat madaniyatidagi o‘rnini, sport bilan san’atning o‘zaro aloqadorligini tadqiq etilgan, inson jismoniy kamolotining ma’naviy-estetik jihatlarini tahlildan o‘tkazildi.*

*Аннотация. В статье исследуются эстетические закономерности спортивной эстетики в области спорта, эстетическое содержание спорта, его место в культуре общества, взаимосвязь*



спорта и искусства, анализируются духовные и эстетические аспекты физического развития человека.

**Annotation.** *The article examines the aesthetic laws of sports aesthetics in the field of sports, the aesthetic content of sports, its place in the culture of society, the relationship between sports and art, the spiritual and aesthetic aspects of human physical development.*

**Kalit so'zlar:** jismoniy madaniyat, jismoniy tarbiya, sport, estetika, san'at, sog'lom turmush tarzi, musobaqa.

**Ключевые слова:** физическая культура, физическое воспитание, спорт, эстетика, искусство, здоровый образ жизни, соревнования.

**Key words:** physical culture, physical education, sports, aesthetics, art, healthy lifestyle, competition.

Biz sport estetikasi deganda, inson harakatining go'zalligi va ulug'vorligini estetik anglab yetishni tushunamiz. Sport estetikasining evolutsiyasi jarayonlari insonning hissiy va jismoniy yetuklik uyg'unligining in'ikosidir. Bunda insonda jismoniy rivojlanish, jismoniy tayyorgarlik, jismoniy kamolot, jismoniy ta'lim, jismoniy madaniyat kabi bosqichlar kuzatiladi.

Sport – bu musobaqa jarayonida namoyon bo'ladigan u yoki bu jismoniy mashq turida eng yuqori natijaga erishishga yo'naltirilgan maxsus faoliyat.

Jismoniy madaniyat – umumiy madaniyatning bir qismi bo'lib, jamiyatning ijtimoiy-tarixiy amaliyot jarayonida to'plangan inson jismoniy kamoloti sohasidagi moddiy va ma'naviy boyliklarining majmuaasi. Moddiy boyliklarga sport inshootlari, stadionlar, sport zallari, basseyn, kortlar, jismoniy tarbiya jihozlari, maxsus kiyim, poyabzal, shuningdek, sport sohasida erishilgan yutuqlar, ya'ni, kamolot darajasi kiradi. Ma'naviy boyliklarga jismoniy tarbiya haqidagi fan, jismoniy madaniyatga oid san'at asarlari, adabiyot, haykaltaroshlik, rang-tasvir, musiqa va boshqalar kiradi.

Shaxsning har tomonlama uyg'un rivojlanishi uchun sport turlarining ahamiyati katta. Sport, avvalo, chiniqtiradi, tarbiyalaydi, shu bilan birga, go'zallikka va ezgulikka chorlaydi. Chempionlar millionlab muxlislar oldida ajoyib kombinatsiyalar yaratadilar. Shu bilan birga, estetik zavq uyg'otadilar. Sportning estetik turlari figurali uchish, badiiy gimnastika, sinxron suzish, ot sporti, qilichbozlik va boshqalardir.

Bu sport turlari mohiyati jihatidan san'at darajasida ijro etiladi. Yurtimizda jismoniy tarbiya va sport ishlariga alohida ahamiyat berilmoqda. Yoshlarimiz jahon arenarida O'zbekiston san'atini dunyoga ko'z-ko'z qilmoqda. O'zbekiston bayrog'i Yer sharining deyarli har yerida baland ko'tarilmoqda.

Ma'lumki, sport va jismoniy tarbiya deyarli doimo yonma-yon tilga olinsa-da, ular bir-biridan jiddiy farq qiladi. Jismoniy tarbiya, asosan, inson salomatligini ta'minlashga qaratilgan jamiyatning turli yoshdagi barcha tabaqalari ixtiyoriy tarzda "o'zi uchun" shug'ullanadigan, ommaviylik tabiatiga ega mashqlar yoki mashq majmualaridan iborat. Sport esa uning qaysi sohasida bo'lmasin, mutaxassis ustozlar nazorati ostida maxsus tayyorgarlik ko'rgan odamlarning, asosan, yoshlarning yakkama-yakka yoki jamoaviy tarzda bellashuvini o'z ichiga oladi.

Sportdagi go'zallikni his etish unga bo'lgan qiziqishni mustahkamlaydi. Sportdagi go'zallikni idrok etish esa uni yanada tushunarli va barqaror qiladi.<sup>1</sup>

Jismoniy tarbiya, qay ko'rinishda bo'lmasin (individualmi, jamoaviymi), bellashuvni rad etadi va insonga turli mashq shakllaridan xohlaganini tanlash imkonini beradi. Sportda esa musobaqa birinchi o'rinda turadi va unda muayyan mashqlar majburiy tarzda bajariladi. Lekin bu majburiylik sportning ma'lum bir turi doirasida sportchiga erkin harakat qilish imkonini beradi, ya'ni, sportda ijodiy yondashuv taqiqlanmaydi, balki qo'llab-quvvatlanadi. Masalan, badiiy gimnastika musobaqalarida har bir sportchi o'zi tanlagan mashqni, o'zi tanlagan kuy jo'rligida bajaradi, lekin sportning ushbu turiga doir qonun-qoidalardan chetga chiqolmaydi. Shunday qilib, jismoniy tarbiyani sportga qo'shib yuborish yoki ularni aynanlashtirish mumkin emas. Sportning boshqa ko'pchilik turlarida esa barcha sportchilar bir xil mashqni bajaradilar, lekin ularni bir-biridan farqlantirib turadigan, musobaqa ruhini saqlab, uni so'ndirmaydigan narsa – bu har bir sportchining bir xildagi mashq ijrosiga ijodiy, o'ziga xos yondashuv. Bunda sportchining o'z a'zoyi-badani ustidan hukmronlik qilishi shu hukmronlikni egiluvchan go'zallik, epcillik, ulug'vor xatti-harakatlar shaklida tomoshabinga taqdim etishini taqozo qiladi, xullas, sport inson tanasi go'zalligining namoyishi sifatida diqqatga sazovor. Sportga qadimgi yunonlar, bundan bir necha ming yillar avval

<sup>1</sup> Хожимирзаев Абдусалом. Ўқувчиларни жисмоний тарбия дарсларида эстетик тарбиялаш. Ўқув қўлланма, Т., “Фан”, 2006, 12-бет.

ana shunday nuqtayi nazardan yondashganlar. Lekin, afsuski, keyinchalik, musobaqa omili go‘zallikni chetga surib, uni g‘oliblik va mag‘lublik bilan baholanadigan ehtirosni o‘yinga, qimorning o‘ziga xos turiga aylantirib qo‘ydi (qadimgi Rumodagi gladiatorlar bahsi, keyinchalik, ot poygasiga pul tikishlar va h.k.).

Hozirgi paytda sport jahon bo‘ylab juda keng yoyilgan madaniy soha sifatida tan olinadi. Ayniqsa, buni O‘zbekiston misolida yaqqol ko‘rish mumkin. Bizda sportga milliy madaniyatning uzviy qismi sifatida qarash shakllandi, uning hamma turi bo‘yicha musobaqalar o‘tkazish odat tusiga kirdi, o‘zbek kurashi esa umumbashariy sport turi maqomini oldi, Turizm va sport vazirligi tashkil etildi.

Sport estetikasidagi eng muhim muammo, bu uning san‘at bilan o‘xshashligida. Shundan kelib chiqib, zamonaviy sportni (juda bo‘lmaganda, uning ba‘zi turlarini) o‘ziga xos san‘at sifatida talqin qilish keng yoyilgan. Rene Mehyu, Morin Kovich, Benjamin Lou singari g‘arb olimlari va ko‘plab mashhur sportchilar sportni san‘at sifatida qabul qilish mumkin, degan fikrni o‘rtaga tashlaydilar. Lekin, haqiqatan ham, sport san‘atmi, ularni aynanlashtirish mumkinmi? Bu savolga to‘g‘ridan to‘g‘ri javob berish qiyin. Shu bois sportning kelib chiqishi va mohiyatiga e‘tibor qilib ko‘raylik.

Ma‘lumki, o‘yinni qadimgi Yunon faylasuflari estetik tabiatga ega ekanini ta‘kidlab, uni san‘at bilan tenglashtirganlar, Shiller esa, ko‘rib o‘tganimizdek, badiiy faoliyatni o‘yinning eng yuksak shakli deb hisoblaydi. Sport esa, eng avvalo, o‘yin. Undan inson ikki tomonlama estetik zavq oladi: o‘yinchi-sportchi va tomoshabin-tarafkash sifatida. Bunda tomoshabin san‘atni idrok etayotgandek sportchi bilan uyg‘unlashib, uning xatti-harakatlariga qo‘shilib ketadi, ayni paytda, o‘zi sportchi emasligini, ya‘ni estetik masofani his qilib turadi.

Bu borada B.Lou o‘zining “Sport go‘zalligi” degan kitobida F.Kinonning quyidagi fikrlarini keltiradi: “Teatr, – deb yozadi F.Kinon, – tomoshabiniga suyanib, rivojlanadigan san‘at turi... Sport musobaqalarida tomoshabinlar o‘zlarini xuddi spektakl tomoshosiidek tutadilar: ular yuksak mahorat egalari qarsak chaladilar va yomon o‘yin ko‘rsatganga nisbatan salbiy munosabatlarini yashirmaydilar. Sportda ham, teatrdam ham biz “o‘yin” haqida gapiramiz”.<sup>1</sup> Boshqa bir o‘rinda B.Lou H.Slyusherning “Sport va ekzistensiya” kitobidagi quyidagi satrlarga e‘tiborni qaratadi: “Sport – toki haqiqiy sport ekan, u estetik fazilat va nafislikka erisha oladi. U sportchi uchun chuqur ma‘noga boy holat... sport botiniy yaxlitlikni va yuksak darajadagi hissiy ko‘tarinkilikni talab qiladi, deb yozadi H.Slyusher sportchi his etadigan estetik zavq haqida.”<sup>2</sup>

Sport – bu insonda o‘zining eng chuqur estetik mohiyatini anglab, dunyoda mavjudligining ongli ravishda rivojlantiradigan madaniyat.<sup>3</sup>

San‘at bilan sportning yana bir o‘xshash tomoni shundaki, har ikkalasi ham biror-bir moddiy ehtiyojni qondirmaydi, bevosita maqsad emas, maqsadga muvofiqlik tarzida voqe bo‘ladi, ularning asosiy xususiyati, mavjudligini oqlaydigan narsa – bu odamlarga estetik zavq berish xususiyati. Ayni paytda, san‘atda ham, sportda ham o‘yin ijtimoiylik kasb etmasligi mumkin emas, sportchi san‘atkor kabi g‘oyaviy-mafkuraviy maylparastlik tabiatiga ega. San‘atkor vatanparvarlik, millatparvarlik g‘oyalarini bilvosita – badiiy asari orqali ilgari sursa, sportchi o‘z jismoniy xatti-harakatlari bilan musobaqalarda vatan bayrog‘ini ko‘tarishga, “millatni uyaltirib qo‘ymaslikka” intiladi, ya‘ni, bevosita va tabiiy ravishda mafkuraviylikni amalga oshiradi.

Demak, san‘at ham, sport ham shunchaki zavq berish va o‘z iste‘dodidan zavqlanish bilangina chegaralanib qolmaydigan ijtimoiy-ma‘naviy hodisalardir. Biroq ana shu mafkuraviylik mafkurabozlikka aylansa, ya‘ni, ijodkor mafkura uchun axloqiylikdan chekina, san‘atda haqiqiy badiiy asar yaratishning iloji bo‘lmaganidek, sport musobaqasida ham g‘irromlik yo‘li bilan, “bir amallab” yutib chiqib, haqiqiy g‘alabaga erishishi mumkin emas, zero, haqiqiy g‘alaba tomoshabinning bahosi bilan belgilanadi. Masalan, futbol maydonida raqibi yiqilib, o‘rnidan tura olmayotganini ko‘rgan futbolchi o‘zi qulay vaziyatda bo‘lsa ham, to‘pni maydon tashqarisiga chiqarib yuboradi, raqib o‘rnidan turib, hakam to‘pni o‘yinga kiritishga ruxsat berganida, yiqilgan raqibning o‘zi yoki komandadoshi uni yana maydon tashqarisiga chiqarib, to‘p egallash navbatini ixtiyoriy tarzda raqib komandaga beradi. Bu – har ikkala komanda o‘yinchilarining jo‘mardligini “haqiqiy yigitlar” ekanini, ularning faqat jismoniy emas, balki axloqiy jihatdan ham yetukligini ko‘rsatadi, tomoshabin hech qachon ularning birortasini to‘pni raqibiga berib qo‘ydi deb ayblamaydi, afsus chekmaydi, aksincha, xursand bo‘ladi, namoyish qilingan mardlikdan zavqlanadi.

<sup>1</sup> Лоу Бенжамин. Красота спорта. М., “Радуга”, 1984, с. 92.

<sup>2</sup> Shu manba. 172-bet.

<sup>3</sup> Бичков В.В. Эстетика. Учебник, М., «Гардарики», 2004, с. 218.

Qadimgi yunonlar san'atni "go'zal yolg'on" deb ataganlar, darhaqiqat, san'atkor bizga "bo'lmani bo'lgan qilib" ko'rsatadi, bizni chiroyli aldaydi. Sportning ko'pgina turlarida ham shunaqangi chiroyli aldovni tomosha qilib, zavqlanamiz. Masalan, futbol o'yinini olaylik: hujumchi ro'parasidagi raqibini, futbol tili bilan aytganda, "chiroyli fintlar" bilan aldab o'tganida biz haqiqiy san'atni ko'ramiz. Hatto reportaj olib borayotgan jurnalist qoyil qolganidan "Go'zal! Bag'oyat go'zal!" demay iloji yo'q. Sportning figurali uchish, badiiy gimnastika, sinxron suzish, suvga sakrash kabi turlari raqs san'atidan qolishmaydi, figurali uchish esa o'ziga xos muz ustidagi balet, unda va badiiy gimnastikada musiqa san'ati ham ishtirok etadi. sport jismoniy go'zallikni xulqiy go'zallik va go'zal xatti-harakatlar vositasida ma'naviy go'zallikka aylantirishdir. Shu ma'noda, sportchi ham artist. Mohir sportchi o'zini bir muddatga jonli haykalga aylantira oladi.

Shular bir qatorda sport san'at uchun material bo'lib xizmat qiladi. Bunga o'zimiz guvohmiz: biz sport mavzuidagi rangtasvir, grafika, haykaltaroshlik namunalarini ko'p ko'rganmiz, hikoya va qissalarni o'qiganmiz. Biroq, bularning hammasi sportni san'at deb qabul qilishimiz uchun yetarli asos bo'lolmaydi. Buni sport estetikasi borasida jiddiy tadqiqotlar olib borgan, yuqorida nomi zikr etilgan B.Lou shunday ta'riflaydi: "Inson badanining – tabiiy shakldagi go'zallik ekanini, sportchi qiyofasi ideal badan tuzilishini o'zida mujassam etishini e'tirof qilar ekanmiz, sportdagi go'zallikni san'atdan ko'ra tabiatga taalluqli de-yishimiz mumkin, zero, sportdagi go'zallik ko'p hollarda tasodifiylik xususiyatiga ega".<sup>1</sup>

B.Lou aynan mana shu o'rinda haqiqatga yaqin keladi, deb o'ylaymiz: sportda san'at unsurlari mavjud, lekin u butunisicha olganda, san'at emas. Ya'ni sport estetik ko'rinishlarga ega, estetik zavq uy-g'ota oladigan nosan'at soha. Sport estetikasi uning ana shu xususiyatlarini tadqiq etadi.

Boshqa tomondan, sport turlarining toifalari mavjud, ularning har birini estetik jihatdan ajratib ko'rsatish mumkin emas, masalan, trampolin, gimnastika, figurali uchish va sho'ng'ish. Men ularni "estetik" sport deb atayman, chunki ular san'atga o'xshaydi, chunki maqsadga erishish uslubidan tashqari, ichki maqsad bor, uni vositalardan mustaqil ravishda aniqlab bo'lmaydi.<sup>2</sup>

Ma'lumki, sport estetikasi estetika va nafosat falsafasi ilmining tarkibiy qismi hisoblanadi. Sport estetikasi sport sohasidagi estetik qonuniyatlarni o'rganishi barobarida, sportning estetik mazmunini, uning jamiyat madaniyatidagi o'rnini, sport bilan san'atning o'zaro aloqadorligini tadqiq etadi. U umum-madaniyatning tarkibiy qismi sifatida inson jismoniy kamolotining ma'naviy-estetik jihatlarini tahlildan o'tkazadi. Ko'rinib turibdiki, sport nafaqat bahs, kurash, musobaqalardan iborat, balki ijtimoiy hayotda muhim o'rin egallagan va inson sog'lom turmush tarziga singib ketgan estetik sohadir.

Bugungi kunda sog'lom turmush tarzini tashkil etish borasida ilmiy tadqiqot ishlari olib borilmoqda. Bu esa mazkur jarayonning ilmiy-nazariy asoslarini mustahkamlash imkoniyatini yaratdi. Shuning uchun bo'lsa kerak, mamlakatimizda sportga bo'lgan e'tibor nihoyatda jiddiy va sport hamda jismoniy tarbiya bilan shug'ullanayotganlarning soni ham ortib bormoqda. Chunki sport inson salomatligini ta'minlaydigan harakatlar yig'indisidir.

Biroq shuni ham ta'kidlash kerakki, sog'lom turmush tarzini shakllantirishda faqatgina sport bilan cheklanish insonni estetik jihatdan tarbiyalashning bir tomonlama rivojlanishiga olib keladi. Chunki inson ham jismoniy ham ma'naviy-ruhiy tarbiyaga muhtoj. Zero, bu borada "Sog' tanda – sog'lom aql" tamoyili bejiz amal qilmaydi.

Sport va jismoniy tarbiya o'rtasidagi estetik farqni faylasuf olim Abdulla Sher jismoniy tarbiya qay ko'rinishda bo'lmasin (yakka yoki jamoaviy), bellashuvni rad etadi va insonga turli mashq shakllaridan xohlaganini tanlash imkonini beradi, deb aytadi. Sportda musobaqa birinchi o'rinda turadi va unda muayyan mashqlar majburiy tarzda bajariladi. Lekin bu majburiylik sport ma'lum bir turi doirasida sportchiga erkin harakat qilish imkonini beradi, ya'ni sportda ijodiy yondashuv taqiqlanmaydi, balki qo'llab-quvvatlaydi.<sup>3</sup>

Sport va jismoniy mashqlardagi qonun-qoidalar yoshlarni hayotda o'zining mustahkam egallashlarida muhim ahamiyatga ega. Bu qoidalar mohiyatan axloqiy va estetik mazmun kasb etadi. Zero, sport raqibga hurmat bilan munosabatda bo'lish, ustoz va murabbiyga bo'lgan e'tiqod mustahkamligi, hakamlar va tomoshabinlarga chuqur hurmat ko'rsatish, chidamlilik, g'alabaga bo'lgan ishtiyoq, halollik kabi axloqiy qadriyatlarni ulug'lashga va egallashga xizmat qilsa, ayni paytda, go'zal xatti-harakatlarni namoyon

<sup>1</sup> Лоу Бенжамин. Красота спорта. М., "Радуга", 1984, с. 23 – 24.

<sup>2</sup> David Best. The Aesthetic in sport. <http://bjaesthetics.oxfordjournals.org/> at University of Michigan on February 27, 2012.

<sup>3</sup> Абдулла Шер, Хусанов Баходир. Нафосат фалсафаси. Маърузалар матни, Тошкент, ЎзМУ, 2008, 247-бет.

ettirish, insonga estetik zavq bag'ishlash, hatto sport anjomlariga estetik munosabat orqali didni tarbiyalash ishlarini amalga oshiradi.

Sport musobaqalari va jismoniy harakatlardagi zavqni estetik tahlil etish sport estetikasining muhim vazifalaridan biridir. Hozirgi paytda sport jahon bo'ylab juda keng yoyilgan madaniy soha sifatida tan olinmoqda. Ayniqsa, buni O'zbekiston misolida yaqqol ko'rish mumkin. Bizda sportga milliy madaniyatning uzviy qismi sifatida qarash shakllandi, uning hamma turi bo'yicha musobaqalar o'tkazish odat tusiga kirdi, o'zbek kurashi esa umumbashariy sport turi maqomini oldi.

Bugungi kunda sport estetikasi sog'lom turmush tarzimizning bir qismiga aylanib borayotganligi ijobiy holatdir. Sportsiz sog'lom turmush tarzini shakllantirib bo'lmaydi. Shunday ekan, sog'lom turmush tarzini sport estetikasisiz tasavvur etish mumkin emas.

**Искандаров Нурбек Шерифбоевич (УрДУ тадқиқотчиси)**

## **САЛОМАТЛИК ФЕНОМЕНИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада жисмоний етуклик, у маълум бир тарихий-маданий ва этнопедагогик тажрибаларга асосланганлиги, жисмоний етуклик ва саломатлик феноменлари эмпирик тажриба сифатида идрок этилиши ҳамда жисмоний етуклик ва саломатлик феноменлари диалектик воқеликлар, уларнинг генезиси, шаклланиш жараёнлари ва фалсафий гносеологик масалалари ҳақида фикрлар юритилган.*

***Аннотация.** В статье обсуждается физическая зрелость, основанная на определенном историко-культурном и этнопедагогическом опыте, восприятии феноменов физической зрелости и здоровья как эмпирического опыта, а также диалектических реалиях феноменов физической зрелости и здоровья, их генезисе, процессах формирования и философско-эпистемологической теории.*

***Annotation.** This article discusses Physical Maturity, which is based on certain historical-cultural and ethnopedagogical experiences, the perception of physical maturity and health phenomena as empirical experience, and the dialectical realities of physical maturity and health phenomena, their genesis, formation processes, and philosophical epistemological issues.*

***Калит сўзлар:** саломатлик, жисмоний тарбиялаш, жисмоний етуклик, фалсафий, соғлом турмуш, соғлиқ муаммолари.*

***Ключевые слова:** здоровье, физическое воспитание, физическая зрелость, философия, здоровый образ жизни, проблемы со здоровьем.*

***Keywords:** health, physical education, physical maturity, philosophical, healthy life, health problems.*

Шахс маънавий-ахлоқий императивлар, саломатликни сақловчи анъаналар ва ёшларда ўз ўзини жисмоний тарбиялашга оид тажрибалари, кўникмалари мавжуд муайян ижтимоий муҳитда шаклланади. Шунинг учун “ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни белгилайди” деган фалсафий яқундан келиб чиқадиган бўлса, инсон ва унинг ижтимоий сифатлари, жисмоний етуклиги маълум бир тарихий-маданий анъаналарнинг, ижтимоий-педагогик муҳит ва дунёқарашнинг маҳсулидир. Жисмоний етуклик бундан истисно эмас, у маълум бир тарихий-маданий ва этнопедагогик тажрибаларга асосланган, исботланган дам олиш технологияларига эга муҳит, дунёқараш таъсири натижасидир. Шу пайтгача жисмоний етуклик ва саломатлик феноменлари эмпирик тажриба сифатида идрок этилган. Маълумки, назарий фанлар, асосан, ана шундай эмпирик тажрибалардан туғилади. Жисмоний етуклик ва саломатлик феноменлари диалектик воқеликлар ҳисобланса-да, уларнинг генезиси, шаклланиш жараёнлари ва фалсафий гносеологик масалалари маҳсус тадқиқ этилмаган. Шунинг учун ҳам, ҳатто валеологияда ҳам асосий эътибор соғлом турмуш тарзига оид назарий қарашларни ҳамда бу борадаги эмпирик тажрибаларни ўрганишга қаратилади.

Аввало, шуни айтишимиз керакки, “жисмоний етуклик” ва “саломатлик” бир-бирига диалектик боғлиқ тушунчалар бўлса-да, улар нисбатан мустақил, косубстанционал воқеликлардир. “Жисмоний етуклик” феномени қадимги Спарта давлатида “гимнасия”, жисмоний машқлар, гимнастика тарзида ифода этилган. Ҳанузгача Спарта тажрибаси шахснинг жисмоний етукликлиги ва саломатлиги билан боғлаб тадқиқ этилади, ундаги этнопедагогик механизмлар, усуллар у ёки бу машқларда қўлланилади. Бироқ бугун шахс борасидаги илмий-назарий қарашлар ҳам кенглиги, ҳам

плюралистик хусусиятлари билан антик даврдан кескин фарқ қилади. Шунинг учун мазкур мавзуда саломатлик феноменининг илмий-назарий асослари ва уларнинг ретроспектив таҳлили келтирилади.

Саломатлик, соғлиқни сақлаш муаммолари инсонни, авлодларни доимо ўйга, ташвишга солиб келган абадий мавзулардан бири. Саломатлик тўлиқ ва қувончли ҳаёт, фаровонлик ва узоқ умр асоси ҳисобланади. “Тиббиёт фанининг отаси”, асосчиси Гиппократ шундай ёзган эди: “Гимнастика, жисмоний машқлар, юриш ҳар бир кишининг кундалик ҳаётига мустаҳкам кириши керак”.<sup>1</sup> Бу билан у инсоннинг бахтиёр яшаши, узоқ умр кўриши саломатликка, тананинг бақувватлигига боғлиқдир, демоқчи. Аристотель талқинига кўра, “Ҳаёт – ҳаракат демакдир”.<sup>2</sup> Унинг “Шаклланиш ва емрилиш ҳақида” деган асари борлиқ ва инсон мавжудлигининг асосини ҳаракат, ўзгариш, силжиш ташкил этади, деган ғояга қурилган. Унинг фикрича, агар Платон шаклланиш ва емрилишни фақат жонсиз предметларга, элементларга доир нарса деб тушунтирган бўлса, аслида эса, уларга сифат ва ўсиш ҳам хос, деб ёзади.<sup>3</sup> Янги давр фалсафасининг асосчиси Ф.Бэкон эса илм-фаннинг мақсади “инсон ҳаётини янгиликлар ва кашфиётлар билан мазмунли қилиш”, деб билган. Саломатлик эса инсон ҳаётига мазмун бахш этувчи воқелиқдир.<sup>4</sup>

Эмпирик тажрибаларнинг кўпайиши, хатти-ҳаракатларнинг, фаолиятнинг ранг-баранглашуви натижасида саломатлик муаммолари тобора чуқур илмий тадқиқотларнинг предметига айланиб, жисмоний маданият ва жисмоний тарбиянинг функционал хусусиятлари ҳақида турли қарашлар пайдо бўлади. Одамлар, илм-фан соғлиқ муаммоларини инсон мавжудлигининг, ҳаётининг асоси сифатида қарашни ўзининг фундаментал мавзуларидан бирига айлантирди. Бунинг асосий сабабларидан бири инсон ҳаётига қарши юзага келадиган “хавф омиллари”нинг ортиб боришидир. Аҳолининг соғлиқни сақлаш ҳолатини ўрганиш, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг таъкидлашича, ушбу хавфлар: замонавий ҳаётнинг юқори суръатлар билан ўзгариши; асабларнинг ҳаддан ташқари зўриқиши, стресс, тупроқ, ҳаво ва сув атроф-муҳитнинг ифлосланиши, алкогольизм, чекиш ва гиёҳвандлик, янги патоген омиллар – радиация, саноат ва транспорт чиқиндилари, озиқ-овқатлардаги зарарли моддалар, семизлик, одамларнинг саломатликка, жисмоний маданиятга етарли эътибор бермаслиги кабилар муаммони долзарблаштираётган сабаблардандир. Шунинг учун илм-фан, тиббий-фалсафий қарашлар инсон саломатлигини мустаҳкамлашнинг инновацион усуллари яратишни кун тартибига қўйган.<sup>5</sup>

Саломатлик шахс танасининг, вужудининг маълум бир талабларга мувофиқ келадиган табиий, руҳий ва эмоционал ҳолатидир. Бу талабларни, аввало, тиббиёт фанлари, жисмоний тарбия назарияси ва методикаси, инсон организмни ўрганувчи антропологик тадқиқотлар ишлаб чиқади. Шунинг учун саломатлик тўғрисида гап кетганида, аввало, тиббиётшуносликнинг тавсиялари ва хулосалари эсланади.<sup>6</sup>

Бир қатор олимлар саломатлик феноменини аҳолининг биологик ривожланиш қонуниятлари ҳамда организмнинг индивидуал хусусиятлари билан уйғун қараш, ўрганиш керак, деган фикрни илгари сурадилар. Уларнинг фикрича, саломатликни фенотипик, яъни биологик популяция даврида юзага келадиган ўзгаришлар орқали ўрганиш етарли эмас, энди ҳар қандай тирик организмнинг индивидуал хусусиятларини, уларга таъсир этувчи ташқи омилларни ҳам ўрганиш лозим, деб ҳисоблашади. Масалан, рус олими, академик Н.И.Вавиловнинг фикрича, шахс саломатлиги ва организмдаги ўзгаришлар ижтимоий муҳит, табиий таъсирлар орқали тадқиқ этилиши керак.<sup>7</sup> Инсон

<sup>1</sup>Афоризмы. Минск, Современ. литератор, 1999, с. 19.

<sup>2</sup>Ўша асар. 194-бет.

<sup>3</sup>Аристотель. Сочинения в четырех томах. Том 3, Москва, “Мысль”, 1981, с. 384; 386.

<sup>4</sup>Михаленко Ю.П. Ф.Бэкон о здоровье человека. Философия здоровья. Москва, РАН, Институт философии, 2001, с. 24.

<sup>5</sup>Губа В.П., Морозов О.С., Парвененков В.В. Научно-практические и методические основы физического воспитания учащейся молодежи. Учебное пособие, Москва, “Сов. спорт”, 2008; Кларин М.В. Инновационные модели обучения в современной зарубежной педагогике. Москва, “Педагогика”, 1994; Вайнер Э.Н. Валеология. Учебник, Москва, “Наука”, 2008.

<sup>6</sup>Соғлом овқатланиш–саломатлик мезони. Академик Ш.И.Каримов умумий тахрияти остида. Т., “Ўзбекистон”, 2015; Отабоев Ш.Т, Шайхова Г.И., Саломова Ф.И., Атахонова Д.О. XXI асрда экология, барқарор ривожланиш, рационал овқатланиш ва саломатлик муаммолари. Ўқув қўлланма, Алмаота, 2014; Шайхова Г.И. Овқатланиш гигиенаси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2011.

<sup>7</sup>Вавилов Н.И. Избранные работы. Москва, “Наука”, 1989, с. 208 – 212.

саломатлигини биосфера ва ноосфера билан боғлаб қараш илм-фан учун мутлақ янги ёндашув эди ўша пайтда. Бу саломатлик феноменини табиий борлик, олам, ижтимоий муҳит билан биргалликда, диалектик боғлиқликда қарашга ундади. Натижада илм-фанда саломатликка соматик ёндашув юзага келди.

Соматик ёндашувда саломатлик феномени тиббиёт ва биология фанларининг натижалари, хулосалари ва тавсиялари орқали асосланади. Онтогенетик ривожланишнинг турли босқичларида ҳукмрон бўлган асосий эҳтиёжлар (ейиш, ичиш) воситасида юзага келадиган индивидуал ривожланиш, ўсиш қадрият сифатида талқин қилинади. Инсон шунчаки ейиш ва ичиш учун эмас, балки бошқа бир табиий ва биологик эҳтиёжлари учун ҳам яшашини англайди. Ижтимоий-фалсафий изланишлар ҳам тиббиёт хулосаларига таянади, уларга кўпроқ мурожаат қилади. Аммо инсон ҳаёти-ни, филогенетик ривожланишини, саломатлигини таъминлашни ҳар доим ҳам кафолатлаш қийин, табиий борликда, галактика ва метagalactикада рўй берадиган ҳодисаларнинг организмга таъсири-ни ҳар доим ҳам аниқлаш, кўра билиш мумкин эмас. Бугун кенг тарқалаётган ошқозон беги касал-ликлари, аллергия, кўриш қобилятининг сусайиши, асаб ва юрак хуружи кабилар илмий-техник ривожланиш рўй берган, киши оғир қўл меҳнатидан халос бўлган даврга тўғри келмоқда.

ЖССТнинг огоҳлантиришига кўра, бугун сайёрамиз аҳолисининг иккидан бири, яъни ярми гиподинамияга мубталло. Куни билан компьютер, ноутбук олдида ўтирадиган хизматчи, мутахас-сисларнинг атиги 8%гина табиий тарзда ҳаётдан кўз юмади, қолган 92%нинг умри “эрта нотабиий ўлим” билан тугайди. Махсус тадқиқотлар натижалари кўрсатадики, ўтириб ишлайдиган, кам ҳа-ракатдаги ходимлар организмда саломатлик, фаоллик учун ўта зарур ёғ моддасини ва истеъмол қилинган маҳсулотларни ҳазм қилдирувчи фермент (липопротеинлипаз)ларнинг сусайиши кузати-лади. Ҳатто, ушбу салбий таъсирнинг камайтириш учун тадқиқотчилар кўп ўтириб ишловчиларга махсус машқлар таклиф этишган. Эрталаб ва ишдан кейин чопиш машқлари билан шуғулланишни жорий қилишган, ҳайратли томони шундаки, гиподинамия активлик ферментлари (табиий ва био-логик омиллар)ни қайта тиклай олмас, фаоллаштирамас экан. Шунинг учун тадқиқотчилар компь-ютерда ўтириб ишловчиларга ҳар соатдан кейин турли, ҳатто, унча катта ва оғир бўлмаса-да, жис-моний машқларни бажариб туришни тавсия этишади.<sup>1</sup>

Яна бир илмий-назарий қараш, ёндашиш саломатликни асрашга ва мустаҳкамлашга қаратил-ган бўлиб, у кишиларда ўз ҳаёти ва турмуш тарзига фаол муносабатда бўлишни илгари суради.<sup>2</sup> Бу ёндашувга кўра, жисмоний саломатлик одам органларининг ўсиш ва ривожланиш даражаси бўлиб, у организмда мослашувни шакллантирувчи морфологик ва функционал захираларга асосланади. Жисмоний саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш одамларни, айниқса, болалар ва ёшларни соғ-лом турмуш тарзига, тез ўзгарувчан ижтимоий вазиятга, жамиятга жисмоний ва психологик мос-лашишга тайёрлаш учун махсус ижтимоий-педагогик дастурни талаб этади. Оила, боғча, мактаб, маҳалла, университет, ишлаб чиқариш жамоалари, маданий объектлар ва фуқаролик жамияти ин-ститутларини ўз ичига олган ижтимоий муҳит одамларнинг турмуши учун мунтазам ўрин тутади.

Болалар ва ёшлар ижтимоий ва педагогик муассасаларда асосий вақтларини ўтказадилар, аммо, афсуски, бу муассасалар жисмоний тарбиянинг махсус дастурига эга эмас ва жисмоний тар-бия учун ажратилган соатлари йилдан-йилга қисқармоқда.<sup>3</sup> Болалар ва ёшлар жисмоний фаоллик кўрсатса-да, (югуриш, сакраш, дарахтларга кўтарилиш, куч синашиш ёки чидамлиликка ҳаракат қилиш кабилар), лекин бу машқлар ўз-ўзидан, саломатликни шакллантиравермайди. Саломатлик-ни, жисмоний маданиятни тарбиялаш уларни рационал ташкил этишни, махсус илмий-педагогик дастурга асосланган тарзда машқлар уюштиришни тақозо қилади. Табиий хатти-ҳаракатларни ра-ционаллаштириш илмий талқиндаги саломатлик ва жисмоний маданиятнинг мақсадидир. Чунки тана органлари ва тизимларининг ривожланиши ҳам ўзининг ички қонуниятларига, рационал ён-дашишни талаб қиладиган методикасига эга. Инсон организмнинг морфологик, функционал за-

<sup>1</sup> Попов С.В. Валеология в школе и дома (о физическом благополучии школьников). Санкт-Петербург, “Пи-тер”, 1998, с. 8; Алламуратов Ш.И., Пожидаева Т.Ф., Хасанова Л.Ш., Савочкин М.Б. Физическая культура и здоровый образ жизни. Тошкент, ТИТЛП, 2011, с. 37–38; Тухтаров Б.Э. Юкори малакали спортчиларнинг овқатланишининг гигиеник асослари. Медиц. фан. номзоди...дисс. автореферати, Тошкент, 2012.

<sup>2</sup> Гессен С.И. Основы педагогики: введение в прикладную философию. Учебное пособие, Москва, “Школа Пресс”, 1995; Розин В.М. Здоровье как философская и социально-психологическая проблема. Философия здоровья. Москва, РАН, Институт философии, 2001, с. 34 – 60.

<sup>3</sup> Попов С.В. Валеология в школе и дома (о физическом благополучии школьников). Санкт-Петербург, “Пи-тер”, 1998, с. 8 – 9.

хиралари ва адаптив имкониятлари жуда катта, лекин улар рационал, илмий асосланган методологияга муҳтож бўлиб, бу захиралар ва имкониятлар унинг жисмоний, маънавий-ахлоқий ривожланишига хизмат қилади. Шуни унутмаслик керакки, саломатлик органлар фаолиятининг бир кўриниши бўлиб, у, аслида, биологик табиатга эга. Илм-фан ушбу биологик омилни эътироф этган тарзда, саломатликка рационал таъсир этадиган методика ишлаб чиқилиши тарафдоридир. У табиий ва биологик эҳтиёжларни саломатликни шакллантириш мақсадида рационаллаштириш, турли экспериментлар ёрдамида янги янги методикани яратиш мумкин деб билади.

**Саидназаров Улуғбек Ахмеджанович (УрДУ тадқиқотчиси)**  
**ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

***Аннотация.** Мазкур мақолада жисмоний маданиятнинг саломатлик, меҳнат ресурсларини шакллантириш ва интеллектуал ривожланиш билан боғлиқ ижтимоий фалсафий масалалари очиб берилди.*

***Аннотация.** В статье раскрываются социально-философские вопросы физической культуры и ее связи со здоровьем, формированием трудовых резервов и интеллектуальным развитием.*

***Annotation.** The article reveals the socio-philosophical issues of physical culture and its relationship with health, the formation of labor reserves and intellectual development.*

***Калим сўзлар:** жисмоний маданият, соғлиқ, саломатлик, ижтимоий ҳаёт, инсон, меҳнат, жисмоний машқлар, соғлом турмуш тарзи, идрок, рационал.*

***Ключевые слова:** физическая культура, здоровье, оздоровление, общественная жизнь, человек, труд, физические упражнения, здоровый образ жизни, разум, рациональный.*

***Key words:** physical culture, health, health saving, social life, man, labor, physical exercise, healthy lifestyle, reason, rational.*

Жисмоний маданият жамият ва инсоннинг саломатлиги, соғлом турмуш тарзи, репродуктив ҳолати ва ўзини-ўзи бошқариш, идрок этиш, фаолият юритишга оид воқелиқдир. У моҳиятан саломатлик фалсафаси муаммоси ҳисобланади. Жисмоний маданиятда нима бирламчи – жисм, вужудми ёки маданият, ҳолатми? деган савол уйғонади ва бу борада турлича фикрлар билдирилади.<sup>1</sup> Бу баҳслар фақат метафизик аҳамиятгагина эмас, улар илм-фан, эмпирик тажрибаларга муносабатларни шакллантириш, жисмоний тарбияга оид режаларни тузиш учун ҳам зарур.

Жисмоний маданиятда жисмоний етуклик, қувват, куч, ғайрат, тетиклик, оғир жисмоний машқларни бажаришга шайлик устувордир. Маданият ушбу воқелиқларга инсонийлик, ахлоқийлик, олижаноблик бахш этади. Жисмонийлик – ўзак, маданийлик ушбу ўзакнинг сифат белгиси. Улар биргаликда ижтимоий аҳамият, шахс камолотига таъсир этувчи позитив воқеликка айланади.

Ижтимоий фалсафа инсон ва унинг фаолияти, жамият, социум билан алоқалари, бу алоқаларнинг тараққиёт талабалари ва қонунларига мувофиқлигини тадқиқ этади.<sup>2</sup>

Жисмоний маданият эса ушбу фаолият ва алоқаларнинг бир кўриниши ҳисобланади. Ижтимоий фаолиятнинг тизимларига кирувчи жисмоний маданият кенг маънода ана шу фаолият мақсади, вазибалари ва улар билан алоқалари нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Демак, жисмоний маданият пировард натижада ижтимоий фаолият нуқтаи назаридан баҳоланади.

Ижтимоий фаолият, фалсафага кўра, сиёсий, иқтисодий, маънавий, халқаро, илмий, бадий, технологик кўринишлар (йўналишлар)га бўлинади.<sup>3</sup> Аммо бу йўналишлар жисмоний маданиятни махсус соҳа сифатида келиши ва уларга позитив таъсир қилишини рад этмайди. Шу маънода жисмоний маданият интегратив аҳамиятга эга ва қолган фаолиятларга боғланиб, уларни саломатлик фалсафасига мувофиқ бойитиб келади. Интегративлик, яъни бошқа фаолиятлар йўналишлари билан боғланиб келиш жисмоний маданиятнинг ижтимоий аҳамиятини оширади ва доирасини кенгайтиради.

<sup>1</sup>Архилова Л.А. Методика преподавания физической культуры в начальной школе. Учебное пособие, Тюмень, ТГУ, 2013.

<sup>2</sup>Вальяно М.В. Основы философии. Учебник, Москва, “Дело и Сервис”, 1999, с. 373.

<sup>3</sup>Деминенко Э.С. Философское осмысление здоровья человека в техногенном мире. Философия здоровья. М., Институт философии, РАН, 2001, с. 175; 196.

Жисмоний маданиятнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари қуйидаги йўналишлари билан боғлаб тадқиқ этилиши даркор:

- 1) инсон саломатлиги (саломатлик фалсафаси);
- 2) меҳнат ресурсларини шакллантириш (ижтимоий фаолият фалсафаси);
- 3) интеллектуал ривожланиш;

Мазкур йўналишлар, бизнинг фикримизча, жисмоний маданиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ижтимоий аҳамиятини етарли тушунишга ва очиб беришга хизмат қилади.

Саломатлик – инсонга бериладиган ягона неъмат. Буюк мутафаккир Алишер Навоий дейди: “Барча неъматларни татиб кўрдим, аммо офиятдин улуг ганж топмадим”.<sup>1</sup> “Офият” сихат-саломатлик деганидир. Саломатлик инсонни тетик, бақувват, жисмонан етук, ўзини-ўзи идора қилиш демакдир. Саломатлиги йўқ киши ташқи таъсир ва муносабатларга ўта инжиқлик билан ёндашади, бошқаларга ҳасад қилади, яқинларидан ўзига хизмат қилишни сўрайверади.

“Авесто”да саломатлик ҳақиқат, эзгулик, иқбол, омадбарорлик, умрузоклик билан савоб билан уйғун келиши қайд этилади. Масалан, унда Заратушт Ахура Маздага дейди: “Ҳақиқат ато эт, бахту иқбол, тансихатлик бер унга, бер унга чидам, бардош. Умрузоклик, қил барқарор, яхши қут бер, нур-савоб”.<sup>2</sup>

Демак, саломатлик реномени инсонни ҳаётдан, ўз турмуши ва фаолиятдан, социумдаги тартиблардан мамнун яшаши гаровидир. Инсон интиладиган, орзу қиладиган бахту иқбол ҳам саломатлик феномени орқалидир. Жисмоний маданият физиологик функцияси инсоннинг ҳаётига, ижтимоий тасаввурлари ва муносабатларига бевосита таъсир этиши билан қимматлидир.

Саломатлик феноменин икки – индивидуал ва социал йўналишларда қараш кенг тарқалган.<sup>3</sup> Индивидуал йўналишда шахснинг ўз саломатлигини асрашга муносабати, жисмоний машқларга мойиллиги ва қизиқиши, жамиятдаги оммавий спорт турларини қўллаб-қувватлаши кабилар муҳим бўлади. Баъзи адабиётларда жисмоний маданият ва тарбия, саломатлик индивид иши, агар у саломат юришни истаса, жисмоний тарбия билан шуғулланади, деган фикрлар билдирилади.<sup>4</sup> Бироқ бу саломатлик ва жисмоний маданиятнинг социал воқелик ҳам эканини, инсоннинг саломатлиги нафақат индивидга, шунингдек, жамият, социум ҳам зарур эканини рад қилмайди. Халқ, миллат (этносциал омил) саломат инсонлари, фарзандлари орқалигина ижтимоий-тарихий субъект сифатида мавжуддир.

Бугун дунёда кечаётган глобал ўзгаришлар техника, информация, интеграция, модернизация билан боғлиқ бўлмоқда. Техноген жамият объектив борлиғимиздир. Бундай жамиятда узоқ асрлар давомида инсоннинг жисмоний хатти-ҳаракатларига, қўл кучига асосланган фаолият турлари техникага юклатилади. Оғир қўл меҳнатидан ҳалос бўлиш ижобий ҳол, албатта. Бироқ бу гиподинамия, ўтириб ишлаш, натижада асаб, юрак, бўғин касалликларини келтириб чиқараётгани ҳам реаллигимиздир. Махсус тадқиқотлар натижаларидан маълумки, ҳар куни компьютер, ноутбук билан ишлайдиган кишиларда “эрта нотабий ўлим” 92%ни ташкил этади.<sup>5</sup> Техноген жамият инсон саломатлиги ва уни мустаҳкамлаш омилларини энг долзарб муаммога айлантиради. Бу муаммонинг самарали ечими индивиднинг жисмоний маданиятини юксалтириш, яъни унда озодлик ва оммавий спортга қизиқиш уйғотишдадир. Ибн Сино бежиз айтмаган: “Мен қолдириб кетаётган энг яхши табибларимнинг биринчиси – тозалик, иккинчиси – бадантарбия, қолганлари эса мижоз кайфиятидир”.<sup>6</sup>

Жамият ижтимоий муносабатларда, меҳнат ва яратишда фаол иштирок этадиган, тараққиёт фани зарур бўлган моддий неъматлар яратадиган шахслар керак. Ушбу шахслар меҳнат ресурсларини ташкил этади. Шунинг учун ҳам ғарб давлатлари, айниқса, АҚШ ёшлар миграциясини қўллаб-қувватлайди, уларни жалб этишнинг турли усулларини кашф этади. Масалан, Green Card шундай усуллардан биридир.

<sup>1</sup> Алишер Навоий асарларига изоҳли луғат. Т., Ф.Фуллом номидаги ад. ва санъат нашр., 2-том, 1983.

<sup>2</sup> “Авесто”. Яшт китоби. Тошкент, “Шарқ”, 2001, 15 – 16-бетлар.

<sup>3</sup> Розмин В.М. Здоровье как философская и социально-психологическая проблема. Философия здоровья. Москва, Институт философии. РАН, 2001, с. 85.

<sup>4</sup> Теория и методика физической культуры. Москва, “Сов. спорт”, 2007, 9 – 10-бетлар.

<sup>5</sup> Сулаймонов И.И ва бошқалар. Общее физкультурное образование. Омск, ОГУ, 1998, 11 – 12-бетлар.

<sup>6</sup> Алламурастов Ш.И., Пожидаева Т.Ф., Хасанова Л.Ш., Савочкин М.Б. Физическая культура. “Здоровый образ жизни”, Ташкент, ТИТЛП, 2011, с. 13 – 56.



Меҳнат ресурслари ижтимоий демографияга, аҳолининг репродуктив саломатлигига оид воқелиқдир. Аҳоли сонининг ўсиши, янги авлоднинг туғилиши, уни тарбиялаш ва вояга етказиш меҳнат ресурсларининг негизи ҳисобланади. Репродуктив саломатлик аҳолидан соғлом фарзанд туғилишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам мутахассислар миллат, халқ ирсий маданиятини шакллантиришга катта эътибор қаратадилар. Дарвоқе, “инсон саломатлигини белгиловчи омиллар орасида унинг ирсий саломатлигини таъминлаш, миллатнинг ирсий маданийлигини юксалтириш масаласи муҳим ўринни эгаллайди. Зеро, инсон саломатлиги 20% ҳолларда унинг ирсияти билан боғлангандир. Туғилаётган чақалоқларнинг қарийб 4%гача турли хил ирсий нуқсонларга эга бўлаётгани аҳоли ўртасида ирсий касалликларнинг кўпайишига мойиллиги, айрим оилаларда туғиладиган фарзандларнинг аксарияти ирсий касалликларга мубтало бўлаётганлиги масалага жиддий эътибор беришни талаб қилади”.<sup>1</sup>

Демак, ирсий саломатлик ҳам техноген жамиятда муҳим муаммога айланган, инсон саломатлиги ва миллат равнақи ушбу муаммога жиддий ёндашишни тақозо этади. Репродуктив, ирсий маданият ҳам организмнинг биологик ва физиологик ривожланишига бевосита боғлиқдир. Жисмоний маданият эса ушбу биологик ва физиологик ривожланишни таъминлайди, организмнинг бақувват ўсиши учун зарур бўлган гармонларни, иммунитетни етиштиради. Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, жисмоний маданият билан популяция, генофондни махсус жисмоний машқлар орқали мустаҳкамлаш мумкин. “Популяция ўз генофондини наслдан-наслга қараб узлуксиз равишда бойитиб бориши натижасида унинг жисмоний саломатлиги мустаҳкамланиб боришидан иборат, эволюцион ўзгаришларни ўз бошидан кечиради, унинг ирсий саломатлиги тобора мустаҳкамланиб боради”. Генофонди нисбатан эволюцион турғунликка тушиб қолган миллатни эса ирсий соғлом миллат деб бўлмайди. Ирсий саломатлик миллат саломатлигининг тамал тошларидан бири ҳисобланади ва унинг саломатлик кўрсаткичларида, сўзсиз, ўз аксини топади. Генофонднинг ранг-баранглиги ва бойлиги нафақат миллатнинг ирсий саломатлигини, балки унинг жисмоний маданий ривожланганлигини ҳамда руҳий соғломлик даражасини белгиловчи олтин фонд ҳисобланади.<sup>2</sup>

Кўриниб турибдики, миллатнинг саломатлиги репродуктив ўсиш, соғлом фарзанд кўриш, жисмоний маданият даражаси билан белгиланади. Интеллектуал ривожланиш инсоннинг ён-атрофга, ҳаётга рационал муносабатини талаб қилади. Об’ектив воқелиқни рационал идрок этган, ўзининг хатти-ҳаракатлари ақлу идрок талабларига мувофиқ ташкил этадиган, бошқарадиган шахс интеллектни юқори баҳолайди. Интеллектнинг ривожланиши рационал ёндашувдан, ақл-идрок талаблардан ташқарида рўй бермайди. Бу жараёнларнинг жисмоний маданият билан боғлиқ жиҳати “Соғ танда – соғлом ақл” деган халқ мақолида намоён бўлади.

Рационализм асосчиси Р.Декарт инсоннинг билиш қобилияти, ақл-идроки тўғрисида кўп фикрлаган, ёзган. Унинг таъкидлашича, инсон ақли кўп нарсаларни билишга қодир, аммо ушбу ақлни рационалга, яъни “билиш ва, шубҳасиз, билим берадиган томонга йўналтириши лозим”<sup>3</sup> деб ёзади. Соғлом ақл нимани билиш мумкин-у, нимани билиб бўлмаслигини билади. Агар ақл носоғлом бўлса, инсон хатти-ҳаракатларини ноқерак нарсаларга йўналтиради, вақти ва имкониятларидан самарали фойдаланмайди. Жисмоний маданият фикрни соғлом, рационал қилади, инсонда ўз кучи ва имкониятларини керакли нарсага йўналтириш хислатини шакллантиради. Тўғри, бу ўринда рефлексия, шахсий ҳаётий тажриба, орттирилган билим ҳам ҳал этувчи роль ўйнайди. Бирок жисмоний маданият, унинг инсон иродасига, истак ва интилишларига таъсирини эсдан чиқариш мумкин эмас.

Жисмоний маданият соғлом ижтимоий борлиқ, соғлом жамият ва соғлом турмуш тарзини шакллантиради. Мазкур воқелиқларсиз тараққиёт йўқ. Инсоннинг ҳаётдан мамнун яшашининг ягона шартини унинг жисмонан саломатлиги, хасталиқдан йироқ яшашидир. Ҳаракат, жисмоний машқлар юракни соғлом, мушакларни бақувват қилиб, инсонни ҳаётга тик боқишга ўргатади.

<sup>1</sup> Попов С.В Валеология в школе и дома (о физическом благополучии школьников). Санкт-Петербург. “Питер” 1998, с. 14 – 153.

<sup>2</sup> Саломатлик сирлари (тиббий рисола). Тошкент, “Qamar media”, 2020, 14 – 154-бетлар.

<sup>3</sup> Декарт Р. Сочинения. В двух томах, том 1, Москва, “Мысль”, 1989, с. 15 – 79.

**Абдуқодиров Сарвар Бегимкулович (Жиззах Давлат Педагогика институти Тарих фани ўқитувчиси  
ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ГИЛАМДЎЗЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ХАЛҚ  
ҚАРАШЛАРИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИ**

***Аннотация.** Ушбу илмий мақола Жиззах воҳасининг гиламчилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб келган дала-этнографик маълумотлар орқали ёритилишига асосланган. Воҳада гиламларни тайёрлашда воҳа аҳолисининг ўзига хос қарашлари, урф-одатлари, қадриятлари ва бошқа ҳудуд аҳолисиника ўхшамас расм-русумлари ёритилишига ҳаракат қилинган. Воҳанинг тоғ олди ҳудудларида яшовчи аҳоли томонидан қўлда тўқилган гиламларнинг ўзига хос хусусиятлари ва у билан боғлиқ халқ қарашлари ўрин олган.*

***Аннотация.** Эта научная статья основана на освещении традиций и обрядов ковроткачества в Джиззакском оазисе с помощью полевых этнографических данных, передаваемых из поколения в поколение. При изготовлении ковров в оазисе была сделана попытка подчеркнуть уникальные взгляды, обычаи, ценности и обычаи жителей оазиса. Особенности изготовления ковров ручной работы жителей предгорья оазиса и связанные с этим народные представления.*

***Annotation.** This scientific article is based on the coverage of the traditions and ceremonies associated with carpet weaving in the Jizzakh oasis through field ethnographic data that have been passed down from generation to generation. In the production of carpets in the oasis, an attempt was made to highlight the unique views, customs, values and customs of the people of the oasis. The peculiarities of hand-woven carpets by the people living in the foothills of the oasis and the folk views associated with it.*

***Калим сўзлар:** гиламдўзлик, ранглар жилоси, урф-одат ва маросимлар, сеп гилам, тўёна гилам, ҳашар оши, жулбароқ, гождари гилам, терма гилам, бўсага гилам, олача гилам, жулхирс гилам.*

***Ключевые слова:** ковроткачество, цветовая гамма, обычаи и ритуалы, коврики сеп, коврики туйона, хашар оши, джулбарок, коврики годждари, коврики терме, коврики босага, коврики олача, коврики джулхирсы.*

***Key words:** carpet weaving, color scheme, customs and rituals, sep rugs, tuyona rugs, hashar oshi, julbaroq, gojari rugs, terme rugs, bosaga rugs, olacha rugs, julxirs rugs.*

Қадимги туркий халқларида гиламчилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар қадрланган жуда улуғланганлиги тадқиқотчиларга яхши маълумдир. Гиламчиликда урф-одат ва маросимлар авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб келган. Қадимда гиламчиликда оқ, қора, смови, кизил, сариқ жунлардан фойдаланишган ва айнан шу ранглар асосида гиламларни тўқишган. Кейинчалик, рангларни кўни-кўшни аёллар билан жунларни ҳар хил рангларга бўйшади. Гиламни тайёрлаш учун онгли равишда авлоддан-авлодга асрларни қаритадиган мустаҳкам ва пухта ишлангани тайёрлашни олдиларига мақсад қилиб олишган. Айниқса, қишлоқ аёлларининг асосий вақти уйда ўтганлиги сабабли бирон иш билан машғул бўлиши учун гилам маҳсулотларини қўл меҳнати асосида чархда ёки урчукда йигириб, уйларига тўшамалар қилишган. Гиламларни тайёрлашда воҳа аҳолисининг ўзига хос қарашлари, урф-одатлари, қадриятлари ва бошқа ҳудуд аҳолисиника ўхшамас расм-русумлари ҳозирда яхши сақланган. Агар гиламни аёллар ўз уйига атаб қурса, атрофидаги чевар, қайвони аёлларни чақириб, гиламнинг тўрт бурчагига ёши кекса аёлларни ўтқазиб улар биринчи бўлиб гилам ипларини ушлашган ва гилам ипларини югуриб (айланиб) беришган ва уни ёшларнинг қўлига беришган.

Ўрта Осиё халқларининг гиламчилиги ривожланиши тарихи, гилам маҳсулотлари, уларنى тайёрлашда ишлатиладиган маҳсулотлар, тўқиш техникаси, тукувчилик дастгоҳлари, бўйаш технологияси, гилам безаклари ўзига хос локал хусусиятларига эга. Ишнинг энг қизикарли томони, XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё гиламлари, асосан, уй шароитида тайёрлашга асосланганлиги, гиламчилик марказлари ҳам таққослаб таҳлил этилган.<sup>1</sup>

XIX аср охири – XX аср бошларида Жиззах ва Зарафшон қишлоқ аҳолиси орасида ҳам гиламдўзлик, наматдўзлик, арқондўзлик каби хунар турлари ривожланган эди.

<sup>1</sup> Мшикова В.Г. Средняя Азия в конце XIX – начале XX вв. Т., “Фан”, 1970, с. 255.

Бугунги кунда воҳа аёллари гилам тайёрлаш учун 10–12 нафари бирлашиб бир кун давомида куриб бўлишади. Гилам куришга келган аёлларга хонодон вакиллари томонидан бўғирсоқ тайёрланиб ош димланган. Кейинги кун чеварлар ерталабдан гилам тўқишни бошлашади. Гиламга, албатта, бир ёки икки нафар мутахассис чеварни олган. Гилам тўқиш жараёнига чеварлар таклиф қилинмаса гиламдаги нақшлар, рамзлар чиройли чиқмаган. Асосан гиламни тўрт нафар аёл тўқиган икки нафари чевар бўлса, икки нафари эса чевар шогирдлари хисобланган. Гилам битгунча кўни-кўшни, қариндошлари келиб (аёллар, қизлар) гиламнинг тезроқ битишига кўмаклашган. Гиламга тўқмоқ уриш оғир саналганлиги учун энг сара таомлардан пишириб келишган ва буни “Ҳашар оши” деб аташади. Ҳашар оши олиб келган аёллар ўша куни кечгача гилам тўқиб кўмаклашиб кетишади. Гилам битадиган куни яна аёллар келишади, бўғирсоқ, ош дамлаб ёки бошқа таом тайёрлашади ва биргаликда гиламни қирқмасдан олдин тайёр бўлган гилам устига сочқи (ширинлик) сочишади.<sup>1</sup> Бу урф-одат Жиззах воҳасининг тоғ олди туман қишлоқларида сақланиб қолган. Сочқининг маъноси шуки, тўйда ёки хонадоннинг энг эзгу кунларида ташриф қилган меҳмонлар гиламнинг устида яхши ниятлар ила ўтириши маъносида халқ қарашлари ҳозирда ҳам сақланиб қолган. Тайёр бўлган гиламни кайвонилар икки тарафидан қирқишади, гиламни қирқишда ҳам ўз йўналиши бўлади. Гиламнинг ипини бир қарич қўйиб, ипларини икки тарафлама қирқишади. Агар бир тарафлама қирқишса, гилам қийшиқ бўлиб қолади, чунки таранг ва қаттиқ турган ип бир тарафлама тортиб кетади. Уйга тўшалган янги гиламга яна сочқи, бўғирсоқ сочишади. Гиламнинг устига эса ҳурматли, кадрли, униб-ўсган кишиларни қутқазишади, улардан дуо ва яхши ниятларни эшитишади.

Бу урф-одатлар халқимизнинг энг чиройли гиламга бўлган қарашларидир. Халқимиз, асосан, гиламчилик билан шуғулланувчи чеварларимиз ҳеч бир элда ўхшаши йўқ урф-одатимизни йўқ бўлиб кетмаслиги учун келинларга, қизларга бу анъаналарни ўргатиб, онгига сингдириб боришмоқда. Бу анъаналар ҳозирда ҳам Бахмал, Зомин, Ғаллаорол ва Фориш тумани қишлоқларида сақланиб қолган. Ҳозирда бу кадрятларни чекка қишлоқлардаги кўп ёш келин-қизларимиз давом эттирмоқда. Бу эса қўл меҳнатининг нақадар кадрли эканлигини билдиради.

Бахмал тумани Сўпи (Сўфи) қишлоғида 1953 йилги ва 1955 йилги тўқилган гилам нусхалари Синдор ака хонадонида ҳозирда асл ҳолатини йўқотмаган гиламлар мавжуд.<sup>2</sup> Сутлибулоқ қишлоғида яшовчи Саттор ака хонадонида 1965 йилги гилам мавжуд. Зомин тумани Зомин шаҳарчасида жойлашган музейда қадимий тўқилган оқ-қора рангдаги олача бор. Бу олача ҳеч бир жунга ишлов (ранг) берилмасдан, асл ҳолича тўқилган. Бу гиламнинг хусусияти шундаки, ҳар бир нусхасига жунни асл ҳолигича солишган ва бу гилам терма олача номи билан аталади. Бундай турдаги гилам бошқа воҳаларда такрорланмайдиган ва учрамайдиган нусхалардан бири саналади. Бахмал тумани Сутлибулоқ, Дувлат, Абай қишлоқларида ҳозирда ҳар бир хонадонда қўл меҳнати билан тўқилган ва гилам маҳсулотларининг бир неча турлари мавжуддир. Худди шунингдек, Сутлибулоқ қишлоғида яшовчи Азам ака хонадонида бундай қўл меҳнати билан тўқилган гилам, яъни жулбароқ, араби гилам, ғажари ва терма олача, жулбароқ, гилам хуржун (отга ёпадиган) ва бошқа турдаги гиламлар мавжуд.<sup>3</sup>

Жун буюмларига тез куя тушади, куядан тоза саклаш учун қадимда ёнғоқнинг баргидан фойдаланишади. Шолча, жулбароқ, араби гиламларни ерга тўшашган, лекин қадимда халқимиз гиламларни деворга илиб қўйишган, бунга сабаб меҳнати оғирлиги кўп маҳсулот кетганлигини ҳисобга олишган ва кадрланган пишиқ пухта бўлганлиги учун авлоддан-авлодга ўтади ва эслашади деб жуда кадрлашган. Гиламчиликда, албатта, чевар олишган, чеварга бош-оёқ сарпо қилишган. Ўтган асрларда ҳам маҳси-калиш, кўйлак-рўмол 3 метр бахмал мато беришган ва чеварларини шу орқали рози қилишган. Ҳозирда ҳар бир чеварга 700–800 минг пул маблағи беришади. Гилам 20 кундан 1 ойга қадар вақт оралиғида тўқиб тугатилади. Бахмал туманининг баъзи бир қишлоқларида гилам тўшқитган хонодон эгаси (эркак киши томонидан) томонидан чеварларга атаб гилам битгандан сўнг чеварларга ҳурмат ва эҳтиром тимсоли сифатида қўй сўйиб бериб, меҳмон қилинган.<sup>4</sup>

Гилам бир неча турларга бўлинади, шулардан бири қизларга атаб сеп гилам тўқилади. Сеп гилам катта ва чиройли, шунингдек, қизил ранг ишлатилган бўлиб, қизил ранг ёшликни, жўшқин-

<sup>1</sup> Дала ёзувлари. Жиззах вилояти Бахмал тумани Сутлибулоқ қишлоғи, 2021.

<sup>2</sup> Дала ёзувлари. Жиззах вилояти Бахмал тумани Сўфи қишлоғи, 2021.

<sup>3</sup> Дала ёзувлари. Жиззах вилояти Бахмал тумани Сутлибулоқ, Дувлат, Абай қишлоқлари, 2021.

<sup>4</sup> Дала ёзувлари. Жиззах вилояти Бахмал тумани Сутлибулоқ қишлоғи, 2021.

ликни, куч-ғайратни, зийракликни билдириб воҳа кекса аёллардан сеп гиламга, асосан, қизил рангнинг кўпроқ ишлатилишини сўраганимизда, келин борган хонодонига куч-ғайрат, жўшқин ёшлиги билан борсин деган маънода гиламни таг заминини алвон қизил рангда қилиш зарурлигини айтишган. Бахмал туманида жойлашган Дувлат қишлоғида истиқомат қилаётган ҳозирда 100 ёшни қарши олган Тошбуви момонинг гаплари эди.<sup>1</sup>

Яна бир гиламчилик билан боғлиқ урф-одат борки бу жуда қадимий ҳисобланиб, ота ва она қизига сеп гилам курса, қизнинг қайнотаси гиламга атаб қўй олиб келган. Қўй олиб келган кишилар 4–5 кишидан иборат бўлиб, шундан 2 нафари эркак ва 2–3 нафари эса аёл кишидан иборат бўлган. Қуда дастурхонида, албатта, қатлама бўлиши шарт бўлган. Олиб келинган қўй, албатта, сўйилиб, қудаларнинг олдига қизнинг амаки-уруғлари чақирилиб, зиёфат қилишган, ушбу зиёфат орқали қудалар бир-бирлари билан яқиндан билиб олишган. Қудалар ўзлари билан 1 нафар ёки 2 нафар ўспирин 10–12 ёш атрофида ўғил болаларни эргаштириб келишган. Сабаби ёш болалар орқали бўлажак қайнота ва қайнона бўлажак келинни билиб олишган. Бўлажак келин қайин укаларига учуқ солган, учуқ дегани етти хил рангдан иборат бир хил ўлчамдаги ип бўлган. Бу ипларни бола бўлажак қайноналарга олиб бориб беришади, чунки қадимда қизлар куёв уруғларига юзини кўрсатмаган. Учукни олган болага бўлажак келиннинг қайнотаси бир қанча ширинликларни бериб юборади. Тошбуви момодан бу удумларнинг маъносини сўраганимизда, қўй бу ризқ-насиба, барака дегани, қатлама эса қатлашиб, қўпайиб кетиш дегани, ширинлик эса тотувлик, аҳиллик дегани дейишди.<sup>2</sup> Бу эса халқимизнинг гиламга бўлган энг қадимий қарашлардан биридир.

Қўлда тўқилган гиламларни ҳозирда ҳам ҳеч қачон гилам жуда эски бўлса ҳам, халқимиз кадрлайди ва бўсагага тўшамайди, лекин атаб бўсага гилам тўқишади. Гилам шолча, ғажари, терма, араби гилам, жулбароқларни уйнинг юқори (тўр) қисмига тўшалган. Ҳеч қачон бу гиламларни бўсагага тўшалмаган. Бу гиламга бўлган эътиқоди ва қадри балан бўлганлигидан далолат беради. Гилам ишланмалар орасида мукаммал санъат асари десак бўлади, чунки бу ишланма инсон онги билан пайдо ҳам бўлган. Қиз фарзандга атаб тўқилган гилам, яъни сеп гилам ҳеч қачон сотилмаган ва сеп гиламни сотиш уят ҳисобланган. Гиламнинг нархи ҳозирда ҳам қадимда ҳам бир сигир нархида ҳисобланган. Бундай нархнинг белгиланиши гиламнинг нақадар қадри буюм эканлигидан далолат беради. Ҳозирда ҳам юқорида номлари зикр этилган қишлоқлардаги хонадонларнинг барчасида икки ва ундан ортиқ гиламлар мавжуд. Тошбуви момонинг айтишича, юқорида номлари зикр этилган қишлоқ аҳолисининг қўлда тўқилган гиламни сотишмаган бу ҳақида ҳам эшитмаганман, дейди.

Аёллар фарзандларига атаб ўз қўллари билан гилам тўқишади. Бахмал тумани Сутлибулоқ қишлоғида яшовчи Зулайҳо она 8 нафар фарзандига ҳам гилам тўқиган ва қишлоқ аҳолиси ҳам онахоннинг фарзандлари хонадонларининг юқори қисмида (дўрида) сақлан гиламлар асл ҳолича турганлиги қадрланиб сақланаётганлиги айтилмоқда.

Гиламчилик Зомин туманида ҳам жуда ривож топган, айниқса, Еттикечув, Дуоба, Каримсой, Сарикамар (Сариқкамар) ва бошқа қишлоқларида гиламчилик билан айрим аҳолиси мунтазам шуғулланишади. Бу қишлоқларда қизлар, келинлар устоз шогирд тушишмайди фақатгина гилам тўқиш жараёни ҳашар йўли орқали тўқиб тугатилган. Ғаллаорол туман аҳолиси эса бугунги кунда ҳам гиламчиликнинг жулбароқ туридан кенг фойдаланади ва тўқишади.

Миллий ўйинлардан бири саналган кўпкари (улоқ чопиш) ўйинида ҳам қадимдан Жиззах воҳасида қўлда тўқилган гиламларнинг соврин (солим, зот) сифатида ўрни бекиёс бўлган. Куёв томондан ўғил фарзандга атаб суннат тўй қилинса, воҳада ҳозирга қадар қизнинг (суннат қилинадиган фарзанднинг она томони) отаси той олиб борилса, онаси эса қўлда тўқилган (қўлаки гилам) олиб борилган. Ота номидан той ва она номидан олиб борилган қўлда тўқилган гилам улоқ кўпкарининг энг олий соврини (зот, солим) ҳисобланишган. Воҳанинг Зомин, Бахмал, Ғаллаорол ва Фориш туманларида ташкил этиладиган кўпкари улоқ ўйинида, асосан, қўлда тўқилган гилам (қўлаки гилам) ҳозирга қадар энг олий соврин (зот, солим) ҳисобланади. Гиламни воҳа аҳолиси, асосан, ёз ойларида тўқишган. Серсоя жойларга гилам соғочлари ёки станоклар қурилган сабаби уй ичида қурилган станокларда тўқилган гилам билан ёз ойида тоза ҳавода манзарага бой жойда тўқилган гиламнинг фарқи жуда ҳам катта ҳисобланган. Бунга сабаб ёзда тоза ҳавода тўқилган гиламнинг

<sup>1</sup> Дала ёзувлари. Жиззах вилояти Бахмал тумани Дувлат қишлоғи, 2021.

<sup>2</sup> Курбонова М.Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларнинг анъанавий таомлари (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини ёзилган диссертация, Тошкент, 1994, 94-бет.

иплари пишиқ ва мустаҳкам бўлса, совуқ ойларда уй ичида тўқилган гиламнинг иплари бўш (солқи) бўлади ва гилам ҳам сифат даражаси яхши бўлмаслиги маълум бўлган. Шундан келиб чиққан ҳолда, воҳа аҳолиси доимий равишда гиламни ёз ойларида тўқишади ва бу урфга айланганлигини билишимиз мумкин. Аввал ҳам ҳозир ҳам воҳада қизлар учун сеп тайёрлалганда гиламни **шол** буюм деб аташган. Ҳозирда ҳам Зомин, Бахмал, Ғаллаорол туманларида қизларга **шол** буюм тайёрлаш одат тусига айланган. Бу ҳолатни урф ёки одат сифатида асрлар давомида сақланиб қолганлигини воҳа аҳолиси томонидан таъкидланди. Шол буюмларнинг ўзи ҳам бир қанча турларга ҳам бўлинганми маълум бўлди:

- гилам;
- жулбароқ;
- ғожари;
- терма;
- бўсаға гилам;
- олача;
- жулхирс.

Жундан тўқилган тўшамалардан иборат бўлган шолга аталган одатлар асл ҳолини йўқотмаганлиги айтилди. Келинлар шол буюмларни асраб-авайлашган ва бошқалар учун фойдаланишга беришмаган. Мана шундай удумлар орқали 70 – 80 йиллик гиламлар бус-бутун, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, кўп асрлик тарихга, алоҳида услуб ва бетакрор йўналишга эга ўзбек миллий гиламдўзлик санъатини яна-да ривожлантириш, ҳудудларда шаклланган анъанавий мактаблар фаолиятини кенгайтириш, қўлда гилам тўқиш анъаналарини қайта тиклаш, гиламдўз хунарманд ва касаначиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бугун юртимизда алоҳида соҳага оид миллий музей ташкил этиш вақти келди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар, ўз навбатида, миллий хунармандлик турининг ноёб услубларини сақлаб қолиш, келажагимиз эгаларига етказиш, дунё сайёҳларига кенг тарғиб этиш ҳамда уларни мамлакатимизга жалб қилишга ҳисса бўлиб қўшилади. Қолаверса, миллийлигимизни ўзида акс эттириб турувчи халқ амалий санъати намуналари билан келажак авлодни таништириш, гиламларимизда акс этган миллий қадрият ва руҳият ўзлигимизни англаш ва намоён этишга хизмат қилади.

**Sattorova Feruza Elmurodovna (SamDCHTI)  
PRAGMATIKA: NAZARIYADAN AMALIYOTGA QADAR**

***Annotatsiya.** Ushbu maqola hozirgi davr uchun muhim bo'lgan tilga kompetensiyaviy yondashishning bir bo'laki pragmatik kompetensiya tushunchasining paydo bo'lishi, rivojlanish bosqichlari va til ta'limidagi ahamiyatini ochib berishga qaratilgan. Ingliz tilini o'qitishda nafaqat lingvistik bilimlar – grammatika, so'z boyligi va to'g'ri talaffuz qoidalari, balki kommunikativ kompetensiyaning bir bog'ini bo'lgan pragmatik qobilyat – kontekstda so'zlovchi o'z maqsadini o'rinli nutq aktlari bilan ifodalay olishi muhim sanaladi. Shunday ekan, maqolada pragmatik qobilyat tushunchasi haqida ham mulohazalar yoritib beriladi.*

***Аннотация.** Статья посвящена возникновению концепции прагматической компетенции, этапам ее развития и ее важности в языковом образовании как части компетентного подхода к языку, который актуален сегодня. При обучении английскому языку важно приобретать не только лингвистические знания – грамматику, лексику и правила правильного произношения, но и прагматические способности, которые являются частью коммуникативной компетенции, – выбирать подходящие речевые акты в заданном контексте, поэтому концепция прагматических способностей также обсуждается в этой статье.*

***Annotation.** This article is focused on the emergence of the concept of pragmatic competence, its developmental stages, and its importance in language education as a part of a competency-based approach to language that is relevant today. In teaching English it is important to acquire not only linguistic knowledge – grammar, vocabulary and rules of correct pronunciation, but also pragmatic ability, which is a part of communicative competence – to choose appropriate speech acts in given context. Therefore, the concept of pragmatic ability is also discussed in this article.*

***Kalit so'zlar:** kommunikativ qobilyat, pragmatik qobilyat, nutq aktlari, o'zaro hamkorlik tamoyili, nutqiy vaziyat.*

***Ключевые слова:** коммуникативная компетенция, прагматическая компетенция, речевые акты, принцип сотрудничества, контекст.*

***Key words:** communicative competence, pragmatic competence, speech acts, cooperative principle, context.*

O'tgan asrning ikkinchi yarmidan tilshunoslikda mazmuniy yo'nalishning maydonga kelishi va bu yo'nalish bo'yicha bir qator ilmiy tadqiqotlarning olib borilishi natijasida til birliklarini o'rganishda bir talay muammolarni keltirib chiqardi, o'z navbatida, tilshunoslikning bu yo'nalishlarida inson omili, til faoliyatida uning o'rni haqida ko'plab qarashlar vujudga keldi, natijada lingvistikaga yangi rakursdan qarash, ya'ni tilni tashuvchi, undan foydalanuvchining lisoniy muloqotga nechog'lik ta'sir etishi o'rganila boshlandi. Bu esa tilshunoslikda "zamonaviy" yo'nalishlar – pragmatik tilshunoslik, kognitiv tilshunoslik, sotsiolingvistika kabi sohalar vujudga kelib, ular haqida ko'plab nazariy dalillar to'planishiga zamin yaratdi. Tilshunoslikda o'tgan asrning ikkinchi choragida shakllanishni boshlagan bu paradigmalarda tilshunoslik olamida haqiqiy inqilob bo'ldi deyish mumkin, zero, tilshunoslikdagi bu yo'nalishlar faqat tilning sistem tuzilishi nazariyasi atrofida o'ralashib qolmay, tilni mavhumlikka tortib ketgan shakllardan ko'ra uni ijtimoiy hayotdagi faol roliga e'tibor qaratdi. Shuningdek, bu ilmiy yangiliklar ko'plab tilshunoslarni birligini ta'minladi va ushbu sohada duch kelingan ko'plab muammolar yechimini topdi.

**1. Pragmatikaning rivojlanish bosqichlari.** Ammo pragmatika sohasining shakllanishi tarixiga nazar tashlasak, bu soha lingvistikada o'rin olgunga qadar 3 ta katta davrni bosib o'tdi:

◆birinchi bosqich o'tgan asrning 30-yillarida falsafaga Charliz Morris tomonida pragmatika termini kiritilib, semiotikani tushunish uchun sintaktika va semantikadan tashqari pragmatikaning muhimligi haqidagi qarashlarni olg'a surgan olim, pragmatikani belgilarni interpereterlar bilan munosabatini, boshqacha aytganda ta'sirini belgilaydigan bir soha sifatida talqin qildi.<sup>1</sup> Bu davrda pragmatika falsafiy nuqtayi nazardan o'rganildi;

◆ikkinchi bosqich pragmatika sohasining rivojlanishi 1960–1970-yillar davomida amalga oshib, bu davrni pragmatikani tilshunoslikka kirib kelishi bilan izohlash mumkin. Bunda tilshunoslar va nutq akti

<sup>1</sup> Morris C. (1938). Foundations of the theory of signs. In Neuratin O., Carnap R.,&Morris C. (Eds.) International encyclopedia of unified science, vol. 2, Chicago, University of Chicago Press, p. 44.

teoriyachilari Jon Ostin, Jon Serl va Paul Grayslarning xizmatlari katta bo'lib, ularning bu sohadagi tadqiqotlari pragmatikaning falsafa va tilshunoslik o'rtasidagi chegaralarini belgilab berdi. Pragmatikaning tilshunoslikka kirib kelishi natijasida til va inson o'rtasidagi munosabatlar chuqurroq o'rganila boshlandi. Zero, Ostin va uning talabasi Jon Serl nutq akti teoriyasini fanga olib kirib, bu soha rivojiga ulkan hissa qo'shdi. P.Grays esa "Mantiq va Muloqot" ("Logic and Conversation") asari bilan kommunikatsiyaning muhim tarkibiy qismlari bo'lgan so'zlovchi, tinglovchi va tushunib ijro etish orasidagi munosabatlarda o'zaro hamkorlik tamoyilini (cooperative principle) olg'a surib muloqotning umumiy tabiatini ochib berdi;

◆uchinchi davr esa pragmatikaning lingvistikada mustaqil soha bo'lib chiqishi bilan belgilanadi. Bu davr o'tgan asrning 70–80-yillariga to'g'ri kelib, pragmatika muhim nazariy bilimlar bilan boyidi. Bu davrda tilshunoslar Lich va Levinsonlar ilgari surgan tamoyillar pragmatika sohasining ko'lab tushunchalar bilan boyishiga xizmat qildi. Bundan tashqari, bu davrni dunyo tilshunoslarini pragmatika atrofida to'plagan davr deyishimiz mumkin. Chunonchi, 1977-yilda xalqaro jurnal "Pragmatika Jurnal" ("Journal of Pragmatics") va 1986-yilda Xalqaro Pragmatika Assotsiatsiyasi (The International Pragmatics Association)ning tashkil topishi yuqoridagi fikrimiz isbotidir. Shundan buyon pragmatika tilshunoslikning to'xtovsiz rivojlanayotgan, turli ilmiy paradigmalar bilan boyib borayotgan soha sifatida rivojlanib kelyapti.

Ammo fikrimizcha, hali-hanuz bu paradigmalar universal qonunlar orqali konkret hodisalarga tatbiq etila boshlanmadi. Shu o'rinda ta'kidlash joizki, bu zamonaviy yo'nalishlar o'zidan oldingi tilshunoslik yo'nalishlardagi yutuqlarni inkor etmagan holda, ular negizida rivoj topdi, zero, "ilmiy paradigmalar bir-birini inkor etmasdan, o'zaro hamkorlikda, biri ikkinchisining nuqsonlarini bartaraf etgan holda rivoj topadilar".<sup>1</sup>

**2. Pragmatik qobiliyat tushunchasi.** Boshqacha aytganda, tilshunoslikning bu sohasida nutqda til belgilarining dinamikasi tadqiq qilinadi va shuni yodda tustish kerakki, lingvistikada pragmatika aniq shaklga emas. Shuning uchun ko'plab lingvistlar tomonidan pragmatikaga berilgan ta'riflar turli-tumandir, bunga sabab, balki, bu sohada hali qilinajak ishlarning mo'l-ko'lligi, tilning ijtimoiy vazifasini amalga oshirishda individning va jamoaning rollari haqida ochilmagan qirralarning ko'pligidir. Shunday ekan, pragmatikaning shakli so'zlovchi va tinglovchi o'rtasidagi o'zaro munosabatlar davomida olib borilgan muloqot asosida yotadi. Aniq bir shaklning yo'qligi tufayli pragmatikani ta'riflash, bitta qolipga solish mushkul masala bo'lib kelmoqda. Ba'zi tilshunoslar pragmatikani lisoniy vositalarning qo'llanilishida, matndagi munosabatlarga bog'liq ravishda o'rganuvchi fan deb qarasarlar, boshqa bir guruh tilshunoslar esa nutqdan ko'zlangan maqsadni qo'lga kiritish uchun lisoniy vositalardan foydalanish usullari deb tushunadilar. Zero, Professor Shaxriyor Safarovning fikriga ko'ra "Til tizimi tararaqqiyotining boshlang'ich nuqtasi (davri) pragmatikadan boshlanadi...Zero, lison dastlabki o'rinda so'zlovchining shaxsiy istagi, foydasi uchun xizmat qiladi. Lisonning nutq ijodkori bilan bog'liq tomonlarini o'rganish muhimdir".<sup>2</sup>

Ba'zi tilshunoslar pragmatikani nutqiy aktning bevosita munosabatini o'rganuvchi soha deb hisoblaydi. Nutqiy akt kontekst bilan bog'liq holda til va nutq birliklarining xususiyatlari ochilgan joyda pragmatikaga ehtiyoj tug'iladi.<sup>3</sup> Aloqa aralashuv jarayoni bilish, anglash ifodalash, sezish, o'qish bilan uzviy aloqador ifoda shakllarining qo'llanila boshlashining o'zidayoq munosabat tushunchasi paydo bo'la boshlaydi. Shuning uchun ham bularga xos sintaktik, semantik, ayniqsa, pragmatik xususiyatlarni ma'lum lingvistik mezonlar asosida ajratish bugungi tilshunoslikning asosiy masalalaridandir. Pragmatikani so'zlovchining voqelikka, axborot mazmuniga va adresatga (tinglovchi, o'quvchi) bo'lgan munosabatining lisoniy birlik mazmunidan joy olgan ta'sirchanlik kuchini aniqlovchi fan (nutqiy ta'sir nazariyasi) sifatida tasavvur etuvchilar ham yo'q emas. Umuman olganda, nutq obyektini bilan bog'liq ravishda lingvistik pragmatika quyidagi masalalarni o'rganadi:

– matn bilan bog'liq hodisalar, pragmatik vaziyat va presuppozitsiya, kontekst va so'zlovchining ongli ravishda muloqot qonun-qoidalaridan cheklanishi bilan bog'liq jarayonlarni sharhlash (interpretatsiya) bilan shug'ullanadi;

<sup>1</sup> Shaxriyor Safarov. Pragmalingvistika. T., 2008, 35-bet.

<sup>2</sup> Shu manba. 37-bet.

<sup>3</sup> Arutyunova N.D., Paduchyova E.V. Истоки проблемы и категории прагматики. Новое в зарубежное лингвистике. Вып. XVI, М., 1985, с. 83.

– tinglovchining his-tuyg‘ulariga ta’sir etuvchi (perlokutiv akt) kommunikativ akt sifatida tadqiq etadi.<sup>1</sup>

Bundan 30-yillar avval ikkinchi chet tilini o‘rganishda pragmatikaning til o‘zlashtirishdagi va amaliy tilshunoslikdagi ahamiyati fonologiya, morfologiya va sintaksis sohalari bilan taqqoslaganda kam o‘rganilgan soha sifatida ancha sust rivojlanadi. Albatta, o‘sha davrlarda bu soha nazariy jihatdan juda ko‘p yutuqlariga erishgan bo‘lsada, ko‘plab tilshunoslar pragmatikaning nutqiy qobiliyatdagi ahamiyati, uni tekshirish va baholash yo‘llari haqida, umumiy olganda, nazariy metodologik asoslariga deyarli e’tibor qaratishmadi. Professor Sh.Safarov ta’kidlaganidek, “lisonning inson tajribasi va faoliyatida tutgan o‘rni bilan qiziqqan soha – pragmalingvistika til va uning vositasida bajariladigan muloqot faoliyatining xususiyatlari haqidagi bilimning miqyosani hamda miqdoran kengayishi, boyishi uchun xizmat qilishi turgan gap. Lekin ushbu “xizmat”ni faqatgina ilmiy tafakkur rivoji miqyosida ko‘rmasdan, balki amaliy faoliyat doirasida namoyon bo‘lishi darajasiga ham e’tibor berish kerak”. Ravshanki, bu yangi yo‘nalishlar o‘tgan vaqt davomida baquvvat ildizlarini shakllantirib ko‘plab empirik bilimlar bilan boyigan bo‘lsa-da, ammo fikrimizcha bu yo‘nalishlarni til o‘qitish pedagogikasi, boshqacha aytganda lingvodidaktikadagi ahamiyatini inkor etmasak-da, ularni qanday qilib til o‘rganuvchilarda shakllantirish va kommunikatsiyani pragmatik bilim bilan muvaffaqiyatli olib borish yuzasidan yetarli natijalarni qo‘lga kiritganimizcha yo‘q. Chunonchi, amaliyotdan ma’lumki, muloqot qobiliyati (communicative competence) nafaqat lisoniy bilimni, ya’ni grammatik jihatdan tog‘ri gaplarni shakllantirishni balki, pragmatik, sotsiolingvistik va strategik qobiliyatlarni ma’lum tilda xuddi o‘sha til egasidek (native speaker) muloqot qilishni xohlovchilarda shakllantirishni talab qiladi.<sup>2</sup> Shu o‘rinda, qobiliyat so‘zining pedagogik-psixologik ta’rifiga e’tibor qarat-sak: “Qobiliyat – shaxsning individual-psixologik xususiyati bo‘lib, muayyan faoliyat yuzasidan layoqati va ishini muvaffaqiyatli amalga oshirish subyektiv shart-sharoitini ifodalovchi psixik sifatlar yig‘indisi-dir... qobiliyatni inson tug‘ma, tabiat in’omi sifatida tayyor holda olmaydi, balki hayotiy faoliyati davomida shakllantiradi”.<sup>3</sup> Shunday ekan XXI asrda pragmatik qobiliyatni til o‘rganuvchilarda shakllanish yo‘llari borasida ko‘plab izlanishlar davri, boshqacha aytganda, pragmatikaning lingvodidaktik asoslarini yaratishga urinish bilan band “to‘rtchi bosqich” arafasida turibdi deya e’tirof etishni joiz topdim, zero, qobiliyat yuqoridagi ta’rifdan anglash mumkinki, hayotiy faoliyat davomida shakllantirish mumkin bo‘lgan imkoniyatdir.

Bu boradagi amaliy natijalarga erishish, chet tilini o‘rganishda kompetensiya tushunchasining muhimligi Yevropa Konsulligi tomonidan olib borilgan tadqiqotlar silsilasida rivojlandi. Bunda bu tushuncha ortirilgan bilim, ko‘nikma va malakalar yordamida biror bir faoliyatni muvaffaqiyatli amalga oshirish qobiliyati sifatida talqin qilindi. Shundan so‘ng chet tilini bilish darajasini baholashning “Chet tilini egalash umumyevropa kompetensiyalari: o‘rganish, o‘qitish va baholash” to‘g‘risidagi umume’tirof etilgan xalqaro meyorlar (CEFR) bo‘yicha milliy tizimi yaratildi va chet tili o‘rganuvchilari egallashi muhim bo‘lgan umumiy va kommunikativ qobiliyatning namunalari va tomoqlarini (models and domains) aniq belgilab qo‘yildi. Kommunikativ metodologiyadan maqsad chet tilini o‘qib o‘rganish jarayonida ijtimoiy va madaniy jihatdan muvofiq, mos tarzda muloqotga kirish olishni talab qiladigan ko‘nikma va malakalarni shakllantirish. Bunga erishish uchun o‘rganish jarayonida tilning vazifasiga diqqat qaratish, turli rollarni o‘ynash va haqiqatga yaqin vaziyatlarni yaratish muhim hisoblanadi. Shuning uchun muloqot kompetensiyasi ikki katta bilimlar guruhidan iboratdir: 1. Tilni bilish. 2. Tildan qanday foydalanish. Muloqotga kirish olish uchun kommunikativ ko‘nikmaning ahamiyatini inkor etmagan holda, til o‘rganuvchilar bu ko‘nikmani shakllantirish uchun tilning qo‘shimcha ko‘nikmalar (additional skills, ba’zi ingliz tili manbalarida subskills deb berilgan) so‘z boyligi, to‘g‘ri tallafuz va grammatikani, shuningdek, asosiy ko‘nikmalar (ingliz tili manbalarida communicative skills, primary or basic skills deb yuritiladi) tinglab tushunish, gapirish, o‘qish va yozish kabi bilimlarni o‘zlarida shallantirishlari lozim. Yuqorida takidladigan asosiy va qo‘shimcha til ko‘nikmalarining o‘zi turli nutqiy vaziyatlarda muvaffaqiyatli muloqot qobiliyatini kafo-latlay olmaydi, balki H.G.Viddovson ta’kidlaganidek, bu til ko‘nikmalari qoidalar asosida gaplar tuzish-

<sup>1</sup> B.O‘rinboyev. Lingvistik pragmatika va uning o‘rganish muammolari. Til tarqqiyotining derivatsion muammolari. Respublika ilmiy-nazariy konferensiya materiallari. Samarqand, 2009, 25-bet.

<sup>2</sup> Lawrence F. Bouton (1996). Pragmatics and language learning. University of Illinois. Monograph Series Volume 7, p. 186.

<sup>3</sup> Xoliqov A.A. Pedagogik mahorat. Darslik, T., «Iqtisod-moliya», 2011, 54-bet.



ni ta'minlasi, faoliyatda berilgan vaziyatga qarab shu egallangan ko'nikmalarni til o'rganuvchi mos tarzda qo'llay olishi muloqotni mufavaqqiyatli kechishiga sabab bo'ladi.<sup>1</sup>

Yuqorida biz pragmatikaning paydo bo'lishi, rivojlanish bosqichlari, shuningdek, uning ichki bo'linishlari haqida mulohaza yuritdik. Mulohazalarimizdan kelib chiqib, pragmatikada so'lovchining gapirishdan maqsadi va bu maqsadga erishish uchun nimalarni e'tibordan chetda qoldirmaslik zarurligini tatbiq etiladi. Boshqacha aytganda, pragmatika so'zlovchi va nutq o'rtasidagi munosabat va tinglovchi shu nutqdan ko'zlangan maqsadni anglay olishidir.

**Qodirova Mukaddas Tog'ayevna**

**(TerDU Ingliz tili va adabiyoti kafedrasi katta o'qituvchisi, qmuqaddas@mail.ru)**

## **MUROJAAT IFODALOVCHI BIRLIKLARDA GRAMMATIK VA PRAGMATIK OMILLAR HAMKORLIGI**

**Аnotatsiya.** *Mazkur maqola murojaat ifodalovchi birliklarning grammatik va pragmatik xususiyatlari tadqiqiga bag'ishlangan. Maqolada murojaat birliklarini ingliz va o'zbek tillari misolida tahlil qilingan. Shuningdek, murojaatning grammatik-semantik va pragmatik xususiyatlarining o'ziga xos jihatlari aniqlash maqsadida uch asosiy guruhga: pronominal, nominal hamda anominallarga ajratilgan. Ushbu guruhlarga mansub murojaat ifodalovchi birliklar nazariy jihatdan ham izohlab berilgan.*

**Аннотация.** *Статья посвящена изучению грамматических и прагматических особенностей единиц обращения. В статье анализируются единицы обращения на примере английского и узбекского языков. Также чтобы определить специфику грамматико-семантических и прагматических особенностей обращения, они разделены на три основные группы: прономинальные, номинальные и аноминальные. Также теоретически объяснены единицы, обозначающие обращение, которые принадлежат к данной группе.*

**Annotation.** *This article is dedicated to the study of grammatical and pragmatic features of the units representing addressing. The article is analyzed in address units on the example of English and Uzbek languages. It is also divided into three main groups in order to determine the specifics of the grammatical-semantic and pragmatic features of addressing: pronominal, nominal and anominal. The units representing addressing belonging to this group are also theoretically explained.*

**Калим сўзлар:** *мурожаат, прономинал, номинал, аноминал, дейксис, куч-қудрат ва бирдамлик.*

**Ключевые слова:** *обращения, прономинальные, номинальные, аноминальные, дейксис, сила и солидарность.*

**Key words:** *addressing, pronominal, nominal, anominal, deixis, power and solidarity.*

Nutq – insonning hayotidagi eng muhim o'rin egallaydigan faoliyat turlaridan biri. Bu faoliyatda insonlar turli-tuman til birliklaridan foydalanib, fikr uzatadi yoki qabul qiladi hamda o'z munosabatini ifodalaydi, albatta, bu kabi jarayonlarda bir-biriga murojaat qilishadi. Murojaat nazariyasining asosiy g'oyasi "murojaat shakllari", ular biror so'zlovchining suhbatdoshiga qarata qo'llagan so'z, fraza, ba'zan to'liq gapdir. Z.A.Akbarova ta'kidlaganidek, murojaat tinglovchini xabar, ma'lumot olishga tayyorlash, uning e'tiborini tortish.<sup>2</sup>

Murojaat adresatning nutqini ko'rsatgan holda mulohazaning bir elementi hamda muloqot vaziyatiga bog'liq til birligi o'laroq qo'llanadi. Aynan shu masala, murojaatni kommunikativ va pragmatik aspektga asoslangan holda ko'rib chiqishni taqozo etadi.

Hozirgi paytda murojaatni grammatik tadqiq qilishda turli qarashlar mavjud.<sup>3</sup> Ularda murojaatning morfologik belgisi bosh kelishikdagi nominativ so'z ekanligi, deb ta'kidlangan. Jumladan, I.N.Kruchinina

<sup>1</sup> J.J.Jalolov, G.T.Mahkamova, Sh.S.Ashurov. English Language Teaching Methodology. T., 2015, p. 14.

<sup>2</sup> Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дисс., Т., 2007, 18-бет.

<sup>3</sup> Кручинина И.Н. Обращение. Большой энциклопедический словарь. "Языкознание", Москва 2000, с. 340 – 341; Ахмедова Н.Ш. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннатив тадқиқи. Филол. фан. номз... дисс., Тошкент, 2008, 17-бет; Наумова И.М., Федорова М.В. Звательная форма или звательный падеж? Структура, семантика и функционирование синтаксических единиц в русском языке. Орел, 1999, с. 111–114.

murojaatni “bosh kelishikda ifodalangan ot yoki har qanday ot bilan birikma hosil qiluvchi vokativ intonatsiyadagi so‘z” sifatida ta’riflaydi.<sup>1</sup>

Murojaat gapning umumiy mazmuni bilan bog‘liq. U gap bo‘laklari bilan grammatik aloqaga kirishmaydi. Fikrimiz dalili sifatida quyidagi namunalarni keltiramiz: 1) o‘zb.: – *Соранинг тоби бўлмади, она. Ўйўқса, ҳаммамиз ўтган ҳафтада келардик* (А.Саид. Қария); 2) ingl.: – *I just rode in from Florida, ma’am*, Max said, finding his voice (H.Robbins. The Carpetbaggers). Keltirilgan bu ikki misolda *ona, ma’am* murojaatlari gapning boshqa bo‘laklari bilan sintaktik munosabatga kirishmagan. Shu bois ular gapning qolgan qismidan vergul bilan ajratilgan hamda bosh kelishikdagi ot bilan ifodalangan.

Demak, murojaatlar bosh kelishik shaklida kelib, egaga o‘xshab ketadi. Lekin, u undash intonatsiyasi, pauza bilan ajratilishiga hamda kesim bilan bog‘lanmasligiga ko‘ra egadan farq qiladi.<sup>2</sup>

Ko‘p tillarda murojaat pronominal va nominal turlarga bo‘linadi.<sup>3</sup> Bizningcha, murojaat grammatik-semantik jihatdan *pronominal, nominal va anominial* murojaat guruhlariga bo‘linadi.

*Pronominal murojaat* – olmosh so‘z turkumidagi murojaat. Ularga ingliz tilida ham, o‘zbek tilida ham olmoshning ko‘pgina turini kiritish mumkin: o‘zb.: – *Сен, Шоқир, мендан бир нарсани яширясан?* (А.Саид. Қария); ingl.: – *Get out of here, you damned idiot!* (M.Mitchell. Gone with the wind). Bu gaplarda murojaat II shaxs kishilik olmoshi (*сен; you*) yordamida ifodalangan.

Hozirgi Yevropa tillarining o‘ziga xos xususiyati bo‘lgan pronominal murojaat (chunonchi, fransuz tilidagi *tu* va *vous* kabi) norasmiy va rasmiy murojaat shaklini ajratib turadigan ikki yoki undan ortiq kishilik olmoshidan iborat. Olmosh bilan ifodalangan murojaat muhim o‘zgaruvchanligi bilan farq qilmaydi. Masalan, ingliz tili olmoshlarining quyidagi turlari bu hodisa o‘laroq ishlatiladi: 1) II shaxs kishilik olmoshining birlik yoki ko‘plikdagi shakli *you* (*Hey, you! What do you think you’re doing?*); 2) determinative olmoshlari *everyone, everybody* va boshqalar (*Well, everybody, here I am*).

*Pronominal* atamasi ushbu tadqiqotda tilshunos J.R.Kuk ta’kidlaganidek, “kishilik olmoshlariga talluqli yoki birinchi (ikkinchi) shaxs kontekstlarida va birinchi (ikkinchi) shaxs ma’nolarida kishilik olmoshlar bilan bir xil tarzda sodir bo‘ladigan” ma’nosini anglatuvchi sifat tarzida tushuniladi.<sup>4</sup>

Tilshunoslikda *pronominal* atamasi alohida ahamiyatga ega, otlarning bir turi (anafora kabilar bilan birga) sifatida ham qo‘llanadi. Pronominal NP (noun phrase) – boshqaruv majburiy nazariyasining boshqaruv toifasida erkin bo‘lishi kerak. Shu o‘rinda, boshqaruv majburiy nazariyasi nima, degan savol tug‘ilishi, tabiiy. Boshqaruv nazariyasining asosiy tamoyili – bo‘sh kategoriya prinsipi, u izlarning leksik yoki indeksli kategoriyalar (ularning antetsedenti) bilan chambarchas bog‘liqligi (yoki boshqarilishi)ni talab qilish orqali harakat sodir bo‘lishi mumkin bo‘lgan pozitsiyalarni cheklaydi.

Olmoshlar bo‘yicha olib borilgan tadqiqotlarda tilshunoslar, ular kommunikativ interaktivlarning ijtimoiy maqom va rollari munosabatini belgilashda muhim rol o‘ynaydigan lingvistik manbalar ekanligini ta’kidlashadi.<sup>5</sup> S.Levinson olmoshlarni deysisga bog‘laydi va *deysis* (inglizcha *deixis*, fransuzcha *deixis*, nemischa *delxis*, ispancha *deixis*) ko‘rsatish, bog‘lash vazifasi, ayniqsa, olmoshlarga xos (pronominal so‘zlar)ning<sup>6</sup> besh turi mavjud, deb ta’kidlaydi: *shaxs, vaqt, joy, nutq va ijtimoiy*.<sup>1</sup> Birinchisi nutq

<sup>1</sup>Кручинина И.Н. То же произвед. С. 340 – 341.

<sup>2</sup>Ахмедова Н.Ш. Ўша манба. 17-бет.

<sup>3</sup>Brown R.&Gilman A. The pronouns of power and solidarity. In T.A.Sebeok (ed.), *Style in Language*. Cambridge, Mass.: M.I.T. Press, 1960, p. 253–275; Retrieved from <http://www.ehu.eus/seg/media/gizt/5/5/browngilmanpronouns.pdf>; Cook M. Power and Solidarity Revisited. Paper presented at the 28th Romance Linguistics Seminar Meeting, Trinity Hall, University of Cambridge, 4–5 January 2000. [www.mml.cam.ac.uk/rfs](http://www.mml.cam.ac.uk/rfs); Mazzon Gabriella. “Pronouns and nominal address in Shakespearean English: A socioaffective marking system in transition”, in Irma Taavitsainen and Andreas H. Jucker (eds.), *Diachronic perspectives on address term systems (Pragmatics & Beyond New Series 107)*, 2003, p. 223–249; Amsterdam/Philadelphia: John Benjamins; Warren J. Address pronouns in French: Variation within and outside the workplace. *Australian review of applied linguistics*, 29(2), 2006. Retrieved from: <http://www.nla.gov.au/ojs/index.php/aryl>.

<sup>4</sup><https://escholarship.org/uc/item/9hf0g4gn>. Cooke J.R. (1968). *Pronominal reference in Thai, Burmese and Vietnamese*. Berkeley: University of California Press, p. 1.

<sup>5</sup>Baron N.S. Letters by phone or speech by other means. *The linguistics of email*. *Language&Communication*, 18 (2), 1998, p. 133–170; [https://doi:10.1016/S0271-5309\(98\)00005-6](https://doi:10.1016/S0271-5309(98)00005-6); Iwasaki N. L2 Japanese acquisition of the pragmatics of requests during a short term study abroad. *Japanese Language Education in Europe*, 12, 2008, p. 1–8; Retrieved from [http://eprints.soas.ac.uk/6443/1/Iwasaki\\_Euro\\_Sympo\\_2008.pdf](http://eprints.soas.ac.uk/6443/1/Iwasaki_Euro_Sympo_2008.pdf); Keevallik L. The use and abuse of singular and plural address forms in Estonian. *International journal of the sociology of language*, 139(1), 1999, p. 125–144; <http://doi:10.1515/ijsl.1999.139.125>; Warren J. Ўша манба; <http://www.nla.gov.au/ojs/index.php/aryl>.

<sup>6</sup>Levinson S. *Pragmatics*. Cambridge, UK: Cambridge University Press, 1983, p. 54.

hodisasi ishtirokchilariga birinchi, ikkinchi yoki uchinchi shaxs sifatida murojaat qilishni grammatiklash-tirishni nazarda tutsa, ikkinchisi esa ularning rol munosabatlarini kodlash bilan bog'liq. Masalan: – *Sau-diy, суз ибтидоий ва ўрта таҳсилни тамом қилгансиз. Мен орқада қолган киши, мен келажак би-лан машғул бўлишим керак* (А.Қаххор. Асарлар). Бу gapda deyxsisning hamma turi mavjud: shaxs – *II shaxs*; nutq vaqti – *hozir*; joy – *biror o'quv maskani*, sababi mavzu ta'lim haqida; nutq – *norasmiy* (bir-damlilik kategoriyasi mavjud) va ijtimoiy – *tengqurlik* (hamkurs yoki hamfikr). Bizning fikrimizcha, faqat-gina *shaxs* va *ijtimoiy deyxsislar* aniq shaxslararo nisbiylik hisoblanadi.

Ingliz va o'zbek tillari tizimi semantik jihatdan ijtimoiy-madaniy omillar hamda yosh, jins, ijtimoi-y maqom yoki pozitsiya va tanishlik darajasini xarakterlaydigan shaxs va ijtimoiy deyxsis funksiyalari-ga ega bir qancha olmoshga ega. Masalan, – *O mother, you must have suffered!* (Ch.Brontë. Shirley) – murojaat (*mother*) yosh, jins, ijtimoiy maqom yoki pozitsiya va tanishlik darajasini ifodalayapti.

Nominal murojaat ot so'z turkumiga mansub, ularga turdosh otlar ham, atoqli otlar ham kiradi: – *Good-night, uncle* (Ch. Brontë. Shirley); – *It's good to see you, Linda, Colin said* (R.Prescott. Officially Dead).

Nominal murojaat shakllari bir qancha kategoriyaga bo'linishi mumkin. Jumladan, ism (FN), fami-liya (LN), unvonlar (*Sir, Ma'am*), kasbiy unvonlar (*doktor, professor, hokim*) qarindoshlik atamaları (*Aunt, Uncle, opa, aka*) va erkalash terminlariga (*Honey, жоним*). Nominal (adj.n., nom, NOM)<sup>2</sup> otning o'rnini bosuvchi ba'zi grammatik tavsiflarda ishlatiladigan atama. Nominallar ko'proq cheklangan ma'noda, otlarning ba'zi sifatlariga ega bo'lgan so'zlarga ishora qiladi, lekin hammasiga ham emas, masalan, *the poor are many* – bu iboraning hokim so'zi ko'plikda emas. Garchi ba'zi tilda murojaatning faqat u yo-ki bu turida kelishi kuzatilsa-da, dunyoning aksar tillarida murojaatlar nominalda ham, pronominalda ham kelishi kuzatiladi va rasmiy (norasmiy) muhitni ifodalaydigan turli so'z yoki so'z birikmasi bilan qo'lla-nadi: *Mr.+LN, sir, Miss, president, Prime minister, manager, Milady, o'rtoq*.

M.Koven ta'kidlaganidek, murojaat shakli ikkita asosiy funksiyani bajaradi.<sup>3</sup> Ular muayyan o'zaro ta'sirlarda ishtirok etuvchi suhbatdoshlarni aniqlab, munosabatlarini kengaytiradi.

Nominal murojaat shakllari sifatida ishlatilishi mumkin bo'lgan leksik birliklarga nisbatan E.Dik-key<sup>4</sup> bir xil leksik elementning funksiyasiga ko'ra ikki ma'nosini ajratib ko'rsatdi. Bir ma'nosi shundan iboratki, leksik elementlar to'g'ridan to'g'ri suhbatdoshga murojaat qilishda qo'llanadigan shakldan farqli o'laroq, suhbatdoshga bilvosita murojaat qilishda ishlatiladi: – *Мен сенга айтиб қўяй, Кумуш*, – деди турар экан, кутидор Офтоб ойимға, – *бу кунга бир меҳмон айткан эдим* (А.Қодирий. Ўткан кун-лар). Бу gapda “Kumush” Dickey ta'limotiga ko'ra, bilvosita murojaat bo'lib kelmoqda.

Tadqiqotimiz xushmuomalalik kategoriyasiga asoslangan, kommunikantlar orasidagi iyearxik va noiyearxik munosabatni ifodalaydigan,<sup>5</sup> muayyan rasmiy va norasmiy murojaat shaklidan foydalanish va tanlashga ta'sir etuvchi bir qator pragmatik va sotsiologiyistik omilni aniqlashni o'z oldiga maqsad qiladi. Masalan: *Rasuli akram sallolohi alayhi vasallom, amirul-mo'minin, davlatpanoh, xalifayi zamon, Hazra-ti xoja, xonzodam, malikam, padari buzrukvor, qiblagohim, volidayi munis, shahzoda, amirzoda, xo'jam, begim* kabi murojaatlar, garchi mumtoz o'zbek tiliga xos rasmiylikni xarakterlaydi.

Pragmatik omilga nisbatan bir qator tadqiqotchi murojaat shaklining qo'llanishini boshqaruvchi universal, tillararo qoidalarni aniqlashga harakat qildilar. Buning uchun ham pronominal, ham nominal hamda anominal murojaat shakllariga mos rasmiy (norasmiy) toifalarini yaratish kerak edi. Masalan, bir qator zamonaviy Yevropa tillarining murojaat shaklidan foydalanishni taqqoslash uchun ularda faqat in-gliz tili, birinchi navbatda, nominal murojaatdan foydalanadigan til sifatida aniqlangan. Jumladan, R. Broun va A.Gilman<sup>6</sup> taxallus, ism, familiyalarni murojaatda rasmiy va norasmiy qo'llanishini tasniflash-ganini ayta olamiz. L.Vud va R.Kroger hamda V.Ditrichlar<sup>7</sup> ham ushbu tasnifga qo'shimcha tarzda, ras-

<sup>1</sup>Юкоридаги манба. 54-бет.

<sup>2</sup>Crystal D. A dictionary of linguistics and phonetics, 6th edition. 2008, U.K.: Blackwell publishing Ltd, p. 328; <http://ndl.ethernet.edu.et/bitstream/123456789/36901/1/8.pdf>

<sup>3</sup>Koven M. Managing relationships and identities through forms of address: What French–Portuguese bilinguals call their parents in each language. *Language&Communication*, 29(4), 2009, p. 343–365; <https://doi:10.1016/j.langcom.2009.04.001>

<sup>4</sup>Dickey E. Forms of address and terms of reference. *Journal of linguistics*, 33(02), 1997, p. 255–274; <https://ore.exeter.ac.uk/repository/bitstream/handle/10036/29915/DickeyFormsAddress.pdf?sequence=1&isAllowed=y>

<sup>5</sup>Кўчибоев А. Матн прагматикаси. Самарқанд, 2015, 30-бет.

<sup>6</sup>Brown R., Gilman A. Ўша манба. 253 – 275-бетлар.

<sup>7</sup>Wood L.A., Kroger R.O. Ўша манба. 145 – 168-бетлар.

miy murojaat shakllari ro'yxatiga qarindoshlik terminlarini qo'shadi. R.Broun va A.Gilman o'z kuzatuvlariga asoslanib, murojaat shakllaridan foydalanishni tartibga soluvchi ikkita prinsipini tavsifladi: kuch-qudrat va birdamlik semantikasini (the power and solidarity semantic): – *Келдингму, Яхё тирандоз!* – деди амир мулойимлик билан қаршисидаги қарияга зимдан тикиларкан. – *Муборак фармонингиз бош устига, олампахо!* – деди Яхё тирандоз яна таъзим қилиб (Х.Даврон. Соҳибқирон набираси). Bunday assimetriya murojaat shakllarini ishlatishda ular o'zaro mutanosiblik bilan ifodalanadi, chunki kuch-qudratga ega suhbatdosh norasmiy murojaat shaklini yuboradi, lekin rasmiy murojaat shaklini oladi: – *Jake, I said. See that roof? He turned toward it and peered at it. His voice was puzzled. – Yes, sir?* (H.Robbins. The Carpetbaggers).

Yuqoridagi suhbatda so'zlovchi ism (*Jake* – norasmiy) bilan murojaat qildi, suhbatdosh esa kuch-qudrat semasiga ega bo'lgan (*sir* – rasmiy) murojaat javob berdi. Aksincha, birdamlik semantikasi nosimmetrik munosabatlarni nazarda tutadi, unda suhbatdoshlar bir xil yosh, jins, tug'ilgan joy yoki kasb kabi "o'xshash fikrni" ko'rsatadigan umumiylikni baham ko'rishadi. Simmetriya murojaatidan foydalanishda munosabatlari mustahkam bo'lgan suhbatdoshlarning o'zaro norasmiy murojaat shakllari va munosabatlari uzoq bo'lgan suhbatdoshlarning murojaatlari o'zaro rasmiy murojaat shakllari bilan ifodalanadi: "*You're very kind, Mr. Cord*".

Murojaatdan foydalanishga ta'sir etuvchi ijtimoiy omillarga adresatning yoshi, jinsi va sinfi kabi kategoriyalar kiradi. Ijtimoiy kontekst, ijtimoiy masofa va yosh, jins va ijtimoiy sinf kabi ijtimoiy omillarning murojaat shaklidan foydalanishga ta'siri M.Keshavarz tomonidan asoslangan.<sup>1</sup> U katta yoshdagi erkak va ayol ishtirokchilardan kundalik nutqda qanday murojaat shaklidan foydalanishini so'raydi va ular bergan ma'lumotlarni yoshga xos qo'llanuvchi va ijtimoiy sinfni ko'rsatuvchi murojaat guruhlariga ajratdi. Shu bilan birgalikda, M.Keshavarz murojaat shakllarining ikki turini (rasmiy yoki norasmiy) turli oila a'zolari bilan rasmiy va norasmiy vaziyatda foydalanish ehtimoli borligini tahlil qildi. Biz ham M.Keshavarz ta'limotiga ko'ra tahlil qilganimizda, norasmiy kommunikativ vaziyatda "jins" yoki "ijtimoiy sinf"ga qaraganda "yosh" kategoriyasiga xos murojaat shaklidan foydalanish muhimroq omil ekanligini aniqladik: –*No, Jonas, she said. It's time you got out from under the shadow of your father. He was a great man but so will you be. In your own way* (H.Robbins. The Carpetbaggers).

So'zlovchi ba'zan muloqotda o'zidan katta oila a'zolari bilan rasmiy va o'zidan kichikroq oila a'zolari bilan esa norasmiy murojaat shakllarini qo'llashadi: – *Анави камтирга неча ёш, Оллоёр? Ана, қара, дўхтир экан, халатиям бор, сенингча, унга неча ёш? – Билмадим, ойи, бирор олтмишларда бор* (Мурод Муҳаммад Дўст. Лолазор). Biroq norasmiy kommunikativ vaziyatda murojaat shaklidan foydalanishning eng muhim omili gender: – *Нима бўлди ўзи, овсинжон?* – деди онам секингина (Ў.Ҳошимов. Дунёнинг ишлари).

Muloqotda qarama-qarshi jinsdagi suhbatdoshlar bilan rasmiy murojaat shaklidan foydalanish ko'p kuzatiladi, chunki bunda kommunikativ vaziyatning rasmiyligi oshadi. Binobarin, murojaat semantik xususiyatiga ko'ra, quyidagicha farqlanadi: jins, yosh, ijtimoiy holat, kasbiy holat, unvon, harbiy unvon iyerarxiyasi, qarindoshlik, shaxsiy munosabat, psixologik kabi xususiyatga ega. Masalan, *sir* murojaati gender semantik belgisi va ijtimoiy maqom semantik xususiyatlarini o'z ichiga oladi; *duchess* murojaati gender va unvonni; *daddy* murojaati gender, qarindoshlik munosabatini va yoshni bildiradi. Bu shaxsiy aloqa masofasi mavjud bo'lgan kommunikativ vaziyatlarda faoliyat ko'rsatuvchi baholovchi-tavsiflovchi murojaatlarga taalluqli emas, uning yagona farqlovchi semantik xususiyati – shaxsiy munosabat belgisi. Jumladan, *darling* murojaati erkakka, ayolga yoki bolaga nisbatan qo'llanishi mumkin, *silly* murojaati ham faqat adresatning psixologik xususiyatini farqlovchi semantik xususiyatni o'z ichiga oladi.

*Anominal murojaat* nominal va pronominal murojaatga kirmaydigan, sifat, son, fe'l, undov so'z va so'z birikmalar kabilar bilan ifodalanadigan turi. Bu turdagi murojaat muloqotning barcha vaziyatida (rasmiy, norasmiy, neytral) qo'llanadi. Sifat – murojaatning eng faol shaklidan. Murojaatda sifatning, asosan, substantivlashgan shakllari tez-tez kuzatiladi: *darling, dear, honey, coward, idiot, go'zal(im), asal(im), ahmoq, iflos* va h.k.

Sifatning murojaat sifatida tez-tez ishlatilishi quyidagilar bilan izohlanadi: adresat egasiga hissiy ta'sir ko'rsatishni istash, shu bilan birga, odatiy apellatsiya nominatsiyasidan norozi bo'lgan so'zlovchi adresatning ba'zi belgilarini ijobiy yoki salbiy tarzda baholash uchun xizmat qiladi. Bu so'z turkumini kuch va birdamlikni bildiruvchi semantikaning barcha vaziyatlarida ishlatish mumkin. Chunonchi, ingliz

<sup>1</sup> Keshavarz M.H. The role of social context, intimacy, and distance in the choice of forms of address. International journal of the sociology of language, 2001, p. 148; <https://doi.org/10.1515/ijsl.2001.015>

tilidagi *dear* sifati rasmiy vaziyatda qo‘llanganda, odatda, Dear+N (*Dear colleagues, Dear participants, Dear students*) tarzida bo‘ladi, norasmiy vaziyatda xushmuomalalikni, mehrni ifodalab, birdamlik kategoriyasini anglatadi, neytral vaziyatda dear+sing N shaklini tez-tez uchratish mumkin (*dear friend*).

Sonlar insonni aniqlashning eng qulay vositasi bo‘lgan vaziyatda odatiy bo‘lmagan murojaat shakli bo‘lib qo‘llanadi. Masalan, futbol hakami o‘yin mobaynida futbolchiga uning belgilab berilgan raqami bo‘yicha murojaat qilishadi yoki boshqa sport musobaqasida ham sportchiga raqami bilan murojaat qilish kuzatiladi. Y.Flemin asari asosida olingan mashhur serial qahramoni Jeys Bond (agent)ni dunyo bo‘ylab barcha televizor muxlislari “007” deb yaxshi eslab qolishgan, sababi, kinoda unga faqat shu tarzda murojaat qilishadi.

Murojaat aniqlovchi (sifatdosh)li oborot tarzida ham keladi: *Ghastly grim and ancient Raven, wandering from the Nightly shore.*

Xulosa qilib aytganda, murojaatning morfologik-sintaktik asosidagi tadqiqi borasida turli qarashlar mavjud. Bu qarashlarning aksariyatida murojaat bosh kelishikda ifodalangan ot yoki har qanday ot bilan birikma hosil qiluvchi vokativ intonatsiyadagi so‘z deb ta’kidlanadi. Shu bilan birgalikda, murojaat turli substansial so‘z turkumlari bilan ifodalanuvchi birikmadir.

Tadqiqot natijasi shuni ko‘rsatadiki, ingliz tilida boshqa turlariga nisbatan nominal murojaat qo‘llanishi ustun bo‘lsa, o‘zbek adabiy tilida nominal murojaat, so‘zlashuv nutqida pronominal murojaat qo‘llanishi faoldir.

#### **Nortoyeva Nodiraxon Muhammadaliyevna (Andijon davlat universiteti)** **FRAZEOLGIK DERIVATLARNING TILLARDAGI O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI**

**Annotatsiya.** *Mazkur maqolada fraseologik derivatlarning hosil bo‘lishi, ularning matnlarda qo‘llanilishi hamda semantik va stilistik mohiyatini ochib berishda inson omilining o‘rni xususida so‘z boradi. Shuningdek, har bir tilning fraseologik tizimini o‘ziga hosligini e’tirof etgan holda, derivatlar nomlash vazifasi bilan birga, insonning kognitiv faoliyatini aks ettirishi faktik misollar tahlili orqali ochib berilgan.*

**Аннотация.** *В данной статье рассматривается роль человеческого фактора в раскрытии семантической и стилистической природы образования и употребления фразеологических дериватов. Признавая своеобразие фразеологической системы каждого языка, анализ фактических примеров показывает, что дериваты, наряду с номинативной функцией, отражают когнитивную деятельность человека.*

**Annotation.** *This article discusses the role of the human factor in revealing the semantic and stylistic nature of the formation and use of phraseological derivatives. Recognizing the originality of the phraseological system of each language, the analysis of actual examples shows that the derivatives, along with the nominative function, reflect the cognitive activity of a person.*

**Kalit so‘zlar:** *fraseologik birliklar, fraseologik derivatlar, so‘z birikmalari, funksional va semantik xususiyatlar, fe‘lli frazemalar, fraseologik nominatsiya.*

**Ключевые слова:** *фразеологические единицы, фразеологические дериваты, словосочетания, функционально-семантические признаки, глагольные фраземы, фразеологическая номинация.*

**Key words:** *phraseological units, phraseological derivatives, phrases, functional-semantic features, verb phraseemes, phraseological nomination.*

Tilshunoslikdagi ko‘p yillik tadqiqotlardan ko‘rinadiki, til o‘zining nomlash xususiyatidan kelib chiqib, har doim ham yangi narsalarni yaratmaydi, balki ichki imkoniyatlaridan foydalanib nomlaydi. Ushbu nominatsiyalardan ijtimoiy hayot tarzi va inson psixologiyasi kabi omillar ta’sirida, ba’zan esa neytral, ba’zida stilistik-ekspressiv bo‘yoqli yangi derivatlar hosil bo‘ladi. Asosan, fraseologik birliklar stilistik ottenka olgan, emotsional ruhdagi va ma’lum bir etimologiyaga ega birikmalar bo‘ladi. Ushbu birikmalarni hosil bo‘lishida inson omillarining o‘rni katta.

Bugungi kunda fraseologik birliklarni o‘rganishga ayniqsa, yangi tushunchalarning paydo bo‘lishiga va shu bilan birga, fraseologik derivatlarni hosil bo‘lishiga katta qiziqish uyg‘onmoqda. Chunki ushbu yo‘nalishdagi asosiy muammo yangi paydo bo‘lgan fraseologik birliklarni shakllanish mohiyatini tadqiq etishdir.

“Derivat” hamda “frazeologik derivatlar” tushunchasi lug‘atlarda quyidagicha aks etadi. Derivatsiya lotin tilidagi “derivatio” so‘zidan olingan bo‘lib, bo‘rtib chiqish, o‘sib chiqish degan ma‘noni beradi. Tilning o‘zigagina hos bo‘lgan so‘z yasovchi vositalari orqali yangi so‘zlarni yasashdir.<sup>1</sup>

Fransuz tilida ushbu atama “derivation” deb atalib, Fransiyaning taniqli lug‘atshunosi, bir qancha yirik (qomusiy, atamashunoslikka oid hamda izohli kabi) lug‘atlar muallifi Mo‘ris Grevisning “Le bon usage” nomli izohli lug‘atini oxirgi nashrida ushbu atamaga quyidagicha ta‘rif berilgan: «La dérivation est l’opération par laquelle on crée une nouvelle unité lexicale en ajoutant à un mot existant un élément non autonome ou affixe. En revanche, nous avons cru devoir écarter de la dérivation ce qu’on appelle souvent dérivation impropre, c’est-à-dire l’opération par laquelle un mot change de nature, catégorie grammaticale : par exemple, l’infinitif *rire* devenue nom dans *un rire éclatant*. Il n’y a pas ici de modification dans la forme du mot, et il nous semble nécessaire de prévoir pour cela une catégorie tout à fait particulière. Cela ne ressortit pas non plus à l’évolution sémantique, car souvent le sens n’est pas modifié.»<sup>2</sup>

Yuqoridagi izohli lug‘atda muallif derivatsiyani qo‘shimchalar yoki tobe so‘zlar yordamida yangi leksik birliklar yaratish jarayoni deb talqin qilgan. Leksikologiyada yangi so‘z yoki so‘z birikmasi hosil bo‘lishini belgilovchi bu jarayon frazeologik birliklarning hosil bo‘lishiga ham taalluqlidir. Rus tilshunosi A.G.Nazaryan frazeologizmni leksikologiya bilan uzviy bog‘liqligini quyidagicha ta‘kidlagan: «Aytish kerakki, frazeologiyaning «qurilish materiyali» sifatida ham leksikologiyaning ob‘ekti bo‘lgan so‘z ishlatiladi. Lekin so‘zlar va so‘z birikmalari o‘z-o‘zidan frazeologik birikmalarga aylanib qolmaydi, bu qanday ma‘noviy munosabatga kirishishiga bog‘liq bo‘ladi. Frazeologik birlik va so‘zlarning munosabat hamda farqlari faqat shu ikki til birliklarining tarkibiy, funksional va semantik xususiyatlarini har tomonlama qiyosiy tahlil qilish asosida ko‘rinadi.»<sup>3</sup>

Darhaqiqat, frazeologik birliklar va ularning derivatlarining xususiyatlari hamma tillarda mavjud bo‘lib, til va nutqning barcha birliklariga taalluqli bo‘ladi.

Xususan, o‘zbek yoki xorijiy tillarda nutqda qo‘llanilayotgan har qanday so‘zni frazeologik birlik ta‘zirida boshqa ma‘no bildirishini ham uchratish mumkin. Biz yuqorida keltirgan ushbu hodisa tilshunoslikning kam o‘rganilgan sohasi bo‘libgina qolmay, tilning so‘z boyligini ko‘paytirishdagi muhim manbasi hamdir. So‘z birikmalari frazeologik xususiyat kasb etayotganida uning tarkibidagi so‘zlar to‘liq, ba‘zan qisman semantik o‘zgarishga uchraydi. Ushbu yangi ma‘no frazeologizmlikning (bu atama G.Dobrodorov va V.Gryaznova ilmiy ishlarida keltirilgan) ko‘rsatkichi bo‘ladi. Masalan, fransuz tilidagi *fiasco* so‘zi avvallari mustaqil so‘z sifatida, umuman, ishlatilmagan. Faire (bajarmoq) fe‘li bilan birga frazeologik birlik tashkil qilib, «muvaffaqiyatsizlikka uchramoq» ma‘nosini beradi. Vaqt o‘tishi bilan, *fiasco* so‘zi mustaqil so‘z sifatida ishlatila boshlagan. Semantik mustaqil bo‘lgandan so‘ng, so‘z boshqa so‘zlar bilan sintaktik munosabatga kirishishi bilan birga, turli sohalarda keng ishlatila boshlagan. Bugungi kunda ushbu so‘zni bemalol barcha tillarda uchraydigan so‘zlar qatoriga qo‘shishimiz mumkin.

Demak, so‘z har doim ham frazeologik birikma tarkibida o‘zining tub ma‘nosini saqlab qolmaydi, balki shu frazeologik birikma ta‘sirida uning yangi ma‘nolari hosil bo‘ladi. Bu jarayonni doimiy o‘zgarishini e‘tirof etgan holda, tilshunoslar lingvistikaning bu hodisasini frazeologik derivatsiya deb atashadi hamda ushbu hodisa til lug‘at boyligini oshirishga xizmat qilishini va doimiy tadqiqot ob‘ekti (semantik, stilistik, kommunikativ va pragmatik) bo‘la olishini ta‘kidlaydilar. Frazeologik derivatlar ham o‘zlari kelib chiqqan frazeologik birikmaga ma‘no jihatdan yaqin bo‘lishi, qisman ma‘nosini olishi yoki to‘liq o‘zgarishi mumkin. Ular o‘rtasidagi uzviylikni rus tilshunosi E.S.Kubryakova ham e‘tirof etgan: «Har bir so‘z o‘zining referensial maydoniga ega boladi. Ana shunday so‘zlar vositasida vujudga kelgan derivatlar, asos so‘z bo‘lib o‘zlashishini aytish mumkin.»<sup>4</sup>

Qayd etilgan fikrlar quyidagi faktik misollar bilan tahlil qilindi, Fransuz tilida *four* so‘zi ot so‘z turkumiga mansub bo‘lib, «pechka» va «omadsizlik» ma‘nolarini bildiradi. Bu ikki so‘zni o‘zaro, umuman. aloqasi yo‘qday ko‘rinadi. Ammo tarixiy-semantik tahlil «omadsizlik», «muvaffaqiyatsizlik» ma‘nolari *faire un four* (muvaffaqiyatsizlikka uchramoq) frazeologik birikmasi ta‘sirida vujudga kelganini ko‘rsatadi. Bugungi kunda ushbu so‘z to‘liq semantik mustaqil bo‘lib, sintaktik munosabatlarga kirishmoqda. Masalan:

<sup>1</sup> Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. Тошкент, 1992, 159-бет.

<sup>2</sup> M.Grevisse, A.Goosse. Le bon usage. Grevisse grammaire langue française.Paris, 2017, 170-бет.

<sup>3</sup> А.Г.Назарян. Фразеология современного французского языка. Москва, 1986, 30-бет.

<sup>4</sup> С.И.Кубрякова Язык и сознание. Москва, 2005, 344-бет.

*L'argent qui entre chez le mandarin est comme du charbon jeté dans le four (Proverbe).*

*Fini aussi son talent. Quel four, sa Faunesse au dernier salon (A.Daudet. Sapho).*

*Si votre Nana ne chante ni ne joue, vous aurez un four, voilà tout (Zola. Nana).*

*Nous faisons four, dit Lousteau en parlant à son compatriote la langue des coulisses (Balzac, Muse départ).*

*Il est rare de se faire des amis le soir d'un four dans une équipe théâtrale (Sagan, Avec mon meilleur souvenir).*

O'zbek tilida fe'l so'z turkumiga oid so'zlar ko'proq frazeologik xususiyat oladi. O'zbek tilida fe'li frazemalarni tahlil qilgan tilshunos olim professor Sh.Rahmatullayev tildagi ushbu hodisa haqida quyidagi fikrlarni bildirgan: «Fe'l frazemalaridagi bog'lashuv ko'p qirrali o'ta murakkab hodisa bo'lib, u o'z doirasiga turli-tuman sintaktik, semantik hodisalarni qamrab oladi».<sup>1</sup>

Olim ta'kidlaganidek, o'zbek tilida *tugmoq* fe'li bilan kelgan frazemalardagi so'zlarning munosabati quyidagi misollarda namoyon bo'lishi kuzatildi:

*–Bari bir topajakman! – mushtini tugib, osmonga o'qtaldi Eshjon (S.Siyoev. Yorug'lik).*

*Topganimni shunga tugib qo'yib, o'zim bola-chaqa bilan po'stakning junini yeyman (A.Qahhor. Tobutdan tovush).*

*– ...seni maktabdan dumini tugib, tegishli joyga eltib qo'yish kerak (P.Tursun. O'qituvchi).*

*Ko'nglimga tugib yurgan gaplarimni bugun siz bugun siz bilan ochiq gaplashmoqchi edim (P.Tursun, O'qituvchi).*

Misollardan ko'rinadiki, izohli lug'atlarda tugun solmoq, bog'lamoq ma'nosida kelgan *tugmoq* fe'li ma'lum bir kontekslarda so'zlar bilan turli ma'noli birikmalar (frazeologik birikmalar ham) yasagan.

Frazeologik birlik kabi uning derivatlari ham o'ziga xos belgi bo'lib, unda grammatik, etimologik xususiyatlar bilan birga, semantik, stilistik va kommunikativ-pragmatik belgilarni ham o'zida aks etadi. Belgi va undan foydalanadigan shaxs o'rtasida murakkab munosabatlar mavjud bo'lib, unda asosiy rol faol va maqsadli ravishda lingvistik belgilarni yaratuvchi va inson faoliyatining barcha sohalarini qamrab olgan og'zaki muloqotda ishlatadigan shaxsга tegishlidir. Frazeologik derivatlarni shakllantirishda inson omilini o'rni tilshunoslar e'tiborini tortgan asosiy masaladir. Rus lingvisti E.A.Dobrydnevaning ta'kidlashicha, frazeologik birliklarning ikki tomonlama antropotsentrizmi dunyoning lingvistik xususiyatini ochishda, frazeologik qismlarining antropotsentrik asoslaridan (inson omilini frazeologik nominatsiyaning mohiyatida kuzatish mumkin) foydalanishda, antropotsentrik tamoyillarini umumiy tarzda taqdim etish imkon beradi.<sup>2</sup>

Yuqoridagi fikrimizni xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, frazeologik birliklar ifoda etadigan sohalar juda kengdir, chunki frazeologik birliklar jamiyatda rivojlangan urf-odatlar va an'analar, dunyo haqidagi kundalik faoliyat tizimi haqidagi bilimlarni saqlaydi va avloddan avlodga uzatadi. Ikkilamchi nominatsiyaning belgilari sifatida frazeologik birliklar dunyoning lingvistik ko'rinishining xilma-xil qismlarini "qoplaydi", lekin shu bilan birga, tilning butun frazeologik lug'ati turli xil xususiyatlar atrofida to'planganligiga e'tibor qaratiladi: shaxs, uning shaxsiy xususiyatlari, tashqi ko'rinishi, aqliy va hissiy holatlari, harakatlari va boshqalar kabi.

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. Тошкент, 1992, 122-бет.

<sup>2</sup> Е.А.Добрыднева. Коммуникативно-прагматическая парадигма русской фразеологии. Волгоград, 2000, 17–18-бетлар.

Каримова Соҳиба (ТошДЎТАУ таянч докторанти)  
 ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДАГИ БЕМОР ОБРАЗИ ТАБИАТИГА ДОИР

**Аннотация.** Мақолада бемор образига тегишли унсурлар таҳлил қилинган. Мақолада қўйилган муаммо Абдулла Қаҳҳорнинг “Минг бир жон”, Асқад Мухторнинг “Тўққизинчи палата”, Асқад Мухторнинг “Тўққизинчи палата” Шукур Холмирзаевнинг “Бодом қишда гуллади”, Ўткир Ҳошимовнинг “Нур борки, соя бор” асарлари мисолида ўрганилган. Бемор образига хос айрим хусусиятларга мисоллар келтирилган. Бемор образи юзасидан умумлашма хулосасини берган. Мақолада асосан ёзувчиларнинг тиббий образни очиб берган эпизодларга диққат қаратилган. Мақола зарурий адабиётлар билан бойитилган.

**Аннотация.** В данной статье анализируются литературные элементы, относящиеся к образу пациента в узбекской литературе. Проблема изучена на примере рассказов Абдуллы Қаххора “Минг бир жон”, Асқада Мухтора “Тўққизинчи палата”, Шукура Холмирзаева “Бодом қишда гуллади”, Ўткира Хошимова “Нур борки, соя бор”. Также приведены различные примеры образов пациентов. В статье особенно уделено внимание образу пациента в разных эпизодах произведений писателей. Приведен список необходимой литературы.

**Annotation.** The article analyzes the patient image. The problem posed in article is studied in the example of Abdulla Qahhor’s “Ming bir jon”, Asqad Mukhtor’s “To`qqizinch palata”, Shukur Kholmirezayev’s “Bodom qishga gulladi” and O`tkir Hoshimov’s “Nur borki, soya bor”. There are examples of some features specific to the patient image. The article has generation conclusion on the image of the patient. The article is focused mainly on the episodes in which the writers revealed a medical image. The article is supplemented with the necessary literature.

**Калим сўзлар:** ҳикоя, образ, бемор, адабий жанр, тасвир.

**Ключевые слова:** рассказ, образ, пациент, литературный жанр, изображение.

**Key words:** story, image, patient, literary genre, definition.

Адабиёт ўз бағрига турли-туман воқеаларни, инсонлар ва уларнинг ўй-хаёллари ҳамда хатти-харакатларни сиғдира олган жуда улкан маънавият майдондир. Ҳар куни ер юзида қанчадан-қанча ажабтовур воқеалар содир бўлади. Бу воқеаларнинг асосий иштирокчиси ва бош қаҳрамони, албатта, инсон. Гоҳида барча воқеа-ҳодиса ва уларда қатнашаётган инсонлар тақдири ҳам гўё бир-бирига боғлиқ ва ўхшашдек туюлади. Ўзаро ўхшашлик, бир-бирини такрорлаш, бир-бирига яқинликни дунёдаги барча ходисотдан топиш мумкин. Масалан, сўзлар ва тилларда, тасвир ва тасаввурда, тафаккур ва илм-фан соҳаларида ҳам типологик ўхшаш қирралар учрайди. Бу ўхшашликларнинг тағ-заминида эса ўша-ўша бир-бирига азалий ва абадий қон-қардош бўлган инсонлар қисмати, уларнинг ўй-кечинмалари, орзу-истаклари, бир сўз билан айтганда, ИНСОН туради. Ўхшаш ходисалар илм-фаннинг гўё бир-биридан фарқлига ўхшаб кўринган тармоқлариаро ҳам кузатилади. Дейлик, объект – инсон ва унинг руҳий, жисмоний олами. Руҳий олам адабиёт ва санъатда образлар воситасида намоён бўлади. Хўш, инсон танаси, унинг вужудида кечадиган турли-туман реал жараёнлар-чи? Айтайлик, танадаги соғлом муҳитнинг бузилиши касаллик кўринишида ўзини кўрсатади. Бу билан эса тиббиёт ходимлари шуғулланади.

Дарвоқе, адабиёт ва тиббиёт – бу икки сўз зоҳиран қараганда қофиядошгина эмас, мазмун-моҳиятига кўра, жуда яқин. Эҳтимол, чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрмаган одам учун бу жуфтлик бироз ғалати туюлар, аммо муҳокама учун улар негизида ўзаро уйқаш ва уйғун мавзу ҳамда муаммолар етарлича топилди. Бадий адабиёт – сўз санъати. Буни барча билади. Аммо тиббиёт соҳасида ўзбошимчалик билан таваккалига “ижод қилиш” ўзини оқламайди. Инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган тиббиёт соҳасида, тиббиёт ходимлари зиммасида масъулият ниҳоятда катта. Ижодда-чи? Масъулият қандай? Савол туғилади: ижод ўзи нима? Хаёлга келган ҳар қандай фикрни қоғозга туширавериш, истаган машғулоти қилаверишми? Сўз билан ҳазиллашишми? Яхши ижодкор ҳаёлидаги ҳар фикрни ёзавермайди, жаврайвермай, шовқин кўтаравермайди. Аввал ўйлаб, ўзидан андиша қилиб кейин ёзади, яъни “сўз сўйлашда узоқ андиша керак” (Абдулла Қодирий гапи)... Худди шунга ўхшаб яхши ва малакали шифокор ҳам бемор устида тажриба ўтказмайди. Аввал ўйлаб, виждонан даволашга киришади. Ҳар икки соҳа мутахассисининг олдида ҳам инсон ҳаёти деган масала кўндаланг туради. Биргина ёзувчи қилган хато туфайли ўқувчи фикр дунёсида нотўғри хуло-



салар шаклланиши мумкин. Айти чоғда шифокорнинг биргина ноўрин ҳаракати оқибатида беморнинг ҳаёт олови сўниши ҳеч гап эмас.

Адабиёт эстетик завқ беради, ҳаётга бўлган ишонч, инсонга меҳр-муҳаббат ва ҳоказо туйғуларни тарбиялайди, яшашга рағбат уйғотади. Тиббиётда шундай ҳолат мавжудки, тўғри ташхис ва дорилар инсон танасидаги қайсидир аъзодаги касални кетказди, танага куч-қувват беради, беморни ҳаётга қайтаради.

Бадиий адабиёт фавқуллодда кенг ва бетакрор бир соҳа. Унинг мавзу кўлами чегара билмайди. Бошқа сайёраларга, ўтмиш ва келажакка бир сонияда ҳаёл оғушида сайр қилади одам. Сайр қилдиради адиб. Бадиий асарлар бағридан баъзан табиий ва аниқ, гоҳида ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий муаммолар бемалол жой эгаллайди. Аммо тиббиётда борлиқ ичра ўзига хос зиддиятли, ҳар қандай сайёралардаги жумбоқлардан кўра мураккаб инсон вужудига назар солинади. Нима демоқчимиз, гапнинг бундай бошланмасидан муддао нима? Тўғриси, мақсадимиз бадиий адабиёт, хусусан, айрим насрий асарлардаги инсон тасвирида тиббиётга хос унсурлар кўлами, вазифаси ва функцияси юзасидан мулоҳазалар ёзишдир. Хўш, бадиий адабиётда тиббиётнинг ўрни қай даража бўлиши мумкин? Асарларда учрайдиган тиббий манзиллар, бемор, шифокор образлари бирор мақсадга хизмат қиладими ёки шунчаки мажбурлаб киритилганми? Умуман, тасвирланган одам борлиги бадиий образ даражасига кўтарила олганми?

Тиббий атамалар иштирок этган асарларни ўқиб чиқиш, таҳлил этиш натижасида адабиётда бемор образлар ўзига хос ўринга, мавқега эга экани кузатилади. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг “Минг бир жон”, “Бемор”, Асқад Мухторнинг “Тўққизинчи палата”, Шукур Холмирозевнинг “Бодом қишда гуллади”, Ўткир Ҳошимовнинг “Нур борки, соя бор”, Шодмон Сулаймоннинг “Учинчи палата” каби асарларда бемор образи инсон характери нимоён қилиш учун жуда муҳим аҳамиятни касб этган. Ушбу асарлардаги асосий ўхшашлик беморларнинг ҳаёт, умр ҳақидаги ажойиб, такрорланмас фикларидир. Соғ-саломат инсонлар учун бемор образи бир ибрат, ойнанинг ўн беши қоронғи эканига эслатма бўлиб хизмат қилади.

Абдулла Қаҳҳор “Минг бир жон” ҳикоясида бемор аёл Мастурани шундай тасвирлайди: “Мастура Алиева саккиз ойдан бери палатасидан чиқмай ётган оғир хаста, уни касалхонада ҳамма билар, кўп киши кириб кўрган эди”.<sup>1</sup> Сўнг адиб давом этади: “Кўз ўнгимизда хаста эмас, ўлик, ҳақиқий ўлик, сап-сарик тери-ю суякдан иборат бўлган мурда ётар эди...”. Бу жумлани ўқиган ўқувчининг беихтиёр эти жунжикади. Аммо мана шу “мурда” ҳали тирик, тирик бўлганда ҳам ўзини ўзи хафа қилмайдиган даражада. Унинг кайфияти, руҳияти, юрагидаги тириклик ва тетиклик уни ўлимдан тортиб тургандек гўё. Худди ўзига бўлган ишонч юракни тўхташига йўл қўймагандек эди. Мастурани кўриб кўрқиб кетган Ҳожи акани ҳамшира бир баҳона билан олиб кетади, буни кўрган бемор эса қонсиз лабидидаги табассум билан эрига шундай дейди: “Дафтарингизга ёзиб кўйинг: уч марди майдон мени кўргани кирган эди, биттаси аранг қочди-ю, иккитаси қочгани ҳам бўлмай, ўтириб қолди”. Мастуранинг шу аҳволида ҳам хангома қилишидан меҳмонлар ҳайратда қолишади. Мастура ўн йиллик дардни елкасида кўтариб юрган бўлса-да, асло ҳаётдан умидини узмаган инсон тимсоли.

Адабиётга бемор образлар нима учун керак? Улар асарларга қай тарзда кириб келган, деган саволга, албатта, ёзувчи ўз кўзлаган мақасига кўра нисбатан аниқ жавоб беради. Бироқ бизнинг ҳам баъзи хулосаларимиз ҳам мавжуд. Ҳар бир ёзувчи учун ўзининг асарлари фарзандлари каби азиз. Уларда қалбининг, умрининг бир бўлаги акс этади. Албатта, ёзувчилар ҳам ҳаётида ҳамма инсонлар каби бирор дардга чалинади, ҳеч бўлмаса, баъзида шамоллаб туради. Демак, бемор образлар ҳам айнан ижодкор касал бўлганда, ё касални кўрганда, ё беморда даволаётган чоғида туғилади. Ҳар ҳолда, бадиий адабиётдаги жуда кўплаб образлар ҳаётдан олинади.

Асқад Мухторнинг “Тўққизинчи палата” асарида ҳам бир қатор бемор образлар бор. Асардаги бемор образларнинг фаолиятини икки хил таснифлаш мумкин. Чунки бу ҳолат уларнинг атроф-муҳитга бўлган муносабати, хулқ-атвори ва нутқида ўз ифодасини топади. Ҳикояни ўқиш жараёнида, аввало, унинг эпиграфи эътиборни тортади: “Нафинг қанча бўлса – умринг шунча (Қулоққа чалинган гаплардан)”. Бу жумлани ёзувчи кимдандир эшитиб қолиб, ундан таъсирланиб, ҳикоя ёзишга жазм этган бўлса, ажабмас. Дарҳақиқат, ҳикояда илгари сурилган бадиий ғоя ҳам айнан шу жумлага мос. Бу ҳаётда инсонларга яхшилик қилиб яшаганларгина абадий хотирамизга

<sup>1</sup> А.Қаҳҳор. Асарлар 2-жилд. Минг бир жон. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, 317-бет.

мухрланади, ёдимиздан чикмайди. Ҳикоядаги Баҳромов ва Ҳожи бува орқали икки хил дунёкарашга эга бемор образларини кўриш мумкин. “Алишер лўппи, момик оёқчалари билан майсани босиб ҳамон келарди, олдида эса томдан узилиб тушган яланғоч симнинг учи илондек буралиб ётибди. Электр сими!” Бу ҳолга бемор бардош беролмайди, Баҳромов ўрнидан туриш мумкин бўлмастлигига қарамай, Алишерни кутқариб қолади. Ҳожи бува эса нисбатан лоқайд инсон сифатида гавдаланади. Шу эътибордан ҳикоя қиёсий характер касб этади.

Шукур Холмирзаев “Бодом қишда гуллади” ҳикоясида қаҳрамони Носиржонни шунчаки, “у касал эди” демайди, балки бемордаги аниқ дардни ва унинг белгиларини эринмасдан тасвирлайди: “ – Жигар! – Носиржон ўнг биқинига кафтини босиб қўйди. – Ҳеч мунақа касалим йўқ эди. Эрта-лаб паркка келсам, битта таниш шопир: “Кўзинг сарғайибти, медпунктга кир”, деб қолди. Медпунктга кирсам, жигар касали деб айтишди. Кейин “скорий помош”га ўтказиб, буёққа юборишди”.<sup>1</sup>

“Осма уколларни олиб келишди. Одам бошига биттадан. Сепоя устига шиша идиш ўрнатилган, идишнинг биқинида – қизил резинка ичак. Ичак учида – игна. Шу игна билан томирига санчиб қўйилади. Идишдаги қонни тозаловчи суюқлик шу орқали томирга ўтади. Қон суюлиб, бадан совиб кетади”.<sup>2</sup> Носиржоннинг ҳаммадан ўзгача эканини кўрсатиш учун осма укол керак эди. Чунки у укол олмайди, дорини шундай ичиб юборади; ёшлигида рахит бўлиб томири эт орасида қолган унинг. Бу тасвирдаги касалликка доир унсур “кўз сарғайиши”, “жигар” инсон танаси устида мулоҳазага ундаса, “медпункт”, “скорий помош” каби тушунчалар ўқувчи хаёлини беморхона томонга йўналтиради. Бемор Носиржон билан боғлиқ воқелик шифохонада юз беради.

Эпик турнинг нисбатан катта, дейлик, роман жанрида ҳам бемор образи учрайди. Масалан, таникли адиб Ўткир Ҳошимовнинг “Нур борки, соя бор” романининг бош қаҳрамони журналист, ёзувчи, айти пайтда, бемор – Шерзод Самандаров. Асар бошланмасини кўриб чиқсак, унда Ўткир Ҳошимов соғлиқ қадрига тушунчасига атрофлича кириш ясаган: “Дунёнинг ишлари қизик экан. Энг оқил мавжудот инсон деймизу, баъзан одамнинг арзимаган нарсага ақли етмай қолади. Бир пакирга қиммат, ўткинчи икир-чикирлари учун жон куйдиради-ю, энг бебаҳо хазинасидан саломатлигидан жудо бўлаётганини ўйлаб ўтирмайди. Шерзод касалхонага тушган кундан бошлаб унинг хаёлидан бу фикр тез-тез айланадиган бўлиб қолди”.<sup>3</sup> Ёзувчи танлаган образининг характер, хусусиятини ҳолатлар орқали берса, дунёқарашини диалоглар, ички монологик нутқ орқали бериб бораверади. Лекин бемор образида поэтик образни реал ифодаловчи лавҳалар алоҳида талаб этилиши мумкин. Шу сабаб адиб Шерзоднинг касали хуруж қилиб туришини, безовта бўлишини ҳар ерда бир келтириб ўтади: “Кечаси тўсатдан уйғониб кетди-ю, юраги қаттиқ-қаттиқ ураётгани, кўкраги қаттиқ санчаётганини, томоғига бир нарса тиқилиб, бўғилиб қолаётганини сезиб, қўнглига ғулғула тушди. Авваллари ҳам шунақа бўлиб турарди... У аъзойи баданидан муздай тер чиқиб кетаётганини пайқади-ю, чирокни ёқди”.<sup>4</sup>

Ушбу роман ўз даврининг машҳур асарлари сирасига киради. Негаки, унда жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга ҳақиқий ва ҳаётий хулосалар берилади. Ёзувчи Шерзодни “бемор қилади”, унинг юрагини “касал қилади”. Сокиевичнинг кирдикорларини фош этиш, ҳақиқатни эгилтирмаслик истаги журналистнинг саломатлигига путур етказгани, муаллиф асар бошланмасида ўткинчи икир-чикир, деб Сокиевичнинг яширин савдо ишларини назарда тутганмиди, деган мулоҳазани келтириб чиқаради. Бироқ, аслида, шифохона ва бош қаҳрамонни “бемор қилиш”дан касалликларни орттирилишига сабаб бўлувчи кимсалар ҳам борлиги кўрсатишдир. Агар Шерзод касал қиёфаси – шундай образга кирмаганида асар таъсирли ва оригиналлик касб этмаслиги мумкин эди. Ахир, киши ўз ташвишларидан ташқари, адолат ғамини еб ҳам юрагига оғриқ олиши, табиий.

Кузатишлар натижаси шуки, ёзувчилар ўз ижодида бемор образини бадиий ғоя тақозоисга кўра турли вазиятларда “касал қилиш”ади ва бу жараёни ҳар бир ижодкорда ҳар хил кечади. Улардан бир давр аҳволини, бошқаси инсон матонатини ва яна кимдир инсон қадрини кўрсатиш учун бемор образлардан фойдаланади. Бемор образларнинг қулай жихати шундаки, улар бир жойдан қимирлашмайди, негаки, аксарият касалларга туриш мумкин бўлмайди ёки ҳаракатга мажболи етмайди. Бир жойдан қимирламаган инсон эса зерикади ва атрофни кузата бошлайди, тафаккур қи-

<sup>1</sup>Ш.Холмирзаев. Сайланма. 1-жилд. Ҳикоялар. Бодом қишда гуллади. Тошкент, “Шарк”, 2003, 411-бет.

<sup>2</sup>Шу манба. 415-бет.

<sup>3</sup>Ў.Ҳошимов. Нур борки, соя бор. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2018.

<sup>4</sup>Ў.Ҳошимов. Нур борки, соя бор. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2018.

лади. Ёзувчи ўз кузатишларини шу бемор образнинг кўзига, хаёлларига, тасаввур дунёсига осонгина жойлайди. Дунё ташвишлари билан югуриб юрган соғлом инсонлар воқеа-ходисалар устида фикрлашга, ҳаётни кузатишга ҳар доим ҳам вақт топа олмайди. Замонавий ўзбек адабиётидаги бемор образлар ана шундай қатор хусусиятлари билан ўзига хослик касб этади.

**Йўлдошев Улуғбек Равшанбекович (Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси  
Чет тиллар кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
БАДИИЙ ТАРЖИМАДА ҚўЛЛАНАДИГАН ТАРЖИМА УСЛУБЛАРИ**

***Аннотация.** Мазкур мақолада таржима услублари ва уларнинг хоссалари борасидаги ўзбек ва хориж олимларининг фикрлари ва таснифлари ёритилган. Шунингдек, ёзма таржима, хусусан, бадиий таржимада қўлланадиган семантик, коммуникатив, назмий, мослаштириш, эркин, идиоматик, ижодий, муаллифлаштирилган таржима услубларига батафсил тўхталиб ўтилган.*

***Аннотация.** В статье описаны мнения и классификации узбекских и зарубежных ученых по методам перевода и их свойствам. В статье подробно рассматриваются семантические, коммуникативные, поэтические, адаптивные, свободные, идиоматические, творческие, авторизованные методы перевода, используемые в письменном переводе, в частности художественном переводе.*

***Annotation.** The article describes the opinions and classification of Uzbek and foreign scientists on translation methods and their properties. The article discusses briefly the semantic, communicative, poetic, adaptive, free, idiomatic, creative, authorized translation methods used in written translation, in particular literary translation.*

***Калим сўзлар:** таржима, ёзма таржима, бадиий таржима, тасниф, аслият матни, таржима матни, услуб, семантик, коммуникатив, назмий, мослаштириш, эркин, идиоматик, ижодий, муаллифлаштирилган таржима.*

***Ключевые слова:** перевод, письменный перевод, художественный перевод, классификация, оригинальный текст, переведенный текст, стиль, смысловой, коммуникативный, поэтический, адаптивный, свободный, идиоматический, творческий, авторский перевод.*

***Key words:** translation, written translation, literary translation, classification, original text, target text, style, semantic, communicative, poetic, adaptive, free, idiomatic, creative, author's translation.*

Таржима услуги таржима жараёнида матннинг услуб жиҳатидан турига ва таржимоннинг мақсадига кўра танланадиган усул саналади. Кўплаб хориж таржимашунос олимлар томонидан таклиф этилган “таржима методи” таржимани амалга ошириш усуллари, йўллари, услубларини белгилаб беради ва матннинг услуб жиҳатидан турига кўра танланишини инобатга олиб, шунинг тадқиқот ишимиз таржимашунослик соҳасида олиб борилаётганлиги учун мазкур тадқиқотда биз “таржима методи”га нисбатан “таржима услуги” терминини қўладик. Таржимашунослик тарихида “таржима услуги” термини, дастлаб, Марк Тулий Цицерон (м.авв.106–43) томонидан қўлланган. Цицерон илк бора сўзма-сўз ва маъновий таржима услубларидан фойдаланган.<sup>1</sup> Назаримизда, Цицерон таржима жараёнида аслият матнини бошидан охиригача сўзма-сўз ёки маъновий таржима методидан фойдаланиб, таржима матнига ўгирган.

Н.Н.Нелюбиннинг луғатида “таржима услуги таржима усулидан фарқ қилади ва кенг омма томонидан қабул қилинган қонуниятларга асосланмайди, бироқ таржима тури ва усулларини ҳисобга олиб, таржимон томонидан бирор мақсадга йўналтирилган ўзаро бир-бирига алоқадор усуллар тизимини амалга ошириш жараёни”,<sup>2</sup> дея таърифланади. Н.Нелюбиннинг фикрига қўшилган ҳолда, таржима услуги ва усули бир-биридан фарқ қилиб, услуб бутун матн учун танланади, усул эса матндаги фразеологик бирликлар, маданий сўзлар, афоризмлар, қўшма сўзлар каби кичик лексик бирликларни ўгириш учун танланади, деган фикрни илгари сурмоқчимиз.

Бу талқинни П.Ньюмарк “таржима услублари бутун матнга боғлиқ бўлади, таржима услублари эса матндаги гаплар ва тилнинг кичикрок бирликлари учун фойдаланилади”,<sup>3</sup> деган фикрида ҳам кўришимиз мумкин. Демак, таржима услублари таржима жараёнидан олдинги вазиятда қўлла-

<sup>1</sup> Гарбовский Н. Теория перевода. Учебник, М., изд-во Московского университета, 2004, с. 65.

<sup>2</sup> Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. М., “Наука”, 2003, с. 110.

<sup>3</sup> Newmark P. Approaches to Translation. Hertfordshire: Prentice Hall, 1988, p. 81.

нади ва қуйидаги мақсадларда фойдаланилади: аслият матнини ўрганиб, уни кимлар учун мўлжалланганлиги, матннинг услуб жиҳатдан турини аниқлаш, яъни агар матн техника соҳасига оид терминлар асосида тузилган бўлса, сўзма-сўз таржима услубидан фойдаланиш, агар матн бадиий услубга тегишли бўлса, семантик, эркин, ижодий таржима услубларидан фойдаланиш кабилар.

М.Ларсоннинг фикрига кўра, “таржима услуби икки турга бўлинади. Биринчиси – шаклга асосланган ёки сўзма-сўз таржима услуби. Иккинчиси – маънога асосланган ёки идиоматик таржима услуби. Сўзма-сўз таржима деганда, у таржимада аслият тили шаклини ўзгартирмасликни назарда тутди. Идиоматик таржимада аслият тили ёзувчиси назарда тутган маънони таржима тилига олиб ўтиш мақсад қилинади”<sup>1</sup>.

Фикримизча, идиоматик таржима кўпроқ бадиий матн таржимасига алоқадор ҳисобланади. Чунки бадиий матнда тилнинг ўзига хос тасвирий ифода воситаларидан кенг фойдаланилади. Бу ҳолатда таржимон бадиий матннинг маъносини олиб ўтишга уринади.

Таржима услубларидан фойдаланиш таржимон эҳтиёжига боғлиқ. У қайси услубдан фойдаланишидан қатъий назар, таржимадаги асосий эҳтибор аслият тилидаги маълумотни таржима тилига аъло даражада олиб ўтишдир. П.Ньюмарк қуйидаги таржима услубларини таклиф қилган: сўзма-сўз таржима, гапларни бирма-бир таржима қилиш, аслиятга содиқ ҳолда таржима қилиш, семантик таржима, мослаштириш, эркин таржима, идиоматик таржима, коммуникатив таржима, маиший хизмат таржимаси, насрий таржима, ахборот таржимаси, когнитив таржима, академик таржима.<sup>2</sup>

Ушбу услублар аслият матнига ва таржима матнига яқин услублар гуруҳига ҳам бўлинади. Аслият тилига яқин услубларга сўзма-сўз таржима, гапларни бирма-бир таржима қилиш, аслиятга содиқ ҳолда таржима қилиш ва семантик таржима услублари кирса, таржима тилига яқин услублар деганда, эркин, мослаштириш, идиоматик ва коммуникатив таржима услублари назарда тутилади.

П.Ньюмарк энг самарали таржима услублар коммуникатив ва семантик таржима услублари эканлигини таъкидлайди.<sup>3</sup> Демак, П.Ньюмарк ва М.Ларсонлар мукамал таржима яратишда катта аҳамият касб этадиган энг асосий услубларни танлаш муҳим, деб таъкидлашади. Шундай қилиб, инглиз тилида “translation method” термини ўзбек тилида “таржима услуб” деб талқин қилинади. Таржима услублари таржимоннинг ўз мақсадига эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Қ.Мусаев П.Ньюмарк, М.Ларсонлар таклиф этган таржима услублари терминига нисбатан таржима турлари терминини қўллайди. Олим таржиманинг тўққиз турини, яъни ижодий, сўзма-сўз, эркин, образлаштирилган (идиоматик), мослаштириш, муаллифлаштирилган, табдил, академик ва воситали тилдан таржима турларини келтириб ўтган.<sup>4</sup>

Фикримизча, Қ.Мусаев таклиф қилган таржима турлари ёзма матннинг таржима турлари сифатида қаралган. Демак, таржима услублари вазифасига кўра, икки турга бўлинади: аслият матнига нисбатан ва таржима матнига нисбатан қўлланувчи услублар. Аслият матнига нисбатан қўлланувчи услубларга сўзма-сўз таржима, гапма-гап таржима, аслиятга содиқ ҳолда таржима, семантик таржима, коммуникатив таржима, назмий таржима, академик таржима, фонемик таржима, метрик таржима, қофияли таржима кабилар кирса, таржима матнига нисбатан қўлланувчи услубларга мослаштириш, эркин, идиоматик, ижодий, муаллифлаштирилган, табдил, воситачи тилдан таржима, қофиясиз таржима, ахборотли таржима ва шарҳлаш қиради.

Мазкур мақоламизда бадиий таржиманинг ўзига хос лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларини инбатга олган ҳолда, бадиий таржимада қўлланадиган таржима услубларини алоҳида таснифладик. Бу жараёнда аслият матнининг таркибий тузилиши, унинг турли сатҳларда намоён бўлиши, аслият ва таржима матнларининг фоностилистик, лексик, фразеологик, синтактик, матний стилистик жиҳатлари, муаллифнинг бадиий эстетик қийматни акс эттиришда қўлланадиган бадиий тасвирий воситалар ва стилистик усулларнинг таржимада берилиши, уларнинг миллий-маданий хусусиятлари, аслиятда муаллиф томонидан илгари сурилган асл ғояларнинг таржима тилида қан-

<sup>1</sup>Mildred L. Meaning – based translation. A guide to cross-language equivalence. Lanham, University press of America, 1984, p. 15.

<sup>2</sup>Newmark P. Approaches to Translation. Hertfordshire. Prentice Hall, 1988, p. 45 – 47.

<sup>3</sup>Newmark P. About Translation: Multilingual Matters. Clevedon, Philadelphia, Adelaide: Multilingual Matters Ltd, 1991, p. 26.

<sup>4</sup>Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Т., “Фан”, 2005, 21 – 28-бетлар.

дай эке эттириш масалалари каби бадий матн таржимасининг ўзига хос хусусиятларига асосий эътиборни қаратиш баробарида, бадий таржимада қуйидаги таржима услубларнинг қўлланиши ва таржимонлар ушбу услубларга таянган ҳолда, бадий таржимага ёндашиш мақсадга мувофиқлигини илгари сурдик. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, биз таснифлаган таржима услублари, асосан, насрий матнлар таржимасига нисбатан самарали қўлланиши мақсадга мувофиқ.

Қуйида бадий таржимада қўлланадиган таржима услублари ва бош хоссалари борсида ба- тафсил тўхталиб ўтамиз:

1. Аслиятга содиқ ҳолда таржима (faithful translation) услуби аслият матнидаги маъно ва таъ- сир таржима тили ва маданиятига қарши қўймасдан, раво олиб ўтиш мақсад қилинади. Ушбу ус- лубда муаллиф ғояси ва аслият матни функциялари таржима тили ўқувчисига тушунарли ҳолатда олиб ўтиш режалаштирилади. Б.Хатимнинг фикрича, “аслиятга содиқлик тамойили таржимон учун таржима тилида ўхшаш матн яратиш учун аслият матнини тўғридан-тўғри ифодалаш функ- цияси ҳисобланади. Таржимон ҳар бир сўзни алоҳида таржима қилади, кейин таржима тили струк- турасига мослаштириш учун грамматик конструкция қайта яратилади”.<sup>1</sup> Шунингдек, аслиятга со- диқ ҳолда таржима услуби таржимада қисқа содда гаплар англатган маънони ифодалаш учун сама- рали услуб ҳисобланади. Бу услубда мураккаб гаплар таржимасида камчиликларга йўл қўйилиш- дек туюлади, чунки матн структурасидаги индивидуал сўзларга қарганда бутун матндаги струк- турада маъно мужассамлашган бўлади.

2. Семантик таржима (semantic translation) эса “аслиятга содиқ ҳолда таржима” услуб тури- дан фақатгина аслият матнининг эстетик қийматини, имкон қадар, кўпроқ ҳисобга олиши билан фарқ қилади, яъни маъно асосий аҳамият касб этади. П.Ньюмаркнинг фикрича, “семантик таржима- да аслиятнинг аниқ контекстуал маъноси таржима тилининг семантик ва синтактик структурасига имкон қадар яқинлаштиришга ҳаракат қилинади”.<sup>2</sup> Семантик таржимада аслият тилига ёндашиш кузатилади. Таржимада аслият матни муаллифининг фикр ва ғоялари сақланади. Таржима ҳамма учун тушунарли бўлади, аммо аслият маданият олиб ўтилади, агар аслият асосий маълумотлари қўшимча коннотатив маъноларни ифодаласа, у ўқувчига ушбу маъноларни тушунишга ёрдам бе- ради.

3. Коммуникатив таржима (communicative translation) услубда аслиятнинг аниқ матний маъ- носи таржима қилиниб, бу усулда таржима мазмуни ва тили ўқувчига тушунарли бўлади. Ком- муникатив таржима ўз ўқувчиларига, иложи борича, яқинроқ таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Коммуникатив таржимада аслият тилга ёндашиш кузатилади, у эркин мулоқотга киришиш мақсад қилинади. Таржима жараёнида таржима тили ўқувчисига ўз тили ва маданияти учун ноаниқ бўл- ган хорижий сўзлар ва улар натижасида юзага келадиган қийинчиликлар ёки ноаниқликларни бар- тараф этишга, имкон қадар, ҳаракат қилинади. Бу каби ноаниқ ва тушунарсиз терминларга нисба- тан таржимон бағрикенглик билан ёндашади. Бунда маълумотнинг контентида кўра унинг таъсир кучига урғу берилади.

Таржима раво, оддий, аниқ, тўғри бўлиб, талкин қилиниши қийин бўлган қисмларда кўп- роқ умумий терминлар қўлланади. П.Ньюмаркнинг таъкидича, коммуникатив таржима семантик таржимага нисбатан яхшироқ самара беради.<sup>3</sup> Олим яна шуни таъкидлайдики, семантик таржима- да аслият матнини такомиллаштириш ёки хатоларни тўғрилашга имконият бўлмайди, коммуника- тив таржимада эса бу жараёнлар осонроқ кечади, чунки таржимонда мантикни тўғри талкин қи- лиш, кинояли гаплар ёки жаргонларни аниқлаш, ғализ жумлаларни тўлақонли структураларга ал- маштириш, тушунмовчиликларни баратараф этиш, такрорларни камайтириш ва услубий жиҳатдан нотўғри бўлган ёзма матнларни тартибга келтириш имконияти мавжуд бўлади.

4. Мослаштириш (adaptation) услуби таржиманинг энг эркин тури бўлиб, асосан, комедия жанридаги асарларда ва шеърятда фойдаланилади. Таржимон аслиятни, имкон қадар, таржима тили соҳибларига яқинлаштиришни мақсад қилиб, аслиятга ўта эркин муносабатда бўлади. Одат- да, асар мавзуси, қахрамонлари, сюжети сақлаб қолинади, аслият тили маданияти таржима тили маданияти билан алмаштирилади ва матн қайта яратилади.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Hatim B. Translation: an advanced resource book. London, Routledge applied linguistics. 2004.

<sup>2</sup> Newmark P. About Translation: Multilingual Matters. Clevedon, Philadelphia, Adelaide: Multilingual Matters Ltd, 1991, p. 13.

<sup>3</sup> Newmark P. Approaches to Translation. Hertfordshire, Prentice Hall, 1988, p. 32.

<sup>4</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Т., “Фан”, 2005, 26-бет.

5. Эркин таржима (free translation)да таржима тили матни аслият матнининг услуги, шакли-сиз қайта яратилади. Таржимон аслиятнинг мазмунини ўз сўзлари билан содда ва қисқа ҳикоя қилиб беради. Эркин таржима услуги аслият матннинг синтаксиси, услуги ва бошқа жиҳатларига эътибор қаратмаган ҳолда, таржима матнига олиб ўтиш мақсад қилинади. Эркин таржима услуги орқали яратилган матн ўқувчи томонидан талқин қилиниши ёки қабул қилиниши қийин кечади ёки таржима гапма-гап таржимага ёндашиш орқали аслият матндаги тасир кучи йўқолгандек туюлади.

6. Идиоматик таржима (idiomatic translation) услубида аслиятнинг ахбороти қайта яратилади, аммо аслиятда мавжуд бўлмаган ибора ва сўзларни танлаш орқали маънонинг кичик фарқини йўққа чиқаришга йўналтирилади. Муаллифнинг индивидуал тасвирини юзага келтирган лисоний воситалар образли иборалар, ҳис-туйғуни ифода этадиган сўзлар, баландпарвоз бирикмалар билан алмаштириб ўгирилади. Бу услуб динамик эквивалентликка ўхшаш бўлиб, унда аслият матннинг таъсири таржима матнида қайта яратишга эътибор қаратилади. Ларсоннинг фикрича, “идиоматик таржимада аслият тилидаги маъно таржима тилининг табиий шаклидек ифодаланadi. Бунда шакл эмас, маъно асосий эътиборда бўлади”.<sup>1</sup> Маънога асосланган ушбу услубда таржима матнининг янги ўқувчисига аслиятдаги ахборот таржима тили билан мужассамлашган ҳолатда олиб ўтилади. Бунда нафақат лисоний қайта яратилиши ва перефраз қилиш, балки таржима тили ўқувчиларига тавсифий ахборот беришга ҳам эришилади. Аслият матнидаги имплицит маънодаги тил бирликлари таржима тилида тушунарли ва тавсифий кўринишда бўлади.

7. Ижодий таржима (creative translation)да аслиятнинг лисоний воситалари матний маънолари ва услубий вазифалари умумхалқ тили грамматик қоидалари билан ҳамоҳангликда яратилади. Ижодий таржима ёки қайта яратиш манба матни ҳамда ундаги ахборот ва таъсири таржима тилида такрорлашни англатади. Бу услуб таржимани ўқувчи аудиторияга манба матннинг маъноси ва туйғусини етказadi, бу орқали тингловчилар муаллифнинг ғоясини ўз тилларида тушуниш орқали баҳраманд бўлишларини таъминлайди.

8. Муаллифлаштирилган таржима (authorized translation). Қ.Мусаевнинг фикрича, муаллифнинг розилиги билан асарга ўзгартиришлар, қўшимчалар қўшиш орқали асар таржимаси яратилади.<sup>2</sup> Паповичнинг фикрича, муаллифлаштирилган таржима аслият матнини бошқа тилга муаллифнинг ўзи томонидан амалга оширилиши,<sup>3</sup> дея таъкидлайди. А.Папович “муаллифлаштирилган таржима на аслият матннинг янги бир кўриниши ва на одатий таржима деб қарала олмайди, дея таъкидлайди.”<sup>4</sup>

Коллер муаллифлаштирилган таржима ва одатий таржима ўртасидаги фарқни муаллифлаштирилган таржимда аслият матнига содиқлик яққол намоён бўлади ва таржимон баъзи тил бирликларининг ўзгаришларини таржимада таништира олади. Одатий таржимада эса таржимон бу каби жиҳатларда иккиланишларга дуч келади.<sup>5</sup> Одатда, бу услубдаги таржималар кўп амалга оширилмаган. Чунки бунда икки тиллик табиати, тиллар ўртасидаги алоқа, ғоя ва шахсия каби омиллар роль ўйнайди. Сабаби бу каби икки тилда ҳам ижод, ҳам таржима ишларини амалга оширадиган ижодкорлар кам ҳисобланади. Бундай ижодкорлар сирасига Бекет, Набокор ва Тагорларни кири-тиш мумкин.

Демак, юқорида таъкидлаб ўтилган таржима услублари бадий таржимада ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, улар, асосан, таржимонни жараёнда қайси услубдан фойдаланиш ва ёндашиш маъносини англатади. Бадий услубга хос матнлар таржимасида семантик, коммуникатив, назмий, мослаштириш, эркин, идиоматик, ижодий, муаллифлаштирилган таржима услублари кенг қўлланади. Насрий таржима жараёнида ушбу услублар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятларини инобатга олган ҳолда, таржимани олиб бориш аслият матнидаги бадий-эстетик қийматни, асар ғояси ва мазмунини таржима тилига самарали олиб ўтишда катта роль ўйнайди.

<sup>1</sup> Larson Mildred L. Meaning-Based Translation. A Guide to Cross-language Equivalence, Lanham: University Press of America, 1984.

<sup>2</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Т., “Фан”, 2005, 27-бет.

<sup>3</sup> Popović Anton. Dictionary for the Analysis of Literary Translation, Edmonton: Department of Comparative Literature, The University of Alberta, 1976.

<sup>4</sup> Шу манба.

<sup>5</sup> Koller Werner. “Equivalence in Translation Theory” (translated by Andrew Chesterman), in Andrew Chesterman (ed.), 99–104; Translation of Koller, 1979 (i.e. first edition of 1979/1992), 186-91), 1989.

Сапарниязов Рустем (Қорақалпоқ Давлат университети)  
**ЎЗБЕК, ҚОРАҚАЛПОҚ ВА ИНГЛИЗ ФОЛЬКЛОРИДА БОТАНОМИК АФСОНАЛАР  
ҚИЁСИЙ ТАЛҚИНИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада моддий эмас, номоддий-маданий меърос ҳисобланган фольклорда ботаномик афсоналарнинг юзага келиши масалалари ўзбек, қорақалпоқ ва инглиз фольклори материаллари мисолида қиёсий талқин қилинади.*

***Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы происхождения ботанических легенд в фольклоре, считающемся нематериальным культурным достоянием, и дается сравнительная трактовка на материале узбекского, каракалпакского и английского фольклора.*

***Annotation.** This article deals with the issues of the origin of botanical legends in folklore, which is considered an intangible, intangible cultural heritage and gives a comparative interpretation on the material of Uzbek, Karakalpak and English folklore.*

**Калим сўзлар:** фольклор, ботаномик афсона, ўсимлик, дарахт, мифологик тасаввур.

**Ключевые слова:** фольклор, ботаническая легенда, растение, дерево, мифологическое изображение.

**Key words:** folklore, botanic legend, plant, tree, mythological imagination.

Ўзбек, қорақалпоқ ва инглиз халқ наслрининг ўзига хос эпик тизимини ташкил этувчи мифологик афсоналар ҳозирга қадар типологик қиёсий тадқиқ этилмаган. Бундай афсоналар мавзу доирасига кўра, бир неча хил ички типларга бўлинади. Мифологик афсоналар тизимида дунёнинг яратилиши билан боғлиқ воқеаларга бағишланган афсоналар сирасида табиат ва унинг унсурларини, хусусан, ўсимликларнинг пайдо бўлишини изохлашга қаратилган оғзаки матнлар ҳам талайгина. Ўсимликлар олами ва инсон тақдири дахлдорлигини тасвирлашга қаратилган афсоналарнинг бу тури жаҳон ва туркий фольклоршуносликда маълум даражада тадқиқ этилган.

Туркий халқлар фольклорида ўсимлик култи билан алоқадор афсоналар кўпгина олимларимиз томонидан тадқиқ этиди. Жумладан, озарбайжон олими В.Велиев ўсимликлар билан алоқадор афсоналарни алоҳида текширади ва у озарбайжон халқ афсоналарини куйидаги типларга ажратиб таснифлайди:

1) табиат ҳодисалари, жонли мавжудотлар, ўсимликлар ва дарахтлар билан боғлиқ афсоналар;

2) табиат кучларининг инсон шаклида тасаввур қилиниши, яъни антропоморфизмга асосланган афсоналар;

3) тарихий ҳодиса, уруш ва обидаларга алоқадор афсоналар;

4) диний афсоналар.<sup>1</sup>

Олимнинг афсоналарга бағишланган бу таснифи у қадар ўзини оқламаганлиги сезилиб турибди. Бироқ, табиатнинг ажралмас қисми саналмиш ўсимликлар ва дарахтлар билан боғлиқ афсоналарни алоҳида ажратиб ўрганилиши лозимлиги борасидаги таклифи туркий халқлар фольклорида ўсимликлар билан боғлиқ афсоналарнинг алоҳида тимизими мавжудлигини, шунингдек, улар бошқа кичик оғзаки наср намуналаридан ажратиб олиб ўрганилиши зарурлигини уқдирадики, бу, албатта, ўсимликлар билан боғлиқ бўлган кичик эпик наср намуналарини синчиклаб ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

Қадимги аждодларимизнинг ўсимлик култи билан алоқадор мифологик тасаввурларини ўзида мужассамлаштирган, табиатда мавжуд турли ўсимликлар ва дарахтларларнинг пайдо бўлиши сабабларини изохлаш, тушунтириш мақсадида ҳикоя қилинувчи биргина воқеа заминига қурилган кичик сюжет қурилишига эга бўлган оғзаки насрий асарлар туркуми ботаномик афсоналар дейилади. Ботаномик афсоналар мифологик наслрининг алоҳида ички типларидан бири сифатида махсус ўрганилган бўлмаса-да, Г.П.Снесарев, В.Н.Басилов, Р.Шоназаров, У.Жуманазаров, М.Чоршанбиев, Ш.Устоев, М.Ризоева<sup>2</sup> каби олимларнинг тадқиқотларида халқимизнинг ўсимлик култи

<sup>1</sup> Велиев В. Азербайжан шифаһи халғ адабияты. Бақы, 1970, 292-бет.

<sup>2</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., «Наука», 1969, с. 182–265; Басилов В.Н. Культ святых в исламе. М., «Наука», 1970, с. 126 – 127; Басилов В.Н. Культ святых в исламе. М., «Наука», 1970, с. 126 –127; Шоназаров Р. Муқаддаслаштирилган ўсимликлар ва фан. Тошкент, «Фан», 1974, 41–43-бетлар; Жуманазаров У. Тарих, афсона ва дин. Тошкент, «Ўзбекистан», 1990, .81–85-

билан боғлиқ эътиқодий инончлари, мифологик тасаввур ва афсоналари хусусида муайян илмий мулоҳазалар билдирилган. Биз қуйида мифологик афсоналарнинг бу типига хос специфик хусусиятларни ўзбек, қорақалпоқ, инглиз фольклори материаллари мисолида қиёсий ёритишга ҳаракат қиламиз.

Халқимиз орасида ўсимликларнинг пайдо бўлиши ёки уларнинг муайян белги-хусусиятларини изоҳлаш, тушунтириш мақсадида яратилган мифологик афсоналар кўп учрайди. Масалан, «Тол, терак, гужум ва анжир» номли афсонада ҳикоя қилинишича, «Одам ер юзига тушганида эгнида кийими бўлмаганлиги сабабли тол, терак ва гужумнинг олдига бориб: “Ялонғоч юрмайин, менга озгина барг беринглар, ўзимга пана қилай, деб сўраганида, улар беришмабди. Шунинг учун бу дарахтлар беҳосил бўлиб қолган эмиш. Нарироқда турган анжир Одамга ўз баргларида берган ва шунинг учун жуда серҳосил, шифобахш дарахтга айланган эмиш».

Бу мифологик афсонада тол, терак ҳамда гужумнинг ҳосил бермаслиги ҳамда анжирнинг эса, аксинча, серҳосиллиги сабаблари хаёлий уйдирма асосида талқин қилинган.

Халқимиз орасида турли ўсимликлар ва дарахтларнинг пайдо бўлиши тўғрисида мифологик тасаввурларга асосланган ботаномик афсоналар кенг тарқалганлиги сабабли, эътиқодий қарашлар тизимида аждодларимизнинг ўсимлик култи билан боғлиқ эътиқодий тасаввурлари муҳим ўрин тутди. Нурота ўзбеклари тасаввурларига кўра, «итсийган» ўсимлигини хўжаликда, айниқса, таом пишириш учун тандир ва ўчоқда ёқиш оқибати ёмон бўлади, дейилади. Чунки жар ёқаларида ва тоғларнинг нураган тикка жойларида ўсадиган бу ўсимликни ёмонликка йўйишнинг сабаби, одамлар орасида «итсийган – ажинанинг ёзиладиган ери, шунинг учун уни сутга ёкса, яъни шу ўсимликни ёндириб, сут пиширса, сут ирийди», деган қараш мавжудлигидадир.<sup>1</sup>

Марказий Осиё халқларида «меҳригиё» деб аталувчи ғаройиб ўсимлик тўғрисида ҳам ўзига хос мифологик тасаввурлар мавжуд бўлиб, халқ қарашларига кўра, кимки ана шу ўсимликнинг илдизини ўзи билан олиб юрса, ҳамма уни яхши кўрар экан, чунки бу ўсимлик кишига бошқа одамларнинг кўнглини ром этадиган хусусиятга эга деб қаралади. «Меҳригиё» афсонаси талқинича, меҳригиё тоғда ўсадиган ўсимлик бўлиб, уни фақат кечаси топиш мумкин эмиш. Чунки уни кундуз кунни бошқа ўсимликлардан фарқлаб бўлмас, кечаси эса ёниб турар эмиш. Меҳригиё изловчилар ёниб турган жой устига махсус белги ташлаб кетар эмишлар. Эртасига бориб белги остидан меҳригиёни топиб олишаркан. Лекин меҳригиёни узиб олган одам ўша замоннинг ўзида ўлар эмиш. Шунинг учун бир чумчуқнинг оёғига ингичка ип боғлаб, чумчуқни ўз ҳолига қўядилар. Чумчуқ учаман деб, зарб билан меҳригиёни юлиб олар эмиш. Ўша замоннинг ўзидаёқ чумчуқ ўлар эмиш. Меҳригиё бўлса юлиниб қолар эмиш. Шу хийла билан меҳригиё олинар эмиш. Баъзилар меҳригиё фақат кўнгилларни ўзига тортувчи ўсимлик эмас, балки энг зўр бир доридир деганлар. Шу тўғрисида тошбақа модасига борса, модаси саркашлик қилса, тошбақа изланиб, бир чўпни топиб, тишлаб келади. Тошбақа модаси ундан кейин саркашлик қилмай, ром бўлади. Меҳригиё нима десангиз, ана шу тошбақа тишлаб келган чўпдир дейдилар.<sup>2</sup>

Бундан ташқари, меҳригиёни куздан то баҳорга қадар тут ковагида қишлайдиган кўк қарға тумшугида тишлаб ётади, деган эътиқодий қараш ҳам бор. Ана шу ғаройиб ўсимликдан қувват олганлиги учун бу қуш қиш бўйи ҳеч нарса емаса ҳам, кўкламгача етиб борар эмиш.

Самарқанд вилоятининг тоғли ҳудудида жойлашган қишлоқларнинг чавандозлари ўзларининг қамчиларига «дубулға» деган бутасимон дарахтнинг ёғочидан қамчи сопи ясаптирадилар. Чунки халқ орасида тарқалган мифологик тасаввурларга кўра, дубулға хосиятли ёғоч ҳисобланиб, агар остида кўк оти, устида кўк чопони, бошида кўк салласи, қўлида дубулға дастали қамчиси бор бўлган одам йўлда илонга дуч келса, ана шу қамчиси билан ҳар қандай катта илонга сермаса, агарчи қамчи бориб илонга тегмаса ҳам, илон турган жойида ўлиб қолади деб ишонадилар.

Бинобарин, Тошкент вилоятининг Пском дарёси бўйидаги дўланазордаги дарахтларнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги афсонада айтилишича, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом билан

---

бетлар; Чоршанбиев М. Ўзбек фольклорида дарахт билан боғлиқ тотемистик қарашлар. «Ўзбек тили ва адабиёти», Тошкент, 1998, 6-сон, 32–33-бетлар; Устоев Ш.У. Розоцветные деревья в обрядах населения горных районов Сурхандарьинской области. Труды Байсунской научной экспедиции. Вып.3. Археология, история, этнография. Ташкент, «Санъат», 2007, с. 166–172; Ризоева М. Ўзбек халқ мифологик афсоналари (ўзига хос хусусиятлари, таснифи ва образлар тизими). Филол.фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дисс. автореф., Тошкент, 2020.

<sup>1</sup> ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1713/14.

<sup>2</sup> Шу манба. Инв.№1713/14/9.



яхудийлар орасида низо чиққанида, расулуллоҳнинг қизи «яхудийларга кўзим тушмасин» деб қочибди. Шунда худонинг амри билан ер ёрилиб, у кўздан ғойиб бўлибди. Қизнинг қонидан эса дўлана дарахти ўсиб чиқибди».<sup>1</sup>

Дўлана дарахтининг ёғочи ва мевасидан магик-шомонистик характердаги расм-русумларда фойдаланиш анъанаси туркий халқлар мифологиясига хос дарахт культининг ўзига хос талқинларидан биридир. Қорачой-болқарлар ҳам дўлана ёғочининг магик хусусиятга эгаллигига ишонадилар ва шу сабабли ҳам улар орасида бу дарахт новдаларидан тайёрланган тумор тақиб юришга одатланган кишилар кўп учрайди. Улар ҳар йили эрта баҳорда кўй-кўзилари ҳамда сигирларини тоғ яйловларига чиқаришдан аввал жониворларнинг шохига дўлана ёғочидан қилинган туморларни тақиб қўядилар. Айтишларича, бундай тумор чорвани ваҳший ҳайвонлар хуружи ва ҳар хил касалликлардан сақлар эмиш.<sup>2</sup> Дўлана дарахти новдасидан тумор тайёрлаш анъанаси қирғизларнинг маросимларида ҳам қайд этилган.<sup>3</sup>

Инглиз фольклорида Шотландияда бир афсона бор, бу черков ҳовлисида жойлашган дарахтлар билан боғлиқ ҳолда тушунтирилади: “Агар қабила аъзоси черков ҳовлисидан дарахтнинг бир баргини олиб, чап қўлида ушлаб юрса, унда у ўз душманини кўрганда ёки у билан жанг пайтида гаплашса, душмани унинг сўзларини эшитмас экан. Лекин атрофдагиларнинг барчаси эса бу гапларни эшитар экан”, шунинг учун бу дарахт муқаддас ҳисобланган.

Шунгдек, инглиз фольклорида Робин Гуд номли эпик қаҳрамоннинг дарахт билан боғлиқ воқеалари ҳақидаги афсоналар ҳам сақланиб қолган. Дарахтнинг мифологик вазифа бажариш ҳолати инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари афсоналарида учрайди. Қорақалпоқ ва ўзбек афсоналарида дарахт ёки ўсимлик қаҳрамонга ёрдамчи магик моҳият бахш этади (одамларни меҳрини қозонади, барака топади, кўз-сукдан холи бўлади). Инглиз фольклорида ўсимлик барги ёки танасини ўзи билан тутган қаҳрамоннинг кўздан ғойиб бўлиши, аммо кўринмаса-да, атрофдагиларни эшитиш ҳамда кузатиш кучини сақлаб қолиши қайд этилади.

Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек ва қорақалпоқ мифологиясидаги дарахт культининг ўзига хослиги дарахтни «тотем-аждод» – одамлар ўзлари билан муайян дарахтлар ўртасида қон-қариндошлик алоқаси мавжуд деб ҳисоблашлари асосида келиб чиққан тотемистик қарашлар, «фетиш» (дарахтнинг ёғочи, меваси, гули, барги ва бошқа бирор қисмидан магик хусусиятга эга бўлган ашё сифатида фойдаланиш анъанаси), «жон (рух) макон қилган жой» (вафот этган кишиларнинг руҳи ёки ҳали туғилмаган чақалоқларнинг жони дарахт ва унинг бирор қисмини ўзига вақтинчалик макон қилади, деган анимистик тасаввурлар) ҳамда маъбуд ва пирларнинг тимсоли (ғайриоддий йўсинда ғойиб бўлган авлиёлар, шахид бўлган пирлар ва бошқа мўъжизакор мифологик персонажларнинг қони томган жойдан дарахт кўкариб чиқиши ҳақидаги афсоналар) деб тасаввур қилиниши тарзида намоён бўлади.

Ўсимликларнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги ботаномик афсоналарнинг кўпчилигида одамнинг муайян тана аъзоси (сочи, тирноғи, тупуғи, қони ва х.к.) ерга тушгач, ундан у ёки бу ўсимлик (дарахт) кўкариб чиқиши жоннинг бир шаклдан бошқа нарса ҳолатига кўчиши тўғрисидаги анимистик қараш ифодасидир. Масалан, ўзбек ва қорақалпоқ мифологик афсоналаридан бирида айтилишича, кунлардан бир куни Муҳаммад пайғамбарнинг бармоғидан илон чақиб олибди. У киши илон чакқан жойнинг қонини сўриб, бир четга тупуриб ташлабдилар. Ўша илоннинг захари тушган жойдан икки хил ўсимлик – пиёз ва саримсоқ униб чиққан эмиш. Пиёз ва саримсоқнинг аччиқлиги уни илон захрига қиёс қилиш асосида юқоридаги мифологик афсона келиб чиққан. Бу афсонада саримсоқ ва пиёзнинг қай тариха пайдо бўлиши изоҳланганлигини кузатамиз.

Хулоса қилиб айтганимизда, ўзбек, қорақалпоқ ва инглиз фольклорида дарахт ва ўсимликларнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги ҳаёлий уйдирмага асосланган воқеаларни бадиий ифода этган оғзаки ҳикоялар туркуми мавжуд. Бундай оғзаки кичик эпик матнлар ботаномик афсоналардир. Ботаномик афсоналарда тасвирланадиган воқеанинг ҳаёлий уйдирмага асосланиши, сюжетининг биргина воқеа заминига қурилиши, ўсимликларнинг келиб чиқишини изоҳлашга қаратилиши унинг ўзига хос муҳим бадиий хоссаларидир.

<sup>1</sup> Жавлиев Т. Табиат, инсон ва дин. Тошкент, 1986, 61-бет.

<sup>2</sup> Маремшоева И.И. Эволюция этнического сознания карачево-балкарского народа. Дисс. докт. истор. наук, Махачкала, 2002, с. 122.

<sup>3</sup> Абрамзон С.М. Предметы культа казахов, киргизов и каракалпаков. Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и Казахстана. Л., “Наука”, 1978, с. 58.

Ishmuradova Gulbaxor Izmuradovna (Qarshi davlat universiteti Mehnat ta'limi kafedrasida dotsenti,  
pedagogika fanlari nomzodi; [ishmuradova67@mail.ru](mailto:ishmuradova67@mail.ru)),

Kaxxarova Tozagul Abdimuminovna (Qarshi davlat universiteti Mehnat ta'limi kafedrasida  
o'qituvchisi; [t.kaxxarova@mail.ru](mailto:t.kaxxarova@mail.ru))

**TEKNOLOGIYA TA'LIM PRAKTIKUMI MASHG'ULOTLARINI O'QITISHNI KREATIV  
FIKRLASH ORQALI TAKOMILLASHTIRISH**

***Annotatsiya.** Mazkur maqolada oliy ta'lim tizimida bo'lajak texnologiya o'qituvchilarini tayyorlashda talabalarni kreativ fikrlashga o'rgatish haqida to'xtalib o'tilgan. Buning uchun kreativ fikrlash haqida pedagog va psixolog olimlarning fikrlari keltirib o'tilgan va "Kiyim alohida detallariga va birkimlariga ishlov berish" mavzusini o'qitishda talabalarni kreativ fikrlashga o'rgatuvchi muammoli vaziyatlarni yaratish va savollar bilan takomillashtirish haqida fikr yuritilgan.*

***Аннотация.** В данной статье рассказывается о том, как научить студентов креативному мышлению при подготовке будущих преподавателей технологий в системе высшего образования. Для этого были приведены мнения ученых-педагогов и психологов о креативном мышлении и затронуты вопросы создания и совершенствования проблемных ситуаций, обучающих учащихся креативному мышлению при обучении теме "Обработка отдельных деталей и комбинаций одежды".*

***Annotation.** This article describes how to teach students creative thinking in the preparation of future technology teachers in the higher education system. For this purpose, the opinions of scientists-teachers and psychologists about creative thinking were given and the issues of creating and improving problem situations that teach students creative thinking when teaching the topic "Processing individual parts and combinations of clothing" were touched upon.*

***Kalit so'zlar:** kreativlik, innovatorlik, kiyim detallari, cho'ntak tikish, cho'ntak turlari, muammoli topshiriq.*

***Ключевые слова:** креативность, новаторство, детали одежды, пошив карманов, виды карманов, проблемное задание.*

***Key words:** creativity, innovation, clothing details, sewing pockets, types of pockets, problem task.*

Oliy ta'lim muassasalarida talabalarni kreativ va nostandart fikrlashga o'rgatish muhim rol o'ynaydi hamda ko'p jihatdan o'qitish sifatiga ta'sir qiladi. Agar ta'lim jarayonida kreativ va innovatsion qarorlar qabul qilinmasa, yangilanishlar ham bo'lmaydi. Bizga ma'lumki, nostandart va kreativ fikrlash qobiliyati o'rtasida nozik chegara mavjud bo'lib nostandart odatda faqat bir xil farqni, mavjud usul va ish uslubining o'zgarishini o'z ichiga oladi. Kreativlik butunlay yangi, eng muhimi, muammoni hal qilishning samarali yondashuvini o'z ichiga olishi kerak. Har bir faoliyat sohasi kreativ g'oyalarni yaratish va amalga oshirish bo'yicha o'z cheklovlariga ega.

Oliy ta'lim muassasalarida bo'lajak texnologiya o'qituvchilarini tayyorlashda o'qitiladigan "Texnologiya ta'limi praktikumi" mashg'ulotlari jarayonida talabalar kreativ fikrlashlari uchun ko'proq yoki kamroq darajada turli qobiliyat va moyillikka ega bo'ladi, har bir talaba kreativ g'oyalarni topish uchun zarur bo'lgan ma'lum depozitlarga ega bo'lib o'qituvchi bu sohada o'z pedagogik mahoratini to'liq ishlatishi zarur. Har bir talaba u yoki bu darajadagi kompetensiyalarga ega va o'qituvchi uni doymo oshirib kopaytirib borishi kerak. Shuning uchun maxsus texnologiyalar va texnikalar yordamida mavjud bo'lgan yashirin kreativ qobiliyatlarni aniqlash mumkin bo'lgan kreativ treninglar foydali bo'lishi mumkin, albat, ularning ta'lim jarayonida qo'llash mumkin.

Ijodkorlik – aqliy o'zgarish va kreativlik qobiliyati; "kreativ fikrlash" tushunchasiga juda yaqin. Kreativlik jarayonning o'tmishdagi, birgalikda va keyingi xususiyatlarini o'z ichiga oladi, natijada inson yoki odamlar guruhi avval mavjud bo'lmagan narsalarni yaratadi.

Kreativlikni tushunish juda keng ko'lamli nuqtayi nazar bilan tavsiflanadi: bu muammo o'tgan tajribani aks ettiradigan dominantni keltirib chiqaradigan vaziyatda yangilik yaratish; bu mavjud bilimlardan tashqariga chiqish; bu rivojlanishga olib keladigan o'zaro ta'sirdir. Psixologiyada kreativlikni o'rganishning ikkita asosiy yo'nalishi ta'kidlanadi.

Birinchi, natijalar (mahsulotlar), ularning soni, sifati va ahamiyati.

Ikkinchi, kreativlik insonning stereotipik fikrlash usullaridan voz kechish qobiliyati sifatida qoraladi. Ijod nazariyasi yaratuvchilaridan biri Dj.Guilford kreativ parametrlarni oltita xususiyatini faqlaydi :

- 1) muammolarni aniqlash va ifodalash qobiliyati;
- 2) ko'p muammolarni yuzaga chiqarish qobiliyati;
- 3) semantik spontan moslashuvchanlik – turli g'oyalarni ishlab chiqarish qobiliyati;
- 4) originallik – uzoq assotsiatsiyalarni ishlab chiqarish qobiliyati, g'ayritabiiy javoblar, nostandart yechimlar;
- 5) tafsilotlarni qo'shish orqali obyektни yaxshilash qobiliyati;
- 6) semantik moslashuvchanlikni namoyon qilib, nostandart muammolarni hal qilish qobiliyati, ya'ni obyektда yangi xususiyatlarni ko'rish, yangi foydalanishni topish qobiliyati.

“Texnologiya ta’limi praktikumi” mashg’ulotlarida talabalar fikrlashlarini rivojlantirish uchun kreativlik jarayonining o‘ziga xos xususiyatlarini hisobga olish lozim. Ko‘pgina tadqiqotchilar kreativlik jarayonini turli faoliyat va bilim sohalariga xos deb hisoblashadi. Biroq kreativ fikrlash jarayoni uchun umumiy talablar aniqlanishi mumkin. Kreativ jarayon, u yo‘naltirilgan muammolardan qat’i nazar, quyidagilarni o‘z ichiga olishi kerak:

1. Tashqi axborot va ichki tushunchalarning strukturasi o‘xshashlik va konseptual bo‘shliqlarni shakllantirish orqali o‘zgartirish.

2. Muammoni doimiy ravishda qayta tuzish.

3. Yangi bilimlarni yaratish va eski bilim va ko‘nikmalarni yangi usulda qo‘llash uchun mavjud bilim, xotiralar va tasvirlarni qo‘llash.

4. Og‘zaki bo‘lmagan fikrlash modelidan foydalanish.

5. Kreativlik jarayoni uchta usulda paydo bo‘lishi mumkin bo‘lgan ichki stressni talab qiladi: kreativ jarayonning har bir bosqichida an’anaviy va yangi o‘rtasidagi ziddiyatda; g‘oyalarning o‘zida, turli xil echimlar yoki mo‘ljallangan mahsulotlarda; noaniqlik betartibliigi va ta’limning yuqori darajasiga va individuallik, umuman, jamiyat ichida samaradorlikka erishish istagi o‘rtasida yaratilishi mumkin. Ehtimol, uch turdagi kuchlanish kreativ jarayonning turli bosqichlarida paydo bo‘ladi. Kreativlik–fikrlash, his-tuyg‘ular, muloqotda namoyon bo‘lishi mumkin bo‘lgan, umuman, shaxsiyat va bu shaxsning faoliyati mahsulotini tavsiflovchi kreativ qobiliyatlar. Kreativlik fikrlash, his-tuyg‘ular, muloqotda o‘zaro bog‘liqlikni bartaraf etish jarayonidir. Yaratuvchi kishi har doim boshqalarga nisbatan ko‘proq mushohada qiladi: u odatiy xatti-harakatlar, ehtimol, eng yaxshi emas, balki odatning kuchi bilan qabul qilinganligini tan olishga tayyor; har bir inson o‘z dunyosida yashaydi va bu dunyoni o‘z-o‘zidan, mustaqil ravishda, uni o‘rab olganlar tomonidan emas, balki o‘z nigohi bilan ko‘radi.<sup>1</sup>

N.N.Azizxo‘jayeva “Kreativlik – bu kasbiy hayot usuli, ko‘p qirrali ta’lim jarayoni va tizimining maqsadlari, mazmuni, texnologiyalari sathida yangi pedagogik voqelikni yaratishi istagi va malakasidir. Kreativlik o‘qituvchiga innovatsion o‘zgarishlar oqimiga maslashib olishga yordam beradi deb ta’riflagan.<sup>2</sup>

Guilford: “Kreativlik-bu turli fikrlash jarayonidir” har qanday muammoni hal qilishda bunday fikrlash tarziga ega bo‘lgan odamlar o‘zlarining barcha sa’y-harakatlarini yagona to‘g‘ri echimni topishga emas, balki barcha mumkin bo‘lgan yo‘nalishlarda yechimlarni izlashga kirishadilar. Turli xil fikrlash usuli quyidagi o‘ziga xos xususiyatlar bilan tavsiflangan kreativ fikrlashning asosidir:

1. Tezlik–maksimal g‘oyalar sonini ifodalash qobiliyati (bu holda ularning sifati emas, balki ularning soni muhim).

2. Moslashuvchanlik – turli g‘oyalarni ifodalash qobiliyati.

3. Originallik – yangi nostandart g‘oyalarni ishlab chiqarish qobiliyati (bu javoblarda o‘zini namoyon qilishi mumkin, umumiy qabul qilinganlarga mos kelmasligi mumkin).

4. To‘liqlik – “mahsulot” ni takomillashtirish yoki uni to‘liq ko‘rinish berish qobiliyati.

“Texnologiya ta’limi praktikumi” mashg’ulotlarida kreativlikni rivojlantirish usullari.

Albatta, hech qanday mashg’ulot insonni ajoyib g‘oyalarni kashf etishga o‘rgata olmaydi. Ammo bunday dasturlarning asosiy afzalligi shundaki, ular kreativ fikrlashning rivojlanishiga to‘sqinlik qiluvchi to‘siqlarni bartaraf etishadi, eng muhimi, kreativlikdan qo‘rqishdir. Bu holda insonlar o‘z onglarini bo‘shatadilar, muvaffaqiyatsizlikka yoki masxara bo‘lishdan qo‘rqmaydilar va o‘z g‘oyalarni yanada faolroq taklif qiladilar. Yangi g‘oyalarni topish uchun eng mashhur metodlardan misollar keltiraylik.

<sup>1</sup>Arzimurodova M.S., Anorqulova G.M., Qayumova F.E. Ayollar milliy ko‘yilagini bichish va tikishni o‘qitish bo‘yicha o‘quv-uslubiy tavsiyanoma. T., O‘MKHTTKMO va UQTI, 2007, 87-bet.

<sup>2</sup> Azizxo‘jayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. T., “Adabiyot”, 2006, 139-bet.

1. Aqliy hujum (miya bo‘roni). Muallif-Aleks Osborne. Asosiy tamoyil – bu g‘oyani ishlab chiqarish va uni tanqid qilish. Har bir ishtirokchi g‘oyalarni ilgari suradi, boshqalari ularni rivojlantirishga harakat qiladi va olingan qarorlarni tahlil qilish keyinroq amalga oshiriladi. Ba‘zan miya bo‘roni “soqov” versiyasidan foydalaning – brainrayting, ishtirokchilar qog‘ozga yozilgan yangi paydo bo‘lgan fikrlarni bir-biriga qaratib o‘tadilar, o‘z navbatda, bu hol yangi fikrlarni keltirib chiqaradi.

2. Muammoli metod. Texnologiya ta‘limi praktikumi mashg‘ulotlarida o‘quvchilarni innovatorlik qobiliyatlarini rivojlantirish, kreativ fikrlashga o‘rgatishda tanlangan mavzuni muammoli bayon etish orqali ko‘zlangan maqsadga erishish mumkin.

Quyida texnologik ta‘lim praktikumi mashg‘ulotlarida “Kiyim alohida detallariga va birikmalariga ishlov berish”<sup>1</sup> mavzusini muammoli metod asosida kreativ fikrlashga o‘rgatish, o‘quvchilarning mahsuldor faoliyati, mashqlarni bajarish bilan birga qo‘shib olib boriladi.

Mavzu o‘qituvchining tushuntirishi bilan boshlanadi va talabalarga ko‘rinishi va bichimi har xil bo‘lgan, moda yo‘nalishi hisobiga olingan cho‘ntak turlarini ko‘rsatib, ular qanday bichib tikilganligini so‘raydi. Talabalar hayotiy tajribalaridan foydalanib, cho‘ntaklarni qopqoqli, listochkali kabi turlarini va ularni kiyimning turiga qarab tanlash kerak deb, to‘g‘ri javob berishadi. Aslida, o‘qituvchi ana shu savol bilan cho‘ntak turlari, ularning kiyim turiga qarab tanlanishi haqidagi bilimlarini faollashtiradi. Shundan keyin u cho‘ntak qanday asosiy detallardan iborat va ularni bichayotganda nimalar e‘tiborga olinadi? deb savol beradi.

Talabalar cho‘ntak xalta astari, avradan iborat ekanligi, listochka yoki qoplama cho‘ntak gulini old bo‘lak avrasi guliga qanday to‘g‘ri keltirish mumkinligini aytishadi.

O‘qituvchi gazlama tanda ipi cho‘ntak qopqog‘ida ko‘ndalang, cho‘ntak ostki qopqog‘ida esa detalning uzunasiga o‘tgan bo‘lishi mumkinligini tushuntirishi kerak. Gazlama bo‘ylama va ko‘ndalang ipi yo‘nalishini aniqlashini o‘rganib olishlari uchun talabalarining o‘zlari ba‘zi detallarni bichishga taklif etiladi.

Ma‘lumki, “namuna” va xotira bo‘yicha faoliyat jarayonida mustaqil kreativ fikrlash uchun sharoit vujudga kelmaydi. Buning ustiga aniq yo‘riqnoma berish uning paydo bo‘lishiga sharoit yaratmaydi.

Mashq qilish uchun o‘qituvchi dars oldidan tayyorlab qo‘yilgan jihozlarni beradi. Tabiiyki, o‘qituvchi tomonidan bajarib ko‘rsatilmagan operatsiyalar, qopqoqli qirqma cho‘ntak detallarini bichish va tikish texnologiyasi bilan bog‘liq bo‘lgan burchak joylarini 0,2 – 0,3 sm kenglikda chok haqi qoldirib qir-qib tashlash detallarni avra detalidan kant hosil qilib, juftlash jarayonlari talabalar uchun ancha muammo-ni tug‘diradi. Ko‘pchilik talabalar tomonidan burchak joylarni bir tekis chiqara olmaslik, kantni har xil o‘lchamda tikish, bukilgan ziyidan bahyaqatorni bir tekis chiqara olmaslik kabi xatoliklariga yo‘l qo‘yiladi va o‘z ishidan qoniqmagani talaba o‘qituvchiga murojat qilib, ushbu texnologiyani o‘qituvchi tomonidan ko‘rsatilishini so‘raydi.

“Namunaviy muammoli vaziyat yechimini mustaqil topish” uchun bichish va tikish jarayoni bir-biriga yaqin bo‘lgan detallar olinadi. Ushbu holda qopqoqli qirqma cho‘ntakka yaqin bo‘lgan listochkali qirqma cho‘ntaklarni tikish texnologiyasi tanlanadi. O‘qituvchi talabadan avvalgi olingan bilimga tayyanishi mumkinligini aytib quyidagi muammoli vaziyatni yaratadi. Pdjak, jaket, yupqa jun gazlamali kiyimlar, gazlamasi yupqa kiyim listochkalari ko‘rsatilib, bir-biridan farqi so‘raladi. Listochkali cho‘ntakni asosiy detallariga e‘tibor qaratiladi. Bichish va tikish texnologiyasida mustaqillik talab etiladi.

O‘qituvchi tomonidan yangi bilimlar berish maqsadida OJK-1 apparatida tayyorlangan listochka ko‘rsatilib bu texnologiya bilan talabalar tomonidan o‘zlashtirilgan usul o‘rtasidagi o‘xshashlik va farq so‘ralishi mumkin.<sup>2</sup> Albatta, talabalar tomonidan tayyorlangan listochka bilan uning astari o‘ng tomonini pastga qaratib, tayanch bo‘rtiqlar bo‘yicha tekislab qo‘yilishi, pastga qaratib o‘rnatilishi kabi jarayonlar to‘g‘ri tahlil qilinadi. Mazkur mavzuni o‘qitishda listochkani ag‘darma chok bilan tikish, listochkani OJK-1 apparatida tayyorlash turlaridan birini olish mumkin yoki bitta usul ko‘rsatilib, boshqalari unga namuna vazifasida olinishi maqsadga muvofiq.

Muammoli o‘qitishning yana bir usuli “Ko‘p variantli muammo taklif etish va uni yechishda yetishmayotgan bilimlarni aniqlab, muammo yechimini izlash va topish”dir. Cho‘ntak tikish texnologiyasi mavzusida ramkali qirqma cho‘ntakni tikish jarayonini talabalarga topshiriq sifatida taklif etish mumkin. Bunda cho‘ntak ramkalarini bir-biriga mosligi, cho‘ntak qopqoqlarini tashqi qirqimlarini, qirqma cho‘ntak burchagi tekisligi, bezak choklarining aniqligi, 0,1, 0,2, 0,3 sm choklarni chiqara olmaslik ko‘pchilik

<sup>1</sup>Jabborova M.Sh. Tikuvchilik texnologiyasi. Darslik, Toshkent, “O‘zbekiston”, 1994, 71-bet.

<sup>2</sup> Shu manba. 72–78-betlar.

o'quvchilar uchun muammo bo'lmashligi ham mumkin. Muammoli topshiriq o'quvchilar uchun haddan tashqari qiyinlik qilishi va buni ular o'zlaricha tushunib asossiz javob berishga tayyor bo'lishlari ham mumkin. Bunday vaziyatlarda o'qituvchi topshiriqni yana bir marta ifodalashi va bunda shartdagi ziddiyatlarga yoki nomuvaffiqlikka e'tibor berishi kerak. Shunday keyin o'quvchilar savolga javobni bilish bilmasliklari aniq bo'lib qoladi. Muammoli topshiriqlarni yechimini izlash o'quvchilar yangi bilimlar hamda faoliyat usullarini faol ongli o'zlashtirishi uchun imkon yaratadi.

“Kiyimning alohida detallariga va birikmalariga ishlov berish” mavzusini muammoli o'qitish texnologiyasi ta'limning samarali usuli bo'lib, talabalar tomonidan yangi o'quv materialini ongli ravishda o'zlashtirilishiga va kreativ fikrlashga olib keladi.

#### **Xulosa.**

◆Texnologiya ta'limi praktikumi mashg'ulotlarida ta'lim sifatini yaxshilash uchun talabalarni kreativ fikrlashga undaydigan metodlardan foydalanish mashg'ulotning samaradorligini oshishiga olib keladi.

◆“Kiyim alohida detallariga va birikmalariga ishlov berish” mavzusini o'qitishda muammoli va aqliy hujum metodlarini qo'llash talabalarga yaratuvchanlik hissini uyg'otadi, nostandart fikrlashdan qo'rqmaslik, bilimlarni yangi vaziyatlarda qo'llash, ish jarayonidagi muammolarni aniqlash va ularni yechimini topishga o'rgatadi.

◆Mashg'ulotlarda kreativ fikrlashga yo'naltirilgan savollarni qo'yish va vaziyatlarni keltirib chiqarish talabalarining individual xususiyatlarini rivojlantirishga xizmat qiladi.

**Пахратдинова Рита Отеулиевна**

(Бердак номидаги ҚҚДУ катта ўқитувчиси; [Ritapaxratdinova@mail.ru](mailto:Ritapaxratdinova@mail.ru))

### **ЁШЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎЛЛАШДА УЙЎНЛАШГАН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

***Аннотация.** Мақолада умумтаълим мактаблари технология фани дарсларида миллий хунар-мандчиликка оид уйғунлашган технологиялардан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш ва амалда ижодкорона меҳнат малакаларини ҳосил қилиш ва онгли равишда касб-хунар танлашга йўналтиришнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти ёритилган.*

***Аннотация.** В статье подчеркивается учебно-педагогическая важность направления учащихся к творческому мышлению и творческим навыкам работы, осознанному выбору профессии за счет использования гармонизированных технологий народных промыслов на уроках технологичности в общеобразовательных школах.*

***Annotation.** The article highlights the educational and pedagogical importance of directing students to creative thinking and creative work skills and conscious choice of profession through the use of harmonized technologies of national crafts in technology science classes in secondary schools.*

***Калим сўзлар:** мактаб, ўқувчи, дарс, синф, технология фани, таълим, тарбия, миллий хунар-мандчилик, лойиҳалаштириш, уйғунлашган технология, ўтиш даври, хусусий, когнитив, эвристик, креатив, кўникма, малака, фаол, ижодкор, хунар.*

***Ключевые слова:** школа, ученик, урок, класс, технология науки, образование, воспитание, народные промыслы, дизайн, гармонизированная техника, переходный период, частный, познавательный, эвристический, творческий, умение, квалификация, активный, творческий, профессия.*

***Key words:** school, student, lesson, class, technology science, education, upbringing, national crafts, design, harmonized technology, transition, private, cognitive, heuristic, creative, skill, qualification, active, creative, profession.*

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири бозор иқтисодиётига ўтиш даврига мослаша оладиган, рақобатдош, фаол ва ижодкор шахсларни шакллантиришдан иборат. Бинобарин, Президентимиз томонидан 2020 йил 6 ноябрда имзоланган “Ўзбекистоннинг янги тарққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сонли фармонда ҳам “Мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчи-

лари замонавий касб эгалари бўлишлари учун зарур кўникма ва билимлар бўлишини шакллантириш” мазкур соҳадаги асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган.<sup>1</sup>

Бу масала бошқа фанлар қатори, технология фанини ўқитишда ҳам асосий вазифа ҳисобланади. Бунинг учун эса ўқитиш жараёнида таълим усулларида унумли ва оқилона фойдаланиш ҳамда бу усуллари такомиллаштириш, янгиларини излаб топиш, қўллаш орқали технология фани машғулотларининг самарадорлигини ошириш талаб қилинади. Шу сабабли бугунги кунда таълим-тарбия соҳасидаги асосий долзарб масала – таълим усуллари ва шакллари яхши эгаллаган, уларни амалда қийналмай қўллаш оладиган малакали ўқитувчи кадрларни тайёрлашдан иборат бўлиб қолмоқда. Чунки ўқувчиларга таълим-тарбия бериш, уларни касбларга йўналтиришда ўқитувчи шахси ва унинг фаолияти алоҳида аҳамиятга эгадир. Бинобарин, ўқитувчи олиб борадиган очик мулоқот тарзидаги машғулот жараёнида бошқа ҳеч нарса боса олмайди. Шу сабабли ҳам малакали етук ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш учун таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш муҳим омил ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда бир қатор тадқиқотчилар томонидан педагогик технологияларнинг кўринишлари, йўналишлари, тамойиллари, мезонлари каби умумий кўрсаткичлари ишлаб чиқилган, улардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган. Масалан, Ж.Йўлдошев ва С.Усмоновнинг “Педагогик технология асослари” номли қўлланмасида педагогик технологиянинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар келтирилган:<sup>2</sup>

◆*ҳозирги анъанавий таълим* (XVII асрда Я.А.Коменскийнинг дидактик тамойиллари асосида шаклланиб, ҳозирда мактабларда энг кўп қўлланаётган синф-дарс тизимидан иборат. Замонавий педагогик технологиялар, асосан, шу тизимни турли йўналишларда такомиллаштириш мақсадларида яратилиб, ҳозирда ривожланиб бормоқда);

◆*педагогик жараёни такомиллаштириш, уни ўқувчи шахсига йўналтиришга асосланган педагогик технологиялар* (ҳамкорлик педагогикаси, таълимнинг инсонпарварликка асосланган технологияси ва бошқалар);

◆*ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган педагогик технологиялар* (муаммоли таълим, ўйинлар, таянч сигналлар конспектлари технологиялари ва бошқалар);

◆*ўқув материални дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва қайта ишлаб чиқишга асосланган педагогик технологиялар* (бу технологиялар ўргатилаётган билимларнинг дидактик тизими чуқур мазмунга эга бўлиши, билимларга тизимли нуқтаи назардан ёндашиш, ўқувчиларга билимларни эгаллашнинг энг мақсадга мувофиқ йўллари ўргатиш каби тамойилларга асосланади);

◆*ўқув жараёни самарали бошқариш ва ташкил қилишга асосланган педагогик технологиялар* (бу технологияларга табақалаштирилган, индивидуаллаштирилган, дастурлаштирилган таълим технологиялари; таълимнинг жамоа усули, гуруҳли, компьютерли таълим технологиялари кабилар киради);

◆*табиатга мувофиқлаштирилган педагогик технологиялар* (буларга ўқувчининг табиий имкониятлари, таълим-тарбия жараёнида ташкил қилишнинг табиий имкониятлари ва бошқа табиатга мувофиқ имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни амалга оширишга асосланган педагогик технологиялар киради);

◆*ривожлантирувчи таълим технологиялари* (буларга ўқувчи шахсининг ижобий сифатларини, айрим соҳалардаги билимлари, ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологиялари киради);

◆*хусусий* (ўқув фанлари), *альтернатив* – *муқобил*, *муаллифлик*, *эмпирик* (сезги аъзолари орқали билим олиш);

◆*когнитив* (атрофдаги олам тўғрисидаги билимлар доирасини кенгайтириш технологияси);

◆*эвристик* (йўналтирувчи саволлар йўли билан таълим бериш тизими);

◆*креатив* (тадқиқот характерида эга бўлиб, ўқувчиларда мақсадга йўналтирилган ижодий тафаккурни жадал ривожлантиради);

◆*инверсион* (ахборотларни турли томондан ўрганиш, ўрнини алмаштириш хусусиятига эга бўлиб, тафаккур (фикрлаш) тизимини шакллантиради);

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тарққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. Т., 2020 йил 6 ноябрь, ПФ-6108.

<sup>2</sup> Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Т., “Ўқитувчи”, 2004, 119-бет.

♦*интегратив* (ахборотларни ташкил қилувчи чексиз кўп кичик қисмларнинг ўзаро ажралмас боғлиқлиги, уларнинг яхлитлиги, бир бутунлиги асосида ягона тўғри хулосани аниқлаш);

♦*адаптив* (ахборотларни ва улардан фойдаланиш жараёнини ўрганиш ҳамда ўргатиш учун қулайлаштириш, мослаштириш асосида кутилган натижага эришиш);

♦*инклюзив* (ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабатларида тенглик асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш).

Биз ўз тадқиқотларимизда булардан ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган педагогик технологиялар, ривожлантирувчи таълим технологиялари, эвристик, креатив, интегратив каби йўналишларидан ҳамда уларнинг айрим элементларини ўзаро бирикишидан ҳосил бўладиган педагогик технологиялардан фойдаландик. Юқорида кўрсатилган педагогик технологияларни бирикувидан ҳосил бўлган педагогик технологияларни эса миллий хунармандчиликка оид уйғунлашган технологиялар деб номладик. Шунингдек, технология фани дарсларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бунда ўқувчилар амалий машғулотларда асбоб-ускуна ва механизм-машиналарнинг тузилишини ҳамда улардан фойдаланишни, материалларнинг турлари, тузилиши, хоссалари ва ишлатилишини ҳамда бирор буюм ясашни ўрганадилар. Бунда улар бевосита ишлаб чиқариш технологиялари, яъни техник технология асосида иш бажарадилар. Мана шу ишни мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш учун уларга амалий машғулотдан олдин назарий маълумотлар, тушунча ва кўрсатмалар берилади. Бунда эса ўқитиш технологияларидан фойдаланилади.

Кўришиб турибдики, технология ўқув фанида биргина амалий машғулот давомида ҳам ўқитиш технологияларидан, ҳам техник технологиялардан фойдаланиш талаб этилади. Мана шу ҳолат ҳам технология фани дарсларида миллий хунармандчиликка оид уйғунлашган технологиялардан фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради. Айниқса, бу ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолиятини ташкил этишда жуда қўл келади. Чунки ижодкорлик фаолияти берилган топшириқни бажаришга нисбатан ижодий ёндашувни тақозо этади. Бунинг учун эса ўқувчиларнинг тушуниш, тасаввур қилиш ва амалда иш бажариш каби қобилиятларини ривожлантириш талаб этилади, бинобарин, уйғунлашган технологиялар айнан шунга хизмат қилади. Шундай қилиб, миллий хунармандчиликка оид уйғунлашган технологиялар деганда, ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш ва амалда ижодкорона иш бажара олишларига қаратилган ўқитиш ва техник технологияларнинг айрим қисмларини ўзаро бирикувидан ташкил топган таълим технологияларини тушунамиз.

Энди мазкур миллий хунармандчиликка оид уйғунлашган технологиялардан технология фани дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда қандай қўлланилиши масалаларига тўхталиб ўтамиз.

Юқорида таъкидланганидек, умумий ўрта таълим мактабларида технология фани дарслари I-синфдан бошлаб то охириги синфгача ўқитилиши билан мактабда узоқ давом этадиган ўқув предметларидан бири ва ўқувчиларни меҳнатга, касб танлашга йўллашдаги асосий, етакчи восита ҳисобланади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, I – IV синф ўқувчиларининг кўпчилиги устачилик қилишни яхши кўради. Улар катталарга ўхшаб бирор нарса ясашга интилади. Ўз истакларини рўёбга чиқаришни хоҳлайди. Шу нарса ўқувчиларни мактаб ўқув устахонаси сари етаклайди. Танаффус пайтларида ва ўқув машғулотлари ниҳоясига етгандан сўнг, улар катта ёшдаги ўқувчилар қандай ишлаётганлигини кўриш учун ошиқиб турадилар. Ниҳоят, кунлар ўтиб, V синф ўқувчилари ўқув устахонасига кириб келади. Бу даврда болалар ўта қизиқувчан, тиришқоқ бўладилар. Йиллар ўтади, V синф ўқувчилари синфдан-синфга ўтиб, улғаяди. Улардаги қизиқиш, тиришқоқлик секин-аста сўна бошлайди. Чунки шу ёшдаги болаларда “ўтиш даври” бошланади. Болалардаги “ўтиш даври”, швейцариялик психолог Жан Пиажанинг фикрича, уларда объект, умуман, борлик ҳақида мавҳум фикрларнинг етилиши билан боғлиқдир. Фикрлаш фаолиятининг мураккаблашиши бола ҳаётининг барча томонларига, унинг ҳиссиётига таъсир кўрсатади.

Америка психологи Эрик Эриксоннинг фикрича, болада ўз мақсадига эришиши йўлида “ишбилармонлик” ва “таъсирчанлик” сезгилари пайдо бўлади. Бу ёшда меҳнатга муносабатнинг асоси таркиб топади.

“Ўтиш даври”даги болаларга хос хаёлпарастлик хусусияти бошланади.<sup>1</sup> Ўқувчиларнинг “ўтиш даври”даги ҳар хил психик ҳолатларни ҳисобга олиб, ташкил қилинган таълимнинг самара-

<sup>1</sup> Сеченов И.М. Рефлексы головного мозга. М., 1968, с. 151.

дорлиги ортади. Методика ва педагогик психологияда ўқув ишларининг энг яхши усулларини танлашга, таълим жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини кучайтирадиган омиллардан фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда.

Кузатишларимиздан маълум бўлдики, кўп ҳолларда, ўқитувчиларнинг машғулотларни олиб боришда бир хил усуллардан фойдаланишлари ўқувчиларнинг технология фанига бўлган қизиқишларини пасайтиради.

Бунинг олдини олиш мақсадида дарсда ўқувчилар фаолиятининг хилма-хиллигини таъминлаш кўп ўқув предметлари қатори технология фанининг ҳам диққат марказидаги асосий вазифалардан бўлиб, ҳозирги пайтда ўқувчиларнинг технология фанига қизиқишининг ортишида таълимнинг фаол, ноанъанавий усулларидан кенг фойдаланиш жуда ҳам зарур бўлиб қолди. Умумтаълим мактабларида илғор, тажрибали, ижодкор ўқитувчилар замонавий дарс талабларига мос келадиган синов, семинар, анжуман, викторина, тест, театрлашган дарс каби турдаги ноанъанавий усулдаги дарслардан ўз ўрнида фойдаланиб келишмоқда. Технология фанида ноанъанавий усулда ўқув амалий машғулотларини ўтказиш ўқувчиларнинг ижодкорлигини, изланувчанлигини ва мустақил фикрлай олиш қобилиятларини шакллантиришга сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Бундай ишлардан бири сифатида V–VII синфлар учун берилган дарстурнинг айрим бўлимларидаги мавзулар ўрганиб бўлингач, умумлаштириш-такрорлаш машғулотларини замонавий (ноанъанавий) дарс сифатида ўтказишдан иборат. Бинобарин, ўқитиш ишларида юқори самарадорликка эришиш дарс турлари, типлари ва шаклларига мос келувчи ўқитиш усулларини, яъни таълим технологияларини танлаш ҳамда уларни қандай қўллашга боғлиқдир. Технология фани дарслари икки қисмга, яъни назарий тушунча бериш ва амалий машғулот қисмига бўлинади.<sup>1</sup>

Назарий маълумот ёки тушунча беришда ўқув материаллари ўқувчиларга ҳикоя, суҳбат, тушунтириш, қисман маъруза усулларини намойиш этиш усули билан қўшган ҳолда баён қилинади. Амалий машғулотларда эса ўқувчиларга асбоб-ускуна, механизм ва машиналарнинг тузилиши, уларни ишга созлаш, улардан фойдаланиш ҳамда иш амалларини бажариш ва бирор деталь ёки буюм тайёрлаш ишлари ўргатилади. Бу дарсларда қайси педагогик технологиялардан фойдаланиш дарснинг моҳияти, мақсадига қараб танланади. Технология фанида ўқитишнинг дарс (амалий машғулот), ўқувчилар бригадаси, ишчилар бригадасига бириктириш, ўқувчиларни малакали ишчиларга бириктириш, ўқувчиларнинг штатли иш ўринларидаги ишлаб чиқариш амалиёти, ўқувчиларни корхонадаги ўқув цехларида ва махсус ажратилган участкаларда таълим олиши, техника тўғараклари каби шакллари қўлланилади. Одатда, бу дарс шакллари яқка (индивидуал), гуруҳли (звено), ёппа (фронтал) кўринишларда амалга оширилади.<sup>2</sup>

Педагогик адабиётларда кўпчилик педагог-тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган дарс типларининг таснифлари баён қилинган. Буларда дарснинг мақсади, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолияти кабилар асос қилиб олинган. Масалан, Ж.Рамизовнинг<sup>3</sup> технология (меҳнат таълими) ўқитиш методикаси фанидан нашр этилган “Умумтехника предметлари ўқитиш ва меҳнат таълими методикаси” номли ўқув қўлланмасида меҳнат таълими – технология фани дарсларининг қуйидаги типлари келтирилган:

1. Кириш дарси.
2. Янги билим бериш дарси.
3. График тушунча ва билимлар бериш дарси.
4. Техникавий топшириқлар ва конструкциялашга бағишланган дарс.
5. Технологик практика ва технологик машқлар дарси.
6. Лаборатория ва лаборатория-амалий ишлар дарси.
7. Кинофильмлар намойиш қилиш дарси.
8. Экскурсия дарси.
9. Такрорлашга бағишланган дарс.
10. Программалаштириб ва техникавий воситалардан фойдаланиб ўқитиш дарси.
11. Мустақил текшириш ишларига бағишланган дарс.

<sup>1</sup>М.Х.Шомирзайев. *Texnologiya fanini o'qitishda innovatsion pedagogik texnologiyalar*. Darslik, T., ТЕРДУ нашр-матбаа markazi, 2020, 228-бет.

<sup>2</sup>Ўйлошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Т., “Ўқитувчи”, 2004, 119-бет.

<sup>3</sup>Рамизов Ж.Р. *Умумтехника предметлари ўқитиш ва меҳнат таълими методикаси*. Т., “Ўқитувчи”, 1982, 97-бет.



Мазкур кўрсатмаларни ўрганиш ва тажриба натижаларидан келиб чиққан ҳолда, технология фани дарсларида ўқувчиларнинг миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик фаолиятини лойиҳалаштиришни ташкил этиш ва ривожлантиришда уйғунлашган технологиялардан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида технология фани дарсларида, асосан, тўртта типдаги, яъни:

- 1) кириш дарслари;
- 2) янги билимлар бериш, меҳнат кўникмаларини шакллантириш дарслари;
- 3) такрорлаш-мустаҳкамлаш дарслари;
- 4) синов дарслари типларидан фойдаланиш қулай, деган фикрга келдик ва уларга мос келувчи уйғунлашган технологияларни танладик.

Масалан, *кириш дарсларида* қисқа маъруза, анжуман, мунозара; *янги билимлар бериш, меҳнат кўникмаларини шакллантириш дарсларида* ақлий ҳужум, ижодий масалалар, морфологик жадвал, семинар, мунозара, мозаика, тренинг, эстафета; *такрорлаш-мустаҳкамлаш дарсларида* ролли саҳналаштириш, анжуман, қувноқлар ва зукколар баҳси, ишбилармонлар ўйини (аукцион дарс); *синов дарсларида* эса “Нима, қачон, қаерда?” ўйини, тест сўрови, интервью, мусобақа дарси, кўрғазмалар дарси каби усулларни қўллаш мумкин. Олиб борган илмий тадқиқотларимиз натижаларига кўра, бунди 1-жадвалда кўрсатилганидек тасвирлашга ҳаракат қилдик.

**1-жадвал**

**Дарс типлари ва уларга мос келувчи уйғунлашган технологиялар**

Т/р	Дарс типлари	Қўлланиладиган уйғунлашган технологиялар
1	Кириш дарслари	Қисқа маъруза, анжуман, мунозара ва б.
2	Янги билимлар бериш, меҳнат кўникмаларини шакллантириш дарслари	Ақлий ҳужум, ижодий масала, морфологик жадвал, семинар, мунозара, мозаика, БББ, тренинг, эстафета ва б.
3	Такрорлаш (мустаҳкамлаш) дарслари	Ролли саҳналаштириш, анжуман, қувноқлар ва зукколар баҳси, ишбилармонлар ўйини (аукцион дарс) ва б.
4	Синов дарслари	Нима, қачон, қаерда” ўйини, тест сўрови, мусобақа дарси, кўрғазмалар дарси, интервью ва б.


Тадқиқотларимизда таълим бериш жараёнида ўқитиш мазмунига кўра, дарс типларини аниқлаш ва бунда қандай технологияларни қўллаш моделини ишлаб чиқдик (1-расмга қаранг).

Бу ғоядан ижодий фойдаланган ҳолда тадқиқотчи Б.У.Олимов<sup>1</sup> мазкур иш муаллифи раҳбарлигида тайёрлаган ва ҳимоя қилган номзодлик диссертациясида куйидаги хулосага келган: “Шунингдек, амалий машғулотларни бажаришга мос келадиган дарс типлари ҳам куйидаги бўлинишга эга эканлиги аниқланди: 1. Иш асбоблари, механизм ва станокларнинг тузилишини ўрганиш дарслари. 2. Буюм тайёрлаш (ёки унинг айрим қисмларини тайёрлаш орқали машқ қилиш) дарслари. 3. Буюмларни йиғиш ва текшириб кўриш (хизмат доирасини кенгайтириш) дарслари. 4. Охириги ишлов бериш, пардоз ишлови бериш дарслари.

Бунда технология фани машғулотлари ўқув мақсадига кўра, дарс типларига ажратилса ва уларда ўқитишнинг ноанъанавий усуллари қўлланилса, ўқувчиларнинг технология фанига бўлган қизиқиши ортади билим, кўникма ва меҳнат малакаларини эгаллаш ишлари анча осонлашади, ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятлари ҳамда амалий ишларни бажариш кўникмалари тез ривожланади, ўқувчилар келгусида ўзларига мос касблар танлашда ва уни эгаллашда қийналмайди”. Тадқиқотимизда мазкур фикрларни алоҳида схемалар асосида ифодалаб берганмиз. Булардан кўринадики, педагогик технология тушунчасининг бугунги кундаги ривожланиш босқичи туфайли технология фанини ўқитиш методикаси фанида ўқитишнинг мазмуни ва мақсадига кўра дарс типларини аниқлаш, уларга мос келувчи таълим технологияларини танлаш ҳамда ҳам таснифлаш ишларини амалга ошириш зарурати юзага келди. Шулардан бири сифатида биз миллий хунармандчиликка оид уйғунлашаган технологиялар тушунчасидан фойдаланишга ҳаракат қилдик.

<sup>1</sup> Олимов Б. Меҳнат таълими дарсларида ўқитишнинг ноанъанавий усуллари. Пед. фан. ном. дисс., Т., 2008, 151-бет.

Хулоса қилиб айтганимизда, умумтаълим мактаблари технология фани дарсларида миллий ҳунармандчиликка оид уйғунлашган технологияларидан фойдаланиш ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг омили сифатида хизмат қилади.



1-расм. Дарс типлари ва уларга мос келувчи технологияларни танлаш модели.

Марданова Юлдуз Ўктам қизи (Навоний Давлат Кончилик институти  
Умумий физика кафедраси ассистенти),

Камалова Дилнавоз Ихтиёровна (Навоний Давлат Педагогика институти  
Физика ва астрономия кафедраси доценти, PhD)

### ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ТЕХНИК БИЛИМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

*Аннотация.* Ушбу мақолада олий таълим тизимида талабаларнинг техник билимларини такомиллаштиришда педагогик компетенцияларнинг ўрни, роли ва ҳолати баён этилган. Асосий урғу амалий ва лаборатория машғулотларини ўқитиш жараёнидаги педагогик компетенцияларга қаратилган.

**Аннотация.** В данной статье описывается роль, место и статус педагогических компетенций в повышении технических знаний студентов в системе высшего образования. Акцент делается на педагогических компетенциях при проведении практических и лабораторных занятий.

**Annotation.** This article describes the role, place and status of pedagogical competencies in improving the technical knowledge of students in the higher education system. Emphasis is given on pedagogical competencies in practical and laboratory classes.

**Калим сўзлар:** олий таълим, электрон таълим, педагогика, компетенция, дидактика, физика, техника, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари.

**Ключевые слова:** высшее образование, электронное обучение, педагогика, компетентность, дидактика, физика, техника, практические занятия, лабораторные занятия.

**Key words:** higher education, e-learning, pedagogy, competence, didactics, physics, technology, practical training, laboratory training.

**Кириш.** Бугунги кунда юртимизда таълим тизимида фан ва технологияларнинг жадал ривожланиши ахборотларни қабул қилиш, уларни таҳлил қилиш, хулосаларга келиш орқали педагогларда кўникма ва малакалар шаклланади, бу борада техника соҳасида фаолият юритиб келаётган профессор-ўқитувчиларнинг педагогик компетентлигини такомиллаштириш билан бирга, техник компетентлигини шакллантиришни ҳам талаб қилади. Физика фанини техник олий таълим муассасаларида ўқитишда амалий ва лаборатория машғулотларини модернизациялашда ривожланиш динамикасини эътиборга олиб, педагогик ёндашиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирда олий таълим муассасаларида бажариладиган амалий ва лаборатория машғулотлари кенг қамровли илмий тавсифдаги муаммоларга қаратилса, ўзига хос натижалар беради, келажакда илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Физика ўқитувчиларининг техник ва педагогик компетентлигини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу физика ўқитувчиларининг нафақат чуқур билим, кўникма ва малакалари, балки келажакда таълим жараёнида ёшларда миллий кадриятларни сақлаган ҳолда, педагогик ва техник компетенциясини такомиллаштириш, қобилиятли ва истеъдодли ёшларни замон талаби даражасида ривожлантиришга эътиборни қаратиш, педагогик компетентликни такомиллаштириши асосий масалаларидан бири бўлиб қолади. Тегишли фан ютуқларидан таълим жараёнида амалда халқ фаровонлигини таъминлашда тўлақонли фойдаланиш ва ҳаётда қўллаш имкониятларига эга бўлишини талаб этади.

Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, физика фанидан амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказишда анъанавий усуллардан чиқиш, янги усулларга ўтиш, ўқитиш сифати ва самардорлигини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Бунда профессор-ўқитувчиларни етарли даражада техник ҳамда педагогик компетентлигини такомиллаштириш – амалий ва лаборатория машғулотларининг асосий омили бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Амалий ва лаборатория машғулотлари профессор-ўқитувчиларнинг келгусидаги педагогик фаолиятга тайёргарлик даражаси ва хусусиятларига катта таъсир кўрсатади. “Физик практикум” ишларини бажариш жараёни, келгусида профессор-ўқитувчиларнинг амалий фаолияти учун муҳим ҳисобланиб, педагогик компетентлигини шакллантириб боради.<sup>1</sup>


Хусусан, физика фанидан амалий ва лаборатория машғулотларининг мазмуни ва уни ташкил этиш усулларини такомиллаштириш – ўқитиш методикасида долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Физика ўқитувчиларнинг юқори савиядаги билим ва маҳоратга эга бўлишида физик практикумларнинг ҳам ўрни муҳим ҳисобланади. Практикум пайтида ўқитувчилар ўз билимларини ошириб, олган назарий билимларини мустақамлаб, физиканинг асосий тушунчалари ва қонуниятларини чуқурроқ англаб, тажриба борасидаги масалаларни ечиш борасидаги кўникма ва малакаларини эгаллаб, физик асбоб, қурилмалар ва ўлчов асбоблари билан ишлашни ўрганиб, физик тажриба ва намойиш ишларини мустақил бажариш, кузатиш ва тажриба натижаларини математик қайта ишлаш методларини ўзлаштириб олишлари муҳим. Бунда янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш ижобий натижаларга олиб келади.<sup>2</sup> Шунга кўра, ўқитиш методларини тако-

<sup>1</sup> Камалова Д.И., Ахмедов А.А. Индивидуальный педагогический подход к выполнению лабораторных работ по оптике. «Педагогика и современность». Научно-педагогический журнал, Москва, март, 2015, №1 (15).

<sup>2</sup> Камалова Д.И., Ахмедов А.А. Индивидуальный педагогический подход к выполнению лабораторных работ по оптике. «Педагогика и современность». Научно-педагогический журнал, М., март, 2015, №1(15).

миллаштириш, билиш назарияси, фан методологияси ва ўқитишнинг психологик, педагогик, дидактик, методик асосларига таянади. Бу борада амалий ва лаборатория машғулоти жараёнида талабалар фанни ўрганишда, замонавий таълимда лаборатория жиҳозлари ишлатилишининг физик жиҳатларига эътиборни кучайтириш, ишлаш принципларини мукамал ўрганиш кўникма ва малакаларини шакллантириш, қолаверса, техник ва педагогик компетентликка эга бўлишлари муҳим ҳисобланади.

**Натижалар.** Олий таълим муассасаларида амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг назарий асосларини такомиллаштириш – фаннинг методикасига қаратилган бўлиб, профессор-ўқитувчиларнинг педагогик ва техник компетентлигини такомиллаштириш омиллари ҳисобга олинади. Қуйидаги 1-расмда физика ўқитувчиларининг педагогик ва техник компетентлигини такомиллаштириш омиллари кетма-кетлиги кўрсатиб ўтилган:



**1-расм. Физика ўқитувчиларининг педагогик ва техник компетентлигини такомиллаштириш омиллари.**

Таълим тизимидаги илғор ғоя ва технологияларни қўлланилиши физика фанини ўқитиш жараёни, яъни дидактикасининг мазмунини ташкил этувчи умумий назарий саволлар кўламининг такомиллашуви, статистик ғоя ва тушунчаларнинг қўлланилиши сабабли, физика ўқитиш методикасида ўзгача ёндашувини талаб этмоқда. Таълимда ўқитиш ва ўрганиш – бир томони бўлса, қолганлари фаол ўрганиш ва олган билимларини ўзлаштириш, баҳолаш, ижодий фаолият унинг иккинчи томонидир.

Олиб бораётган тадқиқот ишларимиз шунини кўрсатадики, педагогик ва техник компетентликни такомиллаштириш, умумтаълим мактабларида физика фанини ўқитишдан бошланади. Умумтаълим мактабларида физикадан лаборатория ишларига кам соат ажратилган бўлса-да, олий таълим муассасаларида амалий ва лаборатория машғулотининг асоси физик практикум ҳисобланиб, уни ташкил этиш ва ўтказиш учун кўникма ва малакаларни шакллантириш, умумлаштириш, чуқурлаштириш, такрорлашда асос бўлиб физик билимлар хизмат қилади. Физика ўқитувчисининг техник ва педагогик компетентлигини, унинг дунёқарашини шакллантиришда давлат таълим стандартларида кўрсатилган амалий ва лаборатория машғулотларини бажаришга кўрсатилган меъёрлари кўламини кенгайтириш орқали эришилади. Бунда физика ўқитувчиларининг техник тайёргарлик даражасини оширишда, унинг педагогик компетентлигини такомиллаштиришда, ўқув фанидан назарий ва амалий жиҳатларини чуқур билишдан ташқари, педагогик компетенцияга эга бўлиш бугунги куннинг зарурати ҳисобланади. Ўқув жараёнига компетенцияли ёндашув муаммоси-

нинг бугунги ҳолати, физика ўқитувчиларини тайёрлашда муҳим омил ҳисобланиб, у қуйидаги омилларни ўз ичига қамраб олади.<sup>1</sup>

Ўзбекистон шароитида миллий кадриятларни сақлаган ҳолда, компетенциявий ёндашувнинг миллий моделини яратиш, уни ўқитувчилар тайёрлашдаги аниқ ва истиқболли режасини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш;

◆техник ва педагогик компетенциявий ёндашувнинг асосий категорияларини аниқлаш, уни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали мустаҳкамлаш;

◆физика ўқитувчиларини тайёрлашда, таълим тизимида унинг фаолияти маҳсулдорлигини таъминлайдиган таълим менежменти асосларини такомиллаштириш;

◆таълим тизимидаги устуворликни таъминлаш тайёрланаётган физика ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигига назария ва амалиётнинг уйғулигини ўрганиш даражасидан ташқари, техник билимдонлик компетенлигини шакллантириш;

◆келажакда маънан етук, рақобатбардош физика ўқитувчиларни тайёрлашда уларнинг қизиқишлари, техник жиҳозлар ва қурилмаларда ишлай билиш кўникмасини лаборатория машғулотлари ўтказиш жараёнида шакллантира бориш;

◆педагогик компетентликларни такомиллаштириш мажмуаси педагогика олий таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг педагогик ва техник компетентлигини тавсифлаш орқали жамиятдаги психологик, педагогик жараёнларда ўқитувчиларнинг билими, кўник ва малакаларига таянган ҳолда, табиат ва жамиятдаги ўзгаришларга ўз муносибатини мустақил билдира олиши.

**Тадқиқот натижалари.** Физика таълими мазмуни ва ўқитиш методикаси ўзаро боғлиқ бўлиб, такомиллашув жараёнини алоҳида, бир-биридан ажратилган ҳолда ўрганиш мумкин эмас. Физика таълимининг мазмун жиҳатдан такомиллашуви, янгиланиши, ўз навбатида, ўқитиш методикасининг такомиллашувини талаб қилади ва керак бўлса, мажбур қилади. Ўқитишда замонавий технологияларнинг бугунги ҳолати шундан далолат бераётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Таълим мазмунининг янгиланиб бориши, ўқитиш методикасига нисбатан илгарилаб бормоқда, яъни методика нисбатан орқада қолмоқда. Физика ўқитувчиларининг ўзлаштиришлари лозим бўлган ўқув маълумотларининг кўлами жадал суръатлар билан кенгайиб бораётган бир даврда, уни ўзлаштириш учун керак бўладиган ўқув вақти деярли ўзгаришсиз қолмоқда. Ушбу ҳолат объектив ҳолда методик муаммони юзага келтиради, албатта.

Физика ўқитувчиларини тайёрлашда методик тайёргарлик даражаси биринчи галда ихтисосликка оид назарий ва амалий билимларга эга бўлишни талаб этади. Сўнгги вақтларда физика ўқитиш тизимида назариянинг роли кучайиб, физика ўқитишни тажриба далиллари асосида амалга ошириш сусайиб бораётганлигини сезиш қийин эмас. Ушбу ҳолатни объектив зарурат деб тушуниш лозим, демак, ўқитиш методикасининг концептуал жиҳати мазкур ёндашувга таяниб иш қўришни талаб этади. Таълимда назариянинг устувор бўлганлиги бўлажак ўқитувчи абстракт тафаккурнинг ривожланган бўлишини талаб этади. Демак, методика мазмуни ўзининг янгиланиш жараёнида ушбу жиҳатга мутаносиб бўлишни талаб этилади. Фаннинг сўнгги ютуқларини инобатга олган ҳолда, физика таълими мазмунини яратиш кун тартибига қўйилган масала десак, муболаға бўлмайди.

Замонавий физика фани ўз мазмунида физиканинг замонавий сўнгги ютуқларини акс этиши тарафдори деб билиш зарур. Ушбу ёндашув концептуал ҳисобланиб, методика оламида янги ўзгаришларни кун тартибига қўйиши мумкин. Ўқув фанларининг интеграцияси, ўқув маълумотларини янгилаш, ўқитишнинг дедуктив методи ва унинг устуворлигини таъминлаш, техник ва педагогик компетентлигини такомиллаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Фанда асосий тадқиқот методларидан бири сифатида физика ўқитишда ўрганиш объекти ва ўқитиш методи ҳисобланади. Бунда ўқув жараёнининг турли кўринишларда бўлиши келиб чиқади: намоёиш тажрибалар, фронтал лаборатория ишлари, физик практикum. Уларнинг ҳар бири ўзига хос маълум дидактик вазифаларни бажаради. Техник тайёргарлик – бу ўзига хос хусусиятлари билан боғланган бўлиб, педагогика олий таълим муассасаларида физика ўқитувчиларини компетенцияли тайёрлашнинг муҳим ташкил этувчиларидан бири ҳисобланади. Намойиш тажриба янги ўқув материалларини тушунтириш билан биргаликда олиб борилади ва унинг асосий мақсадларидан бири у ёки бу физик ходисани кўргазмани намоёиш қилиш, ўрганилаётган қонун ёки назария-

<sup>1</sup>И.Р.Камолов, Д.И.Камалова, Г.И.Сайфуллаева, Ю.Ў.Мардонова. Умумий физикадан лаборатория ишлари. (электромагнетизм). Навоий, 2021.

дан келиб чиқадиган хулосанинг тўғрилигини тасдиқлашдан иборат.<sup>1</sup> Бундан ташқари, намоёниш тажрибанинг мақсади физика ўқитувчиларини тажрибаларнинг илмий тадқиқот методи сифатидаги ўзига хос жиҳатлари билан таништиришдан иборат.

**Хулоса** ўрнида айтиб ўтиш лозимки, олий таълим тизимида талабаларнинг техник билимларини такомиллаштиришда педагогик компетенцияларнинг ўрни, роли ва ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Физика таълими жараёнида амалий ва лаборатория машғулотида давомида электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш ўқитишнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Зеро, электрон ўқув қўлланма таркибида маълум мавзу доирасида ҳам видео, ҳам аудио, ҳам назарий маълумотлар умумлашган ҳолатда келиши ўқитувчиларнинг педагогик ва техник компетентлигининг шаклланиши ва ривожланишига олиб келади.

**Qo'chqorov Bahodir O'Imasovich (Andijon davlat universiteti Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi kafedrasida katta o'qituvchisi, pedagogika fanlari nomzodi)**  
**O'QUVCHILARNI TASVIRIY SAN'AT MASHG'ULOTLARI ORQALI ESTETIK VA EKOLOGIK TARBİYALASH**

**Аннотация.** Ushbu maqolada o'quvchilarni tasviriy san'at mashg'ulotlari orqali estetik va ekologik tarbiyalash, ularda estetik munosabatning shakllanishida tabiatdagi narsa va hodisalarning shakli, rangi, o'lchovlari, ulardagi o'xshashlik va betakror turli-tumanlik haqida tushunish, ularni tabiat go'zalliklarini asrab-avaylashga o'rgatish haqida fikr yuritilgan.

**Аннотация.** Эта статья направлена на обучение студентов эстетике и экологии на уроках изящных искусств, чтобы помочь им понять форму, цвет, размер, сходство и уникальное разнообразие объектов и явлений в природе в формировании эстетических взглядов. заботиться о своих детях.

**Annotation.** This article aims to educate students about aesthetics and ecology through fine arts classes, to understand the shape, color, size, similarities and unique diversity of objects and phenomena in nature in the formation of aesthetic attitudes, to make them aware of nature. It is thought to teach them to take care of their children.

**Калит со'злар:** tasviriy san'at, estetik tarbiya, ekologik tarbiya.

**Ключевые слова:** изобразительное искусство, эстетическое воспитание, экологическое воспитание.

**Key words:** fine arts, aesthetic education, ecological education.

Sharq mutafakkirlarining tarbiyaviy g'oyalari uzoq o'tmishga borib taqaladi. Ayniqsa, ulardan Al-Xorazmiy, Al-Roziy, Al-Forobiy, Beruniy, Ibn Sino va boshqalar o'zlarining asarlarida bilim manbalari insonlarning kundalik hayotiy ehtiyojlarini qondirishga xizmat qilishlari zarurligini targ'ib qilganlar. Ajdodlarimiz o'z pedagogik qarashlarida jamiyatning rivojlanishida ta'lim-tarbiyaning o'rni yosh avlodlarni tarbiyalashda juda katta ekanligini uqdirib o'tganlar.

Abu Rayxon Beruniy o'zining pedagogik qarashlarid ta'lim-tarbiya va ahloq masalalariga faqat o'z davrining yetuk mutafakkiri sifatida emas, balki pedagog olim sifatida yondashadi. U o'zining didaktik qarashlarida bolalarga ta'lim-tarbiya berishda turli mavzularda ko'plab mulohazalar yuritishni, zeriktirmaslikni, xotirasiga malol keltirmaslikni ta'kidlab o'tadi. O'qitish jarayonida bir narsani qayta-qayta ko'rish, eshitish bolani besabrlikka yetaklashini ko'rsatadi. Buning uchun bolaga ta'lim berish jarayonida fandan fanga yoki bir mavzudan ikkinchi bir mavzuga, soddadan murakkabga qarab intilishni yo'lga qo'ya bilish kerakligini uqdiradi.

Ma'lumki, o'zbek xalqida barcha sharq xalqlari singari bola tarbiyasi muammosi o'ta dolzarb ijtimoiy ahamiyat kasb etgan. Ta'lim jarayoni, asosan, islom dini ta'limoti va uning aqidalari asosida tashkil qilib kelingan. Qur'oni karim va hadislarda bitilgan pand-nasihatlarni insonlarni halollik, axloqlilik va tinchlik, o'zaro birodarlik, vatanparvarlikka da'vat etib kelinganligini ajdodlarimizning ko'plab asarlarida uchratishimiz mumkin.

<sup>1</sup> Ю.Ў.Марданова, Д.И.Камалова. Программа ЭВМ для электронного учебного пособия «Талабаларнинг техник билимларини ривожлантиришда педагогик компетенциявий ёндашувлардан фойдаланишнинг ҳолати». Агентство по интеллектуальной собственности Республики Узбекистан. № DGU 20213134. Кўриш коди 24438. 19.10.2021.

Insoniyat borki doimo go‘zallikka, yaratuvchanlikka intilib, undan zavq olib yashaydi. Go‘zallikka intilish bu tabiiy holdir. Bu ehtiyoj tarbiya vositasida namoyon bo‘ladi. Go‘zallik qurshovida yashagan inson bilan xunuklik muhitida o‘sgan inson o‘rtasida katta farq bor. Shuning uchun bola tug‘ilganidan uni chiroyli kiyintirishga, rangdor o‘yinchoqlar olib berishga, yaxshi joylar, yaxshi narsalarni ko‘rsatishga harakat qilamiz. Bola birinchi qo‘liga rangli qalam olib, unda har xil chiziqlar chizib bo‘yaganda uning hayrati, quvonchiga sherik bo‘lmagan kishi bo‘lmasa kerak, bu dunyoda. Bola o‘sha paytdayoq ranglarning go‘zalligi va sehrli ekanligini payqagan. Yoshligidan kiyimning, o‘yinchoqlarning rangiga qarab tanlab o‘ynaydi. Nur borki, hayot bor, yorug‘lik ranglar bor. Shu ranglar bizni tug‘ilgandan to umrimizning oxirigacha ko‘zimizni quvontirib, ilhomlantirib keladi. Agar yosh bolaga rangdor o‘yinchoqlar bilan birga rangsiz yoki qora rangli o‘yinchoqlarni berib ko‘ring. U, albatta, rangdor buyumlarni tanlaydi. Bu azaldan shunday bo‘lib kelgan, bundan keyin ham shunday bo‘lib qoladi. O‘sayotgan, hayot quvonchlari uning lazzatlaridan bahramand bo‘layotgan inson borki, bu tuyg‘u uni tark etmaydi. Buni ota-bobolarimiz insoniyat yaratilishining ilk davridayoq to‘g‘ri tushunishgan. Ular g‘orlarga chizib qoldirgan ilk suratlarida ham hayvonlarni bir rangga (qizil, sariq), yovuz insonlarni boshqa (qora) ranglarda, yaxshilik, g‘oliblik ramzlarini yashil, zarg‘aldoq ranglarda bo‘yashga o‘rganganlar. Bu bilan ular ranglarning bir-biridan farqini ajratishga uringanlar. Ma‘lumki, go‘zallikning eng qadimgi va boy manbayi tabiatdir.

“San‘at – mo‘jiza. Yurak va miyaning shunday xilvat joylari borki, unga faqat san‘at vositasidagi-na kirib borish mumkin”, degan edi buyuk bobomiz Abu Ali ibn Sino.

Ma‘rifatparvar olim Abdulla Avloniy “bolalarning fikrlash iqtidorini hosil qilish, fikr tarbiyasi be-nihoya zarur va muqaddas”, deya bejiz ta‘kidlamagan.<sup>1</sup> Bugungi kun yoshlarini estetik va ekologik jihat-dan tarbiyalash nihoyatda muhim masala. Estetik tarbiya jamiyatda ma‘naviy muhitni paydo qilishga ko‘-mak beruvchi muhim unsuri bo‘lib, u inson didini shakllantiruvchi, rivojlantiruvchi hamda ana shu orqali insonni jamiyat munosabatlariga yaqinlashtiruvchi kuchdir. Insondagi barcha go‘zal fazilatlar ham, xunuk odatlar ham yoshlikdan shakllana boshlaydi. Yoshlik – inson umrining nihollik davri. Uni qayoqqa bursam, o‘sha tomonga qarab o‘sadi. Estetik tarbiyada tasviriy san‘at asarlarining ahamiyati katta. Bolalar juda yoshligidan boshlab rasm ishlashga qiziqadilar. Ularga to‘g‘ri yo‘llanmalar berish, o‘quvchilarning yuk-sak didli bo‘lib kamolga yetishlarida tasviriy san‘at o‘qituvchilari zimmasiga katta vazifalar yuklanadi.

Umumiy o‘rta ta‘limning davlat ta‘lim standartida tasviriy san‘atni o‘quvchilarni borliqdagi va san‘atdagi go‘zalliklarni ko‘ra bilish, idrok etish va qadrlashga o‘rgatish, estetik va badiiy didni o‘stirishi qayd etiladi.

Tabiatga estetik va ekologik munosabat deganda o‘quvchilarning tabiatni mazmun va mohiyatini ko‘ra bilish, idrok etish, tushunib yetish hamda undan zavqlanish jarayoni tushuniladi. Bu jarayon esa o‘z o‘rnida o‘quvchilarning ruhiyatiga ta‘sir ko‘rsatib, ularning kayfiyatini ko‘taradi.

O‘quvchilarda estetik munosabatni shakllantirishda tabiatdagi mahsulotlarning shakl, rang, o‘l-choy, proporsiya tuzilishlarini tasavvur etish qiyin bo‘lgan bir xillik, shuningdek, betakror turli-tumanlik asosiy rol o‘ynaydi.

Umumiy o‘rta ta‘lim maktablarida tasviriy san‘at darslarining asosiy mazmuni tabiatni bilish, un-dan estetik zavq olish, ularni ulug‘lash va kuylash bilan bog‘lanadi. Shu bilan birga, o‘quvchilar tabiatni qanchalik chuqur va keng bilsalar, ularning tasviriy-ijodiy ishlari shunchalik faollashadi, badiiyligi osha-di, mazmuni boyiydi. Chunki tabiat go‘zalliklarini, ularning xarakterli jihatlarini bilish o‘quvchilarning badiiy va savodli rasmlar ishlashiga ilhomlantiradi.

Tabiatni o‘rganish esa ma‘lum bosqich va ketma-ketlikda amalga oshirilishi lozim. Tasviriy san‘at darslarida tabiatni, ayniqsa, undagi nafosatni o‘rganish uch yo‘nalishda amalga oshiriladi.

1. O‘simliklar dunyosi.
2. Hayvonot olami.
3. Tabiat hodisalarini aks ettiruvchi manzaralar.

O‘simliklar dunyosini o‘rganish gullar, daraxtlar, o‘t-o‘lanlarni nazarda tutsa, hayvonot olami esa dekorativ hasharotlar, qushlar, sudralib yuruvchilar, baliqlar, sut emizuvchilar (shu qatorda, vaxshiy va o‘txo‘r hayvonlar, afsonaviy hayvonlar)ning tuzilishi, shakli, o‘lchovlari, o‘lchoy nisbatlari, rangi kabi xususiyatlarini kuzatish, taxlil qilish va ularni tasvirlashni nazarda tutadi.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Abdulla Avloniy. Tanlangan asarlar. 1-jild, 33-bet.


<sup>2</sup> Qo‘chqorov B.O‘. Tasviriy san‘atdan dars va darsdan tashqari mashg‘ulotlarda o‘quvchilarning tabiatga estetik munosabatini shakllantirish. Pedagogika fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya av-toreferati, Toshkent, 2009.

Nafosatning boyligi ko'proq o'simliklar olamida ko'zga tashlanadi. O'zining tuzilishi, shakli, rangi o'lchovlari jihatidan o'quvchilar e'tiborini o'ziga tortuvchi terak, sada, chinor, oqqayin yil davomida o'z rangini yo'qotmay, o'zini ko'z-ko'z qiluvchi yam-yashil archalar o'zining tantanavorligi bilan zavqlanishga chorlaydi. Ayniqsa, mamlakatimizda o'sadigan mevali daraxtlar o'rik, gilos, shaftoli, uzum, anjir, xurmo kabi o'zining nafaqat tuzilishi, shakli, rangi o'lchovlari bilan, balki shirindan shakar mazasi bilan ham zavqlanarlidir. Daraxtlarning go'zalligi nafaqat bahorda, ayniqsa, kuz faslida o'z chiroyini ko'rsatishi o'quvchilarni befarq qoldirmaydi. Bu faslda daraxt barglarining yashil, sariq, zarg'aldoq, qizil, sadaf, nilgun, jijarrang, gulgun, noranjvash, somoniy ranglarga burkanishi o'quvchilarni to'liqlantirmasdan iloji yo'q.

“Avesto”ning tub ma'no-mohiyatini belgilab beradigan “Ezgu fikr, ezgu so'z, ezgu amal” degan tamoyilni oladigan bo'lsak, unda hozirgi zamon uchun ham g'oyat ibratli bo'lgan saboqlar berilganini ko'rish mumkin.

Hadislarimizda “Umringning bir kuni qolgan bo'lsa ham, ko'chat ek” deyilgan. Bu naqlning tagida daraxtlarni kishilarga ham moddiy, ham estetik zavq bag'ishlashi uqtirilgan.

O'zbekistonning tog'lari, o'rmonlari haqida, ularning o'ziga xos go'zalligi, Qizilqum va Qoraqum cho'l zonalarining, vodiylarning nafosatga boy ko'rinishlari haqida gapirmasdan, iloji yo'q. Tabiat go'zalligini rassomlarimizdan O'.Tansiqboyev, N.Karaxan, A.Mo'minov, L.Salimjonova, G'Abdurahmonov, I.Haydarovlar butun ijodiy faoliyatlari davomida kuylab kelganliklari bejiz emas.<sup>1</sup>



O'quvchilarni tabiatga nisbatan estetik va ekologik munosabatini shakllantirishda tabiat hodisalarini idrok etish ham muhim ahamiyat kasb etadi. Bu borada tabiatni, kechqurun kun botishdagi shafaqni, ertalabki kun chiqish manzarasini, kuzgi va bahorgi jala, qishki bo'ronni, sahrodagi qum barxanlaridan hosil bo'ladigan to'zoni, dengiz to'liqlari va undan esadigan shabada, tog'dan shildirab oqayotgan suv tovushlarini aks ettiradigan san'at asarlari orqali namoyish etilishi samaralidir. Tasviriy san'at darslarida tabiatni va tabiat hodisalarinibilishning o'zi yetarli emas, uni o'quvchilarga ko'rsatadigan estetik ta'sirini ham bilish muhimdir.

Shuni alohida qayd etish lozimki, o'quvchilarda borliqqa, tabiatga estetik va ekologik munosabatni shakllantirmasdan turib ularning badiiy-tasviriy ijodini o'stirish mumkin emas.

Ma'lumki, umumiy o'rta ta'lim maktablarida tarbiyaviy ishlar olib borish amaliyotda keng qo'llaniladi. Maktabda estetik va ekologik tarbiyaning vositalaridan biri tasviriy san'at hisoblanadi.

O'quvchilarda tevarak-atrofga, kurrayi zaminga, Vatanga, tabiatga, insonlarga, barchaga borliqqa muhabbat ruhida tarbiya olishlariga erishish mumkin. Kelajagimiz davomchilari bo'lmish farzandlarimizni komil inson bo'lib yetishishlarida barcha ta'lim-tarbiya qatorida, ekologik tarbiya ham muhim ahamiyat kasb etishini hisobga olib, tasviriy san'at mashg'ulotlari orqali tabiat in'om etgan go'zalliklarni avvalo, asrab-avaylab undan zavqlanish tuyg'ularini o'quvchilar qalbiga singdirish asosiy muammolarimizdan biridir.

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, bugun o'quvchilarni estetik va ekologik savodxon qilishimiz, ertangi kunimizni, tabiatni, atrof-muhitni asrashga o'rgatishimiz go'zal kelajak kafolatidir.

<sup>1</sup> Hasanov R. Maktabda tasviriy san'at o'qitish metodikasi. Toshkent, “Fan”, 2004, 47-bet.



**Чимпўлатова Севара Алишеровна**  
(Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси; [Schimpulatova@gmail.com](mailto:Schimpulatova@gmail.com)),  
**Азимова Нигора Собитовна**  
(Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси; [Nigora198544@gmail.com](mailto:Nigora198544@gmail.com))  
**ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА “ЭССЕ” МЕТОДЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ  
ЖАРАЁНИДАГИ АҲАМИЯТИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада хорижий тил ўргатишда “Эссе” методидан фойдаланиш ҳақида баён этилади. Таълим олувчиларни хорижий тил бўйича тафаккурини ривожлантиришга қаратилган интерфаол методларнинг ўрни ҳам таҳлил қилинган.*

***Аннотация.** В статье рассказывается об использовании методики «Реферат» в обучении иностранному языку. Также была проанализирована роль интерактивных методов, направленных на развитие мышления студентов на иностранном языке.*

***Annotation.** The article describes the use of the “Abstract” methodology in teaching a foreign language. The role of interactive methods aimed at developing students' thinking in a foreign language was also analyzed.*

***Калим сўзлар:** метод, мақсад, дарс, педагогик технология, инновация, хорижий тил.*

***Ключевые слова:** метод, цель, урок, педагогическая технология, нововведение, иностранный язык.*

***Key words:** method, goal, lesson, pedagogical technology, innovation, foreign language.*

Бугунги ривожланиб бораётган давлатимиз бошқа мамлакатлар билан кўп томонлама алоқаларни йўлга қўйган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини яна-да такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сонли қарорида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, таълим тизимида кенг ислохотларни амалга ошириш орқали таълим-тарбия сифатини ошириш, хорижий тилларни ўқитишда замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан, шунингдек, педагогик методлардан фойдаланиш учун тегишли шароитлар яратиш, уларда интерфаол таълим услубларини ўқув жараёнига жорий этиш муҳим масалалар жумласига киради.<sup>1</sup>

Мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётини таъминловчи бир қатор олиб борилаётган ислохотлар самарасини ошириш мақсадида давлат ва жамиятимизнинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ривожланган давлатлар илмий тажрибаларидан ўрнак олган ҳолда, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат дастури Президентимиз М.Мирзиёев фармонида кўра яратилди. Ушбу давлат дастурининг самара бераётгани ҳаммага аён.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари давлат дастурининг 4-асосий устувор йўналиши қилиб белгиланган бўлиб, у 5 та асосий бандни ўз ичига олади. Бунда асосий эътибор аҳоли ижтимоий вазиятини янгилашга қаратилган бўлиб, аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ва таълим, фан соҳасини ривожлантиришга, чет тилларни ўрганишга, аҳолининг иш билан бандлигини, реал даромадларини оширишга оид мақсад ва вазифаларни ўзида жамлаб олган.<sup>2</sup>

Шундай экан, мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, аграр, ирригация, ҳуқуқ, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Ушбу алоқаларни амалга оширишда хорижий тилларни мукамал биладиган кадрлар ва мутахассислар фаолият кўрсатишини тақозо этмоқда. Педагог ходимлар ёшларда хорижий тилларда эркин мулоқотга кириша олиш учун зарур билим ва кўникмаларни шакллантириш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини яхши билишлари ва ўз педагогик фаолиятларида ҳисобга олиб боришлари зарур.

Тилларни ўргатиш ва ўрганишда таълим-тарбия мазмуни, мақсад ва вазифалари даврлар ўтиши билан кенгайиб бориши натижасида унинг шакл ва усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда таълимда инсон фаолиятининг асосий йўналишлари, улардан кўзда тутилган мақсадларни

<sup>1</sup> Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПҚ-1875, 2012.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида, ПФ-4749, 2017.

тўлиқ амалга ошириш имкониятини берувчи яхлит тизимлар, яъни технологияларга қуйидаги фикрларимизни келтириб ўтамиз.

Янги педагогик технология учун автоматлаштирилган ўқитиш курсларини яратиш мураккаб жараён ҳисобланади. Бунинг учун чет тиллари бўйича мукамал билимга эга бўлиши билан бирга, таълим жараёнида компьютер ва ахборот технологияларининг психологик ва услубий таъминоти ҳам талаб этилади. Ахборот технологиялари асосида янги педагогик технология анъанавий ўқитиш тизими билан уйғунлашган ҳолда амалга оширилади. Бунинг учун янги педагогик технологияда интерактив интернет технологиялар: муаммоли мунозаралар, телеконференциялар, ўқитувчи ва талабаларни мулоқот қилиш учун эълонлар ойнаси, талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш, турли хил тренажёрлар қўлланилади.

Таълим жараёнининг энг қисқача таърифини қуйидагича бериш мумкин: таълим жараёни ўзига хос бошқарув жараёни ҳисобланиб, бунда педагогик тизимга мақсадли йўналтирилган ҳолда таъсир кўрсатилишидир. Маълум маънода шуни таъкидлаш мумкинки, таълим жараёнида билимлар ташкиллаштирилади ва ўзгаларга узатилади. Мазкур жараённи муваффақиятли амалга оширилиши учун педагогика фанида махсус таълим методлари қўлланилади. Бу методлар педагогик тизимларни оқилона бошқарувни ташкил қилишга ёрдам беради. Педагогик методлар таркиби ва моҳиятига таълим беришнинг типлари киради.

Педагогика фанида таълим, асосан, учта турга ажратилади:

- анъанавий таълим бериш усули;
- педагогик технологияларга асосланган инновацион таълим бериш усули;
- дастурлаштирилган таълим бериш усули.

Таълим жараёнининг бугунги вазифаларидан бири таълим олувчиларни кун сайин ошиб бо- раётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборат. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиш зарур. Бундан эса таълим жараёнида таълим олувчининг диққат марказида бўлишини ҳамда ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш таълим самарадорлигини ошириш учун муҳим эканлиги маълум бўлади.

Шунинг учун хорижий тил ўргатиш жараёнида турли инновацион методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Хорижий тил ўрганишнинг ва уни ўргатишнинг педагогик ўзига хослиги чет тилидаги матнни идрок этиш, чет тилидаги сўзларни хотирада саклаш билан таълим олувчилар чет тилини ўзлаштириш жараёнида уларнинг ўзга тилдаги тафаккури кенгайиб боришини таъминлашнинг педагогик жиҳатларини билишни талаб қилади.

Таълим олувчининг хорижий тилни ўрганиши нафақат ўзлаштирилган билимларнинг ҳажми ва сифати билан тавсифланади, балки билиш жараёнларининг тузилиши, талабадаги мантиқий операциялар ва ақлий ҳаракатларнинг тизими билан ҳам тавсифланади.

Бу эса махсус методлар орқали таълим олувчининг назарий ва амалий кўникмаларини ривожлантиришни тақозо этади. Шунинг учун хорижий тил ўрганишда Эссе методининг аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Эссе француз тилидан таржимада *тажриба*, *андоза* маъноларини англатади. Эссе – *прозаик этюд* қандайдир бир предметга оид умумий ёки дастлабки мулоҳазалар деб биламиз. Кўпинча, эссе ёзиш машғулотнинг бошида ёки рефлексия сифатида охирида таклиф этилади. Эссе ёзиш кўпинча, назарий машғулотлар, маърузалар ҳамда мустақил машғулотлар таркибида ўтказилади. Шунингдек, унинг қуйидаги турлари тегишли мақсадларга мувофиқ ҳолда қўлланилади:

Асосланган эссе – қўйилган саволга асосли жавоб келтирилган ёзма иш. Муаллиф маълум бир нуктаи назарни эгаллайди ва уни ҳимоя қилади, бунда ўзининг нуктаи назарини қўллаб-қувватлаш учун бир қанча асосланган исботларни келтиради. Мақсад – муаллиф лозим топадиган қарашларни бошқаларнинг ҳам қабул қилишига ишонтириш.

Хорижий тил ўргатиш назарий-амалий ишни уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади. Таълимни фаоллаштириш, таълим олувчининг мустақил ижодий фаолиятга боғлаш орқали уларни фикр юритишга, тафаккурини ишлатишга жалб қилиш зарур.

Эссе методининг таълимнинг бошқа барча усулларидан фарқи шундаки, улар таълим олувчиларда таълимий қизиқиш ва мотивацияни уйғотиш ҳисобига нисбий самарали таълим олишга ёрдам беради. Бу метод таълим олувчининг амалий кўникмаларини шакллантириши билан характерланади.

Шунингдек, филологик олий таълим муҳитида таълим технологиясидан фойдаланиш соҳа мутахассислари ва жамиятга халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қилиш кўникмасига эга бўлган, ўз интеллектуал қобилиятларини бемалол намоён эта оладиган ва баркамол шахс сифатида шаклланган кадрлар тайёрлаш тизими эга бўлиш имконини беради.

Юқорида изоҳлаб ўтилган метод ва таълим технологияларини педагогик олимлар ва амалиётчилар илмий асосланган таълим технологияларни ўз фаолиятларида кенг қўллашга интилоқдалар, педагогик технологияларнинг самарадорлиги шундан иборатки, унда турли фан ўқитувчиларининг таълим ва тарбия жараёнида бир хил яқуний натижага эришиш имкониятига эга бўлиши аҳамиятлидир.

Юқоридаги маълумотларга таяниб, умумий қилиб айтганда, бугунги кунда Республикамизда узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, тизимни доимий такомиллаштириш баробарида, олиб борилаётган ислоҳотларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Юқорида билдирилган фикрлар мазкур ислоҳотларнинг миллат келажаги учун ўта аҳамиятли ва асосли эканлигини яна бир бор исботлайди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда чет тилларини мукамал ўргатишда техник воситалар ва интерфаол усулларнинг ўрни беқиёсдир. Шунингдек, инобатга олган ҳолда, профессор-ўқитувчилар ўқув жараёнларига замонавий таълим технологияларини жалб қилишимиз ва улар асосида талабаларнинг тилга бўлган қизиқишини оширишимиз ҳамда уларни чет тилларни мукамал ўзлаштиришларида кўмакдош бўлишимиз зарур.

Биз, педагоглар, мамлакатимизда яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини ёш авлодга турли хил методлар билан тўғри етказиб бера олсак, уларнинг ислоҳотлардан кенг фойдаланишлари учун муносиб шароит яратиб бера олсак, халқ олдидаги бурчимизни бажаришга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

**Ismailov Mahmud Nodirbek o'g'li (Urganch davlat universiteti  
Jismoniy madaniyat fakulteti talabasi; e-mail: [ismailovmahmudjon@bk.ru](mailto:ismailovmahmudjon@bk.ru))  
O'ZBEKISTONDA JISMONIY TARBIYA VA SPORTNING RIVOJLANISHI**

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada mustaqillik yillarida O'zbekistonda jismoniy tarbiya va sportning rivojlanishi hamda og'ir atletika sport turining taraqqiy etishi haqida so'z boradi. Shuningdek, maqolada so'nggi yillarda mamlakatimizda jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish bo'yicha qabul qilinayotgan me'yoriy-huquqiy hujjatlarning mazmun-mohiyatiga ham alohida e'tibor qaratilgan.*

***Аннотация.** В статье рассматривается развитие физической культуры и спорта в Узбекистане за годы независимости, а также развитие тяжелой атлетики. В статье также уделяется особое внимание содержанию нормативно-правовых актов, принятых в последние годы для развития физической культуры и спорта в нашей стране.*

***Annotation.** This article discusses the development of physical culture and sports in Uzbekistan during the years of independence, as well as the development of weightlifting. The article also pays special attention to the content of the normative and legal acts adopted in recent years for the development of physical culture and sports in our country.*

***Kalit so'zlar:** Olimpiyada, Osiyo, mustaqillik, jismoniy tarbiya, sport, og'ir atletika, musobaqa.*

***Ключевые слова:** Олимпиада, Азия, независимость, физическое воспитание, спорт, тяжелая атлетика, соревнования.*

***Key words:** Olympics, Asia, independence, physical education, sports, weightlifting, competitions.*

Bugungi kunda mamlakatimizda mustaqil fikrlaydigan, zamonaviy bilim va kasb-hunarlarini egallagan, mustahkam hayotiy pozitsiyaga ega bo'lgan yoshlarni tarbiyalash bo'yicha katta ishlar amalga oshirilmoqda. Butun dunyoda aholining, birinchi navbatda, yoshlarning ongi va qalbini egallash uchun qanday keskin kurash borayotganini, diniy ekstremizm, terrorism, giyohvandlik, "ommaviy madaniyat" kabi tahdidlar kuchayotganini hisobga oladigan bo'lsak, farzandlar tarbiyasi, ma'naviy-ma'rifiy sohadagi ishlarni bir zum ham susaytirmasdan yangi bosqichga ko'tarishni taqozo etmoqda.<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelezgimizni mard va oliyanob xalqimiz bilan birga quramiz. T., "O'zbekiston", 2017, 17-bet.

Mamlakatimizda mustaqillik yillarida aholining, ayniqsa, yosh avlodning jismoniy tarbiya va ommaviy sport bilan muntazam shug'ullanishi uchun zamon talablariga mos shart-sharoitlar yaratildi, sport musobaqalari orqali yoshlarda o'z irodasi, kuchi va imkoniyatlariga bo'lgan ishonchni mustahkamlash, mardlik hamda ona-Vatanga muhabbat ruhida kamol toptirish, ular orasidan iqtidorli sportchilarni saralab olish va maqsadli tayyorlash ishlarini tizimli tashkil etish borasida keng ko'lamli islohotlar amalga oshirildi. Sport – o'zbek xalqiga qadimiy an'ana. Yurtimizda yuzlab xalq milliy sport o'yinlari bilan bir qatorda, zamonaviy sport turlari ham rivoj topdi. Sportga tinchlik elchisi sifatida qaralib, shu orqali tinchlik, osoyishtalik va shu asosda jahon ahli bilan hamkorlik qilish hamda har tomonlama kamol topgan, yetuk sog'lom avlodni tarbiyalash masalasi o'rta qo'yildi.

Respublikadagi jismoniy madaniyat jamoalari, sport klublari va turli vazirliklar, davlat idoralaridagi jismoniy tarbiya va sport ishlarini tashkil qilish, qiziqarli sport musobaqalarini uyushtirish, yuqori sport natijalariga erishishda alohida o'rin tutadi. Bu faoliyatlar sport turlari bo'yicha mahoratli sportchilarni tarbiyalash va ko'paytirishga katta hissa qo'shishi, tabiiy. Fikrimizcha, bu kabi jarayonlarning to'g'ri tashkil etilishi jamiyatimizda reproduktiv salomatlikni shakllantirishning muhim omili bo'lib xizmat qiladi.

E'tirof etish lozimki, O'zbekistonda jismoniy tarbiya va sportga yaratilgan shart-sharoitlar natijasida ommaviylik asosida sport mahoratlari oshirish ancha o'sdi. Futbol, tennis, o'zbek kurashi, boks, shargona yakka kurashlar, karate, dzyu-do, taekvando, og'ir atletika yoshlar orasida tobora ommalashtirildi. Ularning natijalari esa respublikada o'tkazilgan sport musobaqalari, xalqaro turnirlar va sportchilarning Osiyo va jahon birinchiliklarida ishtirok etishi, erishilgan yutuqlar mazmunida namoyon bo'lgani bilan, ayniqsa, ahamiyatlidir. Qayd etish kerakki, O'zbekiston 1996-yilda ilk bor Olimpiya o'yinlarida mustaqil davlat sifatida ishtirok qilgan bo'lsa, ana shu musobaqalarda mamlakatimiz sportchilari dastlabki g'alabalarni qo'lga kiritganlar. Bu esa, haqli ravishda, yurtimizdagi jismoniy tarbiya va sportga qaratilgan keng imkoniyatlarining natijasidir.

2002-yil 24-oktabrda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasini tuzish to'g'risida"gi PF-3154-sonli farmoni qabul qilindi. Ushbu tashkilot bolalar jismoniy tarbiya va sportini rivojlantirish borasida davlat siyosatini ishlab chiqish va amalga oshirishga, bolalar sportini aniq maqsad yo'lida va barqaror avj oldirishga ko'maklashish, bolalarda sportga mehr uyg'otish, o'sib kelayotgan yosh avlod ongida sport bilan shug'ullanish, sog'lom turmush tarziga amal qilish, ma'naviy va jismoniy kamolga intilish, ularni salbiy ta'sirdan himoya qilish hamda zararli odatlardan xalos etish, bolalarni barqaror fe'l-atvorli, vataniga mehr-muhabbat va o'z mamlakati uchun g'urur-iftixor ruhida tarbiyalash borasidagi chora-tadbirlar kompleksini amalga oshirish, birinchi navbatda, qishloq joylarda bolalar jismoniy tarbiya va sportining moddiy bazasini shakllantirish, aholi manzilgohlarida zamonaviy bolalar sport komplekslari tarmog'ini barpo etish, ularni zamonaviy sport uskunalari hamda an-jomlari bilan jihozlash, ulardan samarali foydalanishni ta'minlashga ko'maklashish bo'yicha zarur moliyaviy va moddiy mablag'larni jamlash, bolalarning jismoniy va ruhiy jihatdan uyg'un kamol topishini ta'minlashni nazarda tutgan holda, tibbiyot muassasalari va tashkilotlari bilan o'zaro yaqin hamkorlikni ta'minlash kabi bir qator vazifalarni amalga oshirishga mas'ul etib belgilandi.<sup>1</sup>

Mazkur qaror asosida o'sib kelayotgan yosh avlodni sportga qiziqtirish, ularni tarbiyalash va Xalqaro sport musobaqalari hamda Olimpiya o'yinlarida ishtirok etishga tayyorlash ishlari qizg'in olib tashkil etildi. Shu bilan birgalikda, o'quvchi-yoshlarning jismoniy tarbiya darslari va sport mashg'ulotlaridagi faol harakatlarni yanada sifatliroq o'tkazish, ularni xalq milliy o'yinlari bilan shug'ullanishlarini ta'minlash, bu yo'lda Kadrlar tayyorlash milliy dasturi asosida mutaxassis xodimlarni va ularning malakalarini oshirishga jiddiy e'tibor qaratildi. Umuman olganda, mazkur qaror o'quvchi-yoshlarning sportga qiziqishini oshirishda muhim omil sifatida tarixiy jarayonga aylangan.

Mamlakatimizda barcha sport yo'nalishlari bilan bir qatorda, og'ir atletika sport turi ham rivoj topdi. Hukumat qarori bilan 1992-yilda Og'ir atletika federatsiyasi tashkil etildi. Federatsiya 1993-yilda Xalqaro Og'ir atletika federatsiyasiga, 1994-yilda esa Osiyo Og'ir atletika federatsiyasiga a'zo bo'lib kirdi. 1993-yildan boshlab, Osiyo jahon chempionatlari, Olimpiya o'yinlarida O'zbekiston milliy terma jamoasi mustaqil jamoa sifatida ishtirok eta boshladi. Shu yilning o'zida Polshada o'smirlar o'rtasida bo'lib o'tgan jahon chempionatida A.Manushev (+105 kg) oltin medalga sazovor bo'ldi. U dast ko'tarishda 167,5 kg, siltab ko'tarishda 205 kg natija qayd etdi. 1995-yilda og'ir atletika bo'yicha Xitoyda bo'lib o'tgan jahon chempionatida o'zbekistonlik og'ir atletikachilar ishtirok etib, V.Yanskiy 56 kg vazn toifasi bilan 12-

<sup>1</sup> "O'zbekiston bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasini tuzish to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni. 2002-yil 24-oktabr, PF-3154-son.

o'rinni, A.O'rinov 94 kg vazn toifasi bilan 11-o'rinni, V.Manushev 108 kg vazn toifasida 16-o'rinni egaladilar. O'zbekiston terma jamoasi 116 ta davlat ishtirok etgan Jahon chempionatida 16-o'rinni egalladi va Olimpiya o'yinlariga 5 ta yo'llanmani qo'lga kiritdi.<sup>1</sup>

1998-yil Bangkokda bo'lib o'tgan XIII Osiyo o'yinlarida mamlakatimiz og'ir atletikachilari ishtirok qilib, I.Xalilov kumush, B.Nurillayev bronza medaliga sazovor bo'lib, umumjahon hisobida 5-o'rinni egalladilar. Shubhasiz, bu mamlakatimizda jismoniy tarbiya va sportga bo'lgan e'tiborning samarasi desak, mubolag'a bo'lmaydi. 1999-yilda Xitoyda, 2000-yilda Yaponiyada, 2001-yilda esa Xitoyda bo'lib o'tgan yoshlar va o'smirlar o'rtasidagi Osiyo o'yinlarida og'ir atletikachi hamyurtlarimiz mamlakatimiz bayrog'ini yuksak cho'qqilarga ko'tarishdi.

Keyingi yillarda jamiyatimizda sog'lom turmush tarzini shakllantirish, aholining, ayniqsa, yosh avlodning jismoniy tarbiya va ommaviy sport bilan muntazam shug'ullanishi uchun zamon talablariga mos shart-sharoitlar yaratish, sport musobaqalari orqali yoshlarda o'z irodasi, kuchi va imkoniyatlariga bo'lgan ishonchni mustahkamlash, mardlik va vatanparvarlik, ona-Vatanga sadoqat tuyg'ularini kamol toptirish, shuningdek, yoshlar orasidan iqtidorli sportchilarni saralab olish ishlarini tizimli tashkillashtirish hamda jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirishga yo'naltirilgan keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmog'da. Qayd etish zarurki, mamlakatimiz hukumatining jismoniy tarbiya va sport sohasidagi vazifalari qonun bilan belgilab qo'yilgan bo'lib, unga ko'ra, sohada jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirishni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash, har kimning jismoniy tarbiya va sport bilan erkin shug'ullanishga bo'lgan huquqini, jismoniy tarbiya va sport sohasidagi davlat hamda jamoat boshqaruvini uyg'unlashtirish, fuqarolarning jismoniy tarbiya va sport sohasidagi huquqlarining davlat kafolatlarini belgilash, O'zbekistonning milliy sport turlari va xalq o'yinlarini rivojlantirish hamda ommalashtirish uchun shart-sharoitlar yaratish orqali fuqarolarni jismoniy tarbiyalashning uzluksizligi va davomiyligini ta'minlash kabi bir qator ustuvor vazifalar belgilangan.<sup>2</sup>

O'zbekiston hukumati so'nggi yillarda mamlakatda jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirishga katta e'tibor qaratmog'da. Insonning ma'naviy va jismoniy jihatdan kamolga yetishida jismoniy tarbiya va sportning ahamiyati beqiyos. Shu sababdan ham O'zbekistonda jismoniy tarbiya va sport davlat siyosatining muhim yo'nalishlaridan biriga aylandi. Hukumatimizning, shaxsan Prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning sa'y-harakatlari natijasida jismoniy tarbiya va sportni ommalashtirish, sog'lom turmush tarzini hayotga keng tatbiq etish, jismoniy tarbiya va sport orqali xalqning salomatligini mustahkamlash sohasida katta ishlar amalga oshirilmog'da, bu borada bir qator qonun va qarorlar qabul qilindi.<sup>3</sup>

Yoshlar o'rtasida huquqiy madaniyat, sog'lom turmush tarzini, jismoniy tarbiya va sportni targ'ib qilishga qaratilgan ishlarning samarasini oshirishni bugun davrning o'zi taqozo etmog'da. Bu boradagi dasturda belgilangan tadbirlarning ijrosi 2016-yilda yangi tahrirda qabul qilingan "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi qonun normalari asosida davom ettirilmog'da. Yurtimizda bolalar sportini rivojlantirish, ayniqsa, qiz bolalar o'rtasida sportni ommalashtirish borasidagi ishlarning davomi sifatida umumta'lim maktablarida 220 dan ziyod zallar barpo etildi.<sup>4</sup>

Mamlakatimiz hududlarida jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish, aholining barcha qatlamlari, ayniqsa, yoshlarni jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug'ullanishga jalb etish, mamlakatimizda bu borada yaratilgan sharoitlardan samarali foydalanish natijadorligini oshirish yuzasidan 2017-yilning 3-iyun kuni "Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-3031-sonli qarori qabul qilindi. Ushbu qaror bilan tasdiqlangan Davlat dasturi bilan sport turlariga ixtisoslashtirilgan bolalar-o'smirlar sport maktablari va bolalar-o'smirlar sport maktablarining moddiy-texnika bazasini mustahkamlash maqsadida jami 90 ta sport inshooti, 77 ta suzish havzasi qurish, rekonstruksiya qilish va kapital ta'mirlash hamda jihozlash va qayta jihozlash, jumladan, 2017-yilda 24 ta sport majmuasi va 15 ta suzish havzasi, 2018-yilda 14 ta sport majmuasi va 19 ta suzish havzasi, 2019-yilda 13 ta sport majmuasi va 22 ta suzish havzasi, 2020-yilda 10 ta sport majmuasi va 13 ta suzish havzasi, 2021-yilda 29 ta sport majmuasi va 8 ta suzish havza-

<sup>1</sup> Matkarimov.R.M. Og'ir atletika nazariyasi va uslubiyati. T., "O'zbekiston", 2015, 21-bet.

<sup>2</sup> "Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonuni. 2015-yil 4-sentabr. O'RQ-394-son.

<sup>3</sup> "Jismoniy tarbiya va sportning ommaviyligini oshirishning dolzarb muammolari". Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. Urganch, 2020, 97 – 98-betlar.

<sup>4</sup> Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. T., "O'zbekiston", 2017, 113-bet.

sini barpo etish belgilab berildi.<sup>1</sup> Shuningdek, 2020-yil 24-yanvar kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtirish va ommalashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5924-sonli farmoni bilan "O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni 2025-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi" tasdiqlandi. Ushbu farmonning 4-ilovasi bilan Respublika tuman (shahar)larini ustuvor, istiqboldagi, rivojlanayotgan sport turlariga ixtisoslashtirish belgilanib, unga ko'ra, mamlakatimizning barcha viloyatlarida ayrim tumanlar sportning og'ir atletika turiga ixtisoslashtirildi.<sup>2</sup>

Xulosa sifatida aytishimiz mumkinki, mamlakatimizda mustaqillik yillaridagi jismoniy tarbiya va sportning rivojlantirilishi, sog'lom avlodni tarbiyalash borasidagi amalga oshirilgan keng ko'lamlı islohotlar natijasida sohaning barcha tarmoqlari bir xil darajada taraqqiy etmoqda. Buning isbotini sportchilarimizning jahon miqyosidagi yutuqlarida ko'rishimiz mumkin. Birgina og'ir atletika sport turidan 2016-yilda Rio de-Janeyrada, 2021-yilda Tokioda bo'lib o'tgan Olimpiada o'yinlarida mamlakatimiz o'g'ir atletikachilari rekord natijalarni qo'lga kiritdilar.

**Saamadi Nooria (Termiz davlat universiteti doktoranti)**  
**AFG'ON MAKTAB O'QUVCHILARINING INGLIZ TILI O'RGANISHDA DUCH**  
**KELADIGAN MUAMMOLARI**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada til o'rganishda yuzaga keladigan muammolar, ayniqsa, ta'lim dariy tilli (fors tilli)da olib boriladigan afg'on maktab o'quvchilarining ingliz tili o'rganishda duch keladigan qiyinchiliklar va turli xil muammolar keltirilgan misollar orqali ko'rsatiladi. Shuningdek, ushbu muammolarni bartaraf etish yo'llari haqida ham to'xtalib o'tiladi.

**Аннотация.** Статья иллюстрирует проблемы, возникающие при изучении языка, в частности, трудности, с которыми сталкиваются афганские школьники, носители языка дари (персидский) при изучении английского языка, и приводятся различные примеры. В ней также будут обсуждаться способы преодоления этих трудностей.

**Annotation.** This article illustrates the problems encountered in language learning, especially the difficulties faced by Dari (Persian) Afghan school students in learning English, and various examples. As well as, it was spoken about the way outs of such kind of problems.

**Kalit so'zlar:** dariy, forsiy, maqol, fenomen, uslubiyat.

**Ключевые слова:** дари, персидский язык, пословица, феномен, методика.

**Key words:** Dari, Persian, proverb, phenomenon, methodology.

Afg'oniston hozir kunda Markaziy Osiyo mamlakatlari va boshqa ko'pgina davlatlar uchun ham katta iqtisodiy bozorga aylandi. Shu sababli, bundan tashqari, jahon hamjamiyatining rivojlangan davlatlari bilan diplomatik munosabatlarni o'rnatish va mustahkamlash borasida ingliz tiliga ehtiyoj oshib bormoqda. Bu esa, o'z navbatida, ingliz tilini o'rganish va o'rgatishning muammolarini tadqiq etish dolzarbligini anglatmoqda.

Afg'onistonda ingliz tili chet tili sifatida (EFL) o'rganiladi, chunki afg'on xalqi ingliz tilidan ichki muhitida foydalanmaydi, ular uni bevosita ijtimoiy kontekstlarda keng qo'llashadi.<sup>3</sup> Afg'onistondagi EFL haqida bilishdan oldin, mamlakatni bir tilli, ikki tilli yoki ko'p tilli ekanligini aniqlash yaxshiroqdir. Afg'oniston ko'p tilli mamlakat va u 40 dan ortiq tillar hamda 200 ga yaqin turli xil shevalarda ega. Afg'onistonda ikkita rasmiy til mavjud: dariy va pushtu. Ikkalasi ham Hind-Yevropa oilasiga mansub bo'lgan Eron tillari oilasidan kelib chiqqan.

Dastlab, Afg'oniston ta'lim tizimiga ingliz tilini o'rgatish 1930-yillarning oxirida kirib keldi. Bu til, dastlab, ikkinchi va uchinchi darajali ta'lim bosqichlarida, 2001-yildan boshlab esa boshlang'ich ta'lim bosqichida o'rgatildi.<sup>4</sup>


<sup>1</sup> "Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori. 2017-yil 3-iyun, PQ-3031-son.

<sup>2</sup> O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtirish va ommalashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti farmoni. 2020-yil 24-yanvar, PF-5924-son.

<sup>3</sup> Saville-Troike M.,&Barto K. Introducing second language acquisition. New York, Cambridge University Press, 2012, p. 4.

<sup>4</sup> Alim Z. Teaching English as a Foreign Language in Afghanistan. Cheragh-e-Hekmat Quarterly Academic and Research Journal of Parwan University. 2015 (1). Spring, p. 1–12.

Ma'lumki, ingliz tilining tarqalishining asoslab berilgan eng mashhur modellardan biri – Braj Kachruning “Three circles of English” deb nomlanuvchi ingliz tilining dunyoda qo'llanilishi borasidagi modeli. B.Kachruga ko'ra, ingliz tili quyidagicha tarqalgan:



1-rasm. Three circles of English.

B.Kachruga ko'ra, ichki doira ingliz tilini anglatadi, chunki u, dastlab, ona tili sifatida shakllangan va butun dunyo bo'ylab birinchi diasporada tarqalgan. Ingliz tilini transplantatsiya qilishda Angliyadan so'zlashuvchilar bu tilni Avstraliya, Yangi Zelandiya va Shimoliy Amerikaga olib ketishdi. Ichki doira ingliz tilining an'anaviy tarixiy va sotsiologik-lingvistik asoslarini ifodalaydi.

Ingliz tilining tashqi doirasi Buyuk Britaniyaning Osiyo va Afrikadagi imperiyaning kengayishi orqali tilni tarqatgan ikkinchi ingliz diasporasi tomonidan ishlab chiqarilgan. Bu hududlarda ingliz tili ona tili emas, balki etnik va til guruhlarini o'rtasida foydali lingua franca vazifasini bajaradi, ya'ni ikkinchi til sifatida qo'llaniladi.

Nihoyat, kengayish doirasi ingliz tili hech qanday tarixiy yoki davlat rolini o'ynamaydigan, lekin, shunga qaramay, u xalqaro muloqot vositasi sifatida keng qo'llaniladigan mamlakatlarni qamrab oladi. Bunga Xitoy, Nepal, Rossiya, Yaponiya, Anglonofon bo'lmagan Yevropa (ayniqsa, Gollandiya va Shimoliy mamlakatlar), Janubiy Koreya va Misr kabi hududlar kiradi. Bu doraga kiruvchilar ingliz tilining globalashuvi natijasida ko'payib bormoqda. Bu o'rinda, ingliz tilini bilish yuqori baholanadi va ona tili ingliz tili bo'lmagan so'zlashuvchilar orasida xuddi B.Kachru modelida kengayib borayotgan doirasiga mansub interaktiv vosita sifatida ishlatiladi.

Yuqorida ta'kidlaganimizdek, B.Kachru doirasida ingliz tilini o'rganishga uch tomonlama yondashiladi: ichki doira (ingliz tili ona tili sifatida), tashqi doira (ingliz tili ikkinchi til sifatida) va butun dunyo bo'ylab kengayotgan doira (ingliz tili xorij til sifatida).<sup>1</sup> Afg'onistonda ingliz tili “kengayotgan doira”, ya'ni ingliz tili xorij til sifatida o'rganiladi.

Til o'rganuvchilar oldida turgan eng muhim muammolardan biri bu ingliz tili imlo tizimi hisoblanadi. Ba'zida so'zlarda ba'zi harflar o'qilmaydi va talaffuz qilinmaydi. Ayrim holatlarda ba'zi harflar boshqacha talaffuz qilinish mumkin. Bu muammoni hal qilishning bir necha yo'li mavjud. Masalan, bir vaqtning o'zida, o'qish va tenglash mumkin yoki o'qish paytida so'zni yozishga harakat qilish mumkin.<sup>2</sup>

Ingliz tilini o'rganishda fors tilida so'zlashuvchilarning duch keladigan muammolari yangi emas, til o'rganish, ayniqsa, ingliz tilini o'rganish bugungi kun jamiyatining asosiy muammolaridan biriga aylangan.

Ma'lumki, ingliz va dariy tillari Hind-Yevropa (Indo-European) tillari oilasiga mansub, lekin ushbu tillar bir oilaga mansub bo'lishiga qaramay, til o'rganuvchilarga fonetik, leksik va grammatik muammolarni yuzaga keltirishi mumkin.

Afg'on maktab o'quvchilariga ko'pdan ko'p duch keladigan muammolaridan biri bu talaffuz hisoblanadi. Chunki ingliz tilidagi unli va undosh harflari turli xil tovushlarga ega. Masalan:

Ingliz tilidagi [I] harfining ikki xil [آ-oy] va [ا-ey] tovushlarga ega ekanligi:

1. Ingliz tilidagi [i] harfi, fors tilidagi [آ-oy] tovushi bilan tengligi quyidagi so'zlarda namoyon bo'ladi: *time, mice, rice, line, mine, shine, fine, kite*.

<sup>1</sup> Schmitz J.R. Looking under Kachru's (1982, 1985) three circles model of World Englishes: the hidden reality and current challenges. *Revista brasileira de linguística aplicada*. 2014 Jun, 14 (2), p. 379.

<sup>2</sup> چالش های یادگیری زبان انگلیسی...<sup>21</sup>

2. Ingliz tilidagi [i] harfi fors tildagi ای -e] tovushi bilan tengligi quyidagi soʻzlarda namoyon boʻladi: *kiss, miss, dish, fish, finish, city*.

Ingliz tilidagi [o] harfining uch xil [l̄-o], [l̄-oʻ] va [o-u] tovushlariga ekanligi:

1. Ingliz tilidagi [o] harfi, fors tilidagi [l̄-o] tovushi bilan tengligi quyidagi soʻzlarda namoyon boʻladi: *not, hot, for, got, lot, front, pot*.

2. Ingliz tilidagi [o] harfi, fors tilidagi [l̄-oʻ] tovushi bilan tengligi quyidagi soʻzlarda namoyon boʻladi: *go, no, so, also*.

3. Ingliz tilidagi [o] harfi, fors tilidagi [o-u] tovushi bilan tengligi quyidagi soʻzlarda namoyon boʻladi: *move, note, more, rose, nose, improve*.

Ingliz tilida [W] harfini soʻz boshida [R] harfidan oldin talaffuz qilinmasligi: *write, wrong* soʻzlarida.

Ingliz tilida [N] harfining soʻz oxirida talaffuz qilinmasligi: *autumn, column*.

Ingliz tilidagi [S] harfi ikki xil, yaʼni [s-s] va [z-z] tovushlariga ega ekanligi:

1. [S] harfi fors tilidagi [s-s] tovushi bilan tengligini quyidagi soʻzlarda eshitish mumkin: *books, maps, cats, roofs, desks*.

2. [S] harfi fors tilidagi [z-z] tovushi bilan tengligini quyidagi soʻzlarda eshitish mumkin: *arms, boys, girls, doors, dogs, sons*.

Ingliz tilidagi [gh] qoʻshma harfining fors tilida turli xil talaffuz qilinishi, shuningdek, baʼzi soʻzlarda, umuman, talaffuz qilinmasligi:

1. [gh] qoʻshma harfi baʼzi soʻzlarda fors tilidagi [f-f] tovushi bilan tengligini quyidagi soʻzlarda eshitish mumkin: *laugh, enough*.

2. [gh] qoʻshma harfi baʼzi soʻzlarda fors tilidagi [g-g] tovushi bilan tengligini quyidagi soʻzlarda eshitish mumkin: *ghastly, ghost*.

3. [gh] qoʻshma harfi baʼzi soʻzlarda, umuman, talaffuz qilinmasligini quyidagi soʻzlarda koʻrish mumkin: *night, right, taught, thought*.

Ingliz tilida bunday istisnolarning koʻpligi, til oʻrganish, ayniqsa, ingliz tilini oʻrganishda, til oʻrganuvchilar ingliz tiliga oid darsliklarda mavjud matnlarni oʻqishda, shuningdek, ingliz tilida suhbatlashganda koʻplab xatolarga yoʻl qoʻyilishi va koʻplab muammolarni yuzaga keltirishi mumkin. Yuqorida keltirib oʻtilgan muammolardan tashqari, bir qator mavzularga, jumladan, omografiya (ingliz tilida “homography” – bu bir xil yozilgan, lekin boshqa maʼnoga ega boʻlgan soʻz) va omofoniya (ingliz tilida “homophony” – bu talaffuz jihatdan bir xil, lekin maʼno va imlo jihatdan farq qiladigan soʻz) toʻgʻrisida toʻxtalib oʻtish, chunki bu sohada qilingan xatolar tarjima qilishda va yozishda koʻpdan koʻp muammolarni yuzaga keltirishi mumkin.

Homography – کلمات هم نویسی یا هم نگاری omografiya – bu bir xil yozilgan, lekin boshqa maʼnoga ega boʻlgan soʻz quyidagilardan iborat:

*Lie – yotmoq, choʻzilmok;*

*Lie – yolgʻon, yolgʻon gapirmok;*

*Lead – qoʻrgʻoshin;*

*Lead – boshlamok, qadam qoʻymok;*

*Close – yaqin;*

*Close – yopmok, tugatmok;*

*Bear – chidamok, sabr qilmok;*

*Bear – ayiq, tarbiyasiz odam;*

*Lean – oriq, ozgʻin;*

*Lean – suyanmok, ogʻmok;*

*Fair – oq, toza, vijdonli, adolatli, toʻgʻri soʻz;*

*Fair – bozor, yarmarka, koʻrgazma, maʼshuqa;*

Homophony- کلمات هم آوا یا هم صدا omofoniya – bu talaffuz jihatdan bir xil, lekin maʼno va imlo jihatdan farq qiladigan soʻz quyidagilardan iborat:

*Piece – boʻlak, parcha, qism;*

*Peace – tinchlik, sulh, osoyishtalik;*

*Real – haqiqiy, chinakam;*

*Reel – gʻaltak, rulon oʻrami;*

*Son – oʻgʻil bola;*

*Sun – quyosh-oftob;*



*Already – allaqachon;*  
*All ready – hamma tayyor;*  
*Were – edi;*  
*Where – qayerda;*  
*Brake – tormoz bermoq;*  
*Break – sinmoq, teshik.*

Shuningdek, til o'rganuvchilarning ko'zga tashlanadigan muammolarida biri bu ingliz tilida diomalarning ko'pligidadir. Ingliz tili juda qadimgi til bo'lib, asrlar davomida unga qiziqarli so'zlar va idiomalar qo'shilib kelgan. Til o'rganuvchilarda ushbu idiomalarga qiziqish bo'lmasligi mumkin. Shuningdek, til o'rganuvchilarning muammosi shundaki, u ingliz tilini yaxshi bilsa-da, idiomalarni unchalik yaxshi bilmaydi va bu uning tushunmavchilikka sabab bo'ladi.<sup>1</sup>

So'zning mazmuni bilan bog'liq muammolar shu darajada ko'pki, ba'zi paytlarda biz ularni so'z bilan izohlashga o'zlik qilamiz. Shu sababdan ham R.A.Budagov: «Garchi o'z ona tilimizdaga so'zlar bizga aniq va ravshan tuyulsa-da, aslida, ular tabiatan o'ta murakkab va serqirradir», degan edi.<sup>3</sup> Shu o'rinda bir narsaga oydinlik kiritib o'taylik, yuqorida “so'z” deb yuritilayotgan birlik tarkibiga yordamchi so'z turkumi hisoblangan bog'lovchilarning ham kirishi so'zlarda mavjud bo'lgan bunday funksional-stilistik xususiyatlarga ega bo'ladi.

So'z paradigmatic qatordan sintagmatic qatorga o'tgach, shu qatorning ichki qonun-qovdalariga bo'ysungani holda, yangicha mazmun va funksiyalar kashf eta boshlaydi. Endi u sintaktik aloqalar maskani bo'lgan ma'lum bir gapning ajralmas tarkibiy bo'lagi sifatida faoliyat ko'rsatadi. Ta'kidlash lozimki, gap tarkibida qo'llanilayotgan so'z o'zi uchun belgilangan semantik vazifani bajaribgina qolmay, o'zi tegashli bo'lgan morfologik kategoriya tasarrufidan chiqib, boshqa bir morfologik kategoriya doirasidaga so'zlar vazifasini bajarishi ham mumkin. Masalan, sifatning asosiy vazifasi o'tning belgasini aniqlash bo'lsa, o'tning bosh vazifasi, o'z navbatida, predmetning nomini atash orqali belgilanadi. Ammo ko'p paytlarda o'tning fe'l, sifat funksiyasida kelishini ham kuzatamiz. Ana shuning o'zi ham so'z tabiatining g'oyat murakkabligadan dalolat beradi.<sup>4</sup> Bu kabi holatlarni bog'lovchilarda ham ko'rishimiz mumkin. Fikrimizning yanada aniqroq bo'lishi uchun quyidaga misollar tahliliga to'xtab o'taylik:

1. Chechaklar bir-biridan go'zal, bir-biridan chiroyli, bir-biridan serbarg, bir-biridan serg'uncha.
2. Kim kimnidir sehrlab qo'ygan edi: yo Bambur Nargizni, yo Nargiz Bamburni.
3. Lola o'rta tushdi-da, barcha qizlarning sevimli ashulasini boshlab yubordi.
4. Nargiz bilan Bambur murod-maqсадlariga yetdilar.

Ko'rinadiki, birinchi gapdaga bir-biridan so'zi o'zining asosiy sonlik funksiyasidan chiqib, bog'lovchiga yaqin funksiyasida, ya'ni tokror bog'lovchi vazifasida qo'llanilmoqda. Ikkinchi gapdagi yo bog'lovchisi ham shu singari funksiyada ishlatilgan. Uchunchi gapda yuklama bog'lovchi vazifasida qo'llanilgan bo'lsa, to'rtinchi gapda esa ko'makchi teng bog'lovchi vazifasini bajarmoqda. Boshqacha aytganda, ayni paytda, ko'makchi va yuklamaning o'z vazifasiga ko'ra, bog'lovchiga ko'chirilganligini ko'ramiz.

Taniqli olim Sh.Balli ta'limotida bunday vaziyat funksional transpozitsiya (o'tish hodisalari) hodisasi deb nomlanadi. Mustaqil so'zlar, ya'ni ot, sifat, fe'l kabi so'z turkumlarga oid so'zlar paradigmatic

<sup>1</sup> Рустамов А. Сўз хусусида сўз. Тошкент, 1987, 23-бет.

<sup>2</sup> Пешковский А.М. Понятие отдельного слова. Сборник статей, Л. 1925, с. 122.

<sup>3</sup> Будагов Р.А. Введение в науку о языке. М., 1965, с. 9.

<sup>4</sup> Там же.

qatoridan sintagmatik qatorga o'tgach, shu qatorning ichki qonun-qoidalariga bo'ysungani holda, yangicha mazmun va funksiyalar kashf eta boshlashi mumkin ekan. Xo'sh, bu holat bog'lovchilarda qanday kechadi. Bizga ma'lumki, ma'lum bir yordamchi so'z boshqasining o'rnida uning vazifasini bajarib kelishi mumkin. Masalan, bilan ko'makchisi vazifadosh bog'lovchi bo'lib kela oladi. Biz shu fikr bilan, ya'ni "bilan ko'makchisi vazifadosh bog'lovchi bo'lib kela oladi", bu yordamchi so'zni bog'lovchi bo'lib kela olishini isbotlay olmaymiz. Chunki ko'makchilar, odatda, so'zlarni bog'lash uchun xizmat qilmaydi. Ko'makchilarni shu tarzda ifodalash orqali ham uning sof yoki bog'lovchi vazifasida kela olishi haqida to'liq tasavvur bermaydi. Qisqa qilib aytganda, yordamchi so'z turkumlarini xususan, bog'lovchilarni o'z vazifasida yoki vazifadosh bo'lib kelayotganini aniqlashning usullaridan biri, bu shu yordamchi so'zlarning sintagmatik munosabatga kiritishdir. Bog'lovchilar sintagmatik munosabat orqali, ya'ni bashqa so'zlar ta'sirida ko'plab funksional-stilistik xususiyatlari namoyon bo'ladi.

**Сулайманова Нилуфар Жаббаровна (СамДЧТИ, PhD, доцент)**  
**БАҲО КОНЦЕПТИНИНГ БАДИИЙ МАТНДА КЎРИНИШ ОЛИШИ**

***Аннотация.** Мақола тилишунослик фанида тил инсон ҳаёти, ижтимоий фаолиятини таъминловчи восита сифатида урта асосий вазифани, яъни коммуникация, эмотив ва олам ҳақидаги билимни жамлаш вазифани бажаришини, жамоанинг олам ҳақидаги билими жамоа аъзоларининг онгли фаолияти давомида тўпланиб, тил тизимида, энг аввало, унинг лексик ва фразеологик қатламларида акс этиши, дунё тиллари оламнинг ҳар қандай ҳодисасини ифода этиш захирасига эгаллига бағишланган.*

***Аннотация.** Статья посвящена тому факту, что мировые языки обладают ресурсами для выражения любого явления в мире, области лингвистики. Язык как средство человеческой жизни и социальной деятельности, выполняет три основные функции: общение, эмоции и познание мира.*

***Annotation.** The article is dedicated to the fact that world languages have the resources to express any phenomenon in the world, the field of linguistics, language as a means of human life and social activity, performs three main functions: communication, emotions and knowledge of the world.*

***Калим сўзлар:** коммуникация, эмотив, фразеологик қатлам, тафаккур универсалиялари, объектив борлиқ, олам манзараси, когнитив тилишунослик, стереотип, вербал ахборот.*

***Ключевые слова:** коммуникация, эмотивный, фразеологический слой, универсалии мышления, объективное существование, мировоззрение, когнитивная лингвистика, стереотип, вербальная информация.*

***Key words:** communication, emotive, phraseological layer, universals of thinking, objective existence, worldview, cognitive linguistics, stereotypes, verbal information.*

Тил инсон ҳаёти, ижтимоий фаолиятини таъминловчи восита сифатида урта асосий вазифани, яъни коммуникация, эмотив (таъсир ўтказиш) ва олам ҳақидаги билимни жамлаш вазифаларини бажариши аниқ. Кишилар жамоасининг олам ҳақидаги билими жамоа аъзоларининг онгли фаолияти давомида тўпланиб, тил тизимида, энг аввало, унинг лексик ва фразеологик қатламларида ўз аксини топади. Дунё тиллари оламнинг ҳар қандай ҳодисасини ифода этиш захирасига эга.

Олам лисоний манзарасининг концептуал асосини тафаккур универсалиялари "универсал предмет коди" ташкил қилади. Ушбу тушунчани биринчилардан бўлиб қўллаган Н.И.Жинкиннинг изоҳича, грамматик қоидалардан ташқари, барча тилларга хос бўлган мазмуний боғлиқлиқларни ҳосил қиладиган мантикий қоидалар ҳам мавжуд.<sup>1</sup> Худди шу кодлаштириш тизими татбиқида "атроф-муҳитда кечадиган воқеа-ҳодисалар нутқий мулоқот предметига айланади ҳамда тушунилади".<sup>2</sup> Умумий тафаккур коди байналмилал хусусиятга эга ва шу сабабли турли лингвомаданиятлар вакиллари бир-бирларини англаш имкониятига эга ҳамда тиллараро таржимани амалиёти амалга оширилади. Бироқ тафаккурнинг мазкур бўлаги концептуал фаолиятнинг фақат асосини ташкил қилади, унга пойдевор қўяди. Универсал асоснинг аниқлаштирилиши ва мукаммалашуви ҳар бир этносада ўзига хос тарзда кечади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. М., "Наука", 1982, с. 93.

<sup>2</sup> Шу манба. 93 – 94-бетлар.

<sup>1</sup> Корнилов О.А. Языковая картина мира как производное национального менталитета. М., "Черо", 2003, с. 121–122; 28.



Америкалик тилшунос Э.Сепир таърифлаганидек, тил воқеликни акс эттириш билан чегараланиб қолмасдан, балки унга тавсиф ҳам беради.<sup>1</sup>

Объектив борлиқ барча этнослар учун бир хил эмас, чунки ҳар бир элат унинг маълум бир қисмини идрок этади. Алоҳида халқ оламнинг фақат бир манзарасини “кўради” ва фақат шу манзара унинг концептуал ҳаракатлари мўлжалини белгилайди, лисоний воқеланади, оламнинг бошқа манзаралари ҳақидаги тасаввур эса қисманлигича қолади.

Олам умумий манзарасидаги фарқлар лингвомаданий хусусиятга эғалиги ана шунда намоён бўлади. Миллий маданиятнинг барча нозикликлари миллий тилда акс топади, ҳар бир тил ўзига хос ва мос равишда олам манзарасини воқелантиради. Қандай бўлмасин, инсон воқелик ҳақидаги ахборотни тил воситасида қабул қилади. Шунинг учун ҳам инсон ўз интеллектуал, руҳий ижтимоий эҳтиёжларига муқобил равишда ўзи яратган концептлар дунёсида яшайди десак, хато бўлма-са керак.

Воқелик ҳақидаги ахборотнинг катта қисми сўз орқали етиб келади. Сўзнинг, ўз навбатида, моҳияти икки томонлама, у бир пайтнинг ўзиде, предмет-ҳодисани номлайди ҳамда унинг ҳақидаги фикрни ифодалайди (the thought of an object and the object thought of). Машҳур инглиз файласуфи У.Жеймс бундан бир асрдан кўпроқ вақт олдин конкрет предметнинг номланиши ва унинг тафаккурдаги образи ўртасидаги фарқни изоҳлашга ҳаракат қилганлиги маълум. Конкрет нарса физик хусусиятларга эга, унинг онгдаги тимсоли эса, бундан холи. Ментал олов ёнмайди ёки бирор кимсани исита олмайди, сув оловни ўчирмайди, шунингдек, ментал қайчи, қанчалик ўткир бўлмасин, ёғочни кесмайди. Ментал образлар – концептуал тажриба натижаси.<sup>2</sup>

Демак, тил ва нутқий фаолият маълум тил эгасининг мураккаб когнитив фаолияти натижасидир. Тил, шунингдек, маданият маҳсули, унинг мавжудлигини белгиловчи омил ҳамда маданий кодларни шакллантирувчи манбадир. Оламнинг лисоний манзараси унинг лисоний тафаккур идроки жараёнида шаклланади.

Маълумки, олам лисоний манзарасининг шаклланишига оид муаммолар умумий тилшунос-лик соҳасида изчил ўрганилиб келмоқда. Даставвал, физиклар ва табиатшунослар томонидан “олам манзараси” тизими сифатида қаралиб, ушбу тасаввурларнинг у ёки бу фан соҳасига хос тушунча ва тамойиллар асосида шаклланиши таъкидланган эди. Кейинчалик, тилшунослар ҳам оламнинг лисоний манзарасини шу хилдаги систем тузилма сифатида талқин қилиш анъанасининг давомчиларига айландилар.

Бундай “систем” ёндашув когнитив тилшунослик учун ҳам ёт эмас. Ушбу йўналиш доирасида “оламнинг лисоний манзараси” тушунчаси “халқнинг маълум тараққиёт босқичида юзага келадиган воқелик ҳақидаги тасаввурларининг тилда акс топган тўплами” сифатида таърифланади.<sup>3</sup> Когнитив тилшунослик доирасида олам манзарасининг тил тизими сўз яшаш, луғавий семантика, грамматика, прагматика каби сатҳларида воқеланиши тадқиқ қилиниб келмоқда. Мазкур систем ёндашув доирасида олам манзараси таҳлили лисоний бирликлар воситасида шаклланидиган семантик худудлар кўламида олиб борилади.

Олам лисоний манзарасининг систем-статик ҳолати таҳлилидан унинг матнда ҳаракати натижасида юзага келадиган ҳолатлар тадқиқи матн тилшунослиги доирасида бажарилган ишларда ўрганилди.<sup>4</sup> Ушбу ишларда поэтик мазмунда олам манзарасининг модаллашуви ва ушбу манзаранинг муаллиф прагматик мўлжалига мос келиши масалалари муҳокама қилинди.

Ҳар қандай турдаги матн нутқий тафаккур фаолияти маҳсули ва бу фаолият муаллифнинг олам манзараси ҳақидаги индивидуал тасаввурини шакл топтириши билан бир қаторда, муаллифнинг лисоний қобилиятини акс эттиради. Шу боис оламнинг лисоний манзараси, ҳақиқатни олганда, динамик кўринишда, аниқроғи, инсон нутқий тафаккур фаолияти механизмининг муҳим тугуни сифатида қаралиши керак.<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. М., Языки славянской культуры, 1993, с. 196.

<sup>2</sup> James W. Does consciousness exist. Journal of Psychology and Scientific Methods, p. 486 – 489.

<sup>3</sup> Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. Воронеж, “Истоки”, 2006, с. 38.

<sup>4</sup> Гусева Е.В. Языковые механизмы вариативности интерпретации действительности во французских и русских рекламных текстах. Автореф.... дисс.... канд. филол. наук, Екатеринбург, 2006, с. 15; 22.

<sup>1</sup> Шпильная Н.Н. Языковая картина мира в структуре речемыслительной деятельности языковой личности. М., URSS, 2017, с. 40 – 53.

Матншунос Г.Бокиеванинг таърифича, “Олам манзараси одамизот психикаси ҳайвонникидан фарқловчи ҳодисадир. Билиш фаолияти объектлари, уларнинг моддий ва фаҳмий кўринишга эга бўлишидан қаътий назар, шахс ва жамоа (бир тилда сўзлашадиган кишилар гуруҳи) психикасида гавдаланади ва шу йўсинда ушбу объектларнинг концептуал тасвири юзага келади”.<sup>1</sup>

Ҳ.Ширинова олам манзарасининг алоҳида шахс ва жамоавий, миллий кўринишлар эга бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрни тасдиқлайди. “Оламнинг яхлит манзараси, дея ёзади олима, – бу олам ҳақидаги тасаввурларнинг ҳар бир халқ, ҳар бир индивид онгида яхлит бир бутунликда тасаввур қилиниши, пайдо бўлишидир”.<sup>2</sup> Айниқса, тадқиқотчининг олам манзараси таърифида учта муҳим фалсафий омилни инобатга олиш лозимлиги ҳақидаги фикри эътиборлидир: 1) ҳар хил тиллардаги олам манзарасининг алоқадорлиги; 2) тилнинг манзараси билан алоқадорлиги; 3) бир бутун олам манзарасининг индивидуал олам манзараларидаги субъектлари билан алоқадорлиги.<sup>3</sup>

Мазкур омилларнинг биринчи амалида оламнинг умумий, объектив манзараси шаклланса, иккинчиси эса оламнинг миллий манзараси шаклланишида ишга тушиши кўринади. Учинчи омил, албатта, олам манзарасининг индивид онгида “нусхаси”ни тавсифлайди. Бошқача айтганда, олам манзараси шаклланишида субъектнинг ролини таъкидлайди.

Ҳақиқатдан ҳам, когнитив асосни ташкил қилувчи билим ва тасаввурлар, табиатан, ҳарчанд инвариант ёки умуммиллий бўлишмасин, маълум лисоний маданият вакили бўлган шахс ушбу когнитив асосни ўзлаштиришда бефарқ эмас. У шу асосдан фойдаланган ҳолда, ўзининг когнитив ҳудудини ташкиллаштиради ва бу ҳудудда унинг хусусий билим, тасаввур ва образлар тўпланadi. Шунинг билан биргалликда, ҳар қандай индивидуал когнитив ҳудуднинг тағзаминида миллий руҳдаги маданий стереотип ва қадриятлар туради. Зеро, “у ёки бу маданиятга тобелик айнан билимларнинг стереотип қолипларга эга бўлишида ва бу қолипларнинг индивиднинг маълум жамоадан ўрин олишига боғлиқдир”.<sup>4</sup>

Стереотип, одатда, билим ва баҳо қадриятларининг алоҳида шакли сифатида талқин қилиниб, уларнинг тил ёки бошқа семиотик кодлар воситасида белгиланадиган ментал концептни шакллантирилиши қайд этилади. Е.Бартминский ментал стереотип ва оламнинг лисоний манзараси яхлитлик ва хусусийлик муносабатида бўлишини таъкидлайди.<sup>5</sup>

Демак, стереотип, асосан, миллий-маданий характерга эга, оламнинг ушбу концептуал рамзига, кўпинча, турғунлик хос ва миллий маданият учун умумий бўлган олам ҳақида тасаввурни ифодалайди. Стереотипларни ўзлаштириш болаликдан бошланади, чунки улар жамиятда шахслар хатти-ҳаракатлари, ўзаро муносабатларини изга қўяди ва ушбу жамоа, миллатнинг яхлитлиги, ўз-лигини таъминлайди. Шу боис, ментал образ шаклидаги стереотиплар турли лингвомаданиятларда турли мазмунга эга бўлиши билан бир қаторда, шакл жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Чунончи, ўзбеклар учун такаббур, калондимоғ аёл *ойимтилла* ёки *нозик ойим* бўлиб кўринса, инглизлар ўзини юқори табақа вакили қилиб кўрсатишга уринаётган аёлни кинояли тарзда *fine lady* деб кўя қолади. Эзма, варсақи аёл ўзбек маданиятида *оғзи бўи, эзма-чурук* стереотипи кўринишида баҳоланса, инглиз лисоний маданиятида *old wife* бирикмаси ёки *a woman always thinks it takes two to keep a secret* мақоли воситасида номланади. Баъзан, бир маданиятдаги баҳо концепти иккинчисида лисоний ифодага эга бўлмаслиги мумкин. Ўзбек тилида ўта озода аёлни баҳолаш учун ишлатиладиган *озода сассиқ* ва *чўп қўймас* ибораларининг инглизча муқобиллари луғатларда қайд этилмаган. Шунингдек, аёллар ахлоқи ва ақлий қобилиятини баҳолаш стереотипларида ҳам фарқлар кузатилади: ўзбек тилида ахлоқсиз аёл образи *a woman, a light of love* фразеологизмида акс топган бир пайтда, ўзбек тилида уларга нисбатан *оёқни чакки босмоқ, эгри оёқ, суюқ оёқ, енгил оёқ, юзи қора* каби иборалари қўлланади. Ақлий қобилиятнинг сустигига ишора қилувчи турғун бирикмалар қаторига ўзбек тилида *мяси суюлган, зехни паст, ақли калта* (қисқа) кабилар кирса, *dum Dora, bess of*

<sup>1</sup> Бакиева Г.Х. Лингвистические основы анализа художественного текста. Дисс. докт. филол.наук, Т., 1993, с. 7.

<sup>2</sup> Ширинова Р. Бадий таржимада олам миллий манзараси. Т., “Turonzaminziyo”, 2017, 16-бет.

<sup>3</sup> Шу манба.

<sup>4</sup> Прохоров Ю.Е. Национально-социальные стереотипы речевого общения и их роль в обучении русскому языку. М., “Русский язык”, 1996, с. 4.

<sup>5</sup> Бартминский Е. Этноцентризм стереотипа. Речевые и ментальные стереотипы в синхронии и диахронии. М., 1995, с. 8.

Bedlam бирикмалари ва the foolish woman says: stolen water is sweet and bread eaten in secret is pleasant мақоли инглиз тилида шу парадигмани ташкил қилади.<sup>1</sup>

Келтирилган мисоллар яна бир қарра оламнинг лисоний манзараси воқеликнинг ойнадаги акси бўлмасдан, балки алоҳида шахсларнинг шу воқеликни билишга, уни тушунишга йўналтирилган ҳаракати натижаси эканлигидан дарак беради. “Воқелик мазмунини англаш ва унинг моҳиятини билиш учун инсон олам манзарасини шакллантириш фаолиятида ўзининг ушбу олам тўғрисидаги хусусий образини яратишга мажбурдир”.<sup>2</sup> Ўйлаймизки, академик Б.А.Серебренниковнинг ушбу файласуфона хулосаси олам манзарасининг инсон ижодкорлик фаолияти жараёнида юзага келадиган ҳар қандай турига тааллуқлидир. Буни биз, айниқса, баҳо концептларининг бадиий дискурс матнларида фаоллашувида яққол кўрамыз.

Адабиётшунос Ю.М.Лотманнинг фикрича, бадиий матн олам манзарасини ўзига хос тарзда моделлаштиради ва у бадиий кодлар воситасида бериладиган воқелик ҳақидаги хабарга айланади.<sup>3</sup>

Оқибатда, бадииятда табиий тил ўзига хос белгилар тизими ролини бажаради ва лисоний бирликлар янги мазмунни яратувчи шакллар вазифасида келиб, қўшимча маънолар, коннотациялар билан бойийди ва тағмаёноли ифода қобилятига эга бўлади.

И.В.Арнольд ҳам шунга ўхшаш фикрни билдирди, унинг тавсифича, “адабий-бадиий матн мантикий эстетик, образли, эмоционал ва баҳо маълумотларини етказишга мўлжалланган вербал ахборотдир”.<sup>4</sup> Бадиий матннинг эстетик қийматига эга бўлиши ва ўқувчи ҳиссиётига таъсир кўрсатиши муаллифнинг менталитети, унинг сўз қўллашдаги устамоллиги билан боғлиқ. Айнан муаллиф сюжет танлайди, образларни яратади ҳамда матннинг структур-семантик тузилишини, стилистик йўналишини белгилайди, “Бадиий олам”, аслини олганда, шахс (муаллиф)нинг кашфиёти. Ҳатто унда иштирок этаётган реал воқелик ҳам бадиий “ишлов”дан ўтади, чунки у хаёлий (баъзан, тўқима) тизимнинг қисмига айланади. Шунингдек, бадиий матнни тушуниш ҳам ўзига хос тарзда кечишини эслатиш жоиз, деб ҳисоблаймиз. “Бадиий асарни ҳар ким ўзича, ўз дунёқарошига мос билими ва ҳаётий тажрибаси даражасида тушунади”.<sup>5</sup>

Шундай қилиб, оламнинг бадиий инъикоси воқелик манзарасини бадиий матннинг эстетик манзарасига айланишига йўл очиб беради. Шу боис бадиий матнни лисоний шахснинг когнитив фаолиятини воқелантирувчи эмоционал ҳамда баҳо ҳаракатлари кўламида қараш эҳтиёжи туғилади. Бунда лисоний шахс маълум бир тил эгасининг миллий-маданий модели сифатида тасаввур қилинади. Бадиий матннинг муаллиф лисоний шахси нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши барча мазмун ва услуб унсурларини ягона бир матн атрофига жипслашувини таъминловчи омилларини аниқлашга имкон беради.

Эстетик хусусиятли матнларга тил захирасидан мақсадли фойдаланиш хосдир. Бадиий матннинг луғат таркибидаги бирликларнинг ахборот узатиши кўлами кенг, зотан, матннинг лисоний қобиғи мазмун ифодасининг асосий воситаси бўлиб, ҳар бир сўз “чертиб” танланади. Бундай тартиботли тузалиш ўқувчига нафақат ёзилганни, балки “қаторлар ортида яширинган” мазмунни ҳам англашга замин яратади. Муаллиф фақат унга, унинг услубига хос ифода воситаларини кашф қилади. Муаллиф, лисоний шахс сифатида матннинг санъат асари даражасида яратади, ҳар қандай ижодкорга хос бўлганидек, ўз коммуникатив мақсадини миллий тил тилсимларига ҳозиржавоб кўринишда амалга оширади.

Бадиий матнда акс топаётган олам манзараси хаёлий воқелик эканлигини айтдик. Бу манзара муаллиф онги ва унинг сўз қўллашдаги бетакрор индивидуал маҳорати самарасидир. Шаклланаётган бадиий концептлар ҳам муаллиф тафаккур фаолиятининг натижаси бўлиб, ўзида етакчи маъно-мазмунда фаоллашадиган эмоцияларни мужассамлантиради. Ушбу етакчи мазмун зоҳирланган ва яширин ахборотдан иборат бўлади. Ошқора ахборот лисоний воситалар орқали ифодаланса, яширинлари эса тил бирликларида бевосита намоён бўлмайди. Муаллиф назарда тутаётган мазмунни англаш ўқувчининг вазифасидир. Алқисса, бадиий матн алоҳида лисоний шахс нутқий та-

<sup>1</sup> Насруллаева Н. Англо-русской-узбекский словарь гендерно маркированных фразеологических единиц. Т., “Наврўз”, 2018, с. 112; 118 – 127.

<sup>2</sup> Серебренников Б.А. Картина мира в жизнедеятельности человека. В кн.: Человеческий фактор в языке. Язык и картина мира. М., “Наука”, 1988, с. 29.

<sup>3</sup> Лотман Ю.М. Структура художественного текста. М., “Просвещение”, 1970, с. 67.

<sup>4</sup> Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. Л., “Просвещение”, 1981, с. 157.

<sup>5</sup> Баходир Карим. Абдулла Қодирий. Герментевик тафаккур. Т., “Akademnashr”, 2014, 8-бет.

фақкур фаолиятнинг маҳсули эканлигини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Когнитив йўналиш вакиллари лисоний шахсни маълум тил соҳибининг лисоний тизимда (асосан, луғат ва синтаксис қатламларида) ўринлашган “миллий-маданий прототипи” сифатида талқин қиладилар.<sup>1</sup>

Назаримизда, “лисоний шахс” тушунчаси С.Г.Воркачев томонидан бирмунча батафсил тавсифланган. Унинг наздида, лисоний шахс кишининг нутқий фаолият қобиляти, яъни нутқий тузилмаларни яратиш ва тушуниш имкониятлари жамланмаси сифатида талқин қилиниши керак. Бундан ташқари, мулоқот воситаси вазифасини бажарувчи инсоннинг лисоний хатти-ҳаракатлари ҳам лисоний шахсни ажратувчи белгилар қаторига киритилади.<sup>2</sup>

Ю.Н.Караулов томонидан таклиф қилинган лисоний шахс моделини эслатиш анъанага айланаб улгурди. Олимнинг “Русский язык и языковая личность” номли асарида лисоний шахс лисоний семантик, когнитив ва прагматик қатламлардан иборат уч қобикли модель кўринишида тавсифланади. Вербал семантик қатлам таҳлили муаллиф образини ажратишга имкон берса, кейинги қатламлар орқали ушбу образ яна-да батафсилроқ тавсифланади. Матннинг бу кўринишдаги таҳлилида унинг умумий-ижтимоий ва индивидуал хусусиятлари равшанлашади. Шу сабаб лисоний шахсни ўрганиш асносида, муаллифнинг сўз танлаш услубига аҳамият қаратиш лозим бўлади. Бунда, энг аввало, ментал етакчи мазмун ифодаси иштирокчилари бўлган “энг йирик луғавий лексик-семантик гуруҳларни ажратиш муҳимдир”.<sup>3</sup>

Лисоний шахс фаолиятини белгилувчи омилларни аниқлаштириш айtilган лексик-семантик гуруҳ вакиллари бўлган сўзлар маъносидан ифода топадиган ментал категорияларни ўрганишни талаб қилади. Антропоцентрик йўналиш ривожидан лисоний бирликлар “жамоавий онгда кўп ўлчовли маданий қийматга эга бўлган, ижтимоий-руҳий тузилма сифатида шаклландиган ва у ёки бу шаклда лисоний кўриниш оладиган” ментал бирлик – концепт тушунчаси доирасида ўрганила бошлади.<sup>4</sup>

Концепт, Г.Г.Слышкиннинг таъбирича, тил, онг ва матнни мажмуавий ўрганишга йўналтирилган шартли ментал бирликдир.<sup>5</sup> Ушбу ментал бирлик баҳо фаолиятини юзга чиқарувчи ҳодисага айланади. Бирор объектнинг қийматини белгилаш, баҳолаш истагидаги шахс ушбу объектнинг ўз гавдаси, жисми орқали ҳам идрок этишиш керак бўлади. Н.Д.Арутюнованинг кузатишича, худди шу “ҳис этиш” онги маълум маданият соҳиби бўлган инсон онгида у ёки концепт шаклланишининг ибтидосидир.<sup>6</sup>

Лисоний шахс сифатида ижод қилаётган бадиий асар муаллифининг онгли фаолияти лисоний ва нолисоний омилларнинг ўзаро боғлиқлигида кечади. Воқеа-ҳодисалар моҳияти, тафсилотини аниқ баён қилиш мақсадини кўзлаётган муаллиф асосий концептларга мурожаат қилади ва ўқувчининг диққатини матннинг етакчи мазмунига тортишга ҳаракат қилади. Шу аснода, лисоний ва услубий бирликлар воситасида ҳосил қилинадиган идрок муҳити, оламнинг иккиламчи, яъни бадиий манзарасини кузатиш имконини беради. Бунда матн мазмуни марказида турган концептлар бадиий концепт ниқобини тақади.

Бадиий концепт бошқа турдаги концептлардан қатор хусусиятлари билан фарқ қилади. Баъзи тадқиқотларда ушбу ҳодисанинг “нафақат индивидуал онг, балки маълум этномаданий жамоанинг руҳий-ментал худудига тегишли мураккаб ментал тузилма” эканлиги қайд қилиниб, “янги бадиий мазмун шаклланиши “қурилиш материали” вазифасини бажарадиган ҳамда маданий хотирадан жой оладиган умумий бадиий тажриба” сифатида намоён бўлиши таъкидланади.<sup>7</sup>

Ушбу таърифдан кўринадики, бадиий концепт индивидуал тафаккур маҳсули бўлиши билан биргаликда, социомаданий хусусиятларга ҳам эга. Унинг мундарижасида референт маъно муаллиф эмоцияси қобиғида ифода топади. Ш.Сафаров ишонтираётганидек, нутқий тузилма маъносининг ҳақиқийлиги фақат воқеликдаги ҳолатнинг реаллиги билан боғлиқ бўлиб қола олмайди. Ре-

<sup>1</sup> Маслова В.А. Лингвокультурология. М., “Академия”, 2001, с. 120.

<sup>2</sup> Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании. “Филологические науки”, 2001, № 1, с. 65.

<sup>3</sup> Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. М., “Наука”, 1997, с. 80.

<sup>4</sup> Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. Волгоград, “Перемена”, 2002, с. 118.

<sup>5</sup> Слышкин Г.Г. Лингвокультурные концепты и метаконцепты. Монография, Волгоград, 2004, издательство “Перемена”, с. 21.

<sup>6</sup> Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. М., “Академия”, 1998, с. 181.

<sup>7</sup> Насруллаева Н. Англо-русской-узбекский словарь гендерно маркированных фразеологических единиц. Т., “Наврўз”, 2018, с. 41 – 42.

ференциянинг номаълумлиги бирор-бир тузилманинг маълум тушунчалар ёки концептуал майдон доирасида юзага келадиган бошқа тузилмалар билан мослашувини талаб қилади.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, матн мазмунининг ўзи етарли эмас, балки муаллиф ифодалашни истаётган мазмуннинг эмоционал баҳо қисмини ҳам фаҳмлаш даркор. Бадиий матнда ифода топаётган эмоционал баҳонинг мазмунни тушунишдаги аҳамияти унинг матндаги етакчи маънолар шаклланишидаги иштирокида кўринади. Айрим тадқиқотчилар бадиий концептни “ёзувчи ёки шоир онгидаги бирликнинг бадиий матндаги инъикоси” сифатида қарашни ва унинг “предмет-ҳодисалар моҳиятининг муаллиф томонидан индивидуал талқин қилиниши натижаси” кўринишида англашни маъқул кўрадилар. Бундан бадиий концепт муаллиф дунёқарашини матн тузилиши, унинг таркибий қисмлари орқали юзага чиқариши маълум бўлади. Шунинг учун муаллифнинг олам манзараси ҳақидаги шахсий билими, тасаввурлари ва фикр-мулоҳазалари акс топадиган концептлар мунтазам равишда унинг турли асарларида устуворлик қилиши мумкин. Психолингвист В.А.Пищальникова шу сифат концептларни маълум бир концептуал тизимнинг маъновий универсалияси кўринишида қарашни таклиф этади. Бундай универсалиялар бадиий матннинг етакчи мазмунини шакллантиради.<sup>2</sup>

Юқорида келтирилган фикрларни қиёслаш замирида бадиий матннинг асосий хусусияти унинг матн ва муаллиф фаолияти доирасида намоён бўладиган функционал ҳамда прагматик қиймати эканлигини таъкидлаш мумкин. Бадиий концепт матндан ташқарида, ижодкор шахс фаолиятдан йироқда мавжуд бўла олмайди. Бадиий концептнинг ўзига хослиги куйидагилардан иборат: 1) ушбу турдаги концепт муаллиф менталлигини воқелантирувчи асосий ёки ягона воситадир; 2) бадиий концепт муаллиф ижоди маҳсулигина бўлиб қолмасдан, балки ўқувчининг матнни тушуниши натижаси ҳамдир; 3) матннинг ўқувчи ва муаллиф томонидан идрок этилиши жараёнида ягона бир концептни турлича талқин қилиш ҳолатлари юзага келиши кузатилади; 4) бадиий концептнинг динамик (ҳаракат) хусусияти унга янги мазмун касб этиш ёки уни матнлараро фаолликда янгилаш имкониятини беради; 5) бадиий концептнинг шаклланиши асарнинг умумий экспрессив-эмоционал ғояси билан шартланади; 6) ҳиссиёт истак-орзу, эмоция кабиларни кўзгатувчи воситалар танлови индивидуал мақомига эга бўлади.

Бадиий концепт муаллиф ментал майдонининг элементи эканлиги юқорида қайд этилди. Ушбу концептнинг асосий белгиси – унинг индивидуал, шахсга оид эканлиги ва имкониятларининг чегараланмаганлигидадир. “Сўз руҳий таъсир кўрсатаётиб, бадиий таассуротни уйғотади”, дейиш билан концептнинг яратилиши назарда тутилса, ажаб эмас. Шунинг учун олимлар концепт ҳосил бўлишини воқеликдаги ҳодисаларга нисбатан бажариладиган анализ ва синтез ҳаракатлари билан боғлаб, уни “тафаккур ҳаракати куртаги”, деб баҳолайдилар.<sup>3</sup>

Хуллас, бадиий концептни тил, тафаккур ва матн ҳодисаларини ўзаро алоқадорлигида юза келувчи ментал ҳодиса сифатида талқин қилишни биз ҳам маъқуллаймиз. Концепт тафаккур, онг фаолияти худудига қарашли ҳодиса, тил – концептнинг воқеланиш худуди, матн эса муаллиф ментал ҳаракатлари фаоллашадиган худудлар, оламнинг концептуал манзараси, бизнингча, асосий концептлар ва уларга ёндаш ҳодисалар муносабатида ташкил топади.

Айтганлардан маълум бўладики, матннинг концептуал таҳлили асосий, етакчи концептларни ажратиб олиш билан бошланади. Бунинг учун калит ибора ва сўзларнинг концептуал майдондаги ўрнини аниқлаш керак бўлади. Маълумки, матн мазмунини тушуниш ҳаракатидаги ўқувчи ушбу мазмунни концептуал идрок этади. Концептуал яхлитликни фаҳман англашда матннинг тағмаёносида яширинган ахборот муҳимдир. Ушбу турдаги ахборот “бизнинг олам ҳақидаги олдинги билимимизга асосланади”.<sup>4</sup> Ахборотнинг бу тури “пропозиция” деб аталиб, унинг қаторига муаллифнинг исми-шарифи, асарнинг жанри, унинг яратилиш даври каби қатор нолисоний маълумотлар ҳам киради.

Бадиий матнда концептлар шаклланишини ўрганишда унинг таркибида такрорланиб турадиган лейтмотив сўзлар ёки калит ибораларни ажратиб олиш зарур. Аммо бу хилдаги бирликларни

<sup>1</sup> Сафаров Ш. Семантика. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2013, 60-бет.

<sup>2</sup> Пищальникова В.А. Психолингвистика: хрестоматия. Москва – Барнаул, изд-во Алтайского гос. у-та, 2002, с. 115.

<sup>3</sup> Аскольдов–Алексеев С.А. Концепт и слова. Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. М., “Academia”, 1997, с. 279.

<sup>4</sup> Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. М., “Наука”, 1997, с. 188.

ажратиш мезонлари унчалик аниқ эмас. И.В.Арнольднинг фикрича, “маълум матнда такрорланиб турадиган ва ноодатий муносабатларга киришадиган маъноларнинг семантик, стилистик ва мавзу моҳияти алоҳида”.<sup>1</sup>

**Abdulxayrov Dilshod Pulatovich (Buxoro davlat universiteti; e-mail: [dilshod\\_ab@mail.ru](mailto:dilshod_ab@mail.ru)),  
NEMIS TILI SO‘Z BOYLIGINING OSHISHIDA SHARQ TILLARINING O‘RNI**

***Annotatsiya.** Maqola nemis tilida o‘zlashgan so‘zlarning semantik modifikatsiyalari hosil bo‘lishiga bag‘ishlangan. Unda arab tilidan o‘zlashgan so‘zlar misolida o‘tkazilgan tadqiqot natijasining ba‘zi muhim jihatlari keltirilgan.*

***Аннотация.** Статья посвящена формированию семантических модификаций заимствованных слов в немецком языке. Она содержит некоторые важные аспекты результатов изучения заимствованных слов из арабского языка.*

***Annotation.** The article is dedicated to the formation of semantic modifications of loan words in the German language. It contains some important aspects of the results of the study of loan words from the Arabic language.*

***Kalit so‘zlar:** so‘z boyligi, semantik modifikatsiya, o‘zlashgan so‘zlar, arabcha o‘zlashmalar.*

***Ключевые слова:** словарь, семантическая модификация, заимствования, арабизмы.*

***Key words:** vocabulary, semantic modification, loan words, Arabisms.*

O‘zlashgan so‘zlar til lug‘at tarkibining muhim qismini tashkil qiladi. O‘zlashgan so‘zlarning semantik turlari ham lug‘atning qo‘shimcha boyitilishiga yordam beradi. So‘zlarning tillar orasida o‘zlashishi xalqlarning madaniy, iqtisodiy va siyosiy munosabatlari orqali ham sodir bo‘ladi. Boshqa tillardan so‘zlarni o‘zlashtirish so‘z boyligini boyitishning ikkinchi usuli hisoblanadi.<sup>2</sup> Nemis tilining so‘z boyligi bir xil emas. Sof mahalliy so‘zlardan tashqari, nemis tilida xorijiy leksik elementlarni saralash mumkin. Bu hodisa qonuniydir va uni tarixiy jihatdan tushuntirish mumkin. Barcha xalqlar bir-biri bilan har xil munosabatlarga ega, bu tillarga ham doimiy o‘z ta‘sirini o‘tkazib turadi. Tilshunoslik ko‘p o‘n yillar davomida o‘zlashgan so‘zlar bilan shug‘ullanadi va o‘zlashish usuli, sababi, integratsiyasi, albatta, kelib chiqishi bo‘yicha tasniflanadi. Tilshunoslar nemis tilidagi o‘zlashmalarni bir necha bosqichga davriylashtiradilar: qadimgi nemis adabiy tilidagi lotinizmlar, o‘rta nemis adabiy tilidagi gallitsizmlar, o‘rta nemis adabiy tilidagi italyanizmlar va 18-asrdan boshlab anglitsizmlar.

Bu yerda nemis tilidan o‘zlashtirilgan sharq tillarining ulushini ham eslatib o‘tish kerak. So‘nggi bir necha o‘n yilliklarda arabizmlar, ayniqsa, chuqurroq o‘rganildi. Nemis tilidagi arabizmlar soni unchalik ko‘p emas, lekin o‘zlashgan so‘zlarning aksariyati nemis tili tizimiga juda yaxshi integratsiyalashgan.<sup>3</sup> Mubolag‘asiz, buning uchun tarixdagi eng buyuk hodisa – islomning oltin davri deb atalmish IV asr o‘rtalaridan – XII asr o‘rtalarigacha bo‘lgan tarixiy davr juda katta ahamiyatga ega bo‘ldi. Bu davr boshida arab xalifaligi o‘z davrining eng yirik davlati bo‘lib, uning hududi Yaqin Sharqdan Ispaniyagacha cho‘zilgan. Xalifalikning bir qismi sifatida umumiy islom madaniyati hududi yaratilib, u yerda arab tili xalifalikning barcha xalqlari uchun umumiy tilga aylandi. Buning sharofati bilan o‘sha davr islom ulamolari, yozuvchi va san‘atkorlari jahon ilm-fani va madaniyati rivojiga katta hissa qo‘shdilar. Musulmon san‘atkorlari va olimlari, ishchilari va hukmdorlari birgalikda har bir qit‘ada bevosita va bilvosita ta‘sir ko‘rsatadigan noyob madaniyatni yaratdilar.<sup>4</sup>

Sharq so‘zlarining nemis tiliga o‘zlashtirilishini ana shunday effektlar qatoriga kiritish mumkin. Ilm-fanning rivojlanishi o‘laroq, aynan fanning turli sohalariga taalluqli so‘zlar boshqa yevropa tillari qatori nemis tiliga ham o‘zlashib qolgan. Bunday ajoyib misollar – matematikada ko‘plab atamalar, masalan, *Algebra* – algebra va *Algorithmus* – algoritm kabi so‘zlarni bugungi kunda har bir talaba kundalik o‘qishda ishlatadi. Bu atamalarning kelib chiqishi VIII asrning buyuk olimi, vatandoshimiz Al-Xorazmiy bilan bog‘liq. Al-Xorazmiy “Al-Jabr va al-muqobala” matematik asarining nomi nemis tilida “algabr” sifatida qabul qilingan. “Algabr” iborasi *die Algebra* sifatida abadiy yashaydi.

<sup>1</sup> Арнольд И.В. Семантика, стилистика, интертекстуальность. СПб, изд-во СПбГУ, 1999, с. 130.

<sup>2</sup> U.Tursunov, A.Muxtorov, Sh.Rahmatullayev. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Toshkent, 1992, 173-bet.

<sup>3</sup> Gerhard Müller. Admiral und Laute, Papagei und Zucker. Arabische Wörter im Deutschen. Eine allgemeine Übersicht. Mannheim 2012, 9-bet.

<sup>4</sup> Howard R. Turner. Science in Medieval Islam: An Illustrated Introduction, Texas, 1997, s. 270.

Al-Xorazmiyning hind raqamlari bilan yozilgan arifmetik kitobining lotincha tarjimasining birinchi nusxalari Germaniya zaminida XII asrda paydo bo'lgan. Venaning "Hofbibliothek" nomli kutubxonasi-dagi eng qadimgi qo'lyozma 1143-yilga tegishli; ikkinchisi Salem monastirida topilgan, "*lieber Algorithmi*", "Algoritm kitobi", hozir Geidelbergda saqlanadi. Aynan "Algoritmi" iborasi keyinchalik nemis tilida *der Algorithmus* atamasiga aylandi. Shu tarzda buyuk vatandoshimiz nomi zamonaviy nemis tilida tushuncha sifatida saqlanib qolgan. *Die Ziffer, die Chiffre* yoki *chiffrieren* so'zlari ham arabchadan "bo'shlik" manosi bildiruvchi "as-sifr" so'zidan olingan.<sup>1</sup>

Nemis tilida nafaqat matematikada atamasi sifatida, balki so'zlashuv tilida noaniq, lekin yuqori baholanadigan sonning belgisini bildiruvchi tenglamadagi ma'lum sonni ifodalovchi *das X* so'zi arabchadan kelib chiqqan. Arab alifbosida x harfi yo'qligi sababli uni arabcha deb aniqlashni xohlash yanada imkonsiz ko'rinadi. Baribir, bu shunday. Arablar o'zlari qidirayotgan nomsiz begona "narsa"ni "schai" deb atashgan va bu so'zning qisqartirilgan "sch" shakli avval ispan tiliga o'zlashgan. Qadimgi ispan tilida esa sh tovushi x belgisiga mos keladi. Shu tariqa, ushbu "X" barcha yevropa tillari qatorida nemis tiliga ham kirib o'zlashdi, shuning uchun ham biz hozirda yetti yoshga to'liboq, ushbu iborani o'rganamiz.<sup>2</sup>

Tibbiyot yoki kimyodagi ko'plab atamalar ham arab tilidan olingan. *Die Massage* – massaj yoki *massieren* – massaj qilmoq so'zi arabcha "massa"dan olingan so'z bo'lib, teginish, tegilish degan ma'noni anglatadi. *Der Alkohol* so'zi arabcha "al-kuhl" so'zidan olingan bo'lib, dastlab, ko'zni parvarish qilish uchun zarur bo'lgan nozik surma kukuniga ishora qiladi.<sup>3</sup>

Astronomiyada nafaqat yulduz nomlari, balki arab tilidan ba'zi atamalar ham qabul qilingan. Masalan, *der Zenit* so'zi arabcha "samt ar-ra's" so'zidan olingan bo'lib, "boshning yo'nalishi" degan ma'noni anglatadi. O'zlashgan davrda arabcha so'zning "m" harfi tasodifan xatolik tufayli "n" harfi bilan yozilgan.

Sharq va G'arb o'rtasidagi savdo aloqalari ham sharq tillaridan nemis tiliga so'zlarning o'zlashishi-da muhim omil bo'lgan. Tovar ayirboshlash orqali nafaqat obyektlar, balki ularning nomlari ham o'zlashtirildi. Ko'pgina arabcha so'zlar nemis tilining turli so'z sohaloriga kiradi, masalan, yegulik va ichimlikka oid so'zlari: *alkohol* – *spirt*, *arak* – *arok*, *ayran* – *ayron*, *zucker* – *shakar*, *kandis* – *novvot*, *kaffee* – *kofe*, *mokka* – *mokka*; baqqollikka oid so'zlar: *kattun* – *paxta*, *chiffon* – *shifon*, *satın* – *satın* yoki boshqa so'zlar; attorlikka oid so'zlar: *soda* – *soda*, *benzin* – *benzin*, *watte* – *paxta*, *alkali* – *ishqor*, *muskat* – *muskat yong'og'i*.

Ayrim arabizmlarning nemis tiliga semantik o'zlashtirilishi ham o'ziga xosdir. Ko'p sonli arabizmlar nemis tilida asrlar davomida tanish bo'lgan va bir butun sifatida birlashtirilgan. Barcha leksik-semantik ma'nolar arabcha so'zlardan o'zlashtirilgan emas, balki faqat bittasi. Ushbu qayd etilgan ma'nodan ba'zan boshqa semantik hodisalar, masalan, konnotatsiyalar, idiomalar yoki iboralar rivojlanadi. Bu hodisani, hatto arabizmlar misolida ham isbotlash mumkin: *Zenit*, arabcha "samt ar-ra's" so'zidan olingan bo'lib, "boshning yo'nalishi" degan ma'noni anglatadi. Qabul qilinganda arabcha so'zning "m"ni yozgan. Zamonaviy nemis tilida osmon gumbazining eng baland nuqtasi kuzatuvchining pozitsiyasidan vertikal ravishda yoki yerdagi ma'lum bir mos yozuvlar nuqtasidan yuqorida degan ma'noni anglatadi. Masalan, *Quyosh zenitda*. Lekin so'zlashuv tilida bu so'z hamon eng yuqori rivojlanish, ta'sir nuqtasi sifatida o'zining ikkinchi ma'nosini saqlab qoladi. Olingan yuqori nuqta. Masalan: karerasining cho'qqisiga chiqish – *den Zenit seiner Karriere erreichen*. *Die Ziffer* – raqam arabcha "as-sifr" so'zidan olingan bo'lib, arabchadan "bo'shlik" deb tarjima qilinadi va nemis tilida sonni bildiruvchi yozma belgi va undan esa yuridik matndagi kichik bo'lim – *die Ziffer* – modda yoki shartnoma matnidagi *die Ziffer* – punkt uning keyingi semantik variantidir. Masalan, *Paragraf 8 Ziffer 4 des Gesetzes* – qonunning 8-moddasi 4-bandi. *Der Tarif* – arabcha ta'rif – "arafa" so'zining o'zagidan olingan e'lon – bildirish dastlab to'lovlar va qat'iy narxni e'lon qilishni anglatardi va hozirgi nemis tilida ham kelishilgan va shartnomada belgilangan miqdor va ish haqidan ko'ra ko'proq ma'noga ega. *Das Schach* – shaxmat ikki kishi uchun stol o'yini, ular o'n oltita qora va oq shaxmat donalari (turli xil qiymatlar va turli funksiyalar bilan) bilan qarama-qarshi qirolni juftlashtirish uchun. Lekin nemis tili so'zlashuv tilida *jemanden, etwas in Schach halten* – biror narsani nazoratda ushlab turish, kimnidir xavfli bo'lib qolishiga, (qurol bilan) tahdid qilish, bosim o'tka-zish yoki baquvvat xatti-harakat qilish, zarar yetkazishning oldini olish kabi ma'noni bildiradigan ibora ham bor; *das Kaliber* – kalibr arab tilidan qalib "shakl, model" – quvurlarning ichki diametrini anglatadi, ayniqsa

<sup>1</sup> Sigrid Hunke. Allahs Sonne über dem Abendland. Unser arabisches Erbe. Frankfurt am Main, 1991, 49-bet.

<sup>2</sup> Shu manba. 99-bet.

<sup>3</sup> <https://de.wiktionary.org/wiki/Alkohol>

o'qotar qurolning stvolidan va idioma turi sifatida "nav", "nusxa" degan ma'noni bildiradi: *einem Politiker von solchem Kaliber* bunday kalibrli siyosatchi yoki *dieser Gauner ist das gleiche Kaliber* – bu firibgar boshqa firibgarlarning bir navi kabi; Das Magazin – jurnal so'zi arabcha "mahzan" – ombor so'zidan olingan bo'lib, nemis tilida ham Warenhaus – do'kon yoki Lager – ombor degan ma'noni anglatadi, lekin, ayni paytda, qurollar ichidagi yoki ustidagi o'qdon ham nemis tilida *Magazin* deb ataladi, oxirida bu so'z ko'ngilochar yoki mashhur o'quv jurnallari kabi keyingi semantik o'zgarishlarni ishlab chiqdi. Das Risiko – tavakkal arabcha "rizq" dan, "Allohning marhamatiga bog'liq rizq" tavakkal, xavf sifatida o'zlashtirilgan, *riskieren* – tavakkal qilish kabi boshqa fe'l ham mavjud. Zucker – shakar arabcha sukkar – shakar degan ma'noni anglatadi. Bu so'z bilan nemis so'zlashuv tilida ba'zi idiomalar mavjud: *Zucker sein* – go'zal, yaxshi, ajoyib, g'ayrat va hayratda ajoyib. Masalan: *deine Idee ist Zucker* – sening fikring ajoyib yoki *jemandem Zucker in den Hintern/Arsch blasen* – bironing dumbasiga shakar sepish (qo'pol) – kimgadir xushomad qilish kabi. Tibbiyot tilida *Zucker* qon shakar darajasining qisqa shaklini anglatadi. *Die Tasse* – piyola, arabcha tāsā; *Forscha tašt* – suv havzasi kichik ichimlik idishi sopol kosa og'zaki nutqda esa kamsitivchi *tasse* – zerikarli, shijoatsiz odam degan ma'noni anglatadi. *Nicht alle Tassen im Schrank* – xayoli joyida emas kabi frazeologizmlar paydo bo'lgan. *Das Kabel* – kabel arabcha "habl" – arqon so'zidan olingan bo'lib, zamonaviy nemis og'zaki nutqda kabel televideniya sifatining qisqartirilgan shakli sifatida ishlatiladi. Masalan, *habt ihr zu Hause Kabel?* – uyda kabel television kanallari bormi? *Der Kaffee* – qahva, arabcha "qahva" so'zidan olingan, dastlab, "rezavorlardan pishirilgan ichimlik"ni anglatgan bo'lsa, nemis tilida qahva donalari va undan pishirilgan ichimlikni anglatadi. Biroq *kalter Kaffee* – sovuq qahva kabi idioma ham mavjud bo'lib, ushbu ibora so'zlashuvda uzoq vaqt davomida ma'lum, shuning uchun qiziq bo'lmagan ma'lumotni anglatadi. Kamel – tuya, arabcha "ğamal" so'zidan o'zlashgan bo'lib, ko'chma ma'noda esa ahmoq, tentak degan ma'noni bildiradi.

Arab tilidan o'zlashgan so'zlar soni boshqa tillarga nisbatan unchalik katta emas, ammo arabizmlarning nemis tiliga o'zlashish tarixi o'ziga xosdir. Arabcha o'zlashmalarning asosiy qismi XIX asrgacha nemis tiliga o'zlashgan, ba'zilar nemis tili ichki qonuniyatlariga, jumladan, semantik, grammatik va fonetik jihatdan to'liq moslashib, sof nemis tili so'zlari sifatida qabul qilinadi. XIX asrdan keyin o'zlashganlari, asosan, ilmiy uslubga oid atamalar bo'lib, morfologik xususiyatlariga ko'ra, to'liq moslashmagan va tilda oson seziladi. Nemis tilining leksik-semantik tizimiga arabizmlarning ta'siri ham o'ziga xos. Nemis tilidagi arab so'zlarining ko'pchiligi maxsus leksikaga mansub bo'lsa-da, hozirgi nemis tilidagi so'zlashuv tilida tez-tez qo'llaniladigan semantik o'zgarishlar ham ularning ayrimlaridan kelib chiqqan.

**Хидиров Хошим Ибодуллавич, Турсунова Дилдора Бахромовна**  
(Жиззах Политехника институтининг Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчилари)  
**КАМБАҒАЛЛИК ВА ҚАШШОҚЛИКНИ ТУГАТИШ – КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ**  
**ОЛИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ОМИЛИ СИФАТИДА**

**Аннотация.** Мақолада жамиятнинг долзарб масаласи ҳисобланган қашшоқлик ва камбағалликни тугатиш, унинг салбий омиллари, келиб чиқиши сабаблари, таърифлари ва тушунчаларда акс этиши, бу иллатни бартараф этиши борасида жаҳон амалиётида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилган.

**Аннотация.** В статье рассматривается проблема ликвидации бедности, являющейся актуальной для общества, ее негативных факторов, причин, определений и концепций, а также меры, принимаемые в мировой практике для устранения этого бедствия.

**Annotation.** The article deals with the elimination of poverty, which is a pressing issue of society, its negative factors, causes, definitions and concepts, and the measures taken in world practice to eliminate this scourge.

**Калим сўзлар:** дунё, халқаро, қашшоқлик, камбағаллик, салбий иллат, даромад, ресурс, адолат, соғлиқни сақлаш, таълим, камбағал, фақирона, ишсизлик, иш ҳақининг пастлиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, касалланишининг юқори даражаси, демографик, таълим малакаси, мажбурий миграция ва ҳ.к.

**Ключевые слова:** мир, международный, бедность, бедность, отрицательные пороки, доход, ресурс, справедливость, здоровье, образование, бедные, обездоленные, безработица, низкая заработная плата, низкая производительность, высокая заболеваемость, демография, образовательные навыки, вынужденная миграция и т.д.



**Key words:** *world, international, poverty, poverty, negative vices, income, resource, justice, health, education, poor, destitute, unemployment, low wages, low productivity, high morbidity, demographics, educational skills, forced migration and so on.*

Ҳар бир инсон фаровон ва бахтли яшашга ҳақли. Инсонларни яхши яшашга интилдани учун айблаб бўлмайди. Айна вақтда, камбағаллик домига тушиб қолган ҳар бир фуқародан ҳам ўз ҳаётини ўзгартиришга бўлган кучли хоҳиш, янгиланишлардан кўрқмаслик ва доимо олдинга интилиш талаб этилади. Зеро, қарс икки қўлдан чиқади.

Қашшоқлик<sup>1</sup> деб инсоннинг нормал ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромад ва ресурсларнинг адолатсиз тарзда тақсимланиши туфайли етишмаслиги, соғлиқни сақлаш, таълим ёки бошқа асосий хизматлардан фойдаланишда асоссиз чекловларнинг ўрнатилганлиги, яшаш учун тураржойнинг йўқлиги туфайли ижтимоий тенгсизлик шароитида яшаётган инсонларнинг фақирона турмуш тарзига айтилади.

Камбағаллик<sup>2</sup> – бу индивидуал ёки ижтимоий гуруҳнинг тирикчилик учун керакли нарсаси етарли бўлмаган, меҳнат қилиш ва авлодини давом эттириш қобилиятини сақлаб қолишига имконият яратилмаган муҳтожликда яшовчи қашшоқ, фақир, бечора кишиларнинг яшаш тарзидир деган таърифларни берган. Шунга мувофиқ тарзда камбағаллик ва қашшоқликнинг жамиятда коррупциянинг мавжудлик шаклларига қараб келиб чиқиш сабабларини қуйидаги: иқтисодий (ишсизлик, иқтисодий тенгсизлик, шу жумладан, иш ҳақининг пастлиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги); ижтимоий ва тиббий (ногиронлик, қарилик, касалланишнинг юқори даражаси); демографик (тўлиқ бўлмаган оилалар, оилада қармоғида бўлганларнинг кўплиги, аҳоли сонининг кўпайиши); таълим малакаси (таълимнинг паст даражаси, касбий тайёргарликнинг етарли эмаслиги); сиёсий (ички ва ташқи можаролар, мажбурий миграция); минтақавий-географик (минтақаларнинг нотекис ривожланиши); диний, фалсафий ва психологик (ҳаёт тарзи сифатида аскетизм, аҳмоқлик) каби гуруҳларга ажратган. Шунга кўра, дунёда камбағаллик ва қашшоқликнинг ижтимоий тенгсизликни келтириб чиқариши ва унинг ўсиб боришига: бадавлат кишиларнинг солиқ тўлашдан бўйин товлаши; ишчилар иш ҳақининг камайтирилиши; иш ҳақининг минимал ва максимал даражалари ўртасидаги фарқнинг ошиши сабаб эканлиги аниқланган.

Кенг жамоатчилик ва давлат ҳокимияти томонидан юқорида санаб ўтилган сабаблар ва улар келтириб чиқарадиган оқибатларни тугатиш мамлакатимизда коррупциянинг олдини олишнинг энг ишончли объектив омилларидан бири ҳисобланади. БМТ камбағаллик чегарасини асосий товар ва хизматлар (озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар жой ҳақини тўлаш, сув билан таъминлаш, электр энергияси, мактаб таълими, тиббий хизмат) учун зарур бўлган даромадлар сифатида белгилайди.

Камбағаллик даражаси нисбий тушунча саналади ва муайян мамлакатдаги умумий фаровонлик даражасига боғлиқ. Камбағаллик мутлақ ва нисбий каби турларга бўлинади. Мутлақ камбағалликда кун кечирувчи одамлар биологик тирик қолишни таъминлайдиган минимал эҳтиёжларнинг на қондиришлари мумкин.

Қашшоқлик – бу ҳаёт учун муҳим бўлган, энг зарур минимал эҳтиёжларни қондира олмай диган, ишга лаёқатли бўлиб, ўз наслини давом эттириши мумкин бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳни иқтисодий ҳолатининг ўзига хос хусусияти.

Қашшоқлик нисбатан бир тушунча бўлиб, маълум бир жамиятдаги умумий ҳаёт стандартларига боғлиқ. Маълум бўлган қашшоқлик меъёрларининг асосини, пул таъминоти кўрсаткичларини умумлаштирувчи, масалан, энг минимал даражада имконияти бўладиган оилавий даромад ёки истеъмол харажатларининг минимал миқдори каби кўринишда бўлади.

---

<sup>1</sup>Қашшоқ – ўта камбағал, фақир; фақирона деган маъноларни англатиб, инсонларнинг қашшоқ ҳолати, қашшоқ турмуш тарзи тушунилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд, Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008, 269-бет.

<sup>2</sup> Камбағал (форс-араб. – қашшоқ, йўқсил). 1. Муҳтожликда яшовчи, тирикчилик учун керакли нарсаси етарли бўлмаган, қашшоқ, фақир, бечора. 2. Етарли бўлмаган; кам, етишмайдиган. 3. Кўчма маънода. Мушкул ёки аянчли аҳволга тушиб қолган киши; шўрлик; бояқиш, бечора. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд, Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006, 306-бет.

Мутлақ қашшоқлик, аҳолининг турли гуруҳлари даромадларининг маълум бир минимал қийматга этиб бормаганлиги билан изоҳланади, энди у расмий равишда энг кам иш ҳақи ҳисобланади.

Нисбатан қашшоқлик, ёки совет терминологиясида, ишчиларнинг нисбий қашшоқлиги – бу шахснинг ёки оиланинг даромади маълум бир мамлакатнинг ўртача даромадидан ёки харажатларидан пастроқ бўлиши тушунилади. Яъни, одамлар очарчиликда қолмайдилар, аммо «ўртача пастда» яшайдилар, ўзларини кўп нарсадан маҳрумдай ҳис қиладилар.

Қашшоқлик даражаси – бу аҳоли жон бошига тўғри келадиган, ҳаёт кечириш учун даромади паст бўлган, одамлар сонининг бутун аҳолига нисбати.

Қашшоқликнинг туби – бу қабағал оилаларнинг ҳаёт кечириш учун энг кам даромаддан ҳам пастга тушиб кетиш даражаси.

Фақирликнинг чегараси – камбағаллик чегарасининг 50% дан, яъни истеъмол минимумидан ошмайдиган жонбоши даромади.

Қашшоқликни ўлчаш осон эмас. Учта асосий ёндашув мавжуд. Улардан бири асосий озик-овқат, асосий эҳтиёж ва кийим-кечак истеъмолини аҳоли томонидан баҳолашдир.

Иккинчи ёндашув – аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида давлат статистика идораси, масалан, «Росстат» (собик давлат статистика кўмитаси) томонидан белгиланадиган ва аҳоли ўртасида даромадлар ва харажатлар бўйича расмий статистик маълумотдир. 2003 йилда 44,5 мингдан ортиқ оилаларнинг сўнгги йирик тадқиқотлари ўтказилди (НОБУС «Аҳоли фаровонлиги ва унинг ижтимоий дастурларда иштироки» мавзусидаги миллий сўров натижалари асосида). Бу каби статистик сўровномалар, «минирўйхатга олиш»лар жамоатчилик фикрини ўрганиш эмас, улар фақат масаланинг амалий томони билан боғлиқ, яъни, сиз қанча даромад оласиз, қанча сарф қиласиз ва ҳоказо.

Нихоят, учинчи ёндашув – бу даромад ва харажатларнинг жисмоний кўрсаткичларини эмас, балки моддий бойликлари, моддий муаммолари ва турмуш тарзи кўрсаткичларини баҳоловчи оммавий сўровлар.

Кўп ҳолларда, қашшоқлик таҳлил қилинганда, қашшоқлик тарқалишининг халқаро мезонларини, хусусан, БМТнинг тавсияларини қўллайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури 1990 йилдан буён, халқаро таққослашлар учун Жаҳон банкининг мезонлари – харид қобилияти паритетининг миқдори, АҚШ доллари миқдоридида қўлланилади. Шундай қилиб, аҳоли жон бошига кунига 1 доллардан камроқ истеъмол сарфи қашшоқликни англатади. Кариб денгизи учун кунига 2 доллар камбағаллик чегараси қабул қилинади, Шарқий Европа ва МДХ учун – 4 АҚШ доллари. Баъзан бир кунига 1, 2, 15 ва 4,3 доллар даражаси қўлланилади.

Натижада экспертлар ўрганилаётган қашшоқ мамлакатларнинг олтитасида камбағаллик даражаси кунига бир киши учун 1 долларга яқин кўрсаткични ташкил қилади. Бу кўрсаткич илк халқаро қашшоқлик чегараси сифатида қабул қилинади.

Дунё мамлакатларидаги ҳаёт қийматидаги тафовутлар ортиб боргани сабабли, Жаҳон банки глобал камбағаллик кўрсаткичини вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш заруриятига дуч келди. 2005 йилда банк дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларида қабул қилинган камбағаллик даражаси асосида ана шу кўрсаткични қайта ҳисоблади. Натижада глобал қашшоқлик чегараси 1,25 долларгача кўтарилди. 2015 йилда чегара қайта кўриб чиқилди ва 1,9 долларгача ортди. Бундан ташқари, Жаҳон банкида ўртадан паст, ўрта ва юқори – 3,2 доллар, 5,5 доллар ва 21,7 доллар даромадларга эга мамлакатлар учун камбағалликнинг юқори даражалари қабул қилинган. Банк мутахассислари бу кўрсаткичлар пул мезонларига асослангани ва улар таълим олиш, соғлиқни сақлаш хизматлари ва сув ҳамда электр энергияси билан таъминланганлик каби жиҳатларни ҳисобга олмаслигини таъкидлашади.

1990 йилдан бошлаб, ҳар йили Жаҳон банкининг «Камбағаллик ва ялпи фаровонлик» маърузалари эълон қилинади. Сўнгги маъруза 2018 йилнинг октябр ойида чиқарилган. Ундаги асосий кўрсаткич қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 доллар миқдоридида эканидир. Бироқ қашшоқлик бўйича янги таъриф ва ўлчамлар киритилмоқда. Жумладан, ижтимоий камбағаллик. Бу кўрсаткич мутлақ ва нисбий камбағаллик концепциясини бирлаштиради. Бундан ташқари, камбағаллик даромадлар даражаси бўйича коммунал хизматлар (сув, электр энергияси), соғлиқни сақлаш ёки таълим олиш имкониятини акс эттирмагани учун кўп ўлчамли камбағаллик кўрсаткичи киритилди. Ана шу тушунчага мос равишда, глобал даражадаги камбағаллар улуши монетар камбағаллик билан таққослаганда, тахминан, 50 фоизга юқорирок.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 736 миллион киши (аҳолининг 10 фоизи) ўта қашшоқлик шароитида (қунига 1,9 доллардан кам қиримга эга), дунё аҳолисининг деярли ярми – 3,4 млрд киши – қунига 5,5 доллардан кам тушумга эга. Қашшоқлик даражаси энг юқори қитъа Африка, сайёрадаги энг қашшоқ мамлакатлар – Конго Демократик Республикаси (ўта қашшоқлик даражаси – 77,1 фоиз) ва Мадагаскар (77,6 фоиз).

Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш бўйича Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт дастури билан биргаликда дастур ишлаб чиқишни режалаштирмоқда. Уни амалга ошириш учун 700 миллион доллар маблағ йўналтирилади. «Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 12–15 фоиз ёки 4–5 миллион аҳолимиз камбағал. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10–13 минг сўмдан ошмаяпти, дегани. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, қийинтириши каби ҳаётини эҳтиёжлари нима бўлаяпти, деган савол ҳар куни қийнайди», – деганди Шавкат Мирзиёев.

Камбағалликка қарши курашиш бўйича Европа ташкилоти (ЕАПН) инсонларни камбағалликка олиб келувчи бир нечта муҳим омилларни кўрсатади. Жумладан, ишсизлик, таълимнинг паст даражаси, ногиронлик, тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти ва ҳ.к. Мутахассислар фикрича, ушбу барча ҳолатлар камбағалликка қарши курашишда эътиборга олинishi лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг камбағалликка қарши кураш борасидаги халқаро доирадаги ушбу ташаббуси, шубҳасиз, ўзининг долзарблиги ва айни вақтида билдирилгани билан диққатга сазовордир. Зеро, Ер юзиде пандемия давом этаётган мураккаб шароитда масаланинг бундай қўйилиши барча давлатлар учун муҳимдир.

**Bazarbayev Murotjon Xolmamat o'g'li**

**(TATU Urganch filiali assistent-o'qituvchisi; [bmurotjonx@gmail.com](mailto:bmurotjonx@gmail.com)),**

**Quramboyev Akbar Islomboyevich**

**(TATU Urganch filiali assistent-o'qituvchisi; [akbarshoxquramboyev@gmail.com](mailto:akbarshoxquramboyev@gmail.com)),**

**Madaminov Uktamjon Ataxanovich (TATU Urganch filiali assistent-o'qituvchisi; [uktam9527@gmail.com](mailto:uktam9527@gmail.com))**

**TA'LIMDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH**

***Annotatsiya.** Ushbu ilmiy maqolada ta'lim tizimi uchun bugungi kunda keng qo'llaniluvchi zamonaviy axborot texnologiyalari va ulardan foydalanish metodikasi, dars jarayonlarining samaradorligida bu texnologiyalarning tutgan o'rni haqida batafsil yoritib berilgan. Shu bilan birga, bugungi kunda yetuk mutaxassislarini tayyorlash uchun amaliy ko'rsatmalar va bunda axborot texnologiyalarning tutgan o'rni haqida aytib o'tilgan.*

***Аннотация.** В данной научной статье подробно описаны современные информационные технологии и методы их использования, которые сегодня широко используются в системе образования, роль этих технологий в учебном процессе. В то же время существуют практические рекомендации по подготовке ведущих специалистов сегодня, а также роль информационных технологий в этом.*

***Annotation.** This scientific article describes in detail the modern information technologies and methods of their use, which are widely used today for the education system, the role of these technologies in the teaching process. At the same time, there are practical guidelines for the training of leading specialists today, as well as the role of information technology in this.*

***Kalit so'zlar:** texnologiya, ta'lim, axborot, pedagogika, online, zamonaviy, an'anaviy, internet.*

***Ключевые слова:** технологии, образование, информация, педагогика, онлайн, современный, традиционный, интернет.*

***Key words:** technology, education, information, pedagogy, online, modern, traditional, internet.*

Mazkur ilmiy maqola bakalavriatura ta'lim yo'nalishlarida o'qitiladigan «Ta'limda raqamli texnologiyalar» o'quv fani bo'yicha yozilgan bo'lib, bo'lajak mutaxassislar egallashi kerak bo'lgan bilimlar va ko'nikmalar majmuyini o'z ichiga oladi.

Ta'lim jarayonida raqamli texnologiyalarni qo'llash talabalarni o'quv jarayonida foydalaniladigan axborot-kommunikatsion texnologiyalari va ularning nazariy asoslarini, o'quv jarayonini axborot-kommunikatsion texnologiyalari asosida tashkil qilinishi bilan tanishtirish, pedagogik va amaliy dasturiy ta'

minot yordamida didaktik o'quv materiallarini tayyorlash bo'yicha bilim va ko'nikmalarini shakllantirish, internet tarmoqlariga joylashtiriladigan materiallarni qo'llash bo'yicha malakalarni takomillashtirish.

Ta'limda raqamli texnologiyalardan foydalanish zamonaviy axborot-kommunikatsion texnologiyalari, hususan, kasb ta'limida hozirgi holati va taraqqiyot tendensiyalari to'g'risida dolzarb axborotlar berish, pedagog amaliy instrumentlari – dasturiy majmualar va axborot resurslari bilan ishlash ko'nikmalarini shakllantirishda katta ahamiyat kasb etadi.<sup>1</sup>

Bugungi kunda oliy ta'lim muassasalarida o'tiluvchi «Ta'limda raqamli texnologiyalar» fani bo'yicha 5350400 AKT sohasida kasb ta'limi 3-kurs talabalari uchun talabalarga ta'lim sohasida zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish, ularni amaliyotda qo'llash ko'nikma va malakalarini shakllantirish, raqamli texnologiyalar bo'yicha bilimlarini rivojlantirishdan iboratdir.

Shu va shu kabi fanlar doirasida fanni o'qitish bo'yicha yangi pedagogik va axborot texnologiyalaridan unumli foydalanish, nazariy ma'lumotlar, amaliy misollar, savol va topshiriqlar, ko'rgazmalilik bilan mustahkamlangandagina chuqur bilimga ega bo'lish mumkin. Shu ma'noda, ta'limda raqamli texnologiyalarni qo'llash yuqorida keltirilgan talablarga to'la javob bera oladi. Talabalarining «Ta'limda raqamli texnologiyalar» fanini o'zlashtirishlari uchun o'qitishning ilg'or va zamonaviy usullaridan foydalanish, yangi axborot-kommunikatsiya va pedagogik texnologiyalarini tatbiq qilish muhim ahamiyatga egadir. Shu o'rinda aytish joyizki, talabalar o'quv qo'llanma yordamida axborot texnologiyalari va uning rivojlantirish tarixi, multimediani qo'llash didaktikasining asosiy xususiyatlari, ijodiy fikrlashni rivojlantirish bo'yicha axborot texnologiyalarni imkoniyatlari, ta'lim tizimini axborotlashtirishning psixologik aspektlari, elektron o'quv kursining modeli, uni yaratishda gipermatn texnologiyasining imkoniyatlari, elektron o'quv kursini amalga oshirish shakllari va uning o'quv-tarbiyaviy jarayondagi o'rni, office paketlarining online va offline tarzda ishlovchi dasturlari yordamida elektron o'quv materiallari yaratish texnologiyasi va boshqa ko'plab yangi texnologiyalar to'g'risida bilimlarga ega bo'lishlari mumkin.<sup>2</sup>

Raqamli texnologiyalar hayotimizga shunchalik singib ketdiki, bugungi kunda nafaqat kundalik faoliyatimiz, balki ijtimoiy-iqtisodiy sohalar rivojini ham ularsiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Tabiiyki, boshqa sohalarda bo'lgani singari raqamli texnologiyalarni soliq ma'murchiligida joriy etish ham uning faoliyatini tubdan o'zgartirmoqda. Bu nafaqat soliq to'lovchilar va soliq organlari o'rtasidagi munosabatlar bilan bog'liq bo'lib qolmay, balki deklaratsiyalarni taqdim etishdan tortib, to'loqlarni to'lash va ma'lumotlarni saqlash usullarigacha ham yangilikliklar kiritaydi. Xususan, tizimda yagona elektron platformani yaratish orqali ma'lumotlarni kiritish, to'plash, shakllantirish, tahlil qilishning zamonaviy uslubi yo'lga qo'yildi. Buning natijasida soliq hisobotlarini topshirish jarayoni 5–7 barobarga qisqardi. Ayni kezda, 112 guruh va 1348 tovar va xizmatlar sinfidan iborat bo'lgan O'zbekiston Respublikasi tovarlar va xizmatlarining yagona elektron tasniflagichi uchun web-portal joriy qilingan. Mahsulotlar va xizmatlar identifikatsiya kodlari yordamida 900 mingdan ortiq elektron hisob-fakturalar yaratilgan.<sup>3</sup>

Ma'lumot uchun artificial intelligence, ya'ni, sun'iy aql – informatikaning alohida sohasi bo'lib, kompyuter yoki mashinaning inson ongidagi imkoniyatlarga taqlid qilishi, sodda qilib aytganda, sun'iy aql kompyuterlarni odam kabi o'ylash va yechim topishga yo'naltirilgan texnologiya hisoblanadi. Big Data – salmoqli ma'lumot atamasi kuniga 100 gigabaytdan ko'p ma'lumot tushadigan oqimlarga nisbatan qo'llanib kelgan. Keyinchalik, ma'lumotlarning keskin ko'payishi oqibatida bu tushuncha yanada keng qamrov kasb eta boshladi. Ushbu atama, odatda, 2 terabayt, ekzabayt va petabaytlar darajasidagi katta hajmdagi ma'lumotlarga nisbatan qo'llaniladi.

Ta'limda axborot texnologiyalaridan foydalanish o'qituvchilarga o'quvchilarni ancha oson o'qitish imkonini berdi. Audio va vizual materiallardan foydalanish orqali talabalar o'qitiladigan mavzularni yaxshiroq tushunishlari mumkin. Sinfda o'qitiladigan nazariyani ko'rsatish va amaliy jihatini qo'yish endi ancha osonlashdi. Shunday qilib, sekin o'rganuvchilar sinfda dastlab o'rgatilgan narsalarni tushunganlar bilan uchrashish imkoniyatiga ega. Shu o'rinda, masofadan o'qitishga ham qisqacha to'xtalib o'tsak. No'yob talablarga ega bo'lgan o'zgaruvchan aholiga moslashish uchun ta'lim muassasalari ushbu yangi demografik holatni qondirish uchun ta'limda axborot texnologiyalaridan foydalanishdi. Onlayn kurslar band bo'lgan va yosh aholining ko'pchiligiga sinfga qaytish va ikkinchi daraja yoki qo'shimcha sertifikatlar

<sup>1</sup> A.X.Nishanov, O.R.Allaberganov, U.A.Madaminov. Mobil ilovalarni ishlab chiqish. O'quv qo'llanma, Urganch, 2021.

<sup>2</sup> Information communication technology (Concepts and Application). Yekini Nureni Asafe Department of Computer Technology Yaba College of Technology. 2014, 288 p.

<sup>3</sup> Информационные системы и технологии. ISBN: 978-5-4365-0203-8. 06 декабря 2018, 125 c.

olish imkonini berdi. Chet eldagi kollejda o'qishni, hatto o'z mamlakatingizdan tashqariga chiqmasdan ham va o'zingiz uchun qulay bo'lgan vaqtda o'qish mumkin. Texnologiyadan foydalangan holda, talaba yozuvlarini yanada tizimli va xavfsizroq saqlash mumkin. Ilgari yozuvlar qo'lda yuritiladigan va fayllarni yo'qotish hollari ko'p bo'lgan vaqtlardan farqli o'laroq, ta'limga axborot texnologiyalarining kiritilishi hujjatlarni xavfsiz va to'g'ri yuritish imkonini berdi. Shunday qilib, ma'lumot olish ancha osonlashdi.<sup>1</sup>

Videokonferensaloqa texnologiyasi yordamida o'qituvchilar virtual darslarni osongina o'tkazishlari va istalgan vaqtda istalgan joydan talabalarga yuqori sifatli o'rganish tajribasini taqdim etishlari mumkin. Bundan tashqari, u ota-onalar, o'qituvchilar va boshqa xodimlar o'rtasidagi aloqani yaxshilaydi, chunki PTA yig'ilishi, konferensiyalar, o'quv mashg'ulotlari va boshqalar ishtirokchilarning jismoniy mavjudligini talab qilmasdan osongina o'tkazilishi mumkin.

Axborot texnologiyalari ta'lim sanoati uchun son-sanoqsiz imtiyozlarni taklif etadi. To'g'ri amalga oshirilsa, u o'quvchilarning o'rganish tajribasini oshiradi, o'qituvchi, talabalar va ota-onalar o'rtasidagi aloqani yaxshilaydi, shuningdek, administrator va boshqa xodimlarning samaradorligini oshiradi. "Har qanday joyda o'rganish" texnologiyasi bilan ta'minlangan kontseptsiya, shuningdek, o'quvchilarning faqat mahalliy ta'lim institutlariga ariza topshirishdan ko'ra, butun dunyo bo'ylab istalgan institut tomonidan taklif qilinadigan kurslarga yozilishlarini ta'minlaydi. Buning afzalliklari orasida kengaytirilgan kurs takliflari va turli xil kelib chiqishi, madaniyati va nuqtayi nazaridan hammualliflar va talabalar bilan raqamli muloqot qilish imkoniyati mavjud.

Axborot texnologiyalari yordamida fanlarni o'qitish bo'yicha yangi pedagogik va axborot texnologiyalaridan unumli foydalanish, nazariy ma'lumotlar, amaliy misollar, savol va topshiriqlar, ko'rgazmalilik bilan mustahkamlangandagina chuqur bilimga ega bo'lish mumkin. Talabalarning «Ta'limda raqamli texnologiyalar» fanini o'zlashtirishlari uchun o'qitishning ilg'or va zamonaviy usullaridan foydalanish, yangi axborot-kommunikatsiya va pedagogik texnologiyalarini tatbiq qilish muhim ahamiyatga egadir. Shu o'rinda aytish joyizki, talabalar o'quv qo'llanma yordamida axborot texnologiyalari va uning rivojlanish tarixi, multimediani qo'llash didaktikasining asosiy xususiyatlari, ijodiy fikrlashni rivojlantirish bo'yicha axborot texnologiyalarning imkoniyatlari, ta'lim tizimini axborotlashtirishning psixologik aspektlari, elektron o'quv kursining modeli, uni yaratishda gipermatn texnologiyasining imkoniyatlari, elektron o'quv kursini amalga oshirish shakllari va uning o'quv-tarbiyaviy jarayondagi o'rni, ofis paketlarining online va offline tarzda ishlovchi dasturlari yordamida elektron o'quv materiallari yaratish texnologiyasi va boshqa ko'plab yangi texnologiyalar to'g'risida bilimlarga ega bo'lishlari mumkin.<sup>2</sup>

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, oliy ta'lim tizimlari so'nggi bir necha o'n yilliklarda sifatli ta'limning ortib borayotgan talablarini qondirish uchun jadal rivojlandi. AKT sohasidagi jadal yutuqlar oliy ta'lim sohasini talabalar va o'qituvchilarga yanada yaxshi xizmat ko'rsatishga yordam berdi. Ta'lim jarayonida raqamli texnologiyalarni qo'llash orqali nafaqat darsning sifat darajasini, balki talaba-yoshlarning fang abo'lgan qiziqishini oshirishi, esda saqlab qolish qobiliyatini rivojlantirishi, ilmiy va ijodiy tafakkurini o'stirishi, mustaqil fikrlash va raqamli texnologiyalar yordamida o'rgangan bilimlarini amaliyotga keng tatbiq qila olish ko'nikmalariga ega bo'lishlariga katta yordam beradi.

**Аширов Валижон Илхомович (Навоий Давлат Педагогика институти Миллий ғоя маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси; e-mail: [valiashirov21@gmail.com](mailto:valiashirov21@gmail.com))**  
**НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ ДЕМОГРАФИК-МИГРАЦИОН ЎЗГАРИШЛАР**  
**ДИНАМИКАСИ**

**Annotatsiya.** *Maqolada Navoiy viloyatidagi demografik jarayonlardagi o'zgarishlar aholining etnik tarkibi, aholi ko'chishi va ko'chib kelishiga oid bo'lgan muammolar va takliflar o'rin olgan.*

**Аннотация.** *В статье рассматриваются изменения демографических процессов в Навоийской области, вопросы и предложения, связанные с этническим составом населения, внутренней и внешней миграцией.*

**Annotation.** *The article discusses changes in demographic processes in Navoi region, issues and proposals related to the ethnic composition of the population, migration and migration.*

<sup>1</sup> Richard Fox. Information Technology An Introduction for Today's Digital World. ISBN 9780367820213. August 21, 2020, 582 p.

<sup>2</sup> Ronghuai Huang J. Michael Spector, Junfeng Yang. University of North Texas Denton USA. Introduction to Educational Technology. 28 February, 2019.

**Калит сўзлар:** Республика, вилоят, демография, ички ва ташқи миграция, динамика, аҳоли ўсиши, ривожланиш.

**Ключевые слова:** Республика, регион, демография, внутренняя и внешняя миграция, динамика, рост населения, развитие.

**Key words:** Republic, region, demography, internal and external migration, dynamics, population growth, development.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтакаларнинг табиий ва демографик тараққиётида аҳоли, хусусан, инсон омили масаласи, унинг турмуш тарзини ҳисобга олиш давлат сиёсатида устувор вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "...мамлакатимиз иқтисодий қудратининг ўсиши, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга, айниқса, қишлоқ жойларда бунга эришиш – авваламбор, мамлакатимиз ҳудудларининг комплекс ва изчил ривожланиши билан белгиланишини яхши тушунамиз. Бу – бизнинг ҳам яқин, ҳам узоқ муддатли истиқболдаги вазифамиздир".<sup>1</sup>

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-демографик ҳолати, хусусиятлари, меҳнатга лаёқатли аҳолининг мутлақ юқори даражада ўсиши ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш муаммолари долзарб масалалардан эди. Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, ёшларга нисбатан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, уларга оид давлат сиёсати изчил равишда амалий ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда ёшлар ижтимоий-сиёсий куч сифатидаги фаолиятининг муҳимлиги ва амалий аҳамияти, Ўзбекистонда бу даврда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ислохотлар, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини модернизациялаш ва янгилаш масаласи билан чамбарчас боғлиқлигида ҳисобланади. Ўзбекистонда замонавий демографик вазиятнинг характерли қирраларидан бири меҳнатга лаёқатли аҳолининг мутлақ юқори даражада ўсиши бўлиб, бу унинг бандлигини таъминлаш муаммосини оширади.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикасининг саноат шаҳарларидан бири Навоий вилояти демографик ҳолати бўйича ўзига хос ҳисобланади, албатта. Сабаби вилоятда бугунги кунда 80 дан ортиқ миллат ва илтипат вакиллари истиқомат қилиб келади. Вилоят динамикасида туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш, аҳоли миграцияси каби демографик жараёнларни турли жиҳатларини ҳам эътиборга олиш талаб этилади. Сабаби ХХ асрнинг иккинчи ярмида аниқроғи "1970–1980 йилларда Ўзбекистонда 80 та янги шаҳар вужудга келди".<sup>2</sup> Ушбу даврда ҳудуддаги йирик саноат шаҳарлари қаторига Зарафшон, Учқудук, Зафаробод шаҳарларини киритишимиз мумкин.

Чунончи, вилоят Республикамизда янги индустриал шаҳарлардан бири бўлиб, саноатлаштирилган ҳудуд сифатида ташкил топган эди. Бу жараён аҳолининг демографик вазиятида бевосита кўзга ташланади. Зеро, вилоятнинг ҳар бир саноат шаҳарлари ўзига хос ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, иқтисодий ислохотларнинг бориши, географик жойлашуви, табиий шарт-шароити, ишлаб чиқариши ҳамда демографик салоҳияти, жумладан, аҳоли зичлиги, улар ривожланишини таъминловчи кўрсаткичлар билан аниқланади.

Демографик жараёнлар мураккаб ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазиятга боғлиқ бўлиб, мамлакат аҳолиси ўртасидаги туғилиш, ўлим, табиий кўпайиш ва миграцияда ўз аксини топади. Бугунги кунга қадар дунёдаги барча мамлакатлар аҳолисининг ёш таркибида сезиларли ўзгаришларни бошидан кечирган ва бу ҳолат ҳали ҳам давом этмоқда. Сўнгги йилларда олиб борилган кўплаб тадқиқотлар ривожланаётган мамлакатлар учун иқтисодий ўсишнинг жадаллашувида аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар жуда аҳамиятли эканлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий янгилашнишлар, аҳоли демографик ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, унинг миллатлараро муносабатларга таъсирини атрофлича илмий таҳлил этиш эҳтиёжи борлигини кўрсатди. Демографик ҳолат аҳолининг умумий сонидан меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг катта улуши мавжудлиги туфайли эришилиши мумкин бўлган иқтисодий ўсишни тавсифлайди. Ушбу ҳолатда мамлакатдаги демографик вазият асосий ҳаракатлантирувчи омил ҳисобланади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг ҳаётбахш манбаи. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т., НМИУ, 2018, 72-бет.

<sup>2</sup> Бобоҷонова Д.Б. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Тошкент, "Шарқ", 1999, 114-бет.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сонли “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 10 январдаги ПФ-5623-сонли “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5655-сонли “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сонли “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Саноат соҳасидаги ўзгаришларни амалга ошириш ва шу билан ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий комплекс тизимни ривожлантириш иқтисодиётни етакчи тармоқларини ривожлантириш билан биргаликда, ишлаб чиқариш ҳудудларидаги ишчиларнинг турмуш тарзига ҳам ижобий таъсир этмоқда. Вилоятлар орасида энг ёш, саноат тараққиётида олдинги ўринларда турувчи Навоий вилоятида ҳам мустақилликдан сўнг ва бугунги кунда ҳам бирмунча ишлаб чиқариш саноатлаштириш соҳаларидаги ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Сабаби саноат ишлаб чиқариш ресурсларининг ортиб бориши натижасида асосий миграцион оқимларни қишлоқдан шаҳарга ва шаҳарлараро йўналишга эга бўлиб, бошқа ҳудудлардан аҳолини кўчиб келиши кейинги йилларда кўпайиб бормоқда. Буни қўйдаги статистик жадвал орқали ҳам билишимиз мумкин.

**Навоий вилоятига 2015–2018 йилларда кўчиб келган аҳоли сони<sup>2</sup>**

Вилоят	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
Навоий вилояти	11752	12104	13047	13145

Навоий вилоятидаги демографик жараёнларда аҳоли миграциясининг роли масаласида икки асосий йўналишни кўрсатиш мумкин. Бу йўналишлар бир-биридан нафақат аҳамияти, балки миқдори жиҳатидан ҳам сезиларли фарқ қиладиган ички ва ташқи миграцион оқимлардир. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ташқи миграцион алоқалар совет тузуми давридаги чеклашлар олиб ташланганлиги сабабли ички миграцияга нисбатан катта аҳамиятга эга бўла бошлади. Асосий миграцион жараёнлар кўпроқ саноат шаҳарларида кузатилади. Сабаби, ишлаб чиқариш тармоқларининг кенгайиб бориши натижасида аҳоли яшайдиган янги меҳнат гузарлари вужудга келди. Бундан ташқари, кўчиш ва кўчиб келишни ўсиб бораётган ҳолда ҳам кузатиш мумкин.

**Навоий вилоятидаги 2019 йилги миграцион ўзгариш<sup>3</sup>**

Вилоят	Жами кўчиб келганлар	Республика ҳудудларидан	Ҳудуд ичидан	Хорижий давлатлардан
Навоий	10540	3328	7091	121
Андижон	7588	1017	6549	22
Наманган	5052	1125	3867	60

Статистик маълумотларга таянган ҳолда, Республикаимизнинг энг аҳоли зич вилоятларининг айримлари билан солиштириб кўрадиган бўлсак, вилоятга кўчиб келганлар сонини ушбу ўринда етакчи ўринда турганлиги қайд этилади. Шу билан биргаликда, кейинги йилларда аҳолининг ижтимоий турмуш шароитини эътиборга олган ҳолда, вилоятнинг географик тузилишида ҳам ўзгариш юзага келди.

Президентимизнинг 2018 йил 2 март куни Навоий вилоятига ташрифи давомида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ҳар томонлама юксалтиришга қаратилган қатор янги ғоялар илгари сурилди. Ушбу фикрлар ўрганиб чиқилиб, Бухоро вилоятининг Ғиждувон тумани таркибида бўлиб келган “Зафаробод” қўрғони 2018 йил 28 сентабрдаги Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисини қарорига асосан, Навоий вилоятининг Конимех тумани ҳудудига қўшиб берилди. Ушбу ўзгаришларни бир қанча асослари бор эди, албатта. Жумладан, маҳаллий туб аҳоли ҳисобланадиган ушбу ҳудудни этник таркибини асосини қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ миллати ва-

<sup>2</sup> Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. Т., 2000, 201-бет.

<sup>3</sup> Шу манба. 199-бет.

киллари ташкил этганлиги уларни кўпроқ Конимех тумани аҳолиси билан кўпроқ ижтимоий турмуш шароитида муносабатда бўлганлиги акс этса, саноатлашган ҳудуд “Зафаробод” кўрғонидан Гиждувон тумани марказигача бўлган масофа 80 километрни ташкил қилади. Бу эса ҳудуддаги аҳолининг тез тиббий ёрдам ва маъмурий идоралар хизматидан фойдаланиш, ижтимоий-маиший эҳтиёжларини қондиришида ноқулайлик туғдириб келмоқда эди. Бундан ташқари, аҳолини турмуш шароитидаги муаммолар ва унга хизмат қилиш масалаларини модернизация қилиш ва таъмирлаш ишлари ҳам Навоий кон-металлургия комбинати маблағлари ҳисобидан амалга оширилганлиги кўришимиз мумкин. Мана шу ўзгаришлардан сўнг, Навоий вилояти ҳокимлиги ва Конимех тумани ҳокимликлари томонидан бир қанча қарор ва фармойишлар қабул қилиниб, ушбу ҳудудда доимий яшаб келаётган аҳолининг ижтимоий турмуш тарзини комплекс ривожлантиришга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Лекин демографик ўсиш давом этиши билан биргалликда, ҳудудда баъзи бир муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда шундай асосий муаммолардан бири вилоятнинг саноатлашган шаҳарлари аҳолисининг бандлик даражасини ўрганиш шуни кўрсатадики, республика миқёсида урбанизация даражаси юқори бўлган вилоятда шаҳарда иш билан банд бўлганлар улуши анча юқори, лекин туман ҳудудларида ҳам ишлаб чиқаришни шаҳарлар билан боғлиқ ҳолатда ривожлантириш Республика аҳолиси учун иқтисодийнинг ўзига хос устуворлигини таъминлайди. Шу ўринда вилоятдаги демографик миграцион ҳолатлардаги масалаларни камчилик сифатида таҳлил этилиши, шунингдек, демографик жараёнларни ўрганиш натижасида қўйидаги фикр ва қарашлар илгари сурилди:

Биринчидан, демографик жараёнларни турлари ва гуруҳ шаклларида кўра ўрганиш.

Иккинчидан, аҳолининг сони, таркибини меҳнат ресурсларидаги динамик миграцион ҳолатларини статистик тизимлаштириш.

Учинчидан, саноат ҳудудларининг демографик миграцион ҳолатларига таъсир этувчи омиллар туғилиш, никоҳ, вафот этиш, ажралиш, кўчиб келиш ва кўчиб кетишга оид масалаларни таҳлил этиш.

Тўртинчидан, саноат шаҳарларидаги демографик миграцион жараёнларни ўрганиш, шунингдек, ушбу ҳолатларга салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларни бартараф этиш.

Бешинчидан, саноат шаҳарларида яшаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларида ижтимоий ҳимоя турларидан комплекс амалий ёрдам кўрсатиб бориш.

Навоий вилоятидаги миграцион демографик жараёнлар, давлат миллий сиёсатининг ўрни, унинг асосий тамойилларидаги ўзгаришлар аҳолининг меҳнат бозори таркибидаги таъсирини тақомиллаштириш бугунги куннинг муҳим масалалардан биридир.

**Пардаева Мадихабону Ҳакимовна (Навоий Давлат Педагогика институти)**

**Бошланғич таълим кафедраси катта ўқитувчиси)**

## **ҚОДИРИЙ ҲАЖВИЯЛАРИДА СЎЗЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ЖИҲАТДАН ЎЗГАРИШГА УЧРАШИ**

***Аннотация.** Бугунги кунда ўзбек тилини ривожлантириш атамаларни ўзбекчалаштириш масаласи муҳим бўлиб турганда шахс оти ясовчи, ўрин-жой оти ясовчи қўшимчалар устида махсус тадқиқотлар олиб борилиши кераклиги, айрим ясама сўзлар бугунги кунда муомаладан чиқиб кетганлиги, баъзи бир ўзбекча аффикс билан ясалган сўзлар бугунги кунда ҳам фаол қўлланиллаётгани мисоллар асосида таҳлил қилинган.*

***Аннотация.** В статье речь идёт о том, что в настоящее время, когда развивается узбекский язык, когда становится важным перевод терминов на узбекский, на примере некоторых производных слов, вышедших из употребления, и активно существующих в языке слов, образованных при помощи узбекских аффиксов, встает вопрос о необходимости исследования суффиксов, образующих существительные со значением лица, географических наименований.*

***Annotation.** The facts that it is important to carry out studies on personal noun affixes and place noun forming affixes at present when developing the Uzbek language, uzbekizing the terms, some formed words were got rid of communication, some words which are formed by Uzbek affixes are actively used nowadays were analyzed with the help of examples.*

***Калим сўзлар:** ўзбекчалаштириш, форс-тожикча аффикс, шахс оти ясовчи, ўрин-жой оти ясовчи қўшимчалар, бирикма компонентлари, лексик мустақиллик, морфологик усул.*



**Ключевые слова:** узбекизация, персидско-таджикский аффикс, аффиксы личных названий, аффиксы названий местности, составные компоненты, лексическая независимость, морфологический метод.

**Key words:** *uzbekizing, Persian-Tajik affix, personal noun forming, place noun forming affixes, components of combinations, lexical independence, morphological method.*

**Кириш.** Бугунги кунда ўзбек тилини ривожлантириш атамаларни ўзбекчалаштириш масаласи муҳим бўлиб турганда шахс оти ясовчи, ўрин-жой оти ясовчи қўшимчалар устида махсус тадқиқотлар олиб борилиши керак. Қуйидаги матнда қўлланган сўзлардан -чи аффикси орқали ясалгани ўзбек тили табиатига мос келади: –*Кишилар-кишилар, потино-потино! Чунки лўттибоз халқни йиғмоқчи бўлганда «Потино» деган бир ашула айтар эди. Халқ мажнуннинг атрофига қуруқ бир мазах учун йиғилганда мажнун яна бир марта «Потино»сини айтуб олгач, чўнчагидан бир чангал қозон чиқаруб, халққа кўрсатуб чиқар эди (Лўттичи оғзига солатурган чигилдак қозонни ялмалкан эканлигин халқдан тасдиқ эттирар ва оғзини ҳам очуб, бошқа қозон йўқлиқни кўрсатар эди (А.Қ. Танланган асарлар. 556-бет). Ажратиб кўрсатилган сўзлардан айнан “лўттичи” ўзбек тили табиатига мос тарзда ясалаган. Унинг синоними сифатида “лўттибоз” ҳам аралаш қўлланилганини кўриш мумкин.*

-боз форс-тожикча аффикс бўлиб, бугунги кунда жуда кўплаб ўзбекча шахс отларини ҳосил қилишда иштирок этмоқда. Аслида, -чи аффикси фаолроқ қўлланилиш керак, бизнингча.

**Адабиётлар таҳлили ва методологияси.** Қуйидаги матнда ҳам ажратиб кўрсатилган сўзлар морфологик жиҳатдан ўзгаришга учраган: *Мажнун қулунч бир ҳолда халқга оғзини а... а.... қилуб очуб қулдиргач, бояги бир чангал қозонни оғзига солуб қизиқ бир вазият ила ялмий бошлар ва бир қанча вақт чайнаб қозонни ютуб яна «Потино-потино»сини айтуб, қозонни лўмбоздек қилуб олур ва ҳунарини халқга гурурлануб кўрсатуб чиқар эди. Мажнуннинг бу иши – лўттибозлигидан ҳам халққа ортиқ қулги берар, ҳаммамиз бу вақт кула-кула ўлар эдик (Абдулла Қодирий. Танланган асарлар. Кула-кула ўласан. Т., “Шарқ”, 2014, 556-бет).*

Айрим ўзбекча аффикс билан ясалган сўзлар бугунги кунда ҳам фаол қўлланилмоқда: *«Ишчи»нинг кичкина филетўни бўлган «Ости-устига»си босилуб чиқди, буниси «Кичкина филетўн»и эмиш. «Ости-устига»си эмиш, «Ярам-ярам боги» эмиш. Эски шаҳардаги инқилоб шунга ўхшар эмиш. Келишмаган қилиқ ўлсун дейми? Бунини ўқуб: Кула-кула ўласан!.. қилиқ сўзи соф ўзбекча сўз бўлиб, уни педагогикада ҳам термин сифатида бемалол қўллаш мумкин.*

Морфологик усулда сўз ясалишига асарда кўплаб мисоллар келтириш мумкин:

1. *«Ҳар бир асарнинг бошида бир-икки сўз ёзуб қозонни бемаза қилуб юргандан кўра, бир-икки сўзларни ҳаммасини бирга йиғуб «Ноширдан бир-икки сўз» исминда бир нарса ёзуб наир этса, китобнинг бошига ёзганига қараганда Ғозини Юнус исмини чиқаришига қулайроқ, ҳам бир асар майдонга келган бўлмасми?», деган эди.*

2. Эски шаҳар шўъбасининг вакиллиғига машҳур **эсликли** ёшлардан Ғулом Зафарий таъйин этилган. Ривоятларга қараганда, Тошкандда бу ўрун учун ўзиндан бошқа эслик киши тополмағач, Ғулом Зафарий ўзини таъйин этдирган. Бу ўртоқ шу кундан бошлаб ўз атрофига **эсликли** ёш ўсмирларни йиға бошлади, дейлар... Тағи: Кула-кула ўласан!..” (Танланган асарлардан олинди. **Жулқунбой.** “Иштирокиюн”, 1920, 13 июнь, 120-сон, 2-бет).

3. Юқоридаги сарлавҳани ўқуғач, миянгизга Генуя конференцияси, Лўйд Жўржнинг ич оғриғи-ю Пуанқаранинг **итланиши** ва бошқа шунинг каби бир бирисига зид бўлган фикрлар қаторлаша бошлар. Агар чиндан ҳам шундай фикрлар **қаторлашқан**, чўчиткан ва юрагингизни **безиллатқан** бўлсалар, сиз **тинчлана кўрингиз**. Чунки манинг «Ижмоли саёсий» сарлавҳаси остида ёзатурган мақолам бошқа тўғридадир (А.Қ. 610-бет).

4. Масаланинг мавзуи – «Имлоий ижмоли саёсий»; йўқ, бу **келишинқирамади**; «Ижмоли саёсий имло» энди бу таъбир уттасидан ҳам қўполроқ чиқди. Бундаги таъбирларнинг иккаласи ҳам ўзимга ёқмайди. Лекин сиз бу икки тўмтоқда бир нарса сезган бўлсангиз, фақирингизга етар.

5. Мақсадга қўчайлик: Шарқ сиёсат дунёсининг айнуқса, **турклик** оламининг миясини айландинган масалалардан бири ва биринчиси имло саёсатидир. Шарқ саёсионларининг баъзиларининг сўзлариға қараганда, Шарқнинг бутун озодлиғи ҳам шу имло саёсатига келиб боғланур экан.

6. Бу кунгача имло политикаси **қочик** урушувлари каби, ундан-бундан парт-пурт товиш чиқариб қўйса ҳам, лекин кейинги кунларда, айнуқса, Тошкандда жиддий суратка кириб кетди. Тошкандда маъориф қурултойи бўлуб, белгуланган қурултой «Имло-ҳарб майдони» тусини олиб

юборди. Бутун киш бўйи бир бирисига қарши тишини ғижирлатиб келган икки фирқа **ихтиёрсиз** суратда бир-бирига ҳужум қилишди (А.Қ. 611-бет).

7. Ривоятларга қараганда, унинг дуоси мустажоб бўлган дейдирлар. Бироқ ўнглarning бошлиқларидан саналган Мунавварқори гарчи ҳазрат Шайхховандитахур мазоридан бир қариш ажралмай тунаб ва кунаб чиққан бўлса ҳам, лекин бузрукнинг назари асносида, кўпинча, мудраб ғофил қолди, дейдирлар (А.Қ. 609-бет).

**Муҳокама.** Юқорида етгита контекстда ажратиб кўрсатилган сўзлар ўзбек тили табиатида мос ҳолда ясалган. Бугунги кунда ҳам худди шундай ўз қатламга доир сўзларни ҳосил қилиш лозим. Бу борада *-ли ва -лик* аффикслари ҳам от ва сифат ясашда фаол иштрок этувчи кўшимчалар ҳисобланади.

Ҳозирги ўзбек тилида *-ли ва -лик* аффикслари сифат ва от яшадан ташқари яна бошқа вазифага ҳам эга. *-ли* аффикси сифат ясовчи энг унумли аффикс экани маълум: завқли, ибратли, ёғла, кўнгили, одобли... Шунингдек, у от бирикмаларни сифатловчи бирикмаларга айлантириш вазифасида ҳам жуда кенг қўлланади. Бў растада минг хил кийимли оломон йўк. Яқинда колхозларга ўрта, олий маълумотли агрономлар, зоотехниклар, ирригаторлар, механизаторлар раҳбарлик қилди. Усти брезент ёпқичли машина ёнидан ер ўлчайдиган аппаратнинг буяёғи чиқиб турибди. Бу мисолларда ҳам *-ли* аффикси “эга”, “бор” деган маъно ифодалайди. Лекин янги сўз ҳам, сўзнинг формасини ҳам ясаётгани йўк, от бирикмага қўшилиб, шу бирикмаларни сифатловчи (белги кўрсатувчи) бирикмага айлантиряпти. Бунда бирикма компонентлари лексик мустақиллигини сақлайди, шунингдек, улар ўртасидаги синтактик алоқа ҳам сақланади: катта ойнали.

**Натижа.** Ҳозирги ўзбек тилида *-лик* от ясовчи кўп маъноли аффикс: яхшилик, шаҳарлик, кумлик, тезлик. Бундан ташқари, у гапга тенг конструкцияларга қўшилиб, уни гапнинг бирор бўлаги функциясидаги конструкцияга айлантиради – бир-икки кундан кейин Ёзёвон масаласида катта пиғин бўлиши кераклигини англади. Вақти тигизлигидан аввалги сафар сингисиникига йўлни яқинроқдан солган, қамокхона орқасидаги кўчадан юрмаганди. Бу мисолларда *-лик* аффикси қўшилган “катта йиғин бўлиши керак”, “вақт тигиз” гапга тенг конструкциялар. *-лик* аффиксининг қўшилиши натижасида улар турли келишик формасида қўлланиб, гап бўлаги вазифасида келиш имконига эга бўляпти. *-лик* аффикси буида бирор маъно ифодаламайди, балки фақат гапга тенг конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасида келишга ҳозирлаш вазифасини бажаради (Ҳожиев А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. Т., “Ўқитувчи”, 1979, 10–11-бетлар).

*-ли ва -лик* кўшимчаларининг асарда қўлланилиши бўйича бир хиллик мавжуд эмас. Қолаверса, *-лик ва -лиқ* шакллари ҳам аралаш қўлланиб келмоқда.

**Ишончлик** манбалардан олинган хабарларга қараганда, бу **дахшатлик** фожиъани ўз фойдалари билан битирмак учун ҳар икки томон ўз вакиллари дуоғўй Назир махзум узлатхонасида киргизиб, назир бериб, холисона дуолар олган эканлар. Биринчидан, Назир махзумнинг кўнглининг юмшоқлиғи, иккинчидан, ўзининг ҳам қайси ёққа ўтмакка бўлган тараддуди сабаблари билан ҳали бир тарафка ҳам дуои хайр қилганлиғи маълум бўлмай, бир томоннинг муваффақияти ва иккинчининг мағлубиятига йўл бермай қолганлиғи маълум бўлди.

Айрим ясама сўзлар бугунги кунда муомаладан чиқиб кетган. Бундай сўзлар ўрнини “енгилтак” каби синтактик усулда ясалаган сўзлар эгаллаган: *Кимдан бўлар эдим, шу кўриб турганингиз этаксизлардан. Этаксиз бу* – бетайин, тутуруксиз деган маънони ифодалайди. Имло политикасидан бошқа масалаларга ўтканда қурултой ағзоларининг турлук томонга туруб кетиб, устол ёнида президиумнинг ёлғуз қолган вақтларидаги тинчликлардан кўз юмуб ўтилса, «Муҳораба – қонлик борди», демакка арзиғулиқдир. Бу тўғридаги афкори умумияга келганда ишлар бундайдир: Тошканднинг Яхяўжа эшон, Этемас эшон ва Чўпқўймас эшонлари кеча-кундуз йиғлаб-сихтаб Мунавварқори ва Авлоний ҳаққиға дуо қилиб, чапларга лаънат ёғдириб ётадирлар (А.Қ. 590-бет).

**Хулоса.** Қуйидаги жумлада қўлланган *ишончлик* сўзи таркибидаги *-лиқ* кўшимчаси, аслида, *-ли* белгига эгаликни ифодалайди. Кейинги жумладаги *дахшатлик* сўзидаги кўшимчага нисбатан ҳам шу фикрни айтиш мумкин: *Наримон Наримонов ўзининг бир тўрба лотин ҳарфларини орқалаб, Туркистон йўлига чиқди», деган хабарлар юрса ҳам, бироқ бу ишончлик манбадан олинган хабарга ўхшамайди. Ҳар ҳолда, имло муҳорабаси жуда даҳшатлик бир равишга кириб бутун дунёнинг диққатини ўзига тортмоқдадир. Ҳар икки томоннинг қаҳрамонлари сафка!*

Обиджонова Маъсума Қосимжон кизи (Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти  
университети таянч докторанти, PhD; e-mail: obidjonovamasuma001@gmail.com)  
**РЭЙ БРЕДБЕРИ ВА ҲОЖИАКБАР ШАЙХОВ ҲИКОЯЛАРИДАГИ ИЖТИМОЙ-  
ФАЛСАФИЙ МАВЗУЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада муаллиф компаративистика нуқтаи назаридан Рэй Бредбери ва Ҳожиакбар Шайховнинг фантастик ҳикояларида ижтимоий-фалсафий мавзуларнинг ёритилишини таҳлил қилади. Мақолада келтирилган фикрларнинг аҳамияти шундан иборатки, унда тақлиф этилаётган хулосалар жаҳон ва ўзбек фантастикашунослигида янги ёндашувларни қўллаш ва шу орқали компаративистик тадқиқотларни осонлаштириши имконини беради.

**Аннотация.** В статье автор анализирует освещение социально-философских тем в фантастических рассказах Рэя Бредбери и Ходжиакбара Шайхова с сравнительной точки зрения. Значимость изложенных в статье взглядов заключается в том, что предлагаемые в ней выводы позволяют применять в новые подходы в мировом и узбекском фантастиковедении, тем самым облегчая проведение сравнительных исследований.

**Annotation.** In the article, the author analyzes the coverage of socio-philosophical topics in fantasy stories by Ray Bradbury and Khodjiakbar Shaikhov from a comparative point of view. The significance of the views set forth in the article lies in the fact that the conclusions proposed in it make it possible to apply them to new approaches in world and Uzbek science fiction, thereby facilitating comparative studies.

**Калим сўзлар:** адабиётшунослик, илмий фантастика, ижтимоий фантастика, қиёсий тадқиқотлар, Рэй Бредбери, Ҳожиакбар Шайхов.

**Ключевые слова:** литературоведение, научная фантастика, социальная фантастика, сравнительные исследования, Рэй Бредбери, Ходжиакбар Шайхов.

**Key words:** literary studies, speculative fiction, social fiction, comparative studies, Ray Bradbury, Khojiakbar Shaykhov.

Идеал жамият ҳақидаги ғоялар, ижтимоий муаммоларни очиб бериш, уларга ечим топишга уриниш доимо адабиётда ўз ўрнига эга бўлиб келган. Бу жиҳатдан жаҳон фантастикасида ижтимоий масалаларни ёритиш ҳам муҳим бир йўналишлардан бири ҳисобланади. Ижтимоий мавзудаги фантастика, ўз навбатида, утопия ва дистопия каби жанрларга йўл очиб берганини биз тадқиқот ишимизда аввал таъкидлаб ўтган эдик. Бу жиҳатдан Рэй Бредбери ва Ҳожиакбар Шайховнинг асарлари ҳам истисно эмас.

Жамият ва ундаги инсонларнинг ўзаро муносабатлари масалаларини ёритилишига мисол тариқасида Рэй Бредберининг “Муз ва олов”<sup>1</sup> ва Ҳожиакбар Шайховнинг “Олов ичидан чиққан одам”<sup>2</sup> ҳикояларини қиёсий таҳлил қиламиз. Таъкидлаш лозимки, бу икки ҳикояда муштарак чизгилар қаҳрамонлар исмидан тортиб, сюжет воқеаларининг маълум бир ўхшашликларига бориб тақалади. Жумладан, “Олов ичидан чиққан одам” ҳикоясининг қаҳрамонининг исми Нурбек, “муз ва олов” ҳикоясининг қаҳрамонларидан бирининг исми эса Лайт (Light), яъни “нур” дир.

“Муз ва олов” (“Frost and fire”) ҳикоясида коинотдаги фалокат сабабли самовий кемалари ҳалокатга учраб, радиация, олов пурковчи қуёш ва музликлар ҳукмронлик қиладиган сайёрада ғорлар ичида яшашга маҳкум қабила ҳақида сўз боради. Улар бор-йўғи 8 кун умр кечиришга маҳкум. Шу 8 кун ичида ушбу ғор қабиласи туғилиб, ўсмирликка етишиб, турмуш қуриб, сўнгра ўлимга юз тутди. Бредбери ушбу қабила тасвири орқали жамият учун аҳамиятли бўлган бир қатор масалаларни кўтаради. Ғор қабиласи доимо бирон нарсани истеъмол қилади, уларнинг оғзи тинмайди, бу шубҳасиз, адибнинг ўзига замондош бўлган истеъмолчи жамиятнинг иллатларини очиб беришга интилиши эди. Қизиги шундаки, шу 8 кунлик умр давомида ҳам бу инсонлар бир-бири билан уришиш, душманлик қилиш, бир-бирини ўлдириш учун вақт топа олишади. 8 кунлик умр тасвири орқали Бредбери умримизнинг қанчалик қисқа эканлиги, бироқ шуни ҳам инсоният зое кеткизаётганига ишора қилади. Ғордаги қабиланинг олимларга бўлган муносабати ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Удар олимларни масхара қилишади, ҳатто олимлар гуруҳини ўлдиришга чакириқдар ҳам

<sup>1</sup> Электрон манба: <https://raybradbury.ru/library/story/46/14/1/> мурожаат санаси 22.08.2021

<sup>2</sup> Электрон манба: <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/hojiakbar-shayxov/hojiakbar-shayxov-olovdan-chiqqan-odam-hikoja/> мурожаат санаси 22.08.2021

янграйди. Брэдбери бу билан илм-фаннинг кадрига етмаган, уни тушунмаган жамият ғорда яшашга маҳкум демоқчи бўлади.

Брэдбери ҳаёт ва ўлим қарама-қаршилигида қатъиятли инсон – Симни олдинга чиқаради. Қизиғи шундаки, Сим асли туғилган онидаяқ отаси томонидан ўлдириши, кейинчалик эса Қора қоялар қабиласи билан урушда ёки ундан кейинги Нхой билан олишувда ҳалок бўлиши мумкин эди. Энг муҳими, у ўз орзуси омон қолган самовий кемага етиб бориш йўлида шафқатсиз табиат кучларига таслим бўлиши мумкин эди. Бироқ, Брэдберининг инсон кучи, иродасига ишончи шундай буюкки, у ўз қахрамонини барча синовлардан эсон-омон олиб ўтади.

Ҳикоядаги бошқа қахрамонлар – Дак, Лайт, Кайон, Дайнкнинг ҳам сюжет давомида ўзига юклатилган вазифа, олдинга сурувчи ғоялари мавжуд. Масалан, Симнинг опаси Дак унинг асраб катта қилиш вазифасини бажаради. Лайт эса унинг йўлдоши, севги, сабр-бардош тимсолидир. Кайон эса инсониятга хос бўлган энг чиркин ғоялар – уруш, олчоқлик, фирибгарлик, худбинлик рамзидир. Дайнкнинг роли ҳам ўзига хос. У олимлар жамоасининг вакили бўлиб, Симнинг қатъияти ва орзуга интилишини қўллаб-қувватлайди. Ўз навбати булар орасида асли Симга рақиб бўлган Нхой образини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳеч шубҳасиз, биз уни инсониятга хос мардлик тимсоли дея кўришимиз мумкин.

Ҳикоядаги асосий ғоя эса, шубҳасиз, оламнинг турли синовлари, атрофидаги одамларнинг худбинлиги, кўрқоқлиги, жамият инқирозига қарши инсон қандай чора топа олиши мумкин деган савол атрофида айланади. Брэдбери даҳосининг буюклиги шундаки, у бу савол сари ўқувчини аста-секинлик билан, сюжет воқеаларини мантикий кетма-кетликда баён этиш билан олиб боради. Бу ҳикояда биз инсон учун нажот барча қийинчиликларга қарамасдан, ўз ички дунёси, кучлари, ақл-заковатини сафарбар қилиш, орзу сари қатъий ирода билан илгари қадам ташлаш эканлигида кўрамиз. Қадимий дostonларда куйланган қахрамонлар сингари биз бу ҳикоя замирида Симнинг худбин эмас, аксинча ўз қабиласи, ўз одамларини кутқариш учун барча машаққатларга тайёр қахрамон сифатида кўрамиз. Унинг самовий кемага етиб боргач, унинг имкониятларидан унумли фойдаланиб, музликдан ўта олиши, табиат кучини ҳам ўз измига бўйсундара олгани бизга фантастикадаги марказий ғоявий асослардан бири олам ва одам муносабатида инсон айнан табиат уйғунликка киришса, технологияни ҳам бузғунчилик учун эмас, бунёдкорлик учун ишлатса ўз мақсад ва орзуларига етишини англаймиз.

“Оловдан чиққан одам” ҳикоясидаги қахрамон Нурбек ҳам бир қанча сифатлари билан Симга ўхшаб кетади. Бу ҳикояда Қипчоқ даштларида мўғуллар ҳужумига учраган ўз қабиласини кутқариш учун у кўрсатган қахрамонлик баён этилади. Ҳикоядаги фантастик элемент Нурбекнинг оловда куймаслигидир. Айнан шу хислат унга душман кўлидан аввалига омон чиқиш ва ёрдам кучларини келтиришга имкон беради. Ҳикоядаги мўғуллар бизга “Муз ва олов”даги қабиалар орасидаги урушни эслатади. Уларнинг чиркин ўй-фикрлари, босқинчилиги инсониятга хос бўлган ёвузликнинг акс эттирилишидир. Шу нуктаи назардан, уларга қарши курашувчи Нурбекни биз эзгулик кучларининг вакили дея оламиз. Бироқ, Ҳожиакбар Шайхов фалсафасининг кучи шундаки, у душманларни шунчаки мағлуб қилиш билан ёвузликни енгиш мумкинми деган саволни илгари суради. Қабила оқсоқолининг мағлуб этилган мўғулларни ўлдирмаслик, қуролларни эса эритиб юборишга уриниши фикримиз далилидир.

Бироқ, Нурбек ва қабила жангчилари ҳали бундай даражада фикрлашга етиб бормаганлар. Уларнинг оний ғазаблари жунбушга келиши оқибатида асир олинган мўғуллар ўлдирилади. Бу ерда муаллиф ўқувчига гўё шу икки танловдан қайси бири тўғри бўлганлигини ўзи ҳам қилиб олишига имкон қолдиради. Худди шу маънода, одам ва уни ўраб олам билан муносабатида, ёвузлик ва эзгулик курашида қай томондан бўлишни ўқувчининг ўзига қўйиб берганлигини кўрамиз. Бундай дейишимизга сабаб, гарчи қабила оқсоқоли Нурбекни қотилликда айблаб, уни қабиладан, демак, жамиятдан бадарга қилса-да, унга ҳамроҳ бўлган қиз, шунингдек, бу икки қахрамоннинг янги халқ яратиш истагини баён қилар экан, муаллиф гўёки, Нурбек танлаган йўл ҳам бутунлай хато эмас эди демоқчи бўлади. Умуман олганда, ушбу ҳикоя замирида биз фантастика учун марказий мавзулардан бири бўлмиш жамият ичида алоҳида олинган инсон танловининг аҳамияти ҳақидаги фикрларни кўрамиз.

Ҳожиакбар Шайхов бошқа ҳикояларида бўлгани сингари, бу ўринда биз қабул қилаётган қарорлар учун жавобгар эканимиз, атроф-олам билан муносабатга киришишда бунинг нақадар аҳамиятли эканлигини уқдиради. Шунинг ҳам таъкидлаш зарурки, машаққатларни енгиб ўтишда инсон матонатининг, қатъиятнинг ўрнини Ҳожиакбар Шайхов Рэй Брэдбери сингари олдинги ўринга

олиб чиқади. Инсонни инсон қилиб турган нарса унинг иродаси, қийинчилик олдида синмаслиги, букилмаслиги жамият учун фойда келтира оладиган жасоратга қодирлиги дея уқдиради.

Ўз ўрнида юқорида таҳлил қилинган “Муз ва олов” ҳамда “Оловдан чиққан одам” ҳикоялари негизида икки адибнинг ўзи яшаган жамият, уларни ўраб турган борликдан келиб чиқиб юритган ғояларини кўздан кечиран эканмиш шунга гувоҳ бўламизки, Бредберининг қаҳрамони Сим ўз қабиласи, жамияти вакиллари, ҳатто ўз севгилиси Лайтнинг эътирозларига қарамасдан, ўз орзуси ва мақсади сари ҳаракатланади. Бунинг натижасида эса биз унинг ҳам ўз орзусига етгани ҳам жамиятнинг етакчиси даражасига чиққанини кўрамиз. Бу Америка жамияти учун хос бўлган индивидуализм ғоясининг яққол намунаси дур. Ўз навбатида, “Оловдан чиққан одам”даги Нурбек эса қабилла оқсоқолининг буйруғини бажармагани оқибатида жамиятдан қувилганини кўрамиз. Бу Шарқ халқларига хос бўлган жамоавийлик ғоясининг акс этиши дея ҳисоблашимиз мумкин. Қизиги, Нурбек ҳикоя сўнгида янги бир халқ, яъни яна бир жамоа яратиш ҳақида сўзлайди. Айтиш мумкинки, Ҳожиакбар Шайхов инсоннинг жамиятдаги ўрнини кўрсатишда бизнинг миллий урф-одатларимизга хос бўлган катталарга ҳурмат, жамоа манфаатларига риоя қилиш каби фикрларни ҳам илгари суради.

Фантастик ҳодиса бир восита бўлиб, унинг ёрдамида Бредбери ва Шайхов техник тараққиёт имкониятлари ва унинг инсониятга таъсири масаласини кўрсатиб беришади. Бредберининг бошқа кўплаб ҳикояларида ҳам биз бунга ўхшаш вазиятларни кузатишимиз мумкин. Жумладан, “Вельд” ҳикояси бунга яққол мисол дур. Фантастик элементни киритиш ва у орқали жамият концепцияларини куриш орқали ёзувчи оқибати ўйланмаган технологик тараққиётга ўз муносабатини билдиради. Бирок, бу ўринда ёзувчи таркидунёчиликка чақирмайди, балки жамият бу технологик тараққиётдан қандай фойдаланаётганлигини танқид қилади. Яъни, тараққиёт натижасида инсонлар оддий инсоний эҳтиёжлар – китоб ўқиш, бошқа инсонлар билан мулоқот, ахлоқий муносабатларга нисбатан совиб боришини нишонга олади.

“Вельд”<sup>1</sup> қаҳрамонлари Лидия ва Жорж икки ўсмир Венди ва Питернинг ота-онаси дур. Уларнинг фикрича, болалар энг яхши нарсаларга эга бўлишлари керак. Пул ва технологиялар дунёсида ҳар қандай хоҳишни амалга ошириш жуда осон вазифа. Бирок, бу дунёда болалар учун совғаларнинг ўзи эмас, балки уларнинг қиймати муҳим. Ўз ўрнида болаларга ота-онанинг меҳри, биргаликда вақт ўтказиш муҳим эканлигини Бредбери ҳикоя қаҳрамонларидан бири оила психиатри Девид Макклин сўзлари орқали билдиради. Айнан у цивилизация ютуқлари ота-она ўрнини боса олмаслигини бош қаҳрамонларга уқтиради. “Сиз рафиқангиз билан шу болалар хонаси фарзандларингиз учун улар юрагидаги сизларнинг ўрнингизни олиб қўйишига йўл қўйдингиз. Болалар хонаси улар учун ота-она бўлиб қолди. Энди бўлса, сиз уни қулфлаб қўймоқчисиз... Жорж, сиз ҳаёт тарзингизни ўзгартиришингиз керак.”

Ота-оналар хатоси фожиали оқибатларга олиб келади. Болалар хонасидаги шиша деворларда тасвирланган шерларга жон кириб, улар ҳақиқий таҳдидга айланади. Ота-онасидан ахлоқ-одоб тарбиясини олмаган болалар эса жон кирган учта шерга уларни ўлдиришга йўл қўйиб беришади.

Шундай қилиб, Рэй Бредбери ижодидаги фантастик элемент махсус восита вазифасини ўтайди. Бир томондан, у технологик тараққиётни ва меъёридан ошган технологизациянинг инсоният учун фалокатли оқибатларини очиб беради.

Ушбу ҳикоя негизида биз фантастик элемент доим ҳам илм-фан тараққиёти билан боғлиқ равишда гавдаланмаслигини кўришимиз мумкин. Шу жиҳатдан фантастик элемент Бредбери ижодида бу шунчаки гипотеза эмас, балки, муаллиф учун энг муҳим бўлган ғоя – олам ва одам концепциясини очиб берувчи асос эканлигини кўрамиз.

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкинки, Бредбери ижодидаги фантастика “истеъмолчи” жамиятнинг психологиясини ва ҳаётга бундай муносабатнинг оқибатлари қандай бўлиши мумкинлигини кўрсатиб беради. Биз, ўқувчилар учун “Эртага қиёмат” ҳикоясида қаҳрамонлар кўрган туш эмас, балки ушбу фантастик элементнинг жамият аъзоларини қандай ўзгартирганлиги, улар қандай ҳулосалар қилганлиги муҳим.

Шундай қилиб, Бредбери фантастикаси бу чуқур психологизмга асосланган бадиий олам дур. Фантастик ҳодиса билан одатий мантиғи бузилган дунёда инсонларнинг ўзаро муносабатлари олдинги ўринга чиқади ва Бредбери, биринчи навбатда, фантастик дунё қурилмасини яратишга эмас,

<sup>1</sup> Рэй Бредбери. О скитаньях вечных и о Земле. Пер. с англ. Сост. В.И. Скурлатов, М., “Правда”, 1987, с. 533–548.

балки мана шу фантастик ҳодисалар жамиятга қандай таъсир ўтказиши мумкин эканлигини таҳлил қилишга интилади.

Ўз навбатида, Ҳожиакбар Шайхов ҳикояда ижтимоий масалаларни ҳам доимо диққат марказида сақлайди. Жумладан, “Мутамах” ҳикоясида буни биз Президентнинг ёзувчиларнинг амалпарастлик қилаётгани ҳақида шикоят қилиши, халқ бошида шу ташвиш ҳам бормиди дея таъкидлашида кўришимиз мумкин. Ҳикоя сўнгидаги, “Халқимизга минг бор букилиб таъзим қилсак арзийди! Бу жойларга коинотдан тушган шундай даҳшатли махлуқ ҳам бардош беролмади, у эса ҳалиям чидаб яшаяпти!” сўзлари ҳам ижтимоий мавзунинг акс этиши дея кўрсатилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, Рэй Брэдбери ижодида Фарбдаги “истеъмолчи жамият” (consumer society)ни танқид қилиш алоҳида ўрин тутати. Айтиш мумкинки, бу жиҳат унинг бадиий оламини белгилаб берган муҳим омиллардан бири. Бунга мисол қилиб, унинг кўплаб ҳикояларини келтириш мумкин. Бу жиҳатдан, муаллиф ўзига замондош бўлган моддиятга берилган жамиятни “Бетонқориштиргич” ҳикоясида сатирик руҳда очиб беради. Ерликлар ёзган китобларни кўп ўқиши таъсирида Ерни босиб олишга қарор қилган Марс кўшинига киришни истамаган Эттил Врай бундай ҳужумнинг аянчли тугаши, марсликлар ҳеч қачон Ерни ўзларига бўйсундира олмасликларидан огоҳлантиради. Бироқ, яқинлари томонидан қўрқоқликда айбланиб, сўнгра қамоққа ташланганидан сўнг у Ерга ҳужум қилишга шайланган кўшинга қўшилишга қарор қилади. Сюжетнинг сатирик руҳи шундаки, Ерга босқин илнжида келган марсликлар ўзлари кутганларидан фарқли равишда ҳеч қандай қаршиликка учрамайдилар, аксинча, ерликлар уларни оломон бўлиб, гуллар, совғалар, оркестр садолари билан кутиб олишади. Муаллиф истехзо билан марсликларни кутиб олувчи гуруҳнинг бошлиғи Уильям Соммерс – Америка саноатчилари уюшмаси президенти эканига урғу беради.

Марсликлар аввалига ерликлар шунчаки уларни алдаб тузоққа туширмоқчи бўлишса керак деб хавотирга тушишса-да, кейинчалик ерликлар ростдан ҳам урушмоқчи эмасликларига амин бўлишади. Ҳикояда Брэдбери Америка жамиятига хос оммавий маданиятнинг кўплаб белгиларини тилга олиб ўтали. Жумладан, марсликларга ерликлар совғалар қатори реклама плакатлари, бургерлар, кока-кола, маккажўхори бодроқларини беришни канда қилишмайди. Бу совғаларни эса гўзаллик кироличалари тақдим этади. Бу егуликлардан эса марсликларнинг соғлиғи ёмонлашиб, ерликлар уларга нисбатан фитна уюштирмоқчи эканидан ташвишга тушишади. Бироқ, бунга қарши қандайдир чора кўришдан ожиз қолишади. Гўзаллик салонлари, диний воизлар, кинопродюсерлар, маст-аласт автомобиль ҳайдаётган ўспиринлар тўдаси, тунги клублар, казинолар, кўнгилочар дастурлар – буларнинг ҳаммаси бир бўлиб марсликларни ҳалокатга етаклайди.

Муаллифнинг Эттил Врай тилидан рафикаси Тиллега аталган сўзлари билан бу истеъмолчи жамиятга берган таърифи жуда маъноли: “Азизим, Тилле, Ернинг қайсидир бурчагида шундай одам борки, у бир мурватни бураса, бас, бу ақлсизликка чек қўйилади. Бироқ, ўша мурват ҳозир чанг босиб ётибди, халоскор инсон эса қимор ўйнаш билан банд”. Бу сўзларни биз истеъмолчи жамиятга Брэдбери берган қиска, бироқ аниқ таъриф дея ҳисоблашимиз мумкин. Эттил Врайнинг ҳикоя сўнгида бетонқориштиргич машина уриб кетиб ҳалок бўлиши ҳам рамзий маънога эга: бетонқориштиргичга ўхшаб қолган жамиятда китоб ўқийдиган марсликнинг маст ўспиринлар ҳайдаб келаётган машина тагида ўлим топиши, аслида, ерликлар учун бир огоҳлантиришдир.

Ўз навбатида, Ҳожиакбар Шайхов яшаган жамият ҳали ўз тараққиёти бўйича истеъмолчи жамият мақомига эришмаган эди. Шу сабабдан ҳам унинг, айниқса, шўролар даврида яратилган ҳикояларида биз истеъмолчи жамият танқиди Рэй Брэдберичалик ёрқин кўзга ташланмаслигини кузатамиз. Бу, албатта, кўп маҳсулотлар дефицит бўлган даврда яшаган ижодкор учун табиий эди. Ҳожиакбар Шайховнинг баъзи ҳикоялари, жумладан “Иблис билан мулоқот”да ҳам муаллиф гарчи моддият учун яшайдиган шахснинг тубанлигини очиб берган бўлса-да, биз унда Брэдбери даража-сидаги деталларнинг аниқлиги, танқиднинг сатирик даражага олиб чиқилишини кўрмаймиз. Бу жиҳат ҳар икки ижодкорнинг бадиий оламини таққослашда катта аҳамиятга эга бўлган бир жиҳатдир. Яъни, технологик тараққиётнинг маълум бир чўққисини ўз кўзи билан кўрган Брэдберидан фарқли равишда Ҳожиакбар Шайхов бу ривожланиш кўпроқ ўзини ижобий жиҳатдан намоён этган, ҳали бутун қирраларини очиб бермаган бир жамиятда яшаб, ижод қилди. Шу жиҳатдан Шайховнинг асарларида фан-техникага бўлган ишонч нафақат унинг касбий мутахассислиги, балки унга замондош бўлган объектив борлиқнинг унинг ижодида акс этиши дея ҳисоблашимиз мумкин. Бу нафақат унинг илм-фан ривожига бўлган муносабати, балки бундай тараққиётнинг ижтимоий муносабатларга бўлган таъсирини тасвирлашида ҳам бўй кўрсатади. Яъни, Ҳожиакбар

Шайхов Брэдберидан фаркли равишда, истеъмолчи жамият қусурларини ёритиб беришга америкалик ҳамкасбичалик яқин келмаган. Буни биз ҳар икки ижодкор бадий оламларининг бир-биридан фаркли ўлароқ, ўзига хос жиҳати сифатида талқин этишимиз мумкин.

**Amirova Zohida Oripovna (Qarshi davlat universiteti Ingliz tili fani o'qituvchisi)**  
**“HEART-ЮРАК” ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ИЗЛАНИШДАГИ**  
**ЎРНИ**

**Аннотация.** Ушбу аъзонинг ҳаёт учун ниҳоятда муҳимлиги уни одам баданидаги энг заиф жойлардан бири қилиб қўяди, уни, жумладан, қилчбозлик ва ўқ отишларда энг кўп кўзга ташланадиган нишонга айлантиради, чунки бу рақибнинг энг қисқа вақт ичида максимал самарали натижага эришиши учун имкон беради. Юракнинг нозиклиги ва муҳимлигини одамлар энг қадим замонларда ҳам яхши билишган: йигирма минг йилдан зиёд вақтдан бери сақланиб келадиган қояларга чизиб қолдирилган расмларда фил ёки бизон сингари ҳайвонлар суратлари ва чизмалари орасида юракнинг ўзига хос тасвирлари учрайди.

**Аннотация.** Чрезвычайная важность этого органа для жизни делает его одним из самых слабых мест в организме человека, что превращает его в цель в фехтовании и стрельбе из лука, поскольку позволяет противнику достичь максимально эффективных результатов в кратчайшие сроки. Тонкость и важность сердца были хорошо известны людям с древних времен: рисунки на скалах, сохранившиеся более двадцати тысяч лет, включают уникальные изображения сердца среди изображений и рисунков таких животных, как слоны или бизоны.

**Annotation.** The extreme importance of this member for life makes it one of the weakest points in the human body, making it the most conspicuous target in fencing and shooting, as it allows the opponent to achieve maximum effective results in the shortest possible time. The subtlety and importance of the heart has been well-known to people since ancient times: paintings on rocks that have been preserved for more than twenty thousand years include unique images of the heart among images and drawings of animals such as elephants or bison.

**Калим сўзлар:** юрак уришдан тўхтамайди, идрок макони, хотира, виждон, ақл-идрок, ҳаёлот, эшитиш, хотирлаб қолиш, ақл-идрок макони.

**Ключевые слова:** не перестает биться сердце, пространство восприятия, память, совесть, интеллект, воображение, слух, воспоминания, пространство интеллекта.

**Key words:** the heart does not stop beating, the space of perception, memory, conscience, intellect, imagination, hearing, recollection, the space of intellect.

Одатда, биз ички аъзолар фаолиятига жиддий эътибор бермаймиз. Тиббий маълумотга эга бўлмаган киши, уларнинг тузилиши ва ишлаши ҳақида жуда кам маълумотларга эга бўлади. Одам ички аъзоларининг фаолияти фақат билвосита ва фақат гавда ичидаги нимадир оғриганида ўзини сездиради. Бунинг исботини ҳар биримиз ўзимизнинг тил тажрибамизда кўришимиз мумкин: *кўрак остим симиллаб оғрияпти, қорним қўлдираяпти* – буларнинг ҳаммаси, кўпинча, онг назоратсиз (аслида, биз юракнинг қисқаришлари ёки ошқозон ва ичакларнинг керилиш ёки сиқилиш ҳаракатларини ўзимиз бошқара олмаймиз) содир бўладиган ички жараёнларнинг намоён бўлишидир. Юрак ва жигар каби ички аъзолар фаолияти ўзоқ вақт оғир жисмоний иш бажарганда, хиссиётларни бошдан кечирганда ва бошқа шундай ҳолатларда сезилади. Юрак ишининг бу тарздаги «яққол сезилиб туриши» унинг физиологик ва анатомик ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқдир.

Айрим тадқиқотчиларнинг (Касевич. 1990; Башляр. 1993; Лурия. 1998) таъкидлашича, образли фикрлаш хос бўлган ибтидоий одамнинг тахминий фикрлаш йўлига амал қилиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, юрак одамнинг ҳаёти учун «жавоб беради». Бундай позициядан туриб, қўйидагича фараз қилиш, табиий. Жон юракда яшайди: юрак уряптими, демак, жоним тирик – юракнинг уриб туриши тириклик гувоҳидир. Юрак уришдан тўхтамайди, одам ўлади, демак, жон чиқиб кетган бўлади (цивилизация ва руҳнинг абадийлигини эътироф этадиган дин ривожининг энг кейинги босқичларида эса *учиб кетади, кўчиб кетади* ва ҳоказо). Айни бир пайтда, юрак билан руҳнинг айнан ўхшашлиги ҳақидаги ғоя ҳамма цивилизацияларга ҳам хос эмас. Масалан, кўпинча, маданиятларда (масалан, қадимги грекларнинг) юрак – ақл-идрок макони бўлиб, қалб жигарда ўрин топган. Эҳтимол, бундай тасаввур шундай фактга асосланган бўлиши мумкин: жигар (яна бир ҳаётий муҳим орган) қоннинг ўзга хос фильтри бўлиб, кўп миқдордаги қонни ўзида тутиб туради ва

одам қон йўқотгани сайин куч-қувватидан ҳам маҳрум бўлиб, тез орада жон топширади. Қон йўқотилиши куч-қувватдан ажралишдир (Рябиева. 2005; Кондратьева. 2005).

Шундай қилиб, юрак, айнан бир физик моҳият – асосий қон айланиш органи – барча халқлар учун уларнинг тилдаги тажрибасида турлича тақдим этилган. Умуман, ички аъзолар ҳақидаги тасаввур юзасидан юракнинг тилдаги репрезентацияси хусусида сўз юритишда одамларнинг ички оламига алоқадор бўлган психик хусусиятлари ва қобилиятларини ички органларга ўхшатиш тенденцияси амал қилшини ҳам эслатиб ўтмоқ лозим (Пименова. 2003, 2004а, 2004б). Булар рух, виждон, характер, хаёлот ва бошқалардир. И.В.Урисон «Синонимларнинг янги изоҳли луғати»да бундай моҳиятлар учун «кўз илғамайдиган орган» деган тушунчани жорий қилади (Рус тилидаги синонимларнинг янги изоҳли луғати. 2004).

Кўз илғамайдиган органлар деганда одам танаси ичидаги айнан ўхшаш бўлиб, муайян функцияларни бажардиган органлар сифатида концептлаштириладиган моддий органларга учрадиган кўзга кўринмайдиган моҳиятлар тушунилади (юрак, жигар, ошқозон ва ҳоказо). Улар билан ҳам худди органлар билан бажариладигани сингари, қандайдир амалларни бажариш мумкин бўлади: «асосий кўзга кўринмайдиган органлар – бу хотира, виждон, ақл-идрок, хаёлот, эшитиш, кўриниш ва бошқалардир. Одатдаги органларга ўхшаб, улар ҳам ўзларнинг аниқ белгиланган. Бироқ инсон танаси ичидаги моддий жараёнлар билан эмас, балки унинг психикаси, шунингдек, идроки билан боғлиқ функцияларга эга бўлади. Масалан, қалб – бу, аввало, инсоннинг ички ҳаёти органи: хотира функцияси – хотирлаб қолиш, ёдда сақлаш на эслашдир: ақл-идрок функцияси – ўйлаш ва тушуниш ва ҳоказо» (Рус тилидаги синонимларнинг янги изоҳли луғати. 2004,304). Эҳтимол, «физик /нофизик орган» атамаси бирмунча мақбулроқ атама бўлиши мумкиндир, чунки амалда ички аъзоларнинг ҳаммаси ҳам кўринмас органлардир. Юрак, физик талқиндан (қон айланиш органи) ташқари яна нофизик талқинга ҳам эга: «ўзининг асосий маъносига кўра ...ушбу сўз (юрак) реал органни ифодалайди. Ҳиссиёт органи ана шу реал органдан ажралган бўлади ва шунинг учун унинг хусусиятларига эга бўлади» (Рус тилидаги синонимларнинг янги изоҳли луғати. 2004, 304). Е.В. Урисоннинг фикрича, рух, умуман, инсоннинг ички ҳаётий органи сифатида намоён бўлади, юрак эса фақат ҳиссий ҳаёт органи ҳисобланади (Урисон. 2003, 2005).

Шуни қайд қилиш керакки, бундай қоида фақат юрак сўзи ва у билан боғлиқ оборотлар, иборалар ва шу кабилар семантикасини ўзбек тилидаги луғатлар асосида кўриб чиқишда тўғри бўлади. Кўргазмали материаллар таҳлили шуни кўрсатадики, рух ва юрак ҳақидаги тасаввур ўзбеклар, америкаликлар ва русларнинг миллий онгида ҳамиша ҳам бундай бир хилдаги маънони касб этавермайди.<sup>1</sup>

Юракни концептуаллаштиришдаги ўхшашликлар ва тафовутлар ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги фразеологизмларни кўриб чиқишда анча ибратли тусга эга бўлади. Ушбу барча уч тилда ҳам, кўпинча, учраб турадиган юрак ҳақидаги энг муҳим тасаввурлар қўйидагилардан иборат бўлади.

**Заифлик ҳақидаги тасаввур.** Юракка пичоқ санчиш (юракка қараб пичоқ уриш), *нақ юракка зарба бериш* – энг заиф жойга зарба бериш, юракка урилган пичоқ), а *knife into one's heart* (ингл.–сўзма-сўз, юракка урилган пичоқ); юракнинг сезувчанлиги ҳақидаги қўйидаги иборани ҳам шунга киритиш мумкин: юрагига яқин олмоқ; *take (close) to heart* (ингл. – сўзма-сўз, юрагига яқин олмоқ); хис-тўйғулар макони бўлган юрак ҳақидаги тасаввур нозиклик тўғрисидаги тасаввур билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

**Ички дунё ҳақидаги тасаввурни** қўйидаги каби ибораларда топиш мумкин: чин юракдан, самимий гапириш *heart-to-heart talk* (ингл. – сўзма-сўз. қалбан суҳбат кўриш – самимий суҳбат), инглиз тилидаги *have the heart on the one's sleeve* (ингл. – сўзма-сўз, юраги енгига – самимий инсон тўғрисида) ибораси ўртасида параллелизм бўлиши ҳам мумкин.

**Қадрият ҳақидаги тасаввур.** Юрак манипуляция қилиш мумкин бўладиган буюм сифатида тасаввур этилади – бундай буюмга эгалик қилиш инсон устидан ҳукмронлик бағишлайди. Юракни ўғирлаш (олиб кўйиш) мумкин, *steal (take someone's* – юракни олиб кўйиш маъносидаги *take heart* ибораси ҳар доим субъект кўрсатилишини тақозо этади, чунки (*take heart* субъектга алоқасиз ҳолда руҳланмоқ маъносини англатади), *heart* (ингл.); *win smb. 's heart* (ингл.); қимматли буюм каби юрак ҳақидаги тасаввур сирлар сақланадиган муқаддас жой сифатидаги юрак ҳақидаги тасаввур билан

<sup>1</sup> Апресян Ю.Д. Дейксис в лексике и грамматике и наивная модель мира // Семиотика и информатика М., 1986, вып. 28, с. 5–33.



чамбарчас боғлиқ бўлади; кўлни юрак устига қўйиб, қасам ичишади, *from the bottom of one's heart* (ингл. – сўзма-сўз, юрак қаъридан чиқариб) – самимий.

**Характер ҳақида тасаввур.** Юрак лексемасига қўшилиб келадиган атрибутивлар инсоннинг яхшилик ва шафқатсизлик каби шахсий хусусиятлари, характер белгиларини ифодалаш учун хизмат қилади: *раҳмдил, мунис, мушфиқ, тилла ёки шафқатсиз, тош юрак; kind, soft, tender, golden heart vs. cruel heart, heart of stone* (ингл.).

**Жасорат ҳақидаги тасаввур.** Инглиз ва француз тиллари учун ўзига хос метонимик кўчирма, жасур, мард кишининг довурак, деб улуғланиши характерлидир – *brave heart* (ингл. – сўзма-сўз. *довурак*): *vs. fainthearted* – (ингл. – сўзма-сўз, кўрқоқ, иродаси суст); бу, эҳтимол, юрак сўзи этимологияси ва лотин тили таъсири билан боғлиқ бўлса керак.

*Cordial* (ингл. – сўзма-сўз, самимий ва мардлик, эҳтимол. Бу мардлик, дадиллик, жасорат унинг юрагида, ҳар ҳолда, кўкрак қафаси ичида жойлашган, деган тасаввур билан боғлиқ бўлса керак, инглиз тилидаги *pluck* сўзи (оғзаки, бутунича, ичак-човоклар) сўзи мардлик, дадиллик маъносига эга (*pluck* сўзи этимологияси аниқланмаган: шуниси маълумки, бу сўз лотинчадаги *pilus* – соч сочларини юлиб олмоқ сўзидан келиб чиққан).

Кенг юракли одам, *big heart* (ингл. – сўзма-сўз, *кенгюрак* – мурувват, ҳиммат).

**Интуиция ҳақидаги тасаввур.** Юрак айтиб бериши, йўл кўрсатиши мумкин – *heart talks* (ингл.) – мен олдиндан сезувдим: юрак *сезиши* мумкин: *юрак душманни ҳам, ганимни ҳам сезади* (Даль. 1993), ақл-идрок қилмайдиган нарсани олдиндан сезиш: бунда юракнинг мустақил амал қилиши кўрсатилади – у, кўпинча, ўз эгаси ҳам назорат қилмайдиган хоҳиш-истаклар, иродага эга бўлиши мумкин: юракга амр қилиб бўлмайди, *the heart has a will of its own* (ингл. – сўзма-сўз. юракнинг ўз иродаси бор), *the heart has its reasons that the reason does not understand* (ингл. – сўзма-сўз, юракнинг ақл бовар қилмайдиган ўз мотивллари бўлади деганидир).

**Хайрихоҳлик ҳақидаги тасаввур.** Юрагига яқин бўлган, кўнглига ўтирадиган киши ёки нарсага нисбатан хайрихоҳлик кўрсатилади. Тегишлича бажариш ёқмайдиган, лекин қилиниши лозим бўлган иш истар-истамас – ўз хоҳишига қарши бажарилади, эҳтимол, юракка яқин ёки аксинча, унга зид истак ёки истамасликнинг ифодаси тана ичидаги ёқимсиз жисмоний сезгилар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳозирги рус тилида кенг ишлатилмайдиган *нутро* (ботинан) сўзи айрим ибораларда сақланиб қолган ва асаб билан чамбарчас боғланган бўлиб, балки ички ва илгариги ботиндан келиб чиққан қорин сўзлари билан бир илдиздан таркаган бўлиши мумкин: *чай кофе дидимга ёқмайди: қанийди, саҳарданоқ ароғи тушмагур бўлса; ноннинг қирчағичи кимга зарур, бева хотиннинг қизи ўзига сийлов* (Даль. 1993). Далнинг луғатига кўра, *ботин* деганда одам ва хайвонларнинг қоринлари, айниқса, ичак-човоклари тушунилади: *унинг қорнининг мазаси йўқ, бутун ички аъзолари оғрияпти; йигидан бутун вужудим сил бўлиб кетди* (Даль. 1993). Инглиз тилида *after one's own heart* – ингл. – сўзма-сўз, *кўнглимга ўтиради*, қалбимга яқин – маъқул бўлган кимдир ёки нимадир ҳақида, *have something at heart* (ингл. – сўзма-сўз. *юрагига солиб олмоқ* – қандайдир ишга содиқлик, иштиёқмандлик): инглиз тилида *change of heart* (ингл. – сўзма-сўз, *юрак алмашиниши*) эътиқодлардан воз кечиш, қарашларни алмаштириш (кўпинча, мутлақо аксига (ибораси анча кенг тарқалган).

**Эмоционал ҳолат ҳақидаги тасаввур.** Юрак «бошқа жойга кўчиши», жойлашган жойини ўзгартириши мумкин, масалан, ташвиш чекаётган ёки хаяжонланаётган кишининг юраги жойида бўлмайди, *to have one's heart in one's mouth/throat* (ингл. – сўзма-сўз. қаттиқ чўчиганлик); рус тилида, ниҳоят, даражада кўрққанлик ҳақида шундай дейилади: *жоним чиқиб кетаёзди*: айна бир пайтда, инглиз тилида *to have one's heart in one's boots* (ингл. – сўзма-сўз, *юрагим товонимга тушиб кетди*, яъни тўпиғидан пастга) – ғоят маънос бўлиб қолиш, умидсизликка тушиш, *a to have one's heart in the right place* (ингл. – сўзма-сўз. *юрак ўз жойида (тўғри) турибди*) – яхши, орзу-ниятлилик, энг яхши ниятларни кўзлаб иш юритиш. Французлар ғайратли, шиддатли одам тўғрисида шундай дейишади. Умидсизликка тушириш (шуниси қизиқки, бундай ҳолда юрак қандайдир аниқ моҳият сифати эмас, балки куч-қувват берадиган ёқилгига ўхшаб қорни бўшлиғига қўйиладиган субстанция тарзида тушунилади. Бу, афтидан, қорин ва кўкрак бўшлиғи ичида жойлашган юракнинг физиологияси ва анатомияси ҳақида ўрта асрдаги тасаввурлар билан боғлиқ бўлса керак. *Қорин* сўзи илгари одамнинг кўкрак қафаси (*poltrine*), гавданинг юқори қисми ва пастки қисм (қи-

личсимон ўсмадан пасти – xiphistemum)ларга бўлинмаган бутун бўшлиғини ифодалаган. Бунда юрак сўзи орқали корин бўшлиғидаги ички аъзолар ифодаланган.<sup>1</sup>

XVI асрга келиб, юрак сўзи яна-да лўндароқ маъно олган тўғридан-тўғри кориндан (estomach) иссиқлик оладиган ва сўнгра қонни иситиб, томирларга юборадиган мускулли орган.

Ана шу негизда *heartburn* (ингл. heart – юрак, burn – ачитиш, қуюқ ...), heart-burning (ингл. сўзма-сўз, юрак куйиши, эскирган. Масалан, бадхоҳлик, қоникмаслик *to express heart – burnings – норозилик, қоникмаслик* ҳисларини ифодалайди. Меъда қайнаши ибораси ўзининг тўғри маъноси билан бир қаторда, инглиз тилида физик маънода яна-да ривожлантирилган ва истиора сифатида қайта ишланган маънони касб этган.

Шундай қилиб, тадқиқ қилинаётган иккита тилдаги материалга таяниб, таъкидлаш мумкинки, инглиз ва ўзбек тиллардаги юрак ҳақидаги тасаввурларда ўхшашликлар ҳам, тафовутлар ҳам учрайди. Бироқ юракнинг турли функционал ёки топологик жиҳатлардаги марказий ўринга эгаллиги ҳақидаги прототипик тасаввур сақланиб қолган. Марказ сифатидаги юрак ҳақидаги тасаввур тадқиқ қилинаётган лексемага эга иборалар семантикаси учун асосий бўлиб ҳисобланади.

**Nizomova Mohinur Baratboyevna (Qarshi davlat universiteti Ingliz tili fani o'qituvchisi;**

**e-mail: [mohinurnizomova17@gmail.com](mailto:mohinurnizomova17@gmail.com))**

### **INGLIZ VA O'ZBEK TILLARDAGI PEDAGOGIKAGA OID TERMINLARNING TARAQQIYOT BOSQICHLARI**

***Annotatsiya.** Pedagogikaga oid atamalarini vatani Yunoniston desak, adashmagan bo'lamiz. Tarihiy manbalarni ko'rsatishicha, qadimgi Yunonistonda o'z xo'jayinining bolalarini sayr qildirgan, ehtiyot qilgan, harbiy mahoratni o'rgatgan tarbiyachini, ya'ni qullarni "pedagog" (bola yetaklovchi) deb atashgan. Keyinchalik esa maxsus o'qitilgan va pedagoglikni o'ziga kasb qilib olgan kishilarni pedagog deb atay boshlashgan.*

***Аннотация.** Можно с уверенностью сказать, что Греция – родина педагогики. Исторические источники показывают, что в Древней Греции рабов называли «воспитателями» (наставниками), т. е. воспитателями, которые заботились о детях своего господина, обучали их военным навыкам. Позже педагогами стали называть людей, специально подготовленных и обученных педагогике.*

***Annotation.** It is safe to say that Greece is the birthplace of pedagogy. Historical sources show that in ancient Greece, slaves were called "educators" (tutors), i.e. educators who took care of their master's children, taught them military skills. Later, people who were specially trained and trained in pedagogy were called educators.*

***Kalit so'zlar:** pedagog, ta'lim, ritorik ta'lim, ritorika, didaktika, Bayt ul-hukma, bilim, ta'lim maskani, ma'ruza, universitet.*

***Ключевые слова:** педагог, образование, риторическое образование, риторика, дидактика, «Баут уль-хукма», знания, учебное заведение, лекция, университет.*

***Key words:** pedagogue, education, Knightly upbringing, rhetoric, didactics, Baut ul- hukma, knowledge, educational institution, lecture, university.*

Biz bundan bilish mumkinki, "pedagogika" atamasi ilk bor Yunonistonda qo'llanilgan. Izlanishlarimiz shuni ko'rsatadiki, ingliz va o'zbek tillarda pedagogikaga oid terminlarning taraqqiyot bosqichlarini 2 xil bosqichga bo'lib izohlashimiz joizdir.

1. Pedagogik atamalar taraqqiyotining Yevropada shakllanishi.
2. Pedagogik atamalar taraqqiyotining O'rta Osiyoda shakllanishi.

G'arbiy Yevropada XII–XIII asrlarda pedagogik faoliyat va ularga oid atamalar ham qo'llanila boshlagan. Pedagogik atamalar taraqqiyotining Yevropada shakllanishiga nazar tashlasak, o'rta asr G'arbiy Yevropa mamlakatlarida ikki guruhga bo'lingan va yetti fanni o'z ichiga olgan ta'lim dasturi vujudga kelgan edi. Bu davrda quyudagi pedagogik atamalar paydo bo'ldi:

<sup>1</sup> Арутюнова Н.Д. Истина: фон и коннотации. Логический анализ языка. Культурные концепты. М., "Наука", 1991, с. 21 – 30.

◆*subject* – dunyo haqidagi bilimlar sistemasi, ijtimoiy ong shakllaridan biri. U yangi bilimlarni egallash bilan bog‘liq faoliyatni ham, bu faoliyatning mahsuli – olamning ilmiy. manzarasi asosini tashkil etuvchi bilimlarni ham o‘z ichiga oladi.

**Dialektika** (yun. dialektike (techne) – suhbat olib borish, bahslashish san‘ati) – borliqning vujudga kelishi, uning taraqqiyoti haqidagi falsafiy ta‘limot hamda voqelikni bilish va unga asoslangan tafakkur uslubi. Uning asoschisi Suqrot hisoblanadi.

**School** – o‘qituvchi rahbarligida yosh avlodga ma‘lumot beriladigan va tarbiyaviy ishlar olib boriladigan o‘quv tarbiya muassasasi.

**Ritorica** – notiqlik san‘ati nazariyasi.

**Teacher** – pedagog, o‘rta va oliy ta‘lim tizimi xodimi bo‘lib, o‘quvchi va talabalarni o‘qitish bilan shug‘ullanadi. Boshqa nomlari: “ustoz”, “domla”, “muallim”.

G‘arbiy Yevropa mamlakatlarida *ritsar tarbiyasi* dep nomlangan atama XII asrga kelib to‘la tarkib topdi va rivojlandi. Ritsar tarbiyasining mazmuni, «ritsarlariga oid etti fazilat»dan tashkil topdi. Bu fazilatlar quyidagilardan iborat edi: ot minib yurishni, qilichbozlikni, nayzabozlikni, suza olish, ov qila bilish, shashka (keyinchalik shaxmat) o‘ynashni bilish, she‘r to‘qish va qo‘shiq ayta olish. Bu fazilatlardan birinchi o‘rinda turgan uchtasi ritsarga berilmog‘i zarur harbiy tarbiyaga taalluqlidir: ritsar otliq askar, qilich va nayza esa o‘sha zamon jangchisining asosiy quroli edi. Suzish va ov qilishni bilish jismoniy chiniqish, chaqqonlik va bardoshlilikni o‘stirish uchun talab qilinardi. Bundan tashqari, ov qilish, shuningdek, o‘zining qayerdaligini aniqlay bilish (oriyentatsiya qobiliyati), topqirlik, hushyorlik, dushmanning izini topish va shu kabi sifatlarni o‘stirish vositasi hisoblanardi. Shashka va shaxmat o‘yini, bir tomondan, bekorchi vaqtini band qilish, ya‘ni hujum va mudofaa rejasini tuza bilish qobiliyatini o‘stirish vositalaridan hisoblanardi. She‘r to‘qish va qo‘shiq ayta bilish esa o‘zining syuzereniga (kichik feodallar ustidan turgan hakim, boshliq va ritsarning homiysi) madhiya o‘qish va o‘zining sodiqligini izhor qilish, uning mardligini, zafarlarini, qahramonligini maqtash va shu orqali uning iltifotiga sazovor bo‘lish hamda o‘zi uchun mahbuba qilib belgilangan feodal xonim-begimga madhiyalar o‘qish uchun talab qilinardi.

**Ritsarlik tarbiyasi, Knightly upbringing** – G‘arbiy Yevropada ham dunyoviy feodallar muhitida ritsar fazilatlariga ega bo‘lgan tajribali, mohir va mard jangchi, shuningdek, oliyjanob, nazokatli, odobli, xushmuomalali, vijdonli, fidokor va sodiq inson tarbiyasi bilan bog‘liq alohida tarbiya tizimi hisoblangan.

Shuni aytish lozimki, Yevropada XII asrning ikkinchi yarmida “universitet” atamasi paydo bo‘lgan va foydalanila boshlagan. Universitetlar tashkil topa boshlagan.

**University** – tabiiy, ijtimoiy va gumanitar yo‘nalishda yuksak malakali mutaxassislar tayyorlashga yo‘naltirilgan kup tarmoqli oliy o‘quvilmuassasa.

Platonning fikricha, u olg‘a surgan g‘oya, bu davlatning maqsadi oliy ezgulik g‘oyasiga yaqinlashishdir: bu g‘oya, asosan, *tarbiya* yo‘li bilan ro‘yobga chiqishini ta‘kidlaydi.

**Upbringing** – shaxsning axloqiy, ruhiy, ma‘naviy sifatini shakllantirishga qaratilgan amaliy pedagogik jarayon.

Arastu, axloqning jamiyat hayotida muhim ahamiyatga ega ekanligini ta‘kidlab, “Tabiat inson qo‘liga qurol – *aqliy* va *axloqiy* kuch bergan, ammo u shu qurolni teskari tomonga nisbatan ham ishlatishi mumkin: shu sababli axloqiy tayanchlari bo‘lmagan odam eng insofsiz va yovvoyi, o‘zining jinsiy va did mayllarida eng tuban mavjudot bo‘lib qoladi”, deydi.

**Mind** – dunyoni aks ettiruvchi, shaxsning voqelikga boshqaradigan inson miyasi.

**Morality** – insonning sifati bo‘lib, bir-biriga, oilaga bo‘lgan xulq-atvori, odobi majmuasidir.

Chexoslovakiyalik gumanist-pedagog Yan Amos Komenskiy pedagogika ilmning poydevorini qurgan, uning keyingi rivojlanish yo‘llarini ko‘rsatib bergan, o‘zining ongli hayotini, amaliy pedagogik faoliyatini o‘qitish va tarbiyalashdek oliyjanob ishga bag‘ishlagan ulug‘ pedagogdir. Komenskiy «Kishilik jamiyati ishlarini yaxshilash haqida hammaga talluqli maslahat» nomli 7 jildli katta asar yozdi (U hayot ekanligi vaqtida hammasi bo‘lib 2 jildi bosilib chiqdi, qolgan jildlari esa faqat 1935-yilda topildi va Chexoslovakiyada chop qilindi). Bu asarida «Hammani va hamma narsada har tomonlama tuzatish»ning insonparvarlik va demokratik dasturini belgilab chiqdi va kishilik jamiyatini isloh qilish rejasini ilgari surdi. 1651-yilda Komenskiy o‘z davrida quyudagi ta‘limga oid atamalarni qo‘llagan edi.

**“Pan Sophia’s idea”**, ya‘ni “pan sofıya g‘oyasi” – hamma narsani bilish, hamma uchun bilim berish (pan gercha – butun, hamma, sofıya – donolik, aqllilik).

**Intellect** – insonlarni ma‘lumotni qabul qilib, qayta ishlash jarayoni.

**Mental education** – aqliy tarbiya, bilimni to‘plash ko‘nikmalari hamda o‘qish, tinglash, o‘z fikrini og‘zaki bayon etish, yozish, manba bilan ishlash, mustaqil ishlash malakalari tushuniladi.

**Moral education** – axloqiy tarbiya, insonlarning oilaga, jamiyatga bo‘lgan harakatlari namoyon bo‘ladigan xulq-atvorlari, odoblari yig‘indisi.

**Religious education** – insonlarga diniy tarafdin tarbiyalash.

Pedagogik atamalar taraqqiyotning O‘rta Osiyoda shakllanishiga nazar tashlaydigan bo‘lsak, uni quyidagi bosqichlardan iborat:

1. Birinchi bosqich. VII–VIII asrlarda Movarounnahrda pedagogikaga oid atamalarning kelib chiqishini ko‘rib chiqamiz. Xalq og‘zaki ijodiga nazar tashlasak, “Boylikdan ilm afzal” ertagidan ko‘rishimiz mumkinki, ushbu davrda ko‘plab ta‘limga oid atamalardan foydalanib kelgan.

**Knowledge** – ilm, arab tilidan kirib kelgan so‘z bo‘lib, o‘qish o‘rganish, malakaga ega bo‘lish yig‘indisidir.

**Literature** – biror-bir fanning majmuyi, umumlashishi.

IX – XIII asrlarda kelib, yangi pedagogik atamalar kirib kela boshladi, sababi, islomiy ta‘limot ham rivojlandi.

**Religious** – *philosophical education* – diniy-falsaviy bilim berish, ularni to‘plash.

Aynan shu davrda *so‘fiylik ta‘limoti nazariyasi* ham keng tarqalgan.

**The theory of Sufism** – so‘fiylik ta‘limoti nazariyasi, ta‘limot turlaridan, diniy-falsafiy oqim hisoblangan.

Biz bu davrdagi adiblarni asarlariga yuzlansak, Nosir Xisravning “Hunarmanddan yaxshi kasb yo‘q jahonda” kabi ibratli misralar muallifi.

*Bilim qidirishga urdim boshimni.*

*Bekor o‘tqazmadim umrimni bir dam.*

*Qaydagi eshitsu ilmu donishni*

*Eshigi tagida o‘tirdim mahkam.*

**Profession** – maxsus nazariy bilimlar va amaliy ko‘nikmalar majmuyiga ega tajribali shaxsning mehnat faoliyati turi.

2. Ikkinchi bosqich. VII – XIII asrlarda Sharqda aniq fanlarning taraqqiyotida katta yutuqlarga erishildi. Ma‘mun hukmronligi davrida Bag‘dod shahrida “*Bayt ul-hukma*” tashkil etilgan.

**Bayt ul-hukma** – *House of Wisdom*, Donishmandlar uyi bo‘lib, ilm maskani hisoblangan.

Al-Xorazmiy o‘zining falsafiy-ma‘rifiy qarashlarini “Mifotih al-ulum” nomli va ko‘plab asarlarida bayon etgan. Shundan bilishimiz mumkinki, pedagogika sohasida o‘z davrining atamalari payda bo‘lgan.

**Mifotih al-ulum** – ilmlarning kalitlari – *The keys to the sciences*.

Olimning o‘zi shunday dep yozgan “Men arifmetikaning sodda va murakkab masalalarini o‘z ichiga olgan “*Al-Jabr va al-Muqobala*” kitobini yozdim. Chunki vasiyatnoma yozish, huquq ishlari, savdosotiq, ariq qazish, geometrik hisoblashlar uchun juda zarur deb hisobladim”.

*Al-Jabr va al-Muqobala* – tenglamalar va qarshilantirish – *Equations and comparisons* – matematika faniga oid bo‘lgan atama hisoblanadi.

*Kitob surat al-arz* – Yer surati haqida kitob – *a book about the image of the earth*.

*Kitob at-tarix* – tarix kitobi – *History book* – tarix haqida kitob.

Xorazmiy IX asrning 20-yillarida “Zij”ni tuzib chiqdi.

*Zij-Astronomik jadval* – *Astronomical table*.

*Torolyabiya* – quyosh soati – *sundia*.

Bu davrning buyuk tilshunosi Abu Nasr Forobiyni ulug‘lab, Sharqda “Al-muallim as-soniy” deb atagan.

*Al-muallim as-soniy* – *second teacher*, ya‘ni Aristoteldan keyingi ikkinchi muallim deb atalgan.

Forobiy dunyo tillaridan 70 tasini bilgan. Gramatika, mantiq, ta‘lim berish, javob berish, poetika kabi tushunchalarni asoschisi desak, adashmagan bo‘lamiz. U har bir inson ahliga murojaat qilib, ayniqsa, ota-ona va ustoz-murabbiylarga qarata shunday degan edi: “*Qanday qilib ta‘lim berish va ta‘lim olish, qanday qilib o‘z fikrini ifodalash, bayon qilish, so‘rash va javob berish masalasiga kelganimizda, fanlar ichidagi eng birinchi fan – til haqidagi fandir, ikkinchi fan – grammatika, uchunchi fan – mantiq, to‘rtinchi fan poetikadir deb tasdiqlayman.*”

**Grammar** – gramatika, ya‘ni so‘zlarning shaklga ega bo‘lish qonuniyatlarini, shuningdek, so‘z birkmalari va gaplarni tuzish qonuniyatlarini o‘rganadigan bo‘limi.

**Logic** – mantiq, dalil keltirish va xulosa chiqarish prinsiplarini o‘rganuvchi falsafiy tadqiqotdir.

**To teach** – ta‘lim bermoq, pedagogik faoliyatidan kelib chiqqan holatda, o‘quvchilarga yangi bilim va tushunchalar olib boorish.

*to learn* – ta’lim olish, yangi ma’lumotni o’rganish va tahlil qilish;

*poetics* – poetika;

*answer* – javob bermoq;

Forobiy hikmatlariga yuzlansak:

Inson yuksak kamolotga erishuv yo’lida harakat qilganidek, aqliy bilishga ham harakat qilsa, hech shubhasiz, o’zi intilayotgan so’nggi darajadagi baxt-saodatga erishadi.

*Mental knowledge* – aqliy bilim, u mustaqil bilish qobiliyati va aqliy mehnat faoliyatidir.

“Munosib inson” bo’lish uchun odamda ikki imkoniyat: ta’lim va tarbiya olish imkoniyati bor. Ta’lim olish orqali nazariy kamolotga erishiladi, tarbiya esa – bu kishilar bilan muloqotda axloqiy qadr-qimmatni va amaliy faoliyatni yaratishga olib boradigan yo’ldir.

*Access to education and upbringing* – ta’lim va tarbiya olish imkoniyati.

*Theoretical maturity* – nazariy kamolot, nazariy bilimlarni mustahkamlash.

*Communication* – kishilar bilan bilim, malaka almashinish va muloqat qilish.

Beruniy bolalarni axloqiy barkamolligi va yomon fazilatlaridan quyudagi usullarini olg’a surgan edi:

1. *O’rnak olish*. Donishmand va olimlar xulqlaridan o’rnak olish yaxshi xulqni rivojlantiradi. Yomon odatlarni yo’q qiladi. U ko’proq ota-onalarni farzandlariga o’rnak olishga chorlaydi.

2. *Pand va nasihat*. Beruniy pand-nasihat orqali bolalardagi ayrim nuqsonlarni anglash zarur, deb hisobladi va quyudagi fikrlarni bayon etdi. “Odamlar o’rgangan, odatlangan va ko’pchilikga ma’qul bo’lgan narsaga qarshilik ko’rsatmasdan o’rganishlari kerak”.

*Sampling* – o’rnak olish, namuna olish.

Ibn Sinoning eng muhim yirik asari “Kitob ul-shifo”. Bu asar inson ruhiyatini tarbiyalashga qaratilgan bo’lib, u 4 qismdan iborat: 1) mantiq; 2) tabiiy fanlar; 3) matematika; 4) metafizika.

*Logic* – mantiq.

*Natural sciences* – tabiiy fanlar.

*Mathematics* – matematika.

*Metaphysics* – metafizika.

**Xulosa.** Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, pedagogik terminologiya ta’lim tizimining barcha jabhalarida faol ishlatiladi desak, xatolashmagan bo’lamiz. O’tgan asrning boshlarida Turkiston xalqlarining milliy ongining o’sishi, maktab va madrasalarning isloh qilinishi, ularda dunyoviy bilimlarning kengroq o’qitilishi natijasida pedagogik terminlarga bo’lgan ehtiyoj kuchaya borgan. Behbudiy, Shakuriy, Ayniy, Hamza, Munavar qori, Avloniy va boshqalarning Rusiya, Qrim, Orenburgda ochilgan yangi musulmon maktablari, ularning o’qitish va o’qitish usuli bilan tanishib, mahalliy sharoitlarga moslashtirib maktablar ocha boshladilar. Natijada shu maktablarga mos darslik va qo’llanmalar maydonga keldi va bu darsliklarda ilk bor ta’lim-tarbiyaga oid maxsus terminlar shakllana boshladi.

**Axmedova Xolisa (Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat O’zbek tili va adabiyoti universiteti tayanch doktoranti), Masharipov San’atbek (TATU Urganch filiali Dasturiy injenering kafedrası mudiri)**  
**STATISTIK USULLAR YORDAMIDA OMONIMLARNI FARQLASH**

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada yaratilajak o’zbek tili semantik analizatorining muhim vazifalaridan biri bo’lgan bir so’z turkumi doirasidagi omonim so’zlarning ma’nolarini farqlovchi omillar, matematik modellar haqida so’z yuritiladi. Omonimlikni aniqlash ko’plab kompyuter dasturlari uchun foydali-dir, ayniqsa, kompyuter lingvistikasi, xususan, qidiruv tizimlarini ishlash tezligi, ma’lumotlar hajmining va so’rovlarning kamayishi kabi imkoniyatlar yaratadi. Grammatik va statistik hodisalardan foydalangan holda, korpusdagi so’zlarning teglari asosida omonimiya hodisasi aniqlanadi.

**Аннотация.** В статье мы поговорим о факторах, которые различают значения омонимических слов внутри категории слов, математических моделях, которые являются одной из важных функций создаваемого семантического анализатора узбекского языка. Решая эту проблему, мы обращаемся непосредственно к теории вероятностей. В этой статье мы поговорим о вопросах определения слов, которые приходят на ум при слове-омониме в тексте, предоставленном для семантического анализа, о вычислении вероятности этого с этим словом. С помощью грамматических и статистических явлений явление омонимии определяется на основе тегов слов в корпусе.


**Annotation.** In this article we will talk about the factors that distinguish the meanings of homonym words within a category of words, mathematical models, which are one of the important functions of the Uzbek language semantic analyzer to be created. In solving this problem, we turn directly to the theory of probability. In this article, we will talk about the questions of determining the words that come to mind with the word homonym in the text given for semantic analysis, the calculation of the probability of this with this word Using the Grammar and statistics events, the homonymy phenomenon is identified based on the tags of the sots in the holding corpus.

**Kalit soʻzlar:** matematik model, shartli ehtimollik, lingvistik model, omonim soʻzlar, ketma-ketlik, teglar ketma-ketligi, Markov modellari, Trigramm yashirin Markov modeli.

**Ключевые слова:** математическая модель, условная вероятность, лингвистическая модель, омоним, последовательность, последовательность тегов, Марковские модели, триграмма, Скрытая Марковская модель.

**Key words:** Mathematical model, conditional probability, linguistic model, homonym, sequence, tag sequence, Markov models, Trigram Hidden Markov model.

Kompyuter tilshunosligida lingvistik modellashtirish muhim ahamiyatga ega. Yaratilgan model asosida dasturiy taʼminot yaratilib, til birligining korpusda berilishi masalasi yechim topadi.



Tabiiy tillarni qayta ishlash jarayonining ana shunday muhim vazifalaridan biri bu omonim soʻzlarning maʼnolarini farqlovchi tizim yaratishdir. Bu vazifani tizim orqali amalga oshirish uchun esa, albatta, lingvistik modellar, ularga asoslangan matematik modellar, matematik modellar asosida yaratilgan algoritmlar, maʼlumotlar bazasini boshqarish tizimlari, dastur interfeysini yaratish, uni kerakli maʼlumotlar bilan bogʻlash uchun dasturlash tili va uning imkoniyatlaridan foydalanish kerak boʻladi. Ushbu tizimning yaratilishi oʻzbek tili milliy korpusining mukammallik darajasini oshiradi.

Yuqorida keltirilgan misollar kabi, sifat, olmosh va boshqa soʻz turkumlari doirasidagi omonim soʻzlarning maʼnolarini farqlash jarayonlarini modellashtirishda qoʻl keladi.

Ushbu jumalalarda keltirilgan **oʻt** soʻzi ot soʻz turkumi doirasidagi omonim soʻz boʻlib, har bir jumalda turli maʼnolarni anglatadi. Quyida esa feʼl soʻz turkumi doirasidagi omonim soʻzlar keltirilgan. Buning uchun esa xorijiy tajribalar va ulardagi omonimlikni aniqlash jarayonida qoʻllanilgan lingvistik va matematik usullariga nazar solsak. Ingliz tilida omonimlikni farqlashda Markov modellari, Generativ,

Noisy channel modeli, Viterbi algoritmlariga tayanilgan.<sup>1</sup> O‘zbek tilida ham ushbu modellardan foydalanish mumkin. Buning uchun esa har bir so‘zni o‘zak va qo‘shimchalarga ajratib ularni teglashtirish kerak bo‘ladi.

Semantik analiz uchun bizga berilgan matnni  $X$  belgilash, uning jumlarini  $x_1, x_2, \dots, x_n$  belgilash bilan so‘zlarga va bu so‘zlarni o‘zak va qo‘shimchalarga ajratib, ajratilgan o‘zaklarni teglarini, ya‘ni qaysi so‘z turkumi doirasida ekanlini  $y_1, y_2, \dots, y_n$  belgilashlar bilan belgilab olamiz.

Gaplarning  $x_1, x_2, \dots, x_n$  ketma-ketligini  $y_1, y_2, \dots, y_n$  teglar ketma-ketligiga almashtirish muammosi *ketma-ketlikni belgilash* yoki *teglash* muammosi deb yuritiladi.

Faraz qilaylik bizda  $(x^{(i)}, y^{(i)})$  misollar to‘plami mavjud, (bu yerda  $(x^{(i)}, y^{(i)}), i = 1..m$ , har bir  $x^{(i)}$  to‘plam  $x_1^{(i)}, x_2^{(i)}, \dots, x_{n_i}^{(i)}$  gaplardan iborat va har bir  $y^{(i)}$  to‘plam esa  $y_1^{(i)}, y_2^{(i)}, \dots, y_{n_i}^{(i)}$  teglar ketma-ketligidan iborat to‘plam ( $n_i - i$  – misolning uzunligi). U holda  $x_j^{(i)}$  esa  $i$ -misoldagi  $j$ -so‘z,  $y_j^{(i)}$  esa  $i$ -misoldagi  $j$ -so‘zning tegi.

$X$  sifatida  $x_1, x_2, \dots, x_n$  ketma-ketliklarning to‘plami va  $Y$  sifatida  $y_1, y_2, \dots, y_n$  teglar ketma-ketliklarning to‘plami belgilanadi. Ayni paytda, bizning vazifamiz gaplar ketma-ketligini teglar ketma-ketligiga mos qo‘yuvchi  $f: X \rightarrow Y$  funksiyani o‘rganishdan iborat. Mashina tarjimasida berilgan har bir  $x$  manbadagi gaplar ( $X$ itoy a.g.)<sup>2</sup> va har bir “label” (belgi)lar tilidagi gap sifatida qabul qilinadi. Bizning vazifamiz berilgan barcha  $x$  va ularning teglari  $y$  belgilardan iborat barcha  $(x^{(i)}, y^{(i)}), (i=1..n)$ larni aniqlaydigan funksiyani o‘rganishdan iborat.

$f(x)$  funksiyani aniqlashning yana bir yo‘li – shartli model usulini qaraymiz. Bunda biz har qanday  $(x, y)$  juftlik shartli ehtimollikni aniqlaydigan modelni aniqlaymiz.

$$p(y|x)$$

Model parametrlari esa korpus tarkibidagi matnlar yordamida baholanadi. Kiritilgan yangi  $x$  dan olinadigan natijaviy misol namunasi

$$f(x) = \arg \max_{y \in Y} p(y|x) \quad (1)$$

Ushbu modeldan olinadigan  $y$  label, belgilarning eng katta qiymati.  $p(y|x)$  modelimiz berilgan namunalarning haqiqiy shartli taqsimotiga yaqin bo‘lsa,  $f(x)$  funksiya optimal hisoblanadi. Mashina tili va tabiiy tilni qayta ishlashdagi eng tez foydalaniladigan va eng muqobil model bu generative modeldir. Ko‘p hollarda,  $p(x, y)$  ehtimollikni quyidagicha taqsimot qilamiz:

$$p(x, y) = p(y)p(x|y) \quad (2)$$

va  $p(y)$  va  $p(x|y)$  modellar uchun ehtimolliklar alohida bo‘ladi. Bu ikki model tarkibiy qismlari quyidagicha talqin qilinadi:

$p(y)$  –  $y$  teglari taqsimotining dastlabki ehtimolligi.

$p(x|y)$  –  $y$  asosiy teg ekanligini hisobga olib, berilgan  $x$  ni hosil qilish ehtimolligi. Qo‘shma ehtimolliklarni  $p(x)$  va  $p(x|y)$  shartlarga ajratuvchi modellar Noisy-channel (shovqinli kanal) modellar deyiladi. Intuitiv ravishda, misol sifatida berilgan  $x$  ni 2 xil bosqichda yaratilgan deb qaraymiz:

Birinchi, har bir  $y$  tegni tanlanganlik ehtimoli  $p(y)$ ;

Ikkinchi, berilgan  $x$  namunalar  $p(x|y)$  taqsimotdan hosil bo‘lganligi.

$p(x|y)$  model sifatida,  $y$  tegni qabul qilib natijada  $x$  hosil qiladi deb oladigan bo‘lsak, u holda bu model qo‘l kelmaydi. Bizning vazifamiz esa  $x$  qiymatni qabul qilgan holda,  $y$  teglarni hosil qilish.

Xulosa qiladigan bo‘lsak:

- Bizning vazifamiz  $x$  berilganlarni  $y = f(x)$  teglarga almashtiruvchi funksiyani o‘rganish. Bizga berilgan misollar va ularni teglaridan iborat qiymatlar  $(x^{(i)}, y^{(i)}), (i=1..n)$ .

- Noisy channel (shovqinli kanal) yondashuvi asosan, berilgan  $x$  misollari yordamida  $p(x)$  va  $p(x|y)$  modellarni hosil qilamiz. Bu modellar esa qo‘shma modellar quyidagicha

$$p(x, y) = p(y)p(x|y)$$

- Berilgan  $x$  qiymatni  $y$  tegini quyidagi formula yordamida aniqlaymiz

$$f(x) = \arg \max_y p(y|x) \quad (3)$$

$X$  kiritilganlarni  $f(x)$  teglarini aniqlash jarayoni dekodlash deb ham ataladi.

Ushbu qo‘shma ehtimollikni yuqorida keltirilgan bir so‘z turkumi doirasidagi omonimlikni ma‘no-larini farqlashdagi eng katta qiymatlarini hisoblashni ko‘rib chiqiladi. Buning uchun esa Trigramm Ya-

<sup>1</sup> Michael Collins. Tagging with Hidden Markov Models. 2011, p. 3.

<sup>2</sup> Divya Godayal. An introduction to part-of-speech tagging and the Hidden Markov Model. 2018.

shirin Markov modelidan (YMM) foydalaniladi. Trigramm YMM, 9 mumkin bo'lgan so'zlarning chekli to'plami va  $K$  shu so'zlarning mumkin bo'lgan teglaridan iborat chekli to'plamdan iborat bo'lib, quyidagi parametrlar:

- $q(s|u, v)$  parametr har bir  $s|u, v$  trigram uchun  $s \in K \cup \{STOP\}$  va  $u, v \in \vartheta \cup \{*\}$ .  $q(s|u, v)$  ehtimollik ( $u, v$ ) teglarining bigrammidan keyin  $s$  tegining uchrash ehtimollikni anglatadi, \*-gapning boshini bildiradi.

- $e(x|s)$  parametr, har bir  $x \in \vartheta, s \in K$ .  $e(x|s)$  qiymati,  $x$  kuzatuvning  $s$  holat bilan juftlashish ehtimollikini aniqlaydi.

$S(x_1, \dots, x_n, y_1, \dots, y_{n+1})$  so'zlar ketma-ketligi va teglar ketma-ketligi juftliklaridan iborat to'plam, bu yerda  $n \geq 0, x_i \in \vartheta, i = 1 \dots n, y_i \in K, i = 1 \dots n$  va  $y_{n+1} = STOP$ .

Biz har bir  $(x_1, \dots, x_n, y_1, \dots, y_{n+1}) \in S$  uchun quyidagi

$$p(x_1, \dots, x_n, y_1, \dots, y_{n+1}) = \prod_{i=1}^n q(y_i|y_{i-2}, y_{i-1}) \prod_{i=1}^n e(x_i|y_i) \quad (4)$$

ehtimollikni aniqlashimiz kerak. Bu yerda  $y_0 = y_{-1} = *$ .

Masalan, bizda  $n=5, x_1 \dots x_5$  ga teng bo'lgan "Qirdagi o'tlarning yam-yashilligidan ko'z quv naydi" gap berilgan bo'lsin, ushbu gap uchun qo'shma ehtimollikni qo'llash uchun uni o'zak va qo'shimchalarga ajratib olinadi va qiymati  $N N Adj N V STOP$  lardan iborat  $y_1 \dots y_6$  to'plam ham aniqlanadi va qo'shma ehtimollik formulasiga quyidagicha hisoblanadi,

$$\begin{aligned} & p(x_1, \dots, x_n, y_1, \dots, y_{n+1}) \\ &= q(N|*,*) \times q(N|*,N) \times q(Adj|N,N) \times q(N|N,Adj) \times q(V|Adj,N) \\ & \times q(STOP|N,V) \times e(Qir|N) \times e(yam - yashil|Adj) \times e(ko'z|N) \times e(quvnamoq|V) \end{aligned}$$

Bu model noise-channel modeli hisoblanadi.

$$q(N|*,*) \times q(N|*,N) \times q(Adj|N,N) \times q(N|N,Adj) \times q(V|Adj,N) \times q(STOP|N,V)$$

ning qiymatini hisoblashda,  $N N Adj N V STOP$  teglar ketma-ketligining ehtimollikini aniqlash uchun ikkinchi darajali Markov modeli (trigram modeli)dan foydalanamiz.

$$e(Qir|N) \times e(yam - yashil|Adj) \times e(ko'z|N) \times e(quv naydi|V) -$$

$p(Qirdagi o'tlarning yam - yashilligidan ko'z quv naydi|N N Adj N V STOP)$  shartli ehtimollikni bildiradi, bu yerda  $p(x|y)$ - "Qirdagi o'tlarning yam - yashilligidan ko'z quv naydi" jumlasidan olingan  $x$  va  $N N Adj N V STOP$  teglaridan olingan  $y$  larning shartli ehtimollikini bildiradi. Ushbu ehtimollikni hisoblashimiz uchun esa ba'zi parametrlar kerak bo'ladi. Endi shu parametrlarni baholaymiz. Analizator uchun berilgan ma'lumotlar namunalar to'plami, har bir namuna esa, o'z navbatida,  $x_1 \dots x_n$  jumlar va  $y_1 \dots y_n$  teglar ketma-ketligini o'z ichiga oladi.

**Tahlil va natijalar.** Yuqoridagi ma'lumotlarni hisobga olgan holda model parametrlarini qanday baholaymiz? Bu savolga oddiy va juda intuitive javob borligini ko'ramiz.  $c(u,v,s)$  berilgan ma'lumotlardagi  $u,v,s$  holatlar ketma ketligining soni aniqlaydi, masalan,  $c(N,N,Adj)$  -berilgan jumladagi  $o't$  omonim so'zi ot so'z turkumi vazifasida kelganida bu so'zdan oldin va keyin birikib keluvchi so'zlarning  $N,N,Adj$  3 ta teg ketma-ketlikning sonini bildiradi. Xuddi shunday,  $c(u,v)$  esa ( $u,v$ ) bigram belgilarini nechta marta uchrashini bildiradi.  $c(s)$  esa berilgan ma'lumotlar korpusida  $s$  ni nechta marta ko'rilganligini aniqlaydi va, nihoyat,  $c(s \rightsquigarrow x)$   $s$  holatning korpusda  $x$  kuzatuv shakli juftliklarining uchrashlari soni: masalan  $c(N \rightsquigarrow O't)$  - o't so'zining korpusda  $N$  (ot) tegi ko'rinishida uchrashlari soni.

Ushbu izohlarni inobatga olgan holda, maksimal-ehtimollik quyidagicha keltiriladi:

$$q(s|u, v) = \frac{c(u,v,s)}{c(u,v)} \quad (5) \text{ va}$$

$$e(x|s) = \frac{c(s \rightsquigarrow x)}{c(s)} \quad (6)$$

Masalan, biz misolimiz uchun ushbu ehtimollik quyidagicha hisoblanadi:


$$q(Adj|N, N) = \frac{c(N,N,Adj)}{c(N,Adj)} \text{ va}$$

$$e(o't|N) = \frac{c(N \rightsquigarrow o't)}{c(N)}$$

Shunday qilib model parametrlarini baholash uchun til korpusidan sonlarni sanash va maksimal ehtimollikni formulalar orqali hisoblash kifoya. Yuqorida keltirilgan nazariy ma'lumotlarni grafik ko'rinishda ifodalinishi quyidagicha:



1-grafik. Bir turkum doirasidagi omonimlarni farqlash jarayoni



**Xulosa.** Dasturning bu qismi ixtiyoriy keltirilgan manbadan ixtiyoriy talab qilingan soʻzni va bu soʻzdan oldin va keyin keluvchi soʻzlar roʻyhatini chiqarib beradi. Dastur natijasida hosil boʻlgan ushbu roʻyhatdan  $c(N, N, Adj)$ ,  $c(N, Adj)$ ,  $c(N \sim o't)$ ,  $c(N)$  qiymatlar hisoblanadi va ularning ehtimolliklari ichidan eng katta qiymatga ega boʻlgani aniqlab olinadi. Eng katta ehtimollikka ega boʻlgan omonim soʻzning maʼlumotlar bazasidagi izohini foydalanuvchilar interfeysiga uzatiladi.

**Maxmudova Manzura Adashovna (Samarqand davlat Chet tillar instituti oʻqituvchisi)  
“AQL” KONSEPTI TALQINI INGLIZ VA OʻZBEK TILLARIDA**

**Anotatsiya.** Til butun insoniyat tajribasini, uning tafakkurini qamrab oladi, shu tufayli insonning dunyoqarashi va uni anglashi tilda muhrlanib, saqlanib qoladi va avloddan avlodga oʻtib, madaniyatimiz tarixini boyitadi; til – bu kognitiv mexanizm boʻlib, maʼlumotni kodlash va oʻzgaruvchi belgilar tizimidir. Xalq tarixi va madaniyatining oʻziga xos xususiyatlari, eng avvalo, dunyoni anglashdan boshlanib, xalq tafakkuriga singib, uning konseptual doirasining tarkibiy qismiga aylanadi, soʻngra lingvistik ifodasini topib, tilning semantik doirasidan joy oladi.

Ushbu maqolada “aql” konseptini ifodalovchi uzbek va ingliz leksik birliklari va ularning etimologiyasini bilish, milliy oʻziga xosligini tavsiflash, shuningdek, ularning dunyoni aks etuvchi oʻzbek va ingliz tillarida tutgan oʻrnini aniqlashga harakat qilingan.

**Аннотация.** Язык фиксирует опыт всего человечества, его мышление, благодаря которой человеческое мировоззрение и мироощущение запечатлевается, хранится и передается от поколения к поколению, обогащая историю нашей культуры; язык это познавательный механизм, система знаков, специфически кодифицирующая и трансформирующая информацию. Особенности истории и культуры народа, прежде всего, проходят осмысление, входят в мир мысли народа становятся составной частью его концептосферы, а затем, получая языковое выражение, включаются в семантическое пространство языка народа.

В данной статье предпринята попытка выявить лексемы, выражающие концепт ум/cleverness и их этимологию в английском и узбекском языках и описать национальное своеобразие данного концепта, а также определить их место в английской и узбекской языковой картине мира.

**Annotation.** Language embraces the whole experience of humanity and its thinking. So people’s worldview and understanding of the world are sealed and preserved, and passed down from generation to generation, enriching the history of our culture; language is a cognitive mechanism, a system of special

*coding of information and changing characters. The peculiarities of the history and culture of any nation, first of all, begin with the understanding of the world and penetrating into the thinking of people. Later all these become a part of conceptual framework, finding a linguistic expression in the language and taking a particular place in a semantic framework of the language.*

*This article deals with Uzbek and English lexical units and their etymology that represent the concept “cleverness”, analyzes their national as well as notional and functional peculiarities and place in both languages in representing the world.*

**Kalit soʻzlar:** *konsept, “aql” leksemasi etimologiyasi, “aql” sinonimlari, hosilalar, aql.*

**Ключевые слова:** *концепт, этимология лексемы «концепт», синонимы «ум», дериваты, ум.*

**Key words:** *concept, etymology of the lexim “cleverness, synonyms of “cleverness”, derivatives, cleverness.*

Ingliz va oʻzbek tillaridagi dunyo suratini aks etuvchi *cleverness/aql* konseptini oʻrganar ekanmiz, birinchi navbatda dunyo suratining tildagi aksi boʻlgan “Aql” konseptini ifodalovchi tayanch leksemani aniqlash hamda uning tarixiy rivojlanishi va hozirgi holatini kuzatish zaruriyati tugʻildi.

Aql konseptini tahlil qilishda asos leksemaning kelib chiqish etimologiyasini oʻrganish lingvistik maʼlumotlar asosida olib borildi.

Qadimgi dunyo modelining fragmentini qayta tiklaydigan hamda aql tushunchasining semantik tuzilmasini aks etdiradigan lingvistik saralash tahlili natijasida shu narsa maʼlum boʻldiki, *aql* konseptini nomlovchi *cleverness* leksemasi *clever* sifatdoshining hosilasi boʻlib, ushbu soʻz ME. Cliver – “skilled, expert”; ME.clivers va OE.clifian (tajribali, mohir)<sup>1</sup> soʻzidan kelib chiqqan hamda adroit (epchil, chaq-qon, ayyor), dexterious (epchil), XII asrda lugʻatga kiritilgan nimble (jonli, harakatchan), active (faol, jonli) soʻzlari maʼnosini qamrab olgan.<sup>2</sup>

Clever leksemasining derivatlari cleverly – ravishi, cleverness – oti, cleverish – sifati va cleverishly –ravishi hisoblanadi.

Leksema vaqt oʻtishi bilan semantik oʻzgarishlarga uchramagan va quyidagi maʼnolarni bildiradi:

1) tez oʻrganuvchi (quick at learning): a clever student, What a clever girl!; mohir (skillful): clever with his hands/at making things;

2) aqlli xatti-harakatlar, gʻoyalar, narsalar va boshqalar (of things, ideas, actions, etc.): a clever scheme\invention; What a clever idea!

3) ironiyali-aqlli nutqlar, mulohazalar (quick and sharp with words, in a way it considered annoying or does not show respect): do as you are told and do not clever with me!<sup>3</sup>

“Aql” konseptini koʻrsatuvchi cleverness leksemasi biz oʻrgangan koʻpchilik leksikografik manbalarda, odatda, cleverly, cleverishly, cleverish va clever-clever soʻzlari paradigmatic qatorni hosil qilib, hech qanday izohsiz berilgan.

Oʻzbek tilida “aql” leksemasi arabcha (aql-es, hush) soʻzidan hosil boʻlgan boʻlib Sh.Rahmatul-layevning “Oʻzbek tilining etimologik lugʻati” lugʻatida ‘aql (un) shaklida kelgan; u oʻzbek tilida *Fatxali Ain* tovushining A tovushiga oʻzgarishi bilan qabul qilingan: ‘aql → aql. Bu soʻz arabcha ‘aqala fe’lining derivati boʻlib “yuqsak darajada fikr yuritish qobiliyatiga ega boʻldi” maʼnosini bildiradi.<sup>4</sup> Oʻzbek tilida bu soʻz ot soʻz turkumiga mansub boʻlib “yuqsak darajada fikr yuritish qobiliyati” (“the ability to think at a high level”) maʼnosini bildiradi. (Aql yoshda emas, boshda), “Zehn” (Aqli kalta), “Es-hush” (Aqldan ozmoq). Oʻzbek tilida aql soʻzining hosilalari aqlli, aqlsiz sifatlari; aqllilik, aqlsizlik mavhum otlari; aql-hush (aql-u hush), aql-hushli va aqlli-hushli kabi juftlashgan soʻzlar hisoblanadi. Oʻzbek tilidagi “Aqliy” sifatdoshi -iyy (un) qoʻshimchalari yordamida paydo boʻlgan arabcha “aql” soʻzidan hosil boʻlgan (ATG, 48), oʻzbek tilida bu soʻz “yy”lardan biri tushirilgan holda qabul qilingan boʻlib, maʼnosi “aql idrok bilan, fikr yuritish/tafakkur bilan amalga oshiriladigan”: aqliy mehnat kabi.<sup>5</sup>

“Oʻzbek tilining izohli lugʻati”da aql leksemasi quyidagicha izohlangan: 1. Odamning bilish, fikr yuritish qobiliyati; 2. Zakovat darajasi, fahm-idrok, zehn, donishmandlik, yetuklik. 3. Eshush, miya. 4.

<sup>1</sup> The Oxford Dictionary of English Etymology. 1996, c. 181.

<sup>2</sup> The Oxford Advanced Learner’s Dictionary. 5-th edition, 1995.

<sup>3</sup> Longman. Dictionary of Contemporary English. New Edition, 2003.

<sup>4</sup> The Oxford Advanced Learner’s Dictionary. 5-th edition, 1995, p. 11.

<sup>5</sup> Ш Рахматуллаев. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Т., “Ўқитувчи”, 1978, 11-бет.

Mulohaza, maslahat. Bu soʻzning hosilasi sifatida *aqliy, aqllashmoq, aqlli, aqllilik, aqlli-hushli, aqlsiz, aqlsizlik, aql-hush* kabilar berilgan.<sup>1</sup>

“*Aql*” nominantasini tavsiflashda *clever/aql* leksemasi semantik omil sifatida qoʻllanilib, bu orqali dominant xarakterini koʻrsatadi va matnlardagi koʻplab misollar bilan tasdiqlanadi.

Ingliz va oʻzbek tillarida oʻrganilayotgan *cleverness/aql* konseptini verballashtiruvchi leksemaning sinonimik qatorini oʻrganishda ushbu konseptni aks ettiradigan bir qator differentsial belgilar aniqlandi. Kontseptni nomlovchi birlik, boshqa har qanday soʻz singari, tilning leksik-semantik tizimining elementi boʻlib, maʼlum bir leksik paradigmaning bir qismi sifatida namoyon boʻladi, bu esa uni sinonimik qatorni tashkil qiluvchi semantik jihatdan maʼnosi bir biriga yaqin boʻlgan soʻzlar guruhini hosil qiladi.

Ingliz tilida *clever* soʻzining asosiy sinonimlari: *talented* – isteʼtodli, *gifted* – isteʼdodli, *intelligent* – aqlli, *smart* – zehni tez, *wise* – dono, *astute* – zukko, *bright* – zehnli, *shrewd* – zukko, *brainy* – kallali. Aqlni bildiruv – chu salbiy maʼnoga ega soʻzlar esa *cunning* – ayyor, *crafty* – suvdan quruq chiqadigan va *sly* – shum berilgan.

Shuningdek, “Oxford Paperback Dictionary and Thesaurus” lugʻatida “*cleverness*” leksemasining quyidagi sinonimlari berilgan: *ability* – qobiliyat, *acuteness* – oʻtkirlik, *astuteness* – zukkolik, *brilliance* – yorqinlik, *cunning* – ayyorlik, *expertise* – ekspertlik, *ingenuity* – zukkolik, *intellect* – zukkolik, *intelligence* – zakovat, *mastery* – ustalik, *quickness* – tezkorlik, *sagacity* – zukkolik, *sharpness* – oʻtkirlik, *shrewdness* – zukkolik, *skill* – mahorat, *subtlety* – noziklik, *talent* – isteʼdod, *wisdom* – donishmandlik, *wit* – zukkolik.<sup>2</sup>

Yuqoridagilardan tashqari, shaxsga sifat belgisini beruvchi “*clever*”ning quyidagi sinonimlari va assosiativ soʻzlar doirasi mavjud: *able* – qodir; *academic* – akademik; *accomplished* – bajarilgan; *acute* – oʻtkir; *adept* – mohir, tajribali: he’s usually very adept at keeping his private life out of the media – u, odatda, shaxsiy hayotini ommaviy axborot vositalaridan uzoqda saqlashga juda usta; *apt* – qulay; *artistic* – badiiy; *astute* – aqlli; *brainy* – kallali; *bright/brilliant* – yorqin; *capable* – qobiliyatli; *discerning* – zukko, ziyrak, oʻtkir aqlli: *discerning politician* – zukko siyosatchi; *expert* – mutaxassis; *gifted* – iqtidorli, qobiliyatli: *Howard is a talented pianist* – Xovard isteʼdodli pianinachi; *intellectual* – intellektual; *intelligent* – aqlli (tushunadigan, oqilona, aqlli): *Susan’s a very bright and intelligent woman who knows her own mind* – Syuzan juda yorqin va aqlli ayol, nima xoxlashin biladi; *judicious* – oqilona; *keen* – oʻtkir; *knowing* – bilish; *knowledgeable* – bilimli; *observant* – kuzatuvchi; *penetrating* – kirib boruvchi; *perceptive* – oʻtkir aqlli: *That observation was very perceptive of her* – uning oʻsha kuzatuvchi uning oʻtkir aql egasi ekanligini koʻrsatdi; *percipient* – sezuvchi; *perspicacious* – ziyrak; *precocious* – erta rivojlangan; *quick* – tez, chaqqon; *quick-witted* – aqli tez/oʻtkir aqlli, *agile mind* – fahm-farosatli: *she was quick-witted and had an extraordinary agile mind* – u oʻtkir aqlli va favqulodda tez fikrlay oladigan edi; *sagacious* – tushunadigan, dono:... a sagacious leader – dono rahbar; *sage* – donishmand (dono, oqilona): *he was famous for his sage advice to younger painters* – u yosh rassomlar orasida dono maslahatlari bilan mashhur edi; *sensible* – aqlli; *sharp* – oʻtkir, *sharp-witted* – oʻtkir zehnli: *he is very sharp, a quick thinker and swift with repatee* – u juda oʻtkir aql egasi, tez fikrlaydigan; *shrewd* – mohir; *skillful/skilled* – malakali, mohir: *we need another highly skilled player to stave off defeat for our team* – biz jamoamizga magʻlubiyatning oldini olish uchun yana bir yuqori malakali futbolchi kerak; *smart* – aqlli, zehnli; *subtle* – nozik: *his language expresses rich and subtle meaning* – uning tili boy va murakkab; *talented* – iqtidorli; *wise* – dono (dono, aqlli): *she has the air of a wise woman* – unda donolikning belgisi bor; *witty* – aqlli; *adroit* – epchil, chaqqon, mohir, topqir: *she is a remarkable adroit and determined politician* – u ajoyib darajada epchil va qatʼiy siyosatchi; *deft* – mohir; *dexterous* – epchil (qobiliyatli, tezkor, mohir): *a dexterous politician* – epchil siyosatchi; *handy* – qulay; *artful* – ijodkor, aqlli; *cunny/cunning* – ayyor; *crafty* – ijodkor; *creative* – ijodkor; Colloquial: *cute/foxy/guileful/wily* = *clever/cunning* – ayyor, ehtiyotkor, pishgan; *imaginative/ingenious/inventive/resourceful/shrewd/slick* – zehni tez, fahm-farosati oʻtkir, mohir: *it was ingenious of her to solve the problem so quickly*.<sup>3</sup>

Oʻzbek tilida “*aql*” konseptini bildiruvchi otlarning sinonimik qatori quyidagi leksemalardan iborat: *fahm* – farosat, *oʻrganishdagi zehn*, *es-hush*, *hikmat*, *donishmandlik*, *oʻqilonalik*, *zakovat*, *adab*, *mahorat*, *fasilat*, *yetuklik*, *miyaga ega boʻlishlilik*.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Шу манба.

<sup>2</sup> Oxford Paperback Dictionary and Thesaurus.

<sup>3</sup> Oxford American Thesaurus (En-En) (к версии ABBYY Lingvo x5).

<sup>4</sup> Merriam-Webster’s Collegiate Dictionary. 10-th ed. The USA, 2000.

Aqlli shaxs o'zbek tilida quyidagi sinonimik qator bilan tavsiflanadi: *dono* (oqilona fikr yurita oladigan, bilimdon, olim): olim, fozil, donolar bilan kengashib ish qiling, pushaimon emaysiz; *oqil* (yaxshi amaliy aqlga ega): oqil kishi o'z hunariga, o'ziga munosib ishga kirishadi; *farosatli* (oqilonalik bilan): har kim aqlu farosat etagini mahkam ushlasa, martabasi oshadi va e'tiborli-obro'li, bo'ladi; *adabli* (tarbiyaning ko'rinishi): adab alning tashqi suratidir; *zakovatli* (aql):

Bayt: *Bo'lsa, har kimda agar aqlu zakodan asar,  
qaysi bir ishga kirishsa, topmagay, aslo, zarar.*

*Fozil* (olim, ma'lumotli): bir fozil kishi o'z o'g'liga shunday nasihat qilib aytadi: –O'g'lim, adolatli bo'l, shu ishing bilan aziz va muhtaram bo'lasan; *Donishmand*: donishmandlar suhbatlari mushk-anbar demakdir; *Ziyrak* (tezkor fikrlash): ...,ziyrak odamlar fikr oynasiga oqillar ishorati va nasihatlari bilan sayqal beradilar, ...<sup>1</sup>; *Fahmli* (ixtirochi, zukko): dili buzuq bo'lgan odamning fe'li ham buzuq bo'ladi, o'zining odat etgan narsalarini o'z fahmiga qarab so'zlaydi; *Idrokli* (tezkor, tez va oson tushunadigan): aql, idrokdan mahrum bo'lgan bosh suvsiz chashmaga, adabsiz, tarbiyasiz yigit...; *Komil*; *Yetuk* (mature).

Assotsiativ so'zlar qatoriga esa quyidagi leksemalar guruhi kiradi: Fikr, *Sukut saqlaydigan*: Har narsaning dalili bor. Aqlning dalili fikr, fikrning dalili sukutdir. *Rostgo'ylik*: Sukut donolik va ziyraklikdan, rostgo'ylik aql va to'g'rilikdan darak beradi. *So'z (nutq)*: har bir kishining so'zi – o'z xususiyatlarining dalili va aqlning tarjimonidir.

“Aql” konseptining minimal kontenti “fikrlash va tushunishdagi yuksak qobiliyat” sifatida ifodalanadi. Bu qobiliyat quyidagi yo'nalishlarda konkretlashtiriladi: 1) *tabiatan aqlli*; 2) *orttirilgan aql*: *ta'lim va tajriba tufayli*; 3) *farosatli*; 4) *zehni o'tkir*; 5) *ayyor*.

Olib borilgan leksemalarning analizi natijasida shu narsa ma'lum bo'ldiki, shaxsning intellektual sifatleri freymi fikrini jamlagan va tushunadigan inson obrazi tasviri sifatida qurilgan. Aqlli odam tez fikrlashga, oson o'rganishga, to'g'ri xulosa chiqarishga, mohiyatni ko'rishga, sog'lom va oqilona fikr yuritishga, ehtiyotkorlik bilan ish yuritish va o'zini ehtiyotkorona tutishga, reallikka asoslanishga, sezgirlik va vaziyatni ko'ra bilishlikka, zukkolik va topqirlikka ega bo'lishi kerak; shu bilan birga, salbiy sifat hisoblangan aldamchilik va ikkiyuzlamachilik qila oladigan, hech narsadan toymaydigan, soxta mu-lozamat va xayrixoxlik orqasida yashirinib turib makkorlik qilishga qodir inson obrazi ham “aql” konsepti mohiyatini ochib beradi.

Ingliz va o'zbek tillari materiali asosida aql/intellektni baholashning etnomadaniy o'ziga xosligi aqliy faoliyat samaradorligida kuzatiladi, ya'ni aqlning belgisi ingliz va o'zbeklar uchun bir xil zehning tezligi bilan baholanadi. Inglizcha oqilonalik hushyorlik (his-tuyg'ularsiz) bilan qilingan hamda amaliyotga asoslangan hisob-kitob bilan baholansa, o'zbeklar uchun oqilonalik sezgirlik, tushunish shuningdek axloqiy fazilatlar bilan baholanadi. Inglizlarda zukkolik va epchillik sifatleri chaqonlik bilan baholansa, o'zbek leksikasida ta'lim-tarbiya bilan bog'langan. Ingliz tilida salbiy ma'noda “Aql” konsepti ayyorlik va soxta mulozamatni o'z ichiga oladi.

“Aql” konseptining “aqlli” klasifikatsion belgisi analizi natijasi shuni ko'rsatadiki, inglizlar uchun “aql”ning muhim belgisi bu o'tkir zehn (mashhur ingliz hazillarining tarkibiy qismi) va aqlning mobiligi, ya'ni taxmin qilish/oldindan bilish/bashorat qila olish qobiliyati hamda aqlning tezkorligidir. Shu bilan birga, inglizlarda “aql” qobiliyat, iste'dod bilan bog'liq, ya'ni Inglizlar aqlni amaliyotda qo'lga kiritilgan narsa emas, balki ko'proq tug'ma qobiliyat sifatida ko'rishadi. O'zbeklar ham aqlni ne'mat deb biladilar, lekin ayni paytda tajriba, o'rganish va ta'lim orqali aqlga ega bo'lish mumkin, deb hisoblaydilar.

**Жўраев Жамолиддин Аминжонович (Жиззах Давлат Педагогика институти доценти, ф.ф.н.),  
Бурханов Завкиддин Шерали ўғли (Жиззах Давлат Педагогика институти ижтимоий- гуманитар  
фанларда масофавий таълим кафедраси ўқитувчиси)**

**АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА АРАБЧА СИФАТНИНГ ОРТТИРМА  
ДАРАЖАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ**

*Аннотация. Ушбу мақолада Алишер Навоий асарларида қўлланилган араб тилидан ўзлашган орттирма даражаги сифатлар таҳлил қилинган. Улардан шоирнинг бадиий нияти билан боглиқ ҳолда турли хил луғавий ва услубий-семантик функцияларни бажарилганлигини кўриши мумкин.*

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. З.М.Маъруфов таҳрири остида, М., “Рус тили”, 1981.

**Аннотация.** В статье анализируются прилагательные арабского языка, употребляемые в творчестве Алишера Навои. Из них видно, что различные лексические и стилистико-семантические функции выполнялись в связи с художественным замыслом поэта.

**Annotation.** The article analyzes the Arabic adjectives used in the works of Alisher Navoi. They show that various lexical and stylistic-semantic functions were performed in connection with the poet's artistic intention.

**Калим сўзлар:** тилишунослик, ўзлашма, араб, форс, одоб, сифат, орттирма, даража, ёшлар, буюк, лойиқ.

**Ключевые слова:** лингвистика, мастерство, арабский, персидский, этикет, качество, повышение, степень, молодость, великий, достойный.

**Key words:** linguistics, skill, Arabic, Persian, etiquette, quality, promotion, degree, youth, great, worthy.

Албатта, биз, ёшлар Навоийнинг асарларини чуқурроқ тушуниш, унинг асарларидаги комил инсонни тарбиялашдаги ғояларга асосланган тушунчаларни англашимиз учун, кўрпоқ маълумотга эга бўлмоғимиз лозим бўлади.

Алишер Навоий даврида туркий тил билан бирга, икки тилда ижод қилиш анъана ҳисобланган. Алишер Навоий араб, форс тилларидан кенг микёсда фойдаланиб, асарларини жозибали, ўқувчини ўзига сеҳрлайдиган даража бўлишга муваффақ бўлган. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг асарлари нафақат бадиий, балки мислсиз маънавий, лисоний бойлик ҳамдир. Бу бойликнинг таркибий қисмларида иш қуроллари ва асбобларига оид сўзлар ҳам мавжуд.

Навоийнинг асарларини тушуниш учун араб ва форс тилларини мукаммал билиш талаб этилади. Сўнгги йилларда Алишер Навоий асарларини матний, фалсафий, лисоний ва бадиий жиҳатдан ўрганиш бўйича бир қанча ишлар қилинган бўлса-да, шоир ижодининг услубий ўзига хослигини кўрсатувчи лингвистик омилларни тадқиқ этиш эндигина бошланди. Чунончи, шоир асарларидаги ортирма даражадаги сифатларни қўлланиши бевосита бадиий услуб билан боғлиқ ҳолда ўрганиш навоийшуносликнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, Алишер Навоийнинг сўз қўллаш санъатини теран тадқиқ этишнинг кенг имкониятларини очади.

Маълумки, араб тилида сифатнинг қиёсий ва орттирма даражалари I боб феълларидан *أَفْعُلُ* “афъалу” (муаннас жинсда) *فُعْلَى* (فُعْلَى) қолипида ҳосил қилинади.<sup>1</sup>

Навоий ҳазратларининг асарларида арабча сифатнинг ортирма даражаларини мохирона қўлланганлигини унинг асарларида кўплаб мисолларда кузатишимиз мумкин.

*Китобинг ўзга кутубдин ки бордурур аблағ.*

*Балоғатингга муносиб Ҳақ айламини иблог.*<sup>2</sup>

Байтда *ابلاغ* -аблағ – сифатнинг ортирма даражаси қўлланган балоғатлироқ, етукроқ; энг равшан ифодали, энг етук, энг балоғатли маъносини билдиради.

*Андин аълодур жаноб ул шоҳга,*

*Андақ авсаъ фусҳат ул даргоҳга.*<sup>3</sup>

Байтда *اوسع* авсаъ –кенгроқ, кўламдорроқ, *اعلى* –энг олий, энг юқори маъносида қўлланилган.

*Тахти остида фарши-у адно,*

*Тожи устида дурри мо авфо.*<sup>4</sup>

Ушбу байтда *افوى* – авфо – энг вафоли, жонга яқин сифатнинг ортирма даражадаги қўлланилган. *ادنى* адно – энг пастда маъносида қўлланилган.

*Борғаҳи торами азҳар киби,*

*Хайли бу торам аро ахтар киби.*<sup>5</sup>

Байтда *اظهر* – азҳар – ўта зоҳир, энг равшан, энг порлоқ сифатнинг ортирма даражаси қўлланган қўлланган.

*Қатл ҳукми айласа ўлтурубан ушшоқини,*

<sup>1</sup>Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. 1-жилд. Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1997, 665-бет.

<sup>2</sup>Алишер Навоий. Йигирма томлик. 4-том, Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. Т., “Фан”, 1989, 294-бет.

<sup>3</sup>Алишер Навоий. Йигирма томлик. 12-том, Лисон ут-тайир. Тошкент, “Фан”, 1996, 40-бет.

<sup>4</sup>Алишер Навоий. 14-том. Вақфия. Т., “Фан”, 1998, 235-бет.

<sup>5</sup>Алишер Навоий. Йигирма томлик. 7-том, Ҳайрат ул-аброр. Тошкент, “Фан”, 1991, 204-бет.

*Ишқ аро чун ким мен акмалмен тақаддум айларам.<sup>1</sup>*

Ушбу байтда *اکمل* – акмал – энг комил, энг етук, баркамол маъносидаги ортирма даража сифат ишлатилган.

*Ҳайрат аброр кўруб зотини,  
“Ҳайрут ул аброр” дедим отини.<sup>2</sup>*

Байтдаги *ابرار* – аброр – яхши хулқиларнинг энг яхшиси, софдиллиларнинг энг софдили маъносида.

*Ҳар варақ бир номайи ишратдурур фаҳм айлагил,  
Тонг елидин абтар ўлмастин бурун гул дафтари.<sup>3</sup>*

Байтдаги *ابطر* – абтар сўзи энг кичикина хат, энг калта ёзилган хат, энг қисқа каби маънолари бор.

*Кўнгли заъф бўлди муставло  
Деди: “Ё Раб, не қилгоним авло?”<sup>4</sup>*

Байтдаги *اولى* – авло – энг яхши, сазоворроқ, афзалроқ каби маъноларни ифодалайди:

*Аълोलаридур нединки дерсен аъло,  
Аднолари ҳам барча аднодин адно.<sup>5</sup>*

Бу ерда *ادنى* – адно – энг паст, энг куйи, тубан маъноларида қўлланилган:

*Қошинга қоба қавсайн оятидин йўқ нима аляқ,  
Сочинга йўқ саводи лайлат ул-меърождедин ашбах.<sup>6</sup>*

Байтдаги *اليق* – аляқ – энг лойиқ, энг муносиб, лойиқроқ, ўхшашроқ каби маъноларни беради. *اشبه* – ашбах – ўхшашроқ, қиёси йўқ каби маъноларда қўлланилган.

*Зиҳи тилинг ана афсах такуллумида фасих,  
Сен амлах ўлдунг агар дилраболар ўлди малих.<sup>7</sup>*

Байтда келган *املاح* – амлах – энг малоҳатли, энг гўзал, энг ширин маъноларида ортирма даража сифат шаклида келган бўлса, *مليح* – малих шакли оддий даража сифат шаклидир.

*Эшак савти каломуллоҳда келди “анкарул – асвот”,  
Онинг савтига тақрибу талоши истамак бўлмас.<sup>8</sup>*

Байтдаги эшакнинг хунук овозини *أنكر* – анкор – жуда ёқимсиз, хунук, ёқимсизроқ маъноларида қўлланилган. Бу сифатни ўқиб, шу ўринда айтиш лозимки, Ҳазрат Навоий Қуръони каримдан иқтибос келтирганлигини унинг асарларидан билиб олишимиз мумкин. Яъни, қуйидаги *نَنْ أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ لَصَوْتِ الْحَمِيرِ* “Лукмон” сурасининг 19-оятини (15: 31-сура, 19-оят. Овозларнинг ичида энг ёқимсиз, бу эшакнинг овозидур) иқтибос қилиб келтиради:

*Ҳойил дема бу жаҳони суғро,  
Суғро эмас, уул хўжаста туғро.<sup>9</sup>*

Байтдаги *صغرى* суғро – энг кичик маъносида.

Бу шориини ом бу Неъматобод жонибидин келиб, кўпрак йўл Инжил ариғи ёқаси била Маҳди улё ва Билқиси узмо.<sup>10</sup>

*عظمى* – узмо – энг буюк, энг улуғ маъноларини ифодалайди.

Ул бири раҳмат малойикидин ашраф ва бу бири саодат сипехридин арфаъ кўрунди.<sup>11</sup>

Жумладиги *ارفع* – арфаъ – энг юқори, энг юксак; юксакроқ, баландроқ каби маъноларда. *اشرف* – ашраф – энг шарафли ва хурматли маъноларида қўлланилган.

*Етмагай аднодин аълога шикаст,  
Бўлмагай ашраф аҳас оллинда паст.<sup>1</sup>*

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Йигирма томлик. 3-том, Хазойин ул-маоний. Фаройиб ус-сиғар. Т., “Фан”, 1988, 335-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Йигирма томлик. 7-том, Ҳайрат ул-аброр. Тошкент, “Фан”, 1991, 200-бет.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Йигирма томлик. 3-том, Хазойин ул-маоний. Фаройиб ус-сиғар. Т., “Фан”, 1988, 157-бет.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Йигирма томлик. 3-том, Сабъаи сайёр. Тошкент, “Фан”, 1992, 141-бет.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Йигирма томлик. 14-том, Маҳбуб ул-қулуб. Тошкент, “Фан”, 1998, 21-бет.

<sup>6</sup> Алишер Навоий. Йигирма томлик. 2-том, Наводир ун-нихоя. Тошкент, 1987, 668-бет.

<sup>7</sup> Алишер Навоий. Йигирма томлик. 3-том, Хазойин ул-маоний. Фаройиб ус-сиғар. Т., “Фан”, 1988, 319-бет.

<sup>8</sup> Алишер Навоий. Йигирма томлик. 12-том. Лисон ут-тайир. Тошкент, “Фан”, 1996, 698-бет.

<sup>9</sup> Алишер Навоий. Йигирма томлик. 9-том. Лайли ва Мажнун. Тошкент, “Фан”, 1992, 655-бет.

<sup>10</sup> Алишер Навоий. 14-том. Вақфия. Т., “Фан”, 1998, 172-бет.

<sup>11</sup> Шу манба. 133-бет.

Байтдаги *اخص* -ахасс – ўта хасис, паст хору зор кишилар.

Подшоҳ давлати маслаҳатин борча ишда муқаддам тутмоқ вожибдур. Тенгри амрини андин ҳам **ақдам** кўрмак фарз.

Жумладаги *اقدام* -ақдам – энг юқори, энг илгари, ҳаммадан олдинроқ каби маъноларда қўлланилган.

Вазир визрдин муштақдур ва бу феъл анинг зотиға аҳақ ва аляқдур.<sup>2</sup>

Жумладаги *احق* – аҳақ – энг ҳақли, муносиб, ҳақлироқ каби маъноларга келади.

Хулоса шуки, Алишер Навоий асарларида оддий даража сифатлар билан бирга, арабча орттирма даража сифатларнинг барча асарларида қўлланишига амин бўламиз. Яъни, Навоий ўз асарларида “ажмал”, “ашбаҳ”, “азҳар”, “акбар”, “аксар”, “алазз”, “ахасс”, “ақдам”, “амлаҳ” каби турли сифатнинг орттирма даражаларини қўлланганлигини, унинг асарларини шу даражада “акмал” эканлигини таърифлашга тил “ажз” қолади ва асарлари эса мангуликка “аляқ” ва “аҳақ” эканлигидан далолат беради.

**Серикбаева Ақмарал Сахратдиновна (Қорақалпоқ Давлат университети  
Қозоқ тили ва адабиёти кафедраси ассистент-ўқитувчиси)  
ТАХТАКЎПИР ТУМАНИ ЖОЙ НОМЛАРИ**

***Аннотация.** Бу мақола Тахтақўпир ойконимларига бағишланган бўлиб, унда Тахтақўпир ойконимларининг этнонимлардан пайдо бўлиши, яъни қорақалпоқ уруғ номларидан ясалган ойконимлар ва қозоқ уруғлари номларидан ясалган ойконимлар, Тахтақўпир тумани ойконимлари орасида антропоним, сон ва сифатлардан ясалган ойконимлар, шунингдек, Тахтақўпир тумани, Бўршиштаў ва Қаратерен қўлининг номланиши сабаблари тўғрисида сўз юритилади.*

***Аннотация.** Данная статья посвящена тахтақўпирским ойконимам. В статье рассказывается о происхождении тахтақўпирских ойконимов от этнонимов, т.е. ойконимов которые образовались от названий родословной каракалпаков и казахов, об антропонимах среди ойконимах Тахтақўпирского района, об ойконимах которые образовались от числительных и прилагательных, а также о происхождении Тахтақўпирского района, названий озер Боршиштау и Каратерен.*

***Annotation.** This article is based on oeconym of Takhtakupir and it is defined by oeconym made by the clans of Karakalpak and Kazakh, antroponymy among oeconymy of Takhtakupir, oeconym made by number and qualities and the reasons of naming Takhtakupir, Burshitau and Karateren.*

***Калим сўзлар:** топоним, ойконим, шажара, овул, антропоним, этнопоним.*

***Ключевые слова:** топоним, ойконим, родословная (генеологическое древо), аул, антропоним, этнопоним.*

***Key words:** toponym, oeconym, village, antroponymy, ethnotoponym.*

Тахтақўпир тумани топонимларининг пайдо бўлиши алоҳида тарихий аҳамиятга эга. 90 йиллик тарихга эга бўлган Тахтақўпир тумани топонимлари ҳам тадқиқотчилар учун янги мавзудир. Чунки бугунги кунгача туман ер-сув номлари тўлиқ йиғилмаган. Туман ойконимларининг ўзида юз йиллар тарихи сақланиб келмоқда.

Тахтақўпир тумани Қорақалпоғистон Республикаси шимоли-шарқида қўшни Қозоғистон Республикасига чиқиш йўли ҳисобланган катта йўл бўйида жойлашган, ғарбда Қораўзак тумани, жануби-ғарбда Мўйноқ тумани, жануби-шарқ ва жанубда Қозоғистон Республикаси, жануби-шимолда Эллиққалъа, шимолда Беруний туманлари билан чегарадош.

Тахтақўпир топонимининг келиб чиқиш тарихи тахта (ёғоч)дан кўприк қурилиши билан боғлиқ. Кўприк 1904 йилда фойдаланишга топширилади. Ўша йилларда Тахтақўпир жойлашган худуд Хива, Урганч, Қўнғирот, Хўжайли, Тўртқўл ва Чимбой шаҳарларидан ўтувчи савдогарлар карвонларининг катта йўли бўлган. Улар Тахтақўпир орқали Қозоғистоннинг Қазали, Қизилўрда шаҳарлари билан алоқани йўлга қўйишган. Ушбу шаҳарларнинг савдо карвонлари Тахтақўпир орқали ўтишган. Карвон «Босайарна» (ҳозирги номи «Қуўаньшжарма») арнасида кўприк бўлмаганлиги боис унинг саёз жойларидан кечиб ўтишган. Арнанинг икки қирғоғидаги аҳоли қоратолдан кичик кема ясаб, шу ёрдамида муносабат ўрнатишган. Шу йилларда «Босайарна» атрофига кўчиб ке-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Йигирма томлик. 12-том, Лисон ут-тайир. Тошкент, “Фан”, 1996, 75-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Йигирма томлик. 14-том. Маҳбуб улқулуб. Тошкент, “Фан”, 1998, 14-бет.

лувчи аҳоли сони ошиб борган ва арнанинг ғарби ҳамда шарқида Хожамет бўлис раҳбарлик қилган. 1903 йил Хожамет бўлис бошқарувида арнанинг икки четидаги аҳоли арнага кўприк қурган. Шундай қилиб, «Босайарна» арнасига тахтадан кўприк қурилиши катта тарихий воқеа бўлган. Ҷша пайтдан бошлаб аҳоли бу ерни *Тақтай көпир* → *Тахтакўпир* деб атай бошлаган.<sup>1</sup>

Тахтакўпир тумани 1928 йилда ташкил этилган. Тахтакўпир тумани орадан 90 йил ўтса-да, Тахтакўпир номини йўқотмасдан, Республикамиздаги олдинги қаторларда келаётган туманлардан бири ҳисобланади.

Ер-сув номларининг келиб чиқиш тарихи ва маъносини билиш ҳар бир киши учун қизиқарли. Айниқса, ўз туғилган юртимиз номларининг келиб чиқиш тарихини ўрганиш, ҳар бир ном маъносини очиб бериш, туғилган ерга бўлган ватанпарварлик ҳиссини кучайтиради. Қорақалпоғистон Республикаси, шу жумладан, Тахтакўпир туманидаги ер-сув номлари, яъни топонимлари халқнинг асрий тарихидан далолат беради. Демак, муайян ҳудуд топонимига қараб ўша ерда истикомат қилган аجدодлар тарихи, тирикчилиги, чорвачилиги тўғрисида маълумотга эга бўлиб, фикр юритишга имконият беради.

Ономастикада ойконимия – жой номларининг умумий йиғиндиси. Топонимлардан бири ҳисобланмиш ойконимлар одамлар, уюшмалар тарихи. Улар турли сабабларга кўра пайдо бўлади, яъни уларнинг ўзига хос тарихи мавжуд. Ҳар бир ойконим ўз даврининг ютуғи, улар тарихий воқеалар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Ойконимнинг пайдо бўлиш вақти келтирилмасда, унинг мазмунида ўша давр белгилари сезилиб туради. Унинг номланишини мазмуни ва қурилишидан кузатиш мумкин. Тарихий манбаларга таяниб айтиш жоизки, ойконимларнинг пайдо бўлиши тарихий даврлар билан бевосита боғлиқ. Ойконимни тадқиқ қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши туфайли республикамиздаги ойконимлар ва йирик физик-географик номлар ҳозирги кунда катта вазифани бажармоқда.

Хоҳлаган ҳудуд топонимик тизими асрлар давомида шаклланган. Халқ тарихи унинг тилида ўз аксини топади. Ҳар бир ном – тарих, топонимикани эса тарих кўзгуси дейиш мумкин. Ҳар бир номнинг маъноси, узоқ тарихи, пайдо бўлиш сабабини тўлиқ далиллай олсак, ҳар бир инсоннинг бунга интилиши, шубҳасиз. Шу нуқтаи назардан, биз сўз юритмоқчи бўлган Қаратеренг кўлининг ҳам номланиш тарихи мавжуд.

«Қаратеренг» кўли Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани Бўршитаў овули атрофида жойлашган бўлиб, у асрлар давомида балиғи (сазан, лаққа каби) билан аҳолининг қозонини қайнатиб келган.

Қадимда Қаратеренгнинг таги подшолик бўлган экан дейишади. Лекин бу ерни ҳеч бир душман босиб ололмаган. Аҳоли тўрт томони тик (жар), чуқурда жойлашганлигидан, душманларнинг бундай чуқурга тушиши қийин бўлган. Бу ерни макон қилган юрт подшоси жуда ақлли бўлиб, юрт ғамини ўйлайдиган экан. Қизига ошиқ бўлган деҳқон сабабли подшолик сув остида қолган. Икки ошиқ сувдан зўрага қочиб кутулиб, бир-биримизга эришдик деб, Бўрши тоғи бўйлаб қочиб келаётганда юқоридан тош думалаб, икки ошиқ ўша ерда тош тагида қолиб мангу уйқуга кетибди. Юртни эса сув босиб, подшолик сув остида қолибди. Улгурганлар тўфон сувдан омон қолиб, улгурмаганлар сув тубига кетибди. Бир жонга эришаман деб бутун юртнинг бошига етибди. Бугунги кунгача икки ошиқнинг қабр тоши Бўршитаў ёнбағрида сақланиб қолган.

*Қаратерең* деб номланиши кўл тубига қуёш нури ҳам, одам оёғи ҳам етиб бормаганлиги шу даражадаги, тубида нима бор эканлиги сирлигича қолмоқда.

Тахтакўпир тумани худудининг характерли хусусиятларидан яна бири – турли халқ, уруғ-қабилла номлари билан аталган ойконимларнинг кенг тарқалганлигидир. Туман аҳолисининг кўп қисмини қорақалпоқлар ва қозоқлар ташкил этади. Шу боис туманда мазкур халқлар уруғ номларидан пайдо бўлган ойконимлар кўп учрайди.

*Анна аўыл* – туманнинг Қаратеренг худудидаги овул. Анна – қорақалпоқ уруғларидан бири.

*Бессары аўыл* – туманнинг Атакўл ва Қараўй худудидаги маскан. Қорақалпоқнинг «бессары» уруғи номи билан аталган ойконим.

*Кепе аўыл* – Атакўл худудидаги овул. Бу овулда «кепе шерийўши» уруғи аъзолари яшаганлиги учун шундай номланган.

*Қанжығалы аўыл* – тумандан 10 км масофада жойлашган овул. Қанжығалы – қорақалпоқ уруғларидан бири.

<sup>1</sup> Өбдимуратов Қ. Неге усылай аталған? Нөкис, 1965.



*Қаңлыауыл* – туманның Қарауы манзилидағы овул. Бу овулда қорақалпоқ уруғлары яшайды.  
*Қарамойын ауыл* – Тахтақұпир ва Қаратеренг манзили хударидағы овул. Қарамойын – қорақалпоқ уруғларидан бири.

*Қыпшақ ауыл* – туманның Қарауы манзилидағы овул. Қипчоқ-қорақалпоқ уруғларидан бири. Қорақалпоғистон Республикаси буйлаб шу номда 15 топоним бор.

*Мүйтен ауыл* – туманның Қарауы ва Қаратеренг хударида жойлашган овул. Мүйтен – қорақалпоқ уруғларидан бири.

*Шалжууыт ауыл* – Қаратеренг хударидағы овул. Шалжууыт – қорақалпоқ уруғларидан бири.

*Шөмишли ауыл* – Атақұл хударидағы овул. Шөмишли – қорақалпоқ уруғларидан бири.

*Ырғақлы ауыл* – Қарауы хударида жойлашган овул. Ырғақлы – қорақалпоқ уруғларидан бири.

*Жақайым ауыл* – Мулк хударида жойлашган овул. Жақайым – қозоқ уруғларидан бири. Жақайым уруғидан иборат аҳоли кўп яшаганлиги учун шундай номланган.

*Қазақ ауыл* – Тахтақұпир ўрнидағы овул. Бу овулда қозоқлар кўп бўлганлиги боис шундай номланган.

*Қарасақал ауыл* – туманның Мулк хударида жойлашган овул. Қарасақал – қозоқ уруғларидан бири.

*Төлеңгит ауыл* – Тўртинчи овул ўрнидағы овул. Төлеңгит – қозоқ уруғларидан бири.

*Хожа ауыл* – туманның Мулк хўжалиги хударида жойлашган овул. Хожа – қозоқ уруғларидан бири.

*Шөмекей ауыл* – туманның Мулк хўжалиги хударидағы овул. Шөмекей – қозоқ уруғларидан бири.

Уруғ-қавм номи билан аталган ойконимларни тадқиқ қилганимизда, аҳолиси қайси миллат вакилларининг кўп бўлишига қараб, шу миллатнинг уруғ номлари билан аталганлиги кузатилади.

Тахтақұпир тумани хударидағы ойконимларнинг ички таснифида этнонимлар билан бирга антропонимлар, сон ва ранг-тус билан боғлиқ номланган ойконимлар ҳам учрайди.

Антропоним ва топонимлар ўзаро зич боғланган. Ясалиши ва семантик асоси жиҳатидан ўзаро ўхшаш.<sup>1</sup>

*Бөрши тау* – Тахтақұпир тумани шимолида жойлашган маскан. Қадим даврда Хива ва Қизилқум ўртасида Қизилқала Дүгискен деган тенгсиз катта шаҳарлар бўлган экан. Савдо-сотик маркази тўққиз йўлнинг кесишган жойи Қоратовнинг шимолий қизил қия қумни кесиб ўтувчи, узун катта йўл экан. Қизилқалъа савдогарларнинг кўчини тушириб, дам оладиган жойи экан. Туяга ортан тузларини сотиб, молларини алмаштириб, юртига қайтиб келаётиб, Барай бошчилигидағы қарвон йўлида ҳайратланарли ҳодиса рўй берибди. Бир томони денгиз каби кўл, бир томони баланд қарақоқшыл ўйпе кўй каби қорамтир тепаликка дуч келиб, туяларини чўктириб, озгина дам олайлик деб турганда, тоғнинг тепасидан йиғлаган боланинг овози эшитилибди. Сўнг дарҳол ҳар ерда ўт ёқиб, болани қидира бошлабди. Тонг ота бошлагач, тепаликнинг баландроқ жойида қашқирнинг уясида икки ойлик чамаси ўғил бола йиғлаб, бўғилиб, ўлар ҳолатда ётган экан. Уядан топиб олинган болага кўк бўрилар орасидан ажратиб олинганлиги боис *Бөрши* деб исм қўйибди. Болани топиб олган катта тепалик тарихда ўз нишонасига эга бўлган хосиятли тоғ экан. Унда бу ер номи *Бөрши тауы* бўлсин деб тўнғич болаларининг исмини қўйган экан, дейишади. Аслида, ушбу Бөрши таунинг этагида ҳозиргача баъзан йиғлаган боланинг, улиган қашқирнинг овози ахён-ахёнда эшитилади дейишади.

*Ақыштам* – бу жой Қоңыраткөл ўрнида жойлашган бўлиб, киши исмига қўйилган ойконим ҳисобланади. Ақыш деган киши исми билан боғлиқ номланган.

*Атакөл* – туманның Атакөл хударида жойлашган. Манбаларга кўра, кўл бўйида Ённет деган ёши улуғ киши яшаган. У кишини халқи ёши улуғ маъносидан ота деб аташган. Шу боис *Атаның көли* – *Атакөл* деб номланган.

*Бәлки ауыл* – туманның Қарауы масканида жойлашган, Бәлки деган қиз исми билан боғлиқ номланган.

*Дәўқара* – Тахтақұпир хударида «Дәўқара жерлери» деб номланган маскан бўлган. Халқ оғзақи афсоналарига кўра Дәўқара Чимбойнинг фарзанди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Жанузақ Т. Қазақ ономастикасы. I том, Алматы, 2006.

*Дәүитсай* – туманның Мулк хўжалигида жойлашган ойконим.

*Әдил аўыл* – бу овул Атакөл хūdудида жойлашган. Манбаларга кўра Әдил деган ёши улуг киши номи билан боғлиқ.

*Қайып аўыл* – бу овул Тахтақўпир туманида жойлашган, Қайып деган киши исми билан боғлиқ қўйилган.

*Пирнияз аўыл* – Тахтақўпир туманида жойлашган. Пирнияз Султанов деган хўжалик раҳбари исми билан боғлиқ номланган.

*Ремет аўыл* – бу овул Тахтақўпир хūdудидаги маскан. Ремет деган бригадир киши исмига қўйилган овул.

*Турман аўыл* – бу Тахтақўпир туманидаги овул. Турман деган ёши улуг киши исми билан номланган.

*Хожамет аўыл* – туманның Атакөл хūdудида жойлашган овул. Тахтадан кўприк куриш ишларига раҳбарлик қилган Хожамет бўлис исми билан боғлиқ номланган.

*Шанхай аўыл* – туманның Маржанкөл хўжалигида жойлашган овул. Қадимда Шанхай исми корейс миллатига мансуб киши кунгабоқар етиштирган экан.

Сон билан боғлиқ пайдо бўлган ойконимлар:

*Биринчи аўыл* – Тахтақўпир туманида жойлашган овул. Бу овул номи кетма-кет жойлашган овуллар орасида биринчи бўлиб кўринганлиги боис шундай номланган.

*Екинчи аўыл* – Тахтақўпир туманидаги овул. Бу овул номи кетма-кет жойлашган овуллар орасида иккинчи бўлиб кўринганлиги боис шундай номланган.

*Қырық тесик* – туманның Қаратеренг ўрнида жойлашган овул. Ушбу овулда қирқ тешикли уй номи билан боғлиқ номланган.

*Жети обцит* – Тахтақўпир туманида жойлашган овул. Ёш оилалар учун курилган етти «обшежития» номи билан боғлиқ.

*Тўртинчи аўыл* – туманның Жаңадарья хўжалигининг ғарбида жойлашган овул. Бу овул номи кетма-кет жойлашган овуллар орасида тўртинчи бўлиб кўринганлиги боис шундай аталган.

Ранг-тус билан боғлиқ шаклланган ойконимлар:

*Ақкесек аўыл* – бу овул Тахтақўпир туманида жойлашган. Эзилган оқ кесак билан боғлиқ номланган.

*Ақкөл* – Тахтақўпир туманидан 10 км масофада жойлашган овул. Ақкөл номланиш сабабига кўра, бир неча манбалар мавжуд: 1. Кўлнинг тузли бўлганлиги боис узоқдан қараганда оппоқ бўлиб кўринганлиги учун. 2. Қозоғистоннинг Ақтөбе вилояти Ақкөл овулидан тўртқара уруғи аъзоси кўчиб келиб жойлашган. Шу кишининг айтишига кўра шундай аталиб келган.

*Қара ағаш* – Тахтақўпир туманида жойлашган овул. Овулга кираверишда электр энергияси билан таъминлаш учун қора ёғочдан устун қўйилган.

*Қара ой* – Тахтақўпир туманида жойлашган. Узоқдан чуқур жой қоп-қора бўлиб кўринган. Яна бошқа манбаларга кўра, яъни Ҳикметулла Айымбетовнинг «Тахтақўпир үлкен дәрбент үстінде» асарида узоқдан қорайиб, қоп-қора туман каби кўринадиган теракзор ва тўқайлар Қарайи номининг келиб чиқишига сабабчи бўлган.

*Қаратерең* – Тахтақўпир хūdудидаги Қаратеренг кўли билан боғлиқ ном.

*Қоңыраткөл* – бу Тахтақўпир туманидаги кўл номи билан боғлиқ номланган.

*Жаңадарья* – Тахтақўпир туманидаги дарё номидан келиб чиққан овул номи.

Ташқи кўриниши билан боғлиқ пайдо бўлган ойконимлар:

*Мақпалкөл* – кўлнинг баҳмалдай товланиб, жилваланиб турадиган чиройи билан боғлиқ ном. Кўл номи овул номига кўчган.<sup>2</sup>

*Маржанкөл* – бу ном билан боғлиқ бир неча афсоналар бор. 1. Кўл суви маржондай тиник бўлганлиги боис Маржанкөл деб номланган. 2. Бу ернинг тупроғи унумдорлиги учун экилган гурч маржондай мўл ҳосил берган. Шу сабабли Маржонкўл деб аталган.

*Қумаўыл* – Маржонкўл хўжалигидаги овул. Қумли даштда бўлганлиги боис Қумаўыл деб номланган.

Ўсимлик билан боғлиқ ойконимлар:

<sup>1</sup> Әбдимуратов Қ. Неге усылай аталған? Нөкис, 1965.

<sup>2</sup> Шу манба.

*Пишкөл* – кўл бўйида қамиш кўп ўсган. У ердан ўтувчи йўловчи қамишнинг бошини қайириб ўтган. Ҳозирги кунда бу кўл йўқ, ўша ердаги аҳолига нисбатан *Пишкөл аўылы* деган ном қўлланилган.

*Кендирли* – Қоңыраткўл хўжалигида жойлашган. Бу атаманинг пайдо бўлиш сабаби қадимда кандир ўсимлиги кўп ўсганлиги билан боғлиқ. Шу ўсимлик номига нисбатан *Кендирли* деб аталиб келган.

*Жийделик* – Тахтакўпир худудидан 8 км масофада жойлашган. У ерда жийда ўсимлиги кўп ўсганлиги боис шундай аталган.

*Мулк* – бу жойнинг аталиш сабаби шундаки, Қоспан ботирнинг туғилиб ўсган ерини ёвдан «бу менинг элим, менинг мулким» деб ҳимоя қилган. Шу билан боғлиқ *Мулк* деб номланган, овул қаршисида Қоспанқум жойлашган.

«Ер-сув номи – тарихнинг хати» деб бежизга айтилмаган. Топонимика мавзуси қайси халқ тилида бўлса-да, ўз аксини, баён қилиш сабаби, таъсир кўрсатган географик муҳит ва табиатга муносабатини билдирмасдан қолмайди. Демак, топоним атамаси тарихий, географик ва лингвистик жиҳатдан хабар бериб туривчи манбадир.

**Холмурадова Зебинисо Шавкатовна (Самарқанд Давлат Чет тиллар институти)**  
**ФРАНЦУЗ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИНГ РУС ЁЗУВЧИЛАРИ АСАРЛАРИДА АКС ЭТИШИ**

**Аннотация.** *Мазкур мақола 18–19-асрларда рус лисоний жамиятида француз тилининг аҳамияти ҳамда унинг рус адабий тилининг ривожланишига таъсири таҳлилга бағишланган. Бундай рус-француз билингвизм шаклланишининг лисоний ва нолисоний омиллари аниқланган. Таркибида француз сўзлар ва нутқий формулалар мавжуд бўлган рус бадиий асарлардаги матнлар келтирилган. Бундай француз ўзлашмалар рус бадиий матнларда стилистик, семантик ва прагматик вазифаларини бажариб, матнга ўзига хос хушоҳанглик, нозиклик ва жарангдорлик қўшади.*

**Аннотация.** *Настоящая статья посвящается вопросам влияния французского языка на языковое общество 18–19 веков и на развитие русского литературного языка. Определены экстралингвистические факторы такого русско-французского билингвизма. Приводятся контексты русских художественных произведений с французскими словами и речевыми формулами, которые, в основном, используются в речи художественных персонажей. Такие французские заимствования выполняют в русскоязычном художественном тексте стилистическую, семантическую и прагматическую функции и вносят в текст особую мелодичность, красоту и звучание.*

**Annotation.** *The present article is dedicated to the analysis of the role of the French language in Russian lingual society in the 18<sup>th</sup>–19<sup>th</sup> centuries and its influence on the development of the Russian literary language. Here linguistic and extra-linguistic factors of the formation of Russian-French bilingualism are enumerated. The contexts from Russian literary works with French words and speech formulas are analyzed. Such French borrowings fulfill stylistic, semantic and pragmatic functions and add special melody, beauty and sound to the text.*

**Калим сўзлар:** *рус-француз билингвизми, рус бадиий асарлар, экстралисоний омиллар, рус адабий тил, француз ўзлашмалари, нутқий формулалар, дворянлар жамияти.*

**Ключевые слова:** *русско-французский билингвизм, русские художественные произведения, экстралингвистические факторы, русский литературный язык, французские заимствования, речевые формулы, дворянское общество.*

**Key words:** *Russian-French bilingualism, Russian literary works, extralinguistic factors, Russian literary language, French borrowings, speech formulas, nobles' society.*

**Кириш.** Француз тили ўзига хос жарангдорлиги ва мусикавий хушоҳанглиги билан дунё тиллари орасида ажралиб туради. Француз тилини жаҳон адабиётининг матнларида, айниқса, классик адабиётида учратиш мумкин. Масалан, 18-асрнинг охиридан бошлаб, рус бадиий матнларда кўплаб француз ўзлашмаларни кузатиш мумкин. Ўша пайт француз адабиёти ва маданияти Россиянинг тил ривожига таъсир кўрсата бошлади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Найденова Н.С. «Мировая литература» на французском языке как феномен трансграничной художественной словесности. Известия РАН. Серия литературы и языка, 2013, том 72, № 1, с. 52 – 57.

Тарихга назар ташласак, шуни аниқлаш мумкинки, француз кироли Людовик XIV ҳукмдорлиги замонида француз тили бутун Европада машхур бўлиб кетган. Француз аристократик анъаналари Европанинг ривожланган давлатларда тез тарқалиб кетди. Европаликлар француз нозик маданиятини ўргана бошлади.

**Асосий қисм.** Россия дворянлар жамиятида ҳам француз тили ва маданияти жуда тез тарқалди. Бу, ўз навбатида, Россияда 18–19-асрларда билингвизмга олиб келади. Билингвизмнинг бошқа сабаби иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий, илмий-маданий ва сиёсий муносабатларнинг ривожланиб кетиши саналади.

Билингвизм тил ҳодисаси бўлиб, кўплаб тилшунос, социолингвист ва психологларнинг тадқиқот объектига айланган. «Билингвизм» атамаси турлича талқин қилинади: баъзан у бутун тил жамияти ёки мамлакатга, баъзан эса икки ва ундан кўп тилни биладиган инсонга нисбатан ишлатилади».<sup>1</sup>

18 асрдан бошлаб француз тили зиёли, ўқимишли ва маданиятли инсонларнинг тили ҳисобланарди. Роман ва герман тилларига энг кўп ўзлашма сўзлар айнан француз тилидан кирган. Бу ўзлашма сўзлар архитектура, санъат, мусиқа, театр, мода, дизайн, пазандалик, илм ва адабиёт соҳаларни қамраб олади. 18-асрдан бошлаб келган рус-француз билингвизми 19 асрнинг иккинчи ярмида ўз ниҳоясига етади. Ўша пайт француз тили рус дворянларнинг расмий тили сифатида қабул қилинган эди. Дворянлар ўз фарзандларига француз тилини ўргатарди. Француз тилида гаплашиш ва бадий асарларни ўқиш катта аҳамиятга эга эди. Француз тили рус адабиётида алоҳида сўз, ибора ва нутқий формулалар шаклида фойдаланилган.<sup>2</sup>

Француз тилининг бой лексика ва стилистикаси мазкур тилни оммабоп бўлишига сабаб бўлган. Ўқимишли одамлар француз тилини билиши керак эди. Бу ўша даврнинг талаби эди. Рус оқсуяк жамиятининг турли тадбирлари француз тили ёрдамида ўтказиларди. Дворянлар бир-бирига французча гаплашарди. Оқсуяк оилаларда болалар француз классик асарларни ўқишарди. Мольер, Дидро, Руссо, Вольтер асарлари ўқув юртларнинг ўқув дастурига киритилган эди.

Француз тилининг рус тилига қолдирган таъсирини тадқиқ қилиб, В.В.Виноградов рус-француз билингвизмининг икки сабабини кўрсатади:

- 1) француз тилининг рус дворян жамиятида ривож;
  - 2) рус адабиётида француз иборалар ва нутқий формулаларининг ишлатилиши.<sup>3</sup>
- Рус-француз билингвизмда олим қуйидаги лингвистик хусусиятларини аниқлаган:

1. Француз нутқий формулалар рус тилига таржима қилинганда рус муқобиллари французчага мос келарди. Бу, ўз навбатида, рус ва француз тиллари ўртасидаги лексик алмашинувига олиб келган.

2. Француз сўзлар ва иборалар рус тилига кўпроқ калька орқали таржима қилинарди. Баъзан рус лексемалари француз сўзларнинг сўзма-сўз таржимасига айланарди.

3. Лексик калькалашдан сўнг фразеологик калькалаш ҳам юзага келди.

4. Француз тили рус тилининг синтаксис қоидаларига таъсир ўтказган.

5. Мураккаб нутқида синтаксик бузилиш ва бўлишиш кузатилган.<sup>4</sup>

Француз тили кўпроқ бадий персонажларнинг нутқида ишлатилади.<sup>5</sup> Машхур рус шоири ва ёзувчиси А.С.Пушкин ҳам француз тилидан кўп фойдаланарди. Француз тилига бўлган ишқи учун Пушкинга ҳали лицей йилларида «француз» деган лақаб берилган. Шоир хатларини ҳам французча ёзарди.

Пушкин учун француз тили Франция тили эмас, балки Европанинг зиёлилар жамиятининг тили ҳамда дунёнинг бадий оламига йўл очиб берадиган манба эди.

Пушкиннинг биринчи мисралари ҳам француз тилида ёзилган экан. Булар «Stances» ва «Mon Portrait» шеърлари эди ва шоир уларни ҳали лицейда бўлган пайтда ёзган экан. Ноанъанавий гўзаллик, хушоҳанглик ва нозик қофия «Mon portrait» шеърини бутун бадий оламга машхур қилган.

<sup>1</sup> Швейцер А.Д. Современная социолингвистика. Москва, URSS, 2018, с. 114.

<sup>2</sup> Демьянков В.З. Лингвистическая интерпретация текста: универсальные (идиоэтнические) стратегии. Язык и культура: факты и ценности. К 70-летию Ю.С.Степанова. Москва, 2001, с. 41.

<sup>3</sup> Виноградов В.В. Очерки по истории русского литературного языка XVII–XIX веков. Москва, 1934, с. 178 – 191.

<sup>4</sup> Ўша манба.

<sup>5</sup> Досбаева Н. Бадий таржимада муаллиф услубини етказиб беришда деталнинг ўрни. Филология масалалари. Илмий-методик журнал. Тошкент, ЎзДЖТУ, 2017, № 1, 115-бет.

А.С.Пушкиннинг «Евгений Онегин» асарида баъзи французча мурожаатларни келтирамиз:  
*Сперва Madame за ним ходила,  
Потом Monsieur её сменил...  
Monsieur l'Abbé, француз убогой,  
Чтоб не измучилось дитя,  
Учил его всему шутя,  
Не докучал моралью строгой  
Слегка за шалости бранил  
И в Летний сад гулять водил.*

Мазкур мисраларда Евгений Онегиннинг тарбияси ҳақида гап кетяпти. Асарнинг бош қахрамони Татьяна Ларина эса француз тилини худди она тилидек биларди. Француз романларни ўқиш унинг энг яхши кўрган машғулоти бўлган.

В.В.Виноградов А.С.Пушкиннинг ёзув тилини тадқиқ қилиб, «Язык Пушкина» ва «Стиль Пушкина» асарларни ёзади.<sup>1</sup> Мазкур асарларда олим шоирнинг француз тилидан қай даражада фойдаланганлигини таҳлил қилади. У Пушкин тил бойлигини кузатиб, французча сўзлар ва ибораларнинг улушини аниқлаб олади. В.В.Виноградов Пушкин асарларида француз лексикаси ва фразеологиясини тадқиқ қилади. У шоирнинг француз фразеологик бирликлар ва ибораларнинг сатрларида ниҳоятда хушоҳанг ва фонетик нуктаи назардан мос келадиган қилиб ишлатганидан қойил қолади.

Л.Н.Толстой ҳам ўз асарларида француз тилидан кўп фойдаланган, айниқса, «Война и мир» романида («Уруш ва тинчлик»). Асар Анна Шерернинг французча нуткидан бошланади. Бутун матн француз сўзлар ва иборалар билан тўла. Француз тилини билмайдиган китобхон учун улар бироз қийинчиликлар туғдиради ва асосий сюжетдан чалғитади. Хўш, нега А.С.Пушкин ва Л.Н.Толстой бадиий асарларида шунчалик кўп француз сўзларни ва ибораларни ишлатган? Жавоб оддий: ёзувчилар француз тилидан дворянлар жамиятини, уларнинг анъаналари ва ҳаёт тарзини тавсифлаш учун фойдаланган. Л.Н.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романида ҳатто француз таомларнинг номлари ҳам келтирган: *santean madere, a'latortue*.

Л.Толстойнинг баъзи қахрамонлари кўпроқ французча гаплашади. Булар Наполеон, Helene ва Жюли Курагина. Фрейлина Анна Шерернинг тили ниҳоятда французча сўзлар ва иборалар билан бой бўлиб, романга ўзига хос хушоҳанглик бахш этади.

Л.Толстой ўз асарларида француз тилини шунча кўп ишлатадики, танқидчилар уни рус тили билан қориштирганлигини таъкидлайди. «Уруш ва тинчлик» романида нафақат дворянлар французча гаплашади. Мисол учун, Кутузов лашкарбоши ҳам француз ибораларни тилга олади: «*Allez voir, mon cher, si la troisieme division a depasse le village...*». Романдаги ягона персонаж французча гапирмайди, гапирса ҳам, мажбуран гапиради – бу Болконский.

Л.А.Булаховский француз тилининг ибора ва нутқий формулаларга бой тил эканлиги учун эпистоляр романларда ишлатилиши қулай эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.<sup>2</sup>

Шундай қилиб, 18–19-асрларда рус тили роман ва герман тиллардан жуда кўп сўзларни ўзлаштириб олади. Уларнинг аксарияти француз тилидан қабул қилинган. Маълумки, 18–19-асрларда Россиянинг дворян оилаларида француз тилини ўрганиш ва французча китоб ўқиш катта аҳамиятга эга бўлган:

*У бор йўғи беш-олтита французча китоб ўқиган, холос* («Оталар ва болалар». 37-бет). Бу контекстда беш-олтита французча китоб кам эканлигига ишора қилинган.

Рус бадиий матнларда персонажлар нутқ қилганида французча ибора ёки гап кўшиш одатий ҳол бўлган:

Фикримизча, принципсиз, яъни (Павел Петрович бу сўзни французлардай охирги ҳижога босиб “принцип” деб, Аркадий эса, аксинча, “принцип” деб биринчи ҳижога босиб, талаффуз этар эди), сен айтмоқчи, эътиқод тарзида қабул қилинган қарашлардан бўлак бир кадам ҳам босиш ва нафас олиш мумкин эмас. *Vous avez change taut cela...* (Сизлар бунинг барини ўзгартирдиларинг. «Оталар ва болалар». 30-бет).

<sup>1</sup> Виноградов В.В. 378 с; Виноградов В.В. Язык Пушкина. Москва, “Academia”, 1935; Стиль Пушкина. М., 1941.

<sup>2</sup> Булаховский Л.А. Русский литературный язык первой половины XIX века. М., Учпедгиз, 1934, с. 215.

Рус бадий матнларда французча иборалар кўпол ёки рус тилида айтишга ноқулай бўлган фикрларни ифодалаш учун ишлатилган: *Менимча, Аркадий sest degouredi* (sest degouredi – андишасиз бўлиб колди). *Қайтганига жуда хурсандман, – деди у* («Оталар ва болалар». 21-бет).

Куйидаги контекстда французча гап француз тилини билмайдиган учинчи персонаж ҳақида айтилган: *Шунда Аркадий кўзлари билан Пётрга ишора қилди, il est libre en effet'* (у чиндан ҳам озод, яъни крепостной қуллигидан деган маънода), – деди. *Николай Петрович аста, – аммо бу камердинер-ку* («Оталар ва болалар». 13-бет).

Рус бадий асарларда француз нуткий формулалар жуда тез-тез учраб туради: *Медведя-то, говорит, как не бояться? Да как увидишь его, и страх прошел, как бы только не ушел! Ну, так-то и я. Demain, mon cher!*<sup>1</sup> Мазкур нуткий формула хайрлашиш мақсадида фойдаланилади ва “Хайр, азизим!” маънони ифодалайди.

Рус бадий контекстда французча гаплар эвфемизм вазифасини бажаради ва рус тилида айтиш ноқулай бўлган гаплар ўрнида ишлатилади. Масалан, куйидаги парчада “Мен сизни севаман” ўрнида французча “Je vous aime” ишлатилган:

– *Но в чем же я виноват? – спрашивал он. – В том, что ты женился, не любя ее, в том, что ты обманул и себя и ее, – и ему живо представилась та минута после ужина у князя Василия, когда он сказал эти не выходявшие из него слова: «Je vous aime» Все от этого?»*<sup>2</sup>

Баъзан бадий матнда бирон машхур ёзувчининг асаридagi гап ёки ибора фойдаланилади:

*Но в ту минуту, как он считал себя успокоенным такого рода рассуждениями, вдруг представлялась она и в те минуты, когда он сильнее всего выказывал ей свою неискреннюю любовь, и он чувствовал прилив крови к сердцу, и должен был опять вставать, двигаться, и ломать, и рвать попадающиеся ему под руки вещи: «Зачем я сказал ей: Je vous aime?» – все повторял он сам себе. И, повторив десятый раз этот вопрос, ему пришло в голову Мольерово *mais que diable allait-il faire dans cette galere?*, и он засмеялся сам над собою.*<sup>3</sup> Мольер асаридан олинган бу гап “Ўзи нега мен шу ишга аралашдим?” маънони англатади.

Стилистик нуқтаи назардан французча ўзлашмалар катта аҳамиятга эга. Масалан, куйидаги контекстда французча гапнинг маъноси кўпол (“йўқол, қорангни ўчир!”) ва муаллиф уни атайин рус тилида эмас, французча айтади:

*Потом он вспомнил ясность и грубость мыслей и вульгарность выражений, свойственных ей, несмотря на ее воспитание в высшем аристократическом кругу. «Я не какая-нибудь дура... поди сам попробуй... allez vous promener», – говорила она.*<sup>4</sup>

Рус адиллар асарларида дворянларнинг француз тили ва адабиётига бўлган иштиёқи акс этилган. Мисол учун, А.С.Пушкин Евгений Онегин номли қаҳрамони ҳақида шу мисраларни ёзган:

*Стал вновь читать он без разбора.*

*Прочел он Гиббона, Руссо,*

*Манзони, Гёте, Шамфора,*

*Madame de Stael, Биша, Тиссо,*

*Прочел скептического Беля,*

*Прочел творенья Фонтенеля,*

*Прочел из наших кой-кого,*

*Не отвергая ничего.*<sup>5</sup>

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтамикки, рус ёзувчиларнинг асарларида ишлатилган француз ибора ва гаплар турли стилистик, прагматик ва семантик вазифаларни бажариб, дворян жамиятининг ўша даврдаги ҳаёт тарзи, анъаналари ва хулқини намоён қилади.

<sup>1</sup> Толстой Л.Н. Война и мир. Том второй. Москва, “Просвещение”, 1987, с. 18.

<sup>2</sup> Толстой Л.Н. С. 22.

<sup>3</sup> Ўша манба. С. 23.

<sup>4</sup> Ўша манба. С. 22.

<sup>5</sup> Пушкин А.С. Сочинения в трёх томах. Том второй. Поэмы. Евгений Онегин. Драматические произведения. Москва, «Художественная литература», 1986, с. 330.

**Ro'ziyev Husniddin Bahritdinovich (Termiz davlat universiteti o'qituvchisi; e:mail:ruzievx@tersu.uz)**  
**KORPUS BAZALARNI ELEKTRON TARJIMA VOSITALARIDAN FARQLARI VA**  
**AFZALIKLARI**

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada korpus bazalarni elektron tarjima vositalaridan farqli va afzalik tomonlari muhokama qilingan. Mashina tarjimasining asosiy vositalari hisoblangan korpus bazalar, elektron tarjima lug'at va dasturlarning farqli jihatlari misollar asosida ko'rsatib berilgan.*

***Аннотация.** В статье рассматриваются преимущества и отличия корпусных баз от средств электронного перевода. На примерах проиллюстрированы преимущества и отличия основных инструментов машинного перевода, в том числе такие как корпусные базы, электронные словари перевода и программное обеспечение.*

***Annotation.** This article deals with the advantages and differences of corpus bases from electronic translation tools. The advantages and differences of basic tools of machine translation, such as corpus bases, electronic translation dictionaries and software are illustrated on the basis of examples.*

***Kalit so'zlar:** tarjima, korpus tilshunosligi, parallel korpus, elektron tarjima lug'atlar va dasturlar, MT (mashina tarjimasi), BMK (Britaniya Milliy Korpusi).*

***Ключевые слова:** перевод, корпусная лингвистика, параллельный корпус, словари электронного перевода и программное обеспечение, МП (Машинный Перевод), БНК (Британский Национальный Корпус).*

***Key words:** translation, corpus linguistics, parallel corpus, electronic translation dictionaries and software, mt (machine translation), BNC (British National Corpus).*

Bugungi kundagi fan-texnika barcha fan sohalarini rivojlantirishga, ularni kompyuter texnologiyalardan foydalanib taraqqiy topishiga olib keldi. Shu sohalar qatori asrlar davomida shakllanib kelgan tarjimashunoslik faoliyatida ham kompyuter texnologiyalari keng qo'llanila boshladi. O'tgan asrning o'rtalarida kompyuter va internet vositalarini fan sohalarida keng foydalanishi natijasida tarjimashunoslikda mashina tarjimasi va korpus tilshunosligi sohalar, elektron tarjima lug'atlar va dasturlar vujudga keldi.

Tarjima – bir tildagi matnni boshqa tilda qayta yaratishdan iborat adabiy ijod turi. Badiiy tarjima – adabiy ijod turi, uning jarayonida bir tilda yozilgan asar boshqa tilda iloji bo'lsa, muallif matniga yaqin, uning barcha jihatlarini uzatgan holda qayta yaratish faoliyati. “Badiiy tarjima orginal ijoddan tayyor obyektning mavjudligi bilan farq qiladi. Tarjimon mavjud asarga yangi ijtimoiy, adabiy va milliy muhit sharoitida yangi hayot bag'ishlovchidir”.<sup>1</sup>

Tarjimonning ish joyi so'nggi o'n yil ichida keskin o'zgardi va bugungi kunda kompyuter, shubhasiz, kichik nashriyotda ishlaydigan adabiy tarjimon yoki texnik tarjimon bo'lishidan qat'iy nazar, tarjimon uchun yagona eng muhim vositadir. Bugungi kunda tarjimonlar o'z matnlarini kompyuterda yozadilar, ko'pincha, o'z matnlarini elektron formatda oladilar va ba'zida ularning tarjimalari faqat veb-saytlarda uchraydi. Bir tilli va ikki tilli lug'atlar, atama va ensiklopediyalar kabi tarjima vositalari endi nafaqat qo'g'ozda, balki elektron formatda ham mavjud. Bu esa tarjimonning ishini yanada osonlashtiradi. Tarjima jarayonida tarjimon grammatik transformatsiya (bu jarayonda so'zma-so'z tarjima xavfli hisoblanadi), sintaktik transformatsiya (asl matnni ma'no va leksik jihatdan ma'nosi o'zgarmagan holda ekvivalent matnga o'girish) va leksik transformatsiyadan keng foydalanadi.<sup>2</sup>

Tarjimon tarjima davomida avvalo leksik va sintaktik transformatsiyadan keng foydalanadi. Bu jarayonda u tarjima qilishda mashina tarjimasining asosiy vositalari bo'lgan korpus tilshunosligi, elektron tarjima lug'atlar va dasturlardan keng foydalanadi.

“Mashina tarjimasi” (MT) atamasi inson yordami bilan yoki yordamisiz tarjimalarni ishlab chiqarish uchun mas'ul bo'lgan kompyuterlashtirilgan tizimdir. Tarjimonlar online lug'atlarga, masofadan turib terminologik ma'lumotlar bazasiga kirishni, matnlarni uzatish va qabul qilishni amalga oshiradi. Mashina yordamida odam tarjimasi va gumanitar mashina tarjimasi o'rtasidagi chegaralar, ko'pincha, aniq

<sup>1</sup> [Salomov G'. Tarjima nazariyasiga kirish. T., "O'qituvchi", 1978, 97 – 98-betlar.](#)

<sup>2</sup> Abdullayeva R.M. Badiiy tarjimaning lingvomadaniy aspektlari va tarjima mahorati. Oriental Renaissance: innovative, educational, natural and social sciences. 2021, 75–81-betlar <https://cyberleninka.ru/article/n/badiiy-tarjimaning-lingvo-madaniy-aspektlari-va-tarjima-mahorati>

emas va kompyuter tarjimasini ikkalasini ham qamrab olishi mumkin, lekin MTning markaziy yadrosi to'liq tarjima jarayonini avtomatlashtirishdir.<sup>1</sup>

Mashina tarjimasida korpus tilshunosligi, elektron tarjima lug'atlar va dasturlarning o'rni va foydali jihatlari bor.

“Korpus” – bu elektron matnlar to'plami, asosan, mashinada o'qiladigan shaklda, lekin u tabiiy holatida yozma matn yoki yozilgan nutq bo'lib, odatda, ko'proq jonli matnlarni ifodalashga qaratilgan. Korpus lingvistikasining nazariy va amaliy tomonlari muhim bo'lgan muammolari chet el olimlari tomonidan o'rganilgan va ular sirasiga quyidagilarni kiritish mumkin: I.F.Ganiyeva<sup>2</sup> lingvistikasiga oid terminlarning ishlatilishi yuzasidan o'z qarashlarini ifoda etgan, J.Sinclair<sup>3</sup> esa korpus lingvistikasidan foydalanishning ahamiyatli tomonlarini muhokama qilgan. D.Biber, S.Konrad va R.Reppenlar<sup>4</sup> korpus lingvistikasining til o'rganishdagi o'rni tadqiq qilishgan, H.Lindkvist,<sup>5</sup> N.Lich, N.S.Dash va boshqalar mazkur muammoni turlicha yondashuv asosida o'rganishgan.

Korpus bazalarning mashina tarjimasini uchun foydali jihatlari shundaki, tarjima qilish jarayoni amalga oshirilganda dastlabki ish leksik birliklarni qidirishdan boshlanadi, ya'ni EHM tarjima qilinadigan matndan so'zlarni birin-ketin olib, ularning har biriga mos keladigan asosni lug'atdan qidirib topadi. Keyin ularni taqqoslaydi, harflar soni jihatidan maksimal darajada mos keluvchi so'zga sig'adigan asosni qidirib topadi va uni tarjima qiladi. Korpus mashina tarjimasini uchun katta leksikografik baza hisoblanadi. Korpus lingvistik tarjima ekvivalentlarini avtomatik tahlil qilish va asl tarjima matnlarini yaratishda asos bo'lib xizmat qiladi.

Tarjimon so'z qidirish jarayonida elektron tarjima lug'atlaridan keng foydalanadi.

Elektron tarjima lug'ati – elektron ma'lumotlar tashuvchi tarjima lug'ati. Tarjima lug'atlarining vazifalari:

- ◆informativ – lug'at tarkibidagi ma'lumotlarni olish imkonini beradi;
- ◆kommunikativ – ona yoki chet tilidagi kerakli so'zlarni beradi;
- ◆me'yoriy – so'zlarning ma'nosi va ishlatilishini belgilaydi, tilni aloqa vositasi sifatida birlashtirishga hissa qo'shadi;
- ◆ijodiy – leksikografik iste'dodni ro'yobga chiqarishga imkon beradi.

Hozirgi kunda Lingvo (ABBYY Software House), Multiplex (Medialingva), Polyglossum (EAL – “elektron va an'anaviy lug'atlar”), Kontekst (In – format), PROMT kabi elektron lug'atlar tarjimonlar tomonidan keng qo'llanilyapti.

Elektron tarjima dasturlari orqali bir tildagi so'z va matnlarni boshqa tilga tarjima qilish imkoniyati mavjud. Google va Yandex tarjimon dasturlaridan bugungi kunda keng foydalanilmoqda.

Yuqorida ta'kidlanganidek, korpus bazalar, elektron tarjima lug'at va dasturlar mashina tarjimasining asosiy vositalaridir. Bu vositalar ichida korpus bazalarni afzalik va farqli jihatlarni tahlillar asosida ko'rib chiqamiz.

Korpus bazalar AKT rivojlanishining hozirgi bosqichidan oldin tarjimonlar uchun deyarli mavjud bo'lmagan til, kontent va tarjima amaliyoti haqidagi ma'lumotlarga ega bo'lishning bir usulidir.

Bir tilli korpuslarni bir tilli lug'atlarga solishtirish mumkin. Lug'atlar leksik ma'noga (ta'rif orqali) sintetik yondashuvni ma'qul ko'rsa-da, korpuslar analitik yondashuvni taklif qilishadi (bir nechta kontekstlar orqali).<sup>6</sup>

Parallel korpuslarni ikki tilli lug'atlar bilan solishtirish mumkin. Ikki tilli lug'atdan tarjima ekvivalenti tanlashda, tarjimon tarjima birligini yangi kontekstga mosligini ta'rif va foydalanishning bir necha misolidan boshlab baholashi kerak. Parallel korpus o'tmishdagi tarjimonlar parallel korpusda qidirishga sabab bo'lgan shunga o'xshash muammolarga duch kelganda qo'llagan tarjima strategiyalarining namu-

<sup>1</sup>[W.John Hutchins. Machine translation: a brief history. Concise history of the language sciences: from the Sumerians to the cognitivists. Oxford: Pergamon Press, 1995, 431– 445 pp.](#)

<sup>2</sup>[Ганиева И.Ф. Об использовании корпусов в лингвистических исследованиях. Филология и искусствоведение. Т.12, БГУ, Россия, 2007, № 4, с. 104 – 106.](#)

<sup>3</sup>[Sinclair J. 1991. Corpus and text-basic principles. Oxford, Oxford University Press, 1998, p. 300.](#)

<sup>4</sup>[Biber D., Conrad S., Reppen R. Corpus Linguistics: Investigating Language Structure and Use. Cambridge University Press, 1998, p. 300.](#)

<sup>5</sup>[Lindquist H. Corpus Linguistics and the Description of English. Edinburgh: Edinburgh University Press, 2009.](#)

<sup>6</sup>[Baker M. \(1993\). “Corpus linguistics and translation studies. Implications and applications”. In M. Baker, G. Francis & E. Tognini-Bonelli \(eds.\) Text and technology. Philadelphia/Amsterdam: John Benjamins, p. 233 – 252.](#)




nalarini taqdim etadi. Parallel korpuslar, odatda, ikki tilli lugʻatlarda mavjud boʻlmagan maʼlumotlarni berishi mumkin. Ulardan nafaqat soʻz darajasida ekvivalentlikni, balki atamalar yoki iboralar ekvivalentlikni ham topish mumkin.

Korporadan tarjima resursi sifatida foydalanishni oʻrganish tarjimonga professional kompetensiya shakllanishiga yordam beradi. Tarjimon asl tarjima matnini yaratishda tarjima qilinayotgan til bazasiga ehtiyoj sezadi. Bu ehtiyojni faqat korpus bazalardan topish mumkin. Elektron tarjima lugʻatlar orqali tarjimon bir soʻzning ikkinchi tildagi variantlarini, soʻzlarni ishlatilishiga oid maʼlumotlarni olishi mumkin. *Boshlamoq* maʼnosida ingliz tilida *begin*, *start*, *commence* soʻzlari ishlatiladi (1-rasm).




1-rasm.

Ushbu soʻzlardan tarjimon birini tanlash orqali asl tarjima birligini bera oladi. Elektron tarjima lugʻatlarda bu soʻzlarni faqat izohini uchratish va bu orqali soʻz va soʻz birikmalarining bir nechta maʼnolarini misollar asosida bilib olish imkoniyati mavjud (2-rasm).



2-rasm.

Ammo bu soʻzlardan qaysi birini tarjima qilamayotgan tilda keng qoʻllanilishini korpus bazalar tahlili orqali aniqlash mumkin. BNC, yaʼni Britaniya Milliy Korpus bazasi orqali bu tahlilni amalga oshiraylik.



3-rasm.




4-rasm.



5-rasm.

Tahlil natijalari *begin* soʻzi 7234 marta (3-rasm), *start* soʻzi 22814 marta (4-rasm) va *commence* (5-rasm) soʻzi 440 marta ishlatilgan. Demak, tarjimon bu holatda start soʻzini ishlatish orqali tarjimada asliyatga erishadi.

Korpus bazalar va elektron tarjima dasturlari orqali tarjimon matn parchalarini tarjima qiladi va undan foydalanadi. Bu holatda tarjimon parallel korpuslardan samarali foydalanadi. Keling ushbu parchani elektron tarjima dasturi va parallel korpus bazalardagi tarjimasini solishtiraylik. *Muhim tomoni shundaki, markaz davlat-xususiy sheriklik tizimida ishlaydi.*



6-rasm



7-rasm.

Yuqoridagi parchani google translate dasturi *Importantly, the center operates in a public-private partnership system* tarzida (6-rasm), O'zbek milliy korpus bazasida *It is important to note that the center operates under the system of public-private partnership* tarzida (7-rasm) tarjimasini topdik. Ko'rinib turgandek har ikkala tarjima bir-biriga o'xshasada, gap tuzilishi korpus bazada aniq, xatosiz berilgan. Tarjimon dasturlarda matnlarni dasturda kiritilgan so'zlar asosida tarjima qiladi, korpus bazalarda esa matnlar tarjimon matnlarni aslyat sifatida tarjima qilgan varianti yoki matnni asl tildagi variantini beriladi.

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlarni umumlashtirgan holda aytish mumkinki, korpus bazalar, elektron tarjima lug'at va dasturlar mashina tarjimasining asosiy vositalaridir. Korpus bazalarning elektron tarjima lug'at va dasturlardan asosiy farqi va afzaliklari quyidagilar:

- ◆Korpus bazalar orqali tarjimon tarjima ekvivalentlarini tahlil qilib, mosini tanlaydi.
- ◆Parallel korpus bazalar asl matnlarini tarjima tilida variantini topadi.
- ◆Parallel korpuslar bu tarjimani o'qitishga va chet tilini o'rgatishga muhim manbadir.
- ◆Korpus bazalar tarjimonga professional kompetensiya shakllantirishga asosiy manba bo'lib xizmat qiladi.
- ◆Korpus bazalar orqali tarjimon turli xalqlarning madaniyatiga oid leksik birliklar bilan tanishadi va ularni tarjima faoliyatida qo'llaydi.

**Atajanova Nilufar Fayzullayevna (Urganch davlat universiteti tayanch  
doktoranti; [filolog.atajanova@gmail.com](mailto:filolog.atajanova@gmail.com))**

### **GAVHAR IBODULLAYEVA SHE'RIYATIDA SO'Z MO'JIZAVIY VOSITA SIFATIDA**

**Annotatsiya.** *Mazkur maqolada shoiraning "Yuragimda yashayotgan sir" she'riy to'plamidagi turkum she'rlari tahlil qilinadi va shu orqali ijodkorning badiiy mahoratini namoyon qilishda so'zni naqadar mas'uliyat bilan foydalana olishi va unga zalvorli yuk bag'ishlay olishi namoyon bo'ladi.*

**Аннотация.** *В статье, посредством анализа серии стихов из поэтического сборника поэтессы «Тайна, живущая в моем сердце», наглядно демонстрируется насколько ответственно использование слова и какой весомый вклад оно вносит в проявление художественного мастерства художника.*

**Annotation.** *This article, through an analysis of a series of poems from the poetry collection of the poetess "The Secret Living in My Heart", shows how responsibly the artist can use the word to express his artistic skills and give it a heavy burden.*

**Kalit so'zlar:** *poetik fikr, poetik obraz, badiiy ifoda, badiiy vosita, tashbeh, qiyos, tasvir, takror.*

**Ключевые слова:** *поэтическая мысль, поэтический образ, художественное выражение, художественное средство, аллегория, сравнение, описание, повторение.*

**Key words:** *poetic thought, poetic image, artistic expression, artistic means, allegory, comparison, description, repetition.*

Dunyo yaratilibdiki, butun mavjudot-u jonzotlar ichida yagona insongagina in'om qilingan mo'jizaviy vosita so'zdir. Mo'jizavorligi shundaki, Yer yuzida qancha inson bo'lsa, u shuncha xil jarang topa oladi. Kimdir uning imkoniyatlaridan to'laqonli foydalana oladi, kimdir, aksincha, bisotidagi eng sara so'zlarni dilining tubiga yashiradi-yu, shunchaki nimalarnidir deydi, yana shunday insonlar borki, so'zga jilo baxsh etib, uning bor qudrati bilan inson ruhiyatiga ta'sir o'tkaza oladi. So'zning buyuk qudrati, aslida, uning ta'sir kuchidadir. Biz har qanday so'zning ortida uning egasini ko'ramiz. Uning xayolotini, dunyoqarashini va ma'naviy olamini o'zimizcha tasavvur qilamiz. Yana shunisi muhimki, so'zni vujudga keltirayotgan inson o'zining tabiiyligi bilan boshqalarni o'z tuyg'ularining samimiyligiga ishonitirmog'i lozim.

Shoira Gavhar Ibodullayeva ana shunday ijodkorlardandir. U, avvalo, o'z ko'nglida yashaydigan, shu bilan birga, so'zning mohiyatidan nafas olib ijod qiladigan shoiradir. Uning she'rlarini kuzatar ekanmiz, qalbi bilan so'zni, tafakkuri bilan poetik fikrni birlashtira olish imkoniyatidan keng foydalana olishiga guvoh bo'lamiz:

*Siz menga o'rgating, imkoni bo'lsa,  
Yurak yoqmaslikni, bag'ir titmaslikni.  
Men orzu qilaman, qilaman orzu*

*Faqat orzu qilib o'tib ketmaslikni!..<sup>1</sup>*

Mazkur she'r orqali inson ruhiyatidagi ko'z ilg'amas va murakkab kechinmalar talqini o'ta noziklik, g'oyat soddalik hamda juda samimiylik bilan qalamga olingan.

*Qo'ying, ko'zlarimga qaramay turing.*

*Sizning boringizga ko'nib olayin.*

*Sizsiz tin olmoqqa yetgan bardoshni*

*Yuragim qasridan quvib solayin.<sup>2</sup>*

Ko'zlar qalbning ko'zgusi deyishadi. Haqiqiy sog'inchdan qabarilgan dil ko'zlar ko'zga duch kelganidagina zavqlanadi. Insoniyat tafakkur olamining shunday bir ojizligi borki, u qisqa vaqt ichida ro'y bergan ulkan voqealar silsilasini daf'atan qabul qila olmaydi. Dengizning karamini anglamoq uchun undan naqadar olislab parvoz qilish kerak bo'lganidek, yoinki tog'ning ulug'ligini tasavvur qilmoq uchun undan uzoqlashish kerak bo'lganidek, intiqlik bilan kutilayotgan hodisalarning ulug'ligini rostmana his etish uchun, aslida, ma'lum vaqt masofa lozim bo'ladi. Shu o'rinda, lirik qahramon "Qo'ying, ko'zlarimga qaramay turing" deydi-yu, haqiqiy baxt hissini o'zida jo bo'layotganligiga ko'nib olish uchun intizoridan vaqt so'raydi. Shoir yuragimdan quvib solayin emas, "yuragim qasridan quvib solayin", deydi. "Quvib solayin" jumlasini eng yuksak fazilat, intiq lahzalarning nishonasi bo'lmish bardoshning darajasini xok bilan teng sanamasligiga va shu sababli ham "qasr" so'zini qo'llanilishi bu hisni ulug' va yuksak ekanligiga ishora qilgan holda, o'ziga xos poetik manzara yarata olgan.

*Keldingiz, bag'rimga ko'chdi lolazor*

*Qalbimni quvonchlar ayladi vatan.*

*Bilmabman, men sizni shunchalar*

*Sog'ingan ekanman.<sup>3</sup>*

Aslida, she'r yuqoridagicha boshlangan. Biroq sakkiz misradan so'ng shu to'rtlik yana takrorlanadi. "Sog'ingan ekanman" jumlasidan so'ng "daf'atan" so'zi keltiriladi. Bu o'ziga xos yo'sin she'rning badiiy ta'sir kuchini yuksaltirgan. Zotan, she'rning boshlanmasida lirik qahramonning sog'ingan ekanligi ifodalangan bo'lsa, keyingi to'rtlikda o'zi ham shu hozir bilib turganiga iqror bo'ladi va hayratli mulohazalarga boy lirik qahramonning sof tuyg'ularini o'quvchidan yashirmaydi, aksincha, uni yanada ta'sirli qilib qalamga oladi.

Sog'inch – ayriliqning ifodasi. Qalbdagi hijronning alangasi, vujudagi g'alayon, bo'g'izdagi titroqdir. Ma'lumki, "sog'indim", "sog'inaman", "sog'inganman" so'zlari she'rdan she'rga ko'chib yuruvchi vositalardir. Biroq Gavhar Ibodullayeva qo'llagan "sog'ingan ekanman" jumlasini ifoda yo'sini bilan o'ziga xosdir. Chunki haqiqiy sog'inch hissini inson intiq lahzalarda emas, balki diydor onlaridagina tuyadi. Bu haqda shoir Matnazar Abdulhakim ham o'z mulohazasini quyidagicha bayon qilgan: "Nimaga biz hamisha "sog'indim" deymiz, aslida, sog'inganingni shu odamni ko'rganingda bilasan. Shuning uchun "sog'ingan ekanman", desak, to'g'riroq bo'ladi".<sup>4</sup>

Shoiraning "Qalbimni quvonchlar ayladi vatan" misrasida sevinchning yurakda o'rnashib olishi vatanga qiyoslanadi-yu, u butun umr vujudni tark etmaydiganday tasvirlanadi. Lola obrazi esa badiiy adabiyotda otashin muhabbatni ifodalashga xizmat qiladi. Lirik qahramon esa butun lolazorni bag'riga ko'chiradi. Shu o'rinda aytish lozimki, Gavhar Ibodullayevaning she'rlari yurak qaridan otilib chiqadi va har bir ijod namunasida shoiraning otashin qalbi tugal va teran ifodalanadi.

Gavhar Ibodullayeva she'rlarida insonning ruhiy qiyofasi va olami shunchaki tashqi bezak emas, balki ichki mohiyat sifatida namoyon bo'ladi. Chunki shoiraning shaxsiyati ham, aslida, shunday. Undagi samimiyat, nafasat, xokisorlik va hislarida soxtalikning yo'qligi, sun'iy bezaklarga va o'rinsiz ko'tarinkilikka berilmasligiga asosdir. Zotan, shoiraning o'zi yozganiday:

*Mening dunyom –*

*Hislar mamlakati.*

*Men iymon quli-yu*

*Ishqning gadosi.*

*Sabrdan suv ichib ulg'aygan,*

<sup>1</sup> Ibodullayeva G. Yuragimda yashayotgan sir. Toshkent, "Akademnashr", 2012, 48-bet (Keyingi she'riy parchalar ham ijodkorning shu nomli asaridan olingan).

<sup>2</sup> O'sha asar. 88-bet.

<sup>3</sup> O'sha asar. 88-bet.

<sup>4</sup> Ibodullayeva G. Bizning Matnazar akamiz. Xotira-esse. Urganch, 2018, 36-bet.

*Mehrdan yaralgan mo'rtgina jonman.*<sup>1</sup>

Gavhar Ibodullayeva so'zga o'ziga xos jilo baxsh etar ekan, uning bor qudrati bilan inson ruhiyatiga ta'sir qiladi. Shoiraning betakror, ayni paytda, biroz sirli badiiy ifodalari, tashbehleri o'quvchini mu-shohadaga chorlaydi. Ijodkor mutolaa zavqidan bebahra insonni atay she'riyat olamining jozibasidan bah-ra olish uchun yetaklamaydi, aksincha, uning she'rlarida shunday tarovat borki, oddiy kitobxonni o'z sa-mimiyatiga yo'g'rilgan badiiy olami ichra chuqur o'yga toldiradi. Har qanday tuyg'uni real voqelik bilan uzviy bog'liqlikda shunday ifodalaydiki, o'quvchi qalbi o'zini-o'zi kashf etadi. Aslida, ijodkorning bosh maqsadi ham ana shundadir.

Dunyodagi eng yoqimli his – onaning o'z farzandini bag'riga bosib, quchgandagi manzara. Haya-jonga boy lahzalar... Ana shu betakror va ichkin hislar quyosh va ufqqa qiyos qilinadi. Dunyoni munav-var aylamoq uchun quyosh ham har kuni, har dam ufqning bag'riga shoshiladi. Shuurni larzaga soluvchi holat va ijodkorning badiiy salohiyati hamda mahorati, shubhasiz, o'quvchiga estetik zavq bag'ishlaydi. Mazkur tasvir shoiraning "Daladan qaytishdagi o'ylar" she'ridan olingan:

*Taniganim sayin, ulg'ayib fikratim,  
Angladim azal va abad hikmatin:  
"Ona quchog'ida farzand baxtiyor"  
Boqiy suvrating bu, Dunyojon!  
Bog'lab qo'yganing yo'q ikkisini ham,  
Shunday lahzalarni ber ko'proq,  
Egam!..*<sup>2</sup>

She'rda ona va bola obrazi orqali dunyoning go'zal va farahbaxsh lahzalariga ishora qilinadi. Ona o'zining quchog'ida dilbandi yayrayotganidan rohat olsa, shafaq esa o'z bag'rida quyoshning nuridan zavq oladi. Biroq har qanday lahzalar: xoh u dardli damlar, xoh baxtiyorlik bo'lsin, bari o'tkinchi, umr-boqiy emas. Onaning quchog'idagi baxtiyorlik lahzalari kabi ufq ham o'zining bag'rida quyoshning nur-lanishini istaydi. Yuqoridagi tasvirlar asosida o'xshatish mavjud bo'lib, aslida, bular dunyoda ezgulik-ning, yorug' kunlarning, quvonchli lahzalarning ko'proq bo'lishini Yaratgandan so'rayotgan ijodkorning falsafiy o'ylari va mushohadalaridir.

Shunday she'rlar bo'ladiki, ularda so'z takrori ortiqcha vosita bo'lib qoladi, yana shunday she'rlar bo'ladiki, takror ma'noni kuchaytirishga, tasvirni qabariq tarzda tasvirlashga xizmat qiladi. Gavhar Ibodullayeva she'rlarini kuzatar ekanmiz, uning she'rlarida takror ma'nonini kuchaytirishga xizmat qili-shiga guvoh bo'lamiz. Zero, uning quyidagi satrida ko'ngil so'zining takror qo'llanilishi she'rga o'ziga xos ta'kid va o'ziga xos ma'no yuklashga xizmat qilgan:

*Ko'nglim ko'tarilar, ko'nglim ko'klanar,  
Farqin tuymay qo'ydim tushim o'ngimning.*

Nafas olayotgan har jonzotda urib turadigan a'zo – yurak. Ko'ngilda yurak bo'ladimi yo yurak ko'ngilda bo'ladimi, yoki bular bir tushunchani ifodalovchi ma'nodosh so'zlarmi? Zukko o'quvchi shoiraning quyidagi misralari orqali savolga javob topsa, ajab emas:

*Nasibamda turgan diydorni o'ylab  
Yorilib ketadi yuragi ko'nglimning.*<sup>3</sup>

Nasib... Insonning taqdiran buyurilgan o'z hissasi, ulushi. Qanday ajoyib so'z-a? Na amin bo'lasan, na umidsizsan. Faqatgina umid qilish bilan cheklanib, taqdiringga yozilganini bilguvchi Zotgagina taslim bo'lasan.

Ma'lumki, o'zbek tilida yuragi yorilmoq iborasi "qattiq cho'chib qo'rqmoq" ma'nosini ifodalaydi. Lirik qahramon saodatli lahzalarida ham shu farahbaxsh onlarni yo'qotib qo'yishdan qattiq qo'rqadi. Aslida, yurak so'zi iboraning tarkibiy qismida qo'llangan bo'lib, u ma'noni kuchaytirishga xizmat qilgan. Shunisi ma'lumki, yurak, ko'ngil so'zlari ba'zan bir xil tushunchalarni ifodalasa-da, aslida ularning mo-hiyati tafovutlanadi. Yurak so'zi inson organizmidagi a'zoga nisbatan ishlatilsa-da, ba'zan ruhiy holatlar-ning asosi sifatida ham talqin qilinadi. Ko'ngil esa insonning tuyg'ulari, hislari, kechinmalari, umuman, ruhiy holatlarni o'zida aks etuvchi maskandir. Shoira ana shu go'shaning martabasiga ulug'vorlik yukla-gan holda, yurakning uning ichida jo bo'lishiga ishora qiladi. Bu o'ziga xos poetik ifoda she'rning badiiy ko'lami va ta'chir kuchini yana-da yuksaltirgan. Shuningdek, mazkur she'rda "sizning umringizga kelar

<sup>1</sup> O'sha asar. 61-bet.

<sup>2</sup> O'sha asar. 56-bet.

<sup>3</sup> O'sha asar. 120-bet.

to'kilgim", "mehriston unmoqda qaroqlarimda", "sog'inch kaft yozadi yaproqlarimda" kabi ifodalarda so'zga majoz yuklanib, uning salmog'i oshirilgan.

Umuman, Gavhar Ibodullayeva so'z mas'uliyatini chuqur his qilgan holda, unga zalvorli ma'no yuklay oladi. She'rlarida deyarli har bir satrda oddiy so'zlarni ham tashbeh-u qiyoslar bilan badiiy vosita aylantirish orqali misralarga jo qilgan poetik obrazlarni hayot haqiqati bilan falsafiy uyg'unlashtira olishi uning yuksak salohiyat va badiiy mahorat egasi ekanligidan dalolat beradi.

Shu o'rinda, shoir Mirtemirning quyidagi so'zlarini eslash o'rinlidir: "So'zning yomoni yo'q, hammasi yaxshi, o'rnini topsa, yarqirab, olovlanib ketadi. So'z o'z o'rniga tushmasa, mung'ayib, mo'ltirab, o'ksib, o'ng'aysizlanib, yaralganiga yuz pushaymon bo'lib qoladi. Bu beshafqatlik, bemuruvvatlik, yovvoyilik, axir. So'zni sarson-sargardonlik taqdiriga muhtalo qilmay, o'ta diqqat va e'tibor bilan jaranglatish, yarqiratish, gavharday qadrlash, eng avvalo, qalamkash zimmasida". Ustoz shoir aytganlaridek, Gavhar Ibodullayeva so'zni jaranglatadigan, yarqiratigan va ismi-jismiga monand gavhardek qadrlaydigan ijodkoridir.

Gavhar Ibodullayeva – qalb shoirasi. Uning ijod namunalari kuzatar ekanmiz, samimiy va jozibali so'zlari inja tuyg'ularni shunday ipga tizadiki, to'lqini daryolardan oshib, dengizlarga quyiladi go'yo. Uning bizga taqdim qilgan bitiklari esa dengizdan bir tomchi, xolos. Zotan, ijodkorning otashin qalbida hali yorug' olamni ko'rmagan, lekin dunyoga kelsa, ne-ne qalblarni larzaga soladigan nafaqat shu bilan kifoyalanadigan, balki shoir Matnazar Abdulhakim ta'biri bilan aytganda, "asrlar dastidan nuramaydigan" ijod namunalari bisyordir. Zero, shoiraning o'zi ta'kidlaganidek, uning maqsadlari oliy va yo'llari nurli, ziyoli:

*Mayli, yo'llarimda yotsin chigallar.*

*Mayli, yo'llarimga to'lsin xor-u xas.*

*Baribir, yetarman, ey nurli maqsad,*

*Faqat sen qarshimda chorlab tursang, bas!..<sup>1</sup>*

**Рузиев Яраш Бозорович (Бухарский государственный университет)**  
**ВРЕМЕННОЕ ЗНАЧЕНИЕ ГЛАГОЛЬНОГО ДЕЙСТВИЯ В НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКЕ**

**Annotatsiya.** *Maqolada nemis tilida fe'l bildirib keladigan ish-harakatning zamon ma'nosi va zamon shakllarining ko'chma ma'noda qo'llanishi tahlil qilingan. Zamon shaklining ko'chma ma'nosi turli matnda namoyon bo'ladi va bu hodisa uning paradigmatic va sintagmatik ma'nolari bilan bevosita bog'liq. Qulay kontekstda uning paradigmatic ma'nosi, noqulay kontekstda esa sintagmatik ma'nolari ifodalanadi. Maydon nazariyasiga ko'ra zamon shaklining asosiy ma'nosi yadroni, qo'shimcha ma'nolari esa uning periferiyasini tashkil etadi.*

**Аннотация.** *В статье рассматривается временное значение глагольного действия и возможности метафорических употреблений временных форм глагола в немецком языке. Метафорическое значение временной формы выражается в различных текстах, и это явление напрямую связано с её парадигматическими и синтагматическими значениями. Её парадигматическое значение выражается в благоприятном контексте, а её синтагматические значения – в неблагоприятном. Согласно полевой теории, основное значение временной формы составляет ядро, а дополнительные значения находятся в периферии.*

**Annotation.** *The article deals with the tense meaning of verbal actions and the opportunities of metaphorical use of tense forms in the German language. The metaphorical meaning of the tense form is expressed in various texts, and this phenomenon is directly related to its paradigmatic and syntagmatic meanings. Its paradigmatic meaning is expressed in a favorable context, and its syntagmatic meanings in an unfavorable one. According to field theory, the main meaning of the temporal form is the core and the additional meanings are in the periphery.*

**Kalit so'zlar:** *transpozitsiya, paradigmatic ma'no, sintagmatik ma'no, zamonning morfologik kategoriyasi, zamon xususiyati, hikoya, nutq momenti.*

**Ключевые слова:** *транспозиция, парадигматическое значение, синтагматическое значение, морфологическая категория времени, временная характеристика, повествование, момент речи.*

**Key words:** *transposition, paradigmatic meaning, syntagmatic meaning, morphological category of time, temporal characteristic, narration, speech moment.*

<sup>1</sup> O'sha asar. 50-bet.

Временное значение глагольного действия выражается, как известно, грамматической формой глагола. В последние годы появились работы, посвящённые вопросу семантико-функционального расширения значения временных форм. При этом отмечается, что границы употребления временных форм глагола часто стираются, одни формы берут на себя функции других, и переходят в сферу их функционирования. Все подобные значения временных форм (кроме обобщённых грамматических – настоящее, прошедшее, будущее) связаны с особенностями их употребления в соответствующем тексте (прежде всего в художественном).

Глагольные словоформы выражают, как известно, морфологическую категорию времени. Взаимодействие же глагольной словоформы с элементами текста – контекстуальную категорию времени.<sup>1</sup> Глагольные словоформы в контексте могут иметь значение, которое они не имеют вне данного контекста. Например, немецкий презенс выражает действие в будущем или прошедшем, в русском же языке морфологическое прошедшее может обозначать будущее время (ср. «До свиданья, я пошёл»). В соответствии с этим различают парадигматическое (или основное) значение, вытекающее из значения словоформы, взятой вне контекста (*lesen* – настоящее время) и синтагматическое (или особое) значение, приобретённое этой словоформой в контексте под влиянием определённых элементов, лексических или контекстуальных: *Am 5. September 1823 rollt ein Reisewagen langsam die Landstrasse von Karlsbad gegen Eger zu. ... . In der Kalesche sitzen drei Männer, der großherzoglich sachsen-weimarische Geheimrat v. Goethe und die beiden Getreuen.*

Различаются морфологические категории и функционально-синтаксические. Функционально-семантические категории представляют собой систему языковых средств, которые взаимодействуют при выполнении определённых семантических функций. Эти категории имеют план содержания (образующий временные характеристики глагольного действия) и план выражения в виде языковых средств, относящихся к разным уровням языка – морфологическому, синтаксическому, словообразовательному, и т.д.<sup>2</sup> Как правило, структура категории времени рассматривается по принципу поля. Ядро или центр поля составляет морфологическая категория времени. Все остальные семантико-грамматические и контекстуальные временные средства находятся на периферии данного поля. Глагольная словоформа вступает во взаимодействие с контекстуальными элементами и получает конкретную временную характеристику или другое временное значение. Оказывается, что элементы языка, находящиеся на периферии поля грамматического времени имеют иногда решающее значение при определении временной семантики глагольного действия; они могут изменять её значение и входить в сферу другой временной характеристики, например: *Er geht zum Arzt – Er geht morgen zum Arzt. Was denkst du, was meinem Mann gestern passiert ist: er geht durch den Platz und sieht plötzlich...* . В этих примерах лексические временные детерминанты *morgen* и *gestern* выводят глагольное действие из сферы настоящего времени (которое может быть показано только глагольной словоформой) в сферу будущего и прошедшего. В связи с разработкой теории текста намечается несколько иной подход к категории времени глагола. Исследователи различают грамматическое время (или языковой момент речи, выражаемый грамматической формой глагола) и объективное время (или внеязыковой момент речи, выражаемый лексическими, синтаксическими или контекстуальными средствами).<sup>3</sup> При пользовании концепции грамматико-семантических полей отмечаются лексические средства и грамматические выражения, которые по своему значению соотносятся со значением временных форм глагола:

- ◆gegenwärtig – Präsens – heute, jetzt, ab, seit, im Augenblick, zur Zeit;
- ◆vergangen – Präteritum, Perfekt – gestern, damals, vor, vor kurzem;
- ◆zukünftig – morgen, künftig, in, bis, in Kürze.

К этим средствам следует добавить придаточные предложения времени, семантика которых обуславливает выбор соответствующей временной формы глагола: *Nachdem er die Arbeit gemacht hat, geht er ins Kino.*

<sup>1</sup> Hentschel, Elke und Weydt, Harald. Handbuch der deutschen Grammatik. Berlin, New York, Walter de Gruyter, 2007, p. 110.

<sup>2</sup> Gloning, Thomas. Bedeutung, Gebrauch und sprachliche Handlung. Ansätze und Probleme einer handlungstheoretischen Sicht. Tübingen, Niemeyer, 1996, XII, s. 117 – 118.

<sup>3</sup> Helbig Gerhard, Buscha Joachim. Deutsche Grammatik. 17. Auflage. Leipzig e.a., Langenscheidt, Verlag Enzyklopädie, 1996, s. 502 – 503.

Грамматическая категория времени носит реляционный характер, она выражает отношение действия к моменту речи. Значение этой категории раскрывается морфологической формой глагола. Однако только контекст даёт объяснение употреблению. Грамматическое время согласуется с объективным временем. При отсутствии обстоятельств, являющихся точкой отсчёта времени, за отсчёт принимается реальная ситуация в действительности: *In Jüteborg lebte einmal ein Schmied, der war fromm und trug einen schwarzweissen Rock. Zu ihm kam ganz spät ein Mann.* Временное значение глагольной формы носит виртуальный характер, так как она не соотносится ни с какой определённой точкой отсчёта времени, а определяет действие по отношению к моменту речи. Таким образом, во временном отношении глагольная словоформа связана, с одной стороны, с моментом речи, а, с другой стороны, с определённым объективным временем. В художественном произведении микротекст не всегда имеет обстоятельственные слова, но временные ориентиры всегда существуют в рамках контекста и дают чёткое представление об объективном времени происходящих событий. Контекст достаточно исчерпывающе объясняет употребление временных форм глагола, их согласование.

